


34
A67



А.У.Анорбоев, Р.Х.Хурсанов

**КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК
ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИК БЎЙИЧА
ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИНИНГ
ЗАМОҶАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ:
МИЛЛИЙ, ХОРИЖИЙ
ВА ХАЛҚАРО
ТАЖРИБА**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ҲАРБИЙ
ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

А.У.Анорбоев
Р.Х.Хурсанов

**КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК
ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИК БЎЙИЧА
ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ:
МИЛЛИЙ, ХОРИЖИЙ
ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА**

(Монография)

Тошкент–2020

УДК: 344

ББК: 67

А: 67

А.У.Анорбоев, Р.Х.Хурсанов. Кибержиноятчилик ва киберхавфсизлик бўйича қонун ижодкорлигининг Замоनावий тенденциялари: миллий, хорижий ва халқаро тажриба. (Монография). – Т.: «Aloqachi», 2020. 360 б.

ISBN 978–9943–6397–7–5

“Кибержиноятчилик ва киберхавфсизлик бўйича қонун ижодкорлигининг замоनावий тенденциялари: миллий, хорижий ва халқаро тажриба” номли монография муаллифлар томонидан олиб борилаётган илмий ишлар давоми ҳисобланади.

Ушбу монографияда муаллифлар кибержиноятчилик, кибержиноят, кибермақон, кибертерроризм, киберхавфсизлик, киберкураш, киберхавф, ахборот, телекоммуникация, ахборот технологиялари, коммуникациялар, технология, ахборот хавфсизлиги ва кибержиноятчилик билан алоқадор ўзга тушунчалар ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш бериш билан бир қаторда, кибержиноятнинг мамлакатимиз келажаги учун қанчалик зарарли эканлигини амалий мисоллар билан тушунтириб беришган ва ушбу хавфнинг олдини олиш учун миллий, хорижий ва халқаро қонунчиликни илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этишган.

Мазкур монографиядан ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳаси мутахассислари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларининг ўқитувчилари, ўқувчилари, илмий ходимлари ва ва талабалари, шунингдек, ушбу соҳа бўйича илмий иш қилаётган мутахассис олимлар фойдаланиши мумкин.

УДК: 344

ББК: 67

Такризчилар:

Ушбу монография Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Кенгашининг баённомасига асосан нашр қилишга тавсия этилган.

© А.Анорбоев, Р.Хурсанов, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ходимлари., 2020 й.

ISBN 978–9943–6397–7–5

© «Aloqachi» нашриёти, 2020.

КИРИШ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олмоқда. Биргина мисол, ҳозирда ахборот технологияси кириб бормаган соҳа деярли қолмади ва барча соҳаларда ахборотлаштириш жараёнлари ҳамда бу бўйича ислохотлар шиддат билан давом этмоқда. Ушбу шиддатли жараёнда эса, оғиримизни енгил қилаётган ахборот технологиялари ва коммуникацияларига умумий хавф, яъни киберхавфнинг мавжудлиги ушбу соҳада ҳам бизни сергак тортиб, ҳимояланишимиз зарурлигини ифодалайди. Умуман олганда, ҳозирги кунда киберхавфсизликни таъминлаш учун қандай ишлар амалга оширилиши зарур, қандай ишлар амалга оширилса, мамлакатимизнинг ахборот сиёсатида киберхавфсизлик таъминланади, мамлакатимизда қачон хавфсиз кибермакон яратилади?

Тан олишимиз керакки, мамлакатимизда киберхавфсизликни таъминлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди, аммо ушбу ишлар бўйича қилинаётган ишларнинг ягона тизимлиги эмаслиги натижасида, ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда киберхавфсизликни таъминлашнинг ягона чора-тадбирлари бўйича Киберхавфсизликка қарши курашиш стратегияси ишлаб чиқилмаганли, бу бўйича алоҳида қонун қабул қилинмаганлиги, мамлакат ривожини учун бўлаётган ислохотларни тизимли асосда амалга оширишимиз учун давлат дастури тасдиқланмаганлиги, жиноят қонунчилигимизда кибержиноятчилик бўйича алоҳида моддалар билан, киберхавфсизликни таъминлашнинг зарур воситалари белгиланмаганлиги, кибермаконни яратиш ва кибертерроризм ҳамда кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича ягона ваколатли органни белгилаш борасидаги низолар натижасида қонунчилигимизда юқорида таъкидлаган ислохотларни тизимли асосга келтириш вақти етиб келди.

Тақдим этилаётган монографияда муаллифлар айнан мазкур муаммоли ҳолатларга алоҳида тўхталиб ўтиб, мамлакатимизда хавфсиз кибермаконни яратиш бўйича ўзининг нуқтаи назарини тўхталиб ўтган.

Ушбу монография бўйича тўпланган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат буйича давлат инспекцияси, Давлат статистика қўмитаси, Мусулмонлар идораси томонидан муаммоли масалалар юзасидан берган таклиф ва жавоблари ҳамда мазкур йўналишда илмий тадқиқот олиб борган олимларнинг илмий-изланишлари асосида шакллантирилган.

Мазкур монография ишлаб чиқилиши жараёнида ахборот ва киберхавфсизлик, шу жумладан кибержиноятларни тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатлари рўйхати ўқувчилар учун содда ва тушунарли тилда баён қилинган ва у монографияга илова қилинган.

Ушбу монография муаллифлар томонидан олиб борилаётган илмий ишлар давоми ҳисобланади.

1-боб. Кибержиноят: тушунчаси, моҳияти, ҳуқуқий тавсифи ва унинг зарарли оқибатларини бартараф этиш усуллари

1.1-§. Кибержиноят тушунчаси ва унинг моҳияти

Яқин-яқинларгача биз гиёҳвандлик ва ОИТС балосини аср балоси деб атар эдик, аммо дунё халқларига уларданда кўпроқ, фикримизча, киберҳужумлар зарар келтираётган бўлса ажаб эмас. Биргина мисол, жорий йилда жаҳондаги компаниялар кўрадиган зарар ўтган йил билан таққослаганда 1,6 мартага ошиши кутилмоқда, агар 2018 йилда киберҳужумлар оқибатида кўрилган зарар миқдори 1,5 трлн долларни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу рақам 2,5 трлн долларни ташкил этиши мумкин.

Жаҳон иқтисодий форуми ҳисоб-китобларига кўра, 2022 йилга бориб бу рақам 8 трлн долларга етади. Бу ҳали ҳаммаси эмас, экспертларнинг таъкидлашича, киберҳужумлар кўлами йилдан-йилга ортиб бораверади ва 2030 йилда бунинг оқибатида жаҳон иқтисодиёти 120 трлн. доллар миқдорида зарар кўради. Бунинг асосий сабаби сифатида киберҳужум нишони бўлиши мумкин бўлган технология трендларининг ўсиб бораётганлиги кўрсатилмоқда. Хусусан, 2022 йилда интернетга 1 трлн. дона курилмалар уланади. 2023 йилда эса, 80 фоиз одамлар рақамли дунёдаги ўз “аватар”ларига эга бўлади¹.

Яна бир мисол, McClatchy ахборот хизматининг хабарига кўра, 2017 йил 12 май куни бошланган киберҳужумлар натижасида бир ҳафтага етмаган вақт давомида камида 150 мамлакатда 300 минггача компьютер зарарланган². “ТАСС” хабар беришича, биргина 2017 йилда Windows операция тизимига эга компьютерларга WannaCry вирусидан фойдаланиб уюштирилган оммавий киберҳужум келтирган зарар миқдори 1 млрд. доллардан ошган³.

Таҳлилларга қараганда биргина мамлакатимизда 2019 йилнинг июнь ойи ҳолатига кўра, интернет фойдаланувчилари

¹ Interpress.uz веб-сайтидан: Киберҳужумлардан кўриляётган зарар ортиб бормоқда. <http://interpress.uz/archives/4170>.

² Daryo.uz веб сайтидан: <https://daryo.uz/k/2017/05/25/wannacry-virusi-yordamida-uyushtirilgan-ommaviy-kiberhujum-keltirgan-zarar-miqdori-1-mlrd-dollardan-oshdi/>.

³ Tass.ru веб сайтидан: <https://tass.ru/mezhdunarodnaya-panorama/4279741>.

сони 20 миллиондан ортиқни ташкил этмоқда. Айни пайтда “uz” доменида ўзининг интерактив хизмат ва ахборотларини таклиф этаётган 66 мингдан зиёд сайт бўлиб, ўтган 2018 йилда “uz” доменида жойлашган ушбу сайтларга жами 475 марта хуруж уюштирилган. Шундан 223 таси сайтларнинг бош саҳифасини ўзгартириш, 245 таси контентни берухсат юклаб олиш билан боғлиқ бўлиб, таҳдидларнинг 14 таси давлат ташкилотлари веб-сайтларига бўлганлиги масалага жиддий ёндашиш кераклигини кўрсатади¹.

“Buyuk kelajak” халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепциясини яратиш борасида олиб бораётган изланишларига таянган ҳолда айтишимиз керакки, ушбу киберхужумлар мамлакатимизнинг миллий молиявий тизимини нишонга олган ҳолда иқтисодий хавфсизлигимизга путур етказиш хавфи жуда катта², шунингдек, у сиёсий тизимни саботажлашга қаратилган ҳолда миллий кадриятларимизга путур етказяпти.

Шу жиҳатдан ҳам, киберхавфсизликни давлат хавфсизлиги стратегиясининг бир қисми сифатида ушбу балога ҳар доимгиданда кўпроқ эътибор бериш вақти етиб келди, фикримизча.

Маълумки, кибержиноятчиликни бартараф қилиш учун юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 2030 йилгача ноқонуний пул оқимларини жиддий равишда қисқартириш, ўғирланган активларни излаб топиш ва қайтариш бўйича ишларни жонлантириш, уюшган жиноятчиликнинг барча шакллариغا қарши кураш олиб бориш ва экстремизм кўламларини уларнинг барча шаклларида жиддий равишда қисқартириш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилди³ ва ҳозирда айнан кибержиноятчиликка курашиш борасида зарур чоралар амалга оширилмоқда.

¹ С.Турсунов. Киберхужумлар: янги замоннинг янги таҳдидлари. <http://mahalladosh.uz/post?id=6134#>.

² Uzbekistan2035.uz веб сайтидан: <http://uzbekistan2035.uz/coments/>.

³ Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонун

Хусусан, UZCERT-Ахборот хавфсизлиги инцидентларига чора кўриш хизматининг маълумотларига кўра, давлат органларининг ахборот тизимларида 2018 йил ва 2019 йил биринчи чорагида ахборот хавфсизлиги ҳодисалари мониторинги ўтказилганида 54.953.759 та ахборот хавфсизлиги бузилиши аниқланган бўлиб, улардан 2.502.353 тасининг хавфи юқори даража бўлган¹.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат орган бўлиб, унинг маълумотларига кўра, жорий 2019 йилнинг 1 январь кунидан бошлаб 26 июнь кунига қадар агентлик томонидан мазкур қонун асосида ўтказилган мониторингда болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи 815 та ҳолат аниқланган ва бу кўрсаткич ўтган 2018 йилда 897 тани ташкил этган².

Ҳақиқатан ҳам, шиддат билан давом этиб келаётган ушбу замонда мазкур балога қарши курашиш чораларини янада такомиллаштириш зарур. Кибержиноятчилик ҳақида кенгрок тушунчага эга бўлиш учун, аввало, ушбу тушунчанинг мазмун-моҳияти ҳақида махсус билимга эга бўлиш даркор.

Кибержиноятчилик хусусида жуда кўплаб олимлар фикр юритишган, жумладан, Х.Тухмуродов кибержиноятчилик ҳақида сўз юритиб, уни “ўргимчак тўри” воситасида одамларнинг ишонувчанликларидан усталик билан фойдаланиладиган жиноят деб атайди³.

ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2018 й., 09/18/841/2081-сон, 04.06.2019 й., 09/19/457/3235-сон, 28.06.2019 й., 09/19/532/3344-сон.

¹ С.Садиков. Кибербезопасность Узбекистана в цифрах: итоги 2018 года. // <https://uzcert.uz/blog/saidakbar/kiberbezopasnost-uzbekistana-v-tsifrakh-itogi-2018-goda/>.

² Муаллифнинг сўровига жавобан юборилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги 2019 йил 2 июлдаги 14/2-2187-сон хати.

³ Х.Тухмуродов. Виртуаль оламнинг таълим ва тарбияжараёнига салбий ва ижобий таъсири. “Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили” мавзусидаги XIV Республика илмий-амалий конференция материаллари. III қисм. 2017 йил 27 май. – Самарқанд. 2017. –167 б.

Наздимизча, кибержиноятчилик содир этилишига фақатгина инсонларнинг ишонувчанлиги сабаб эмас, чунки кибержиноятчи олдига қўйилган мақсадига етиш учун олдин тўғридан-тўғри тизимга хужум қилиш чораларини кўради ва бунда фойдаланувчининг ҳолати аҳамиятга эга эмас.

Олим Л.Кочкина кибержиноятчиликни “компьютер маълумотлари соҳасидаги жиноятлар”, “ахборот жиноятлари”, “компьютер ускуналари билан боғлиқ жиноятлар”, “юқори технологиялар компьютерларидаги жиноятлар”, “ахборот соҳасидаги жиноятлар” деб¹, Т.Бородкина ушбу жиноятларни ахборот соҳасидаги жиноят деб атагани². Олим И.М.Рассолов эса, ушбу тоифадаги жиноятларни жиноят қонунчилигида алоҳида жиноят сифатида кўришни таклиф қилади³. Ш.Толмасовнинг фикрича кибержиноят инсонлар томонидан жиноят мақсадида ахборот технологияларидан ноқонуний фойдаланишдир⁴.

Биз олимлар И.М.Рассолов, Т.Бородкина, Ш.Толмасов ва Л.Кочкинанинг фикрларига қисман қўшилган ҳолда, қуйидагиларни таъкидлаб ўтишимиз мақсадга мувофиқ.

Маълумки, амалдаги қонунчилигимизда “компьютер маълумотлари соҳасидаги жиноятлар”, “ахборот жиноятлари”, “компьютер ускуналари билан боғлиқ жиноятлар”, “юқори технологиялар компьютерларидаги жиноятлар”, “ахборот соҳасидаги жиноятлар” тушунчаларига аниқ тушунтириш берилмаган.

Шунингдек, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига асосан, ахборот — манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи

¹ L.Kochkina. Definition of the concept “cybercrime”. Selected types of cybercrime // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2017. №3 (17). –с 2.

² Т.Н.Бородкина, А.В.Павлюк. Киберпреступления: понятие, содержание и меры противодействия. Социально-политические науки. № 1. 2018. –135- 137 с.

³ И.М.Рассолов. Право и Интернет. Теоретические проблемы. –М.: Изд-во НОРМА, 2003. –251-253 с.

⁴ Ш.Толмасов. Глобал макондаги кибержиноятчилик. <http://uz.denemetr.com/docs/768/index-29121-1.html>.

назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлардир¹.

Ахборот технологияси эса, ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлардир².

Телекоммуникациялар бўлса, сигналлар, белгилар, матнлар, тасвирлар, товушлар ёки ахборотнинг бошқа турларини ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электрмагнит тизимларидан фойдаланган ҳолда узатиш, қабул қилиш, қайта ишлашдир³.

Шунга кўра, юқоридагилардан ташқари, кибержиноятчилик фақатгина интернет тармоғи орқали содир этилмаслигини инобатга олган ҳолда айтишимиз керакки, кибержиноятчилик объекти ва предметлари жуда кенгдир, шунга асосан, кибержиноятчиликни бир сўз билан ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги жиноятлар деб аташ мақсадга мувофиқдир. Бу борада эса, Жиноят кодексининг ХХ¹ боби бўлган “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” бобини “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги жиноятлар” деб аташ вақти етиб келди.

В.А.Дуленко, Р.Р.Мамлев, В.А.Пестриковнинг фикрича, “кибержиноят” бу компьютер тармоғидан фойдаланиб содир

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 439-П-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 2-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда.

² Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-П-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

³ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги 822-И-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 4, 157-модда; 2007 йил, № 9, 414-модда; 2011 йил, № 12/2, 366-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда.

этилган ҳар қандай жиноят, яъни электрон муҳитда содир этилган ҳар қандай жиноятдир¹.

Айтишимиз жоизки, кибержиноят компьютер тармоқларидан ўзга ахборот-коммуникация тармоқлари орқали ҳам содир этилиши мумкин, ушбу фикрларга қўшила олмаймиз.

И.Г.Чекунов ушбу жиноятни компьютер ва мобил (уяли) алоқа воситаларига қилинган жиноятдир деб атаган².

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунга асосан, ахборот тизими – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларидир³. Демак, компьютер ва мобил (уяли) алоқа воситаларидан ташқари жами ахборот ресурслари, ахборот технологияларига ҳам қилинган киберхужум натижасида кибержиноят келиб чиқади.

Олим В.А.Номоконовнинг фикрига кўра, кибержиноятлар компьютер жиноятларига қараганда анча кенгдир ва ахборот маконида улар жиноят феноменини аниқ акс эттирилади⁴. Бунга ўхшаш фикрларни И.В.Раманов ҳам таъкидлаб ўтади⁵. Ушбу ҳолатни О.А.Кузнецова тушунтиришга ҳаракат қилиб, кибержиноятчилик компьютердан ташқари, бошқа ахборот технологиялари ва интернет тармоқлари орқали ҳам содир этилганлиги учун ҳам кенг тушунчалигини таъкидлаб, компьютер жиноятчилигини фақатгина электрон қурилмалар ва уларда сақланаётган маълумотларга қарши қаратилган бўлади деб

¹ В.А.Дуленко. Использование высоких технологий криминальной средой. Борьба с преступлениями в сфере компьютерной информации: учебное пособие. Уфа, 2007. – с. 27.

² И.Г.Чекунов. Киберпреступность: понятие и классификация // Российский следователь. 2012. № 2. – 37-44 с.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-П-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

⁴ В.А.Номоконов/ Киберпреступность, как новая криминальная угроза / В.А. Номоконов, Т.Л. Тропина // Криминология. Вчера. Сегодня. Завтра. 2012. №1 (24). – с. 47.

⁵ И.В. Романов. Понятие киберпреступлений и его значение для расследования // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2016. №5 (13). –106 с.

тушунтириш берган¹. Шу каби фикрлар urist.one веб сайтида ҳам қайд этилган бўлиб, унга асосан кибержиноят–электрон соҳада компьютер тизимлари ёки тармоқлари ёрдамида ёхуд уларга қарши қаратилган ҳар қандай жиноятдир².

Юқоридаги фикрларда албатта жон бор, аммо шу билан биргаликда айтишимиз керакки, ҳақиқатан ҳам кибержиноятчилик фақатгина компьютер жиноятчилиги деб аталмайди, чунки компьютер ускунаси ҳисобланмайдиган, аммо ахборот технологияси ва коммуникацияси ҳисобланадиган воситалар орқали ҳам кибержиноятчиликни содир қилиш мумкин. Биргина мисол, АҚШда “Эшелон” деб аталмиш электрон хавфсизлик тизимига кирувчи, АҚШ разведкаси назорат қиладиган АҚШ, Канада, Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия давлатларини бирлаштирган электрон хавфсизлик занжирга кибержиноятчилик интернет тармоғисиз электрон бўлмаган телекоммуникация воситаларидан фойдаланишган ҳолда киберҳужум уюштиришган. Жиноятчилар ўзларининг хабарларини эса криптографик ёки қисқартириш усуллари билан яширишган ва “Эшелон” тизимидаги алгоритм четлаб ўтилиб, тизим аввал ўчирилган, сўнг ҳужум амалга оширилган, ваҳоланки, “Эшелон” мазкур давлатларнинг барча электрон воситаларини назорат қилиб турган³.

Компьютерлар томонидан моделлаштирилган, инсонлар, объектлар, ҳодисалар, ҳолатлар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, математик, рамзий ёки бошқа ҳар қандай маънода ифодаланган, маҳаллий ва глобал компьютер тармоқларида ҳаракат қиладиган ёки ҳар қандай жисмоний ёхуд виртуал курилма хотирасида сақланадиган маълумотлар, шунингдек, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш учун махсус ишлаб чиқилган дастурлар орқали содир этиладиган ҳар қандай жиноятни олим А.В.Федоров кибержиноят деб атайди⁴.

¹ Третий пермский конгресс ученых-юристов : материалы междунар. науч.-практ. конф. Пермь, 12 окт. 2012 г. / отв. ред. О.А. Кузнецова. – Пермь : Перм. гос. нац. иссл. ун-т, 2012. – 289 с.

² Urist.one веб сайтидан: Киберпреступление. <https://urist.one/dolzhnostnye-prestupleniya/kiberprestupnost/kiberprestuplenie.html>.

³ М.М.Самчук. Кибертерроризм и особенности его проявления. <http://kursak.net/kiberterrorizm-i-osobennosti-ego-proyavleniya/>© kursak.net.

⁴ А.В.Федоров. Информационная безопасность в мировом политическом процессе. – М.: МГИМО-Университет, 2006. – 11 с.

Биз ушбу фикрларга қисман қўшилган ҳолда, фақатгина юқорида кибержиноятчиликнинг компьютер ускуналари орқалигина эмас, бошқа ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали ҳам содир этилишини инобатга олган ҳолда, ушбу фикрларга қўшимча қилиб, мазкур жиноятларни тергов қилаётган шахслар қуйидагиларга эътибор беришлари лозимлигини таъкидлаб ўтишимиз жоиз.

Хусусан, объектив шаклда ифодаланган ҳамда электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) ёрдамида топиш ва ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар мажмуи маълумотлар базасини ташкил қилади, объектив шаклда ифодаланган ҳамда муайян натижа олиш мақсадида ЭҲМ, ЭҲМ шохобчалари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи ЭҲМ учун яратилган дастур бўлса¹, алгоритм тилида тақдим этилган операциялар, командалар ва маълумотларнинг мантиқий ташкил этилган йиғиндисидан иборат ва муайян натижага эришиш мақсадида компьютерда амалга ошириш учун мўлжалланган интеллектуал мулк объекти эса дастурий таъминот воситаси ҳисобланади.

Ушбу дастурларнинг мулкдорлари бўлмиш, дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри мавжуд бўлиб, Миллий реестр он-лайн режимида software.uz Интернет-порталида электрон шаклда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан юритилади².

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги 1060-ХП-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2013 йил 28 ноябрдаги 62-мх, 52 ва 109-сон қарори (рўйхат рақами 2541, 2013 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 701-модда) билан тасдиқланган Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги низом (рўй.: 2541, 26.12.2013 й.). // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 701-модда; 2016 й., 18-сон,

Ушбу реестрда дастурий таъминот воситасининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига қараб терговчи, суриштирувчи ёки прокурор терговнинг йўналишини аниқлаштириб олишлари мумкин.

Т.Л.Тропинанинг фикрича, кибержиноятлар бу компьютер тизимлари ёки компьютер тармоқлари ёхуд компьютер ичидаги маълумотларга қарши киришнинг бошқа воситалари ёрдамида киберфазода содир этилган жиноятлар мажмуидир¹.

Elcomrevue.ru веб сайти эса, кибержиноятчилик ҳақида сўз юритиб, виртуал макондаги жиноятчилик бўлиб, компьютерлар, унинг дастурлари ва тармоқларига ноқонуний равишда кириш, ундаги маълумотларни рухсатсиз ўзгартириш, шунингдек, улар ёрдамида бошқа ижтимоий хавфли қилмишларни содир этиш кибержиноятчилик дейилади, дуб тушунтириш беради².

Т.Л.Тропина ва ушбу сайтнинг мазкур фикрлари хусусида аниқ тушунчага эга бўлиш учун олдин, кибермакон деган тушунчанинг моҳиятини англаб олишимиз даркор.

Умуман олганда ушбу тушунча ҳақида олимлар турлича тушунтириш беради, уларнинг бир қисми унга компьютер тармоғи орқали бир-бири билан боғланган ва бир вақтнинг ўзида турли географик нуқтада кесишувчи ҳар қандай компьютернинг график сифатидаги маълумотларига ўралашиб қолган кишилар жамоасидир деб³, ушбу тушунчага асос солган ёзувчи Уилям Гибсон томонидан 1984 йилдаги ўзининг “Cyberspace ” (“Кибермакон”) деб номланган трилогиянинг биринчи романи “Neuromancer” (“Нейромант”) да уни дунёнинг барча компьютерларидаги электрон маълумотлар айланиб юрадиган виртуал макон деб таърифлайди⁴, бошқа олимлар эса, уни рақамли

206-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.03.2018 й., 10/18/2541-2/0886-сон.

¹ Тропина Т.Л. Киберпреступность: понятие, состояние, уголовно-правовые меры борьбы: дис... канд. юрид. наук: 12.00.08. Владивосток, 2005.—36-38 с.

² Elcomrevue.ru веб сайтдан: Киберпреступность — определение, классификация интернет угроз. <http://elcomrevue.ru/kibeoprestupnost-что-это/>.

³ Sh.Shayakubov. “Dinshunoslik” fanidan o‘quv-uslubiy majmua. – T.: TMI, 2018. –111 b. / И.Саифназаров, М.Хужаев. “Кибермакон”да дин ниқобидаги “киберхужум”лар таҳдиди. [www.bukhari.uz/ http://fikr.uz/blog/vatanparvar/kibermakon da-din-ni obidagi-kiber uzhum lar-ta didi.html](http://fikr.uz/blog/vatanparvar/kibermakon-da-din-ni-obidagi-kiber-uzhum-lar-ta-didi.html).

⁴ Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Муаллифлар жамоаси: Д.М.Амиров, А.Ю.Атаджанов, Д.Ю.Атаджанов, Д.А.Ибрагимов,

муҳит деб атаб, уни алмашиш ва бошқариш, шунингдек, турли хил тармоқларда алоқаларни амалга ошириш мақсадида агентларнинг ўзаро таъсирининг ўта мураккаб тизимларини яратишга имкон берадиган ахборот-коммуникация технологиялари маъсулотлари фаолият кўрсатадиган майдондир деб тушунтириш бериб ўтади¹. Шу ўринда, виртуал сўзининг маъносига эътибор қаратиб ўтадиган бўлсак, унга луғатларда инглизча “virtual” ва русча “виртуальный” сўзларидан олинган бўлиб, воқеий бўлиб кўринган, бироқ вазифалари бошқа мосламалар томонидан бажариладиган функционал мосламадир², деган тушунтириш берилади.

Фикримизча, кибермакон нафақат виртуал маконда, балки ўзга ҳудудларда ҳам ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали кибержиноятчилик содир этилиши учун имконият ва шароит яратиб берадиган, шунингдек, ушбу майдонда киберхавфсизликни таъминлайдиган ҳудуд ҳисобланади.

Демак, кибержиноятчилик киберфазодан ташқари ҳудудда ҳам, компьютер тармоқларидан ташқари ўзга тармоқларда ҳам содир этилиши мумкин ва шунинг учун ҳам ушбу тушунча жуда кенг тушунча ҳисобланади.

Баъзи веб-сайтлар ҳар қандай компьютер ёки унинг қурилмаси ёрдамида содир этиладиган жиноятларни кибержиноятчилик деб атайди³. Бу биз сўз билан айтганда бу тўғри, аммо бошқа томондан ўйлаб қарасак бу нотўғридир. Сабаби Жиноят кодексининг 4-моддасига кўра, содир этилган қилмишнинг жинойийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади, шунингдек, ушбу кодекснинг 10-моддасига асосан, қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши

З.Ё.Раҳимжонов, С.С.Саидхўжаев. –Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси нашриёти, 2010. –107 б.

¹ Д.Е. Добринская. Киберпространство: территория современной жизни. –М.: научный журнал Московского государственного университета. 2018. Т. 24. № 1. – 59 с.

² Ахборот-коммуникация технологиялари изохли луғати. Муаллифлар жамоаси: Д.М.Амиров, А.Ю.Атаджанов, Д.Ю.Атаджанов, Д.А.Ибрагимов, З.Ё.Раҳимжонов, С.С.Саидхўжаев. –Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси нашриёти, 2010. –56 б.

³ Sys-team-admin.ru веб сайтидан: Киберпреступления: понятие, виды и методы защиты. <https://sys-team-admin.ru/stati/bezopasnost/170-kiberprestupnost-ponyatie-vidy-i-metody-zashchity.html>.

шарт, демак, кибержиноятчилик бизнинг қонунчилигимизда йўқ экан, ҳар қандай веб-сайтда содир этилган қилмишларни ҳозирча кибержиноят деб аташга ҳаққимиз йўқ. Масалаланинг тўғрилиги шундаки, кўпчилик ривожланган давлатларда айнан кибержиноятчиликка қарши курашиш учун ўз қонунчилигида ушбу тушунчанинг моҳиятини кўрсатиб ўтишган ва бу бўйича алоҳида сиёсат юритишади. Бундай қилишларига сабаб эса, кибержиноятчилик минглаб километр узоқликда бўлган ўзга ҳудудлардан туриб ҳам содир этилиши мумкин. Мисол учун, Буюк Британиянинг Суррей графлигида яшаб келган ҳаваскор ҳакер Дэниэл Кэй Африкадаги Либерия давлатининг телефон компаниясига киберҳужум уюштириши натижасида бутун Либерияни интернетсиз қолдирган¹.

А.Ксениянинг фикрича, кибержиноят бу компьютер тизимлари, тармоқлари ва маълумотлари орқали уларнинг махфийлиги, яхлитлиги ва мавжудлигига, шунингдек, ушбу тизимлар, тармоқлар ва маълумотларнинг суистеъмол қилинишига олиб келувчи ҳуқуқбузарликдир².

Жиноят кодексининг 14-моддасига асосан, Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий ҳавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади³.

¹ Д.Кашани. Британец, который сбил Либерию в автономном режиме с помощью кибер-атаки. ВВС маълумоти, <https://www.bbc.com/news/uk-46840461>.

² А.Ксения. Киберпреступность как угроза современному информационному обществу. – Таганрог. 2015. – 2 с. <https://nsportal.ru/ap/library/nauchno-tekhnicheskoe-tvorchestvo/2018/11/17/kiberprestupnost-kak-ugroza-sovremennomu-0>.

³ Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10-моддасига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади¹.

2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда;

Демак, наздимизча, кибержиноятчиликни маъмурий ҳуқуқбузарликка тенглаштириш нотўғри бўлиб, у агарда миллий қонунчилигимизга киритилса, уни жиноят деб аташимиз даркор ҳамда уни ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали содир этиладиган жиноят деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, кибержиноятчилик тушунчаси жуда кенг тушунча бўлиши билан бир қаторда, у ўзининг кенг қамровлиги ҳамда жабрланувчиларга жуда катта зарарни тез ва осон йўллар орқали амалга ошириши билан ҳарактерлидир. Баъзи олимлар, ушбу балони жиноятчилар ва жабрдийдаларнинг интернет-маданият меъёрларига риоя қилмаслиги оқибатида юзага келмоқда, деб ҳисоблайдилар¹. Ҳақиқатан ҳам бу фикрларда жон бор, кўпчилик ҳолларда кибержиноятчилик содир этилишига жабрланувчиларнинг ўзлари шароит ва имконият яратиб бермоқда, хатто баъзи ҳолатларда ўзлари қўштироқ ичидаги “хаккерлик илми”ни эгаллаш ниятида ҳам ўзларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини синаб кўришмоқда, қизиқиш ортидан эса жуда кўплаб зиёнлар вужудга келмоқда.

Ҳозирги шароитда киберхавфсизликни таъминлаш борасида мамлакатимизда Юртбошимиз бошчилигида олиб бораётган ислохотлар халқимизнинг оғирини енгил қилиб, халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқимиз учун хизмат келиши керак нақлида олиб борилмоқда. Аммо, бу дегани халқимиз лоқайдлик билан, сен менга тегма, мен сенга тегмайман, ҳаммасини давлат идоралари қилиши керак дегани эмас, лоқайдлик хусусида Президентимиз Буюк аллома Нажмиддин Кубро хазратлари “Муваффақиятни – саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни эса – лоқайдлик ва дангасаликда кўрдим”, деб бежиз айтмаганлигини

2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар.

¹ Ахборот хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. Муаллифлар жамоаси: С.М.Гафуров, А.Ганиев, О.Ш.Узоқов, Ҳ.С.Эгамбердиев. –Т.: Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети нашриёти. 2017. – 33 б.

иктибос қилиб айтадиган бўлсак, қачонки халқимизда лоқайдлик йўқолса, мамлакатимиз тинч ва осойишта бўлади.

Кибержиноятчилик эса ўз-ўзидан халқимизнинг огоҳлиги туфайли камайиб бораверади, халқимиз кўриши керак бўлган, мамлакатимиз иқтисодига келиши мумкин бўлган зарарнинг олди олинади, жиноятлар охиригача тугалланмай қолади. Натижада, мамлакатимизда жиноятчилик минимал ҳолатга камайиб, халқимизнинг давлат органларига бўлган ишончи ортади. Шу жиҳатдан ҳам, эртанги кунимиз ўз қўлимизда. Зеро, ватан манфаатлари ҳам биримизнинг манфатимиздир. Шу сабабдан ҳам огоҳ бўлайлик ва лоқайдикка қари курашайлик, натижада кибержиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айланайлик, фикримча бу ўз қўлимиздадир.

1.2-§. Кибержиноятларни квалификация қилишнинг жиной- ҳуқуқий тавсифи ва криминологик жиҳати

Кибержиноятнинг таркиби ҳам бу борадаги жиноятларни квалификация қилишда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Жиноят кодексининг 16-моддасига асосан, ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади¹.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1,

Жиноят таркибини эса, жиноят қонунчилигида жиноят деб топиш учун зарур бўлган жиноят объекти, субъекти ва ушбу жиноятнинг объектив ва субъектив томонлари ташкил этади. А.С.Якубовнинг фикрича эса, жиноят таркиби жиноят қонунчилигида аниқ бир ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб таърифловчи энг кам ва етарли объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидир¹. Жиноят томонлари албатта ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиши зарур. Энг ками дегани ушбу қилмишда жиноят таркибининг зарурий элементларидан ҳеч бўлмаганда бири бўлмаган такдирда шахсни жиноий жавобгарликка торитиш мумкин эмаслигини ифодалайди².

Демак, киберҳужум содир этилган бўлса-ю, уни кибержиноят амалга оширилди деб аташимиз учун, аввало, ушбу жиноятнинг барча таркибий элементлари амалда ўз тасдиғини топиши керак.

Шунга кўра, айтишимиз жоизки, кибержиноят таркиби объектив ва субъектив белгилардан ташкил топади. Объектив (ташқи) белгилар ушбу жиноят таркибининг объекти ва объектив томонини, субъектив (ички) белгилар эса, мазкур жиноят таркибининг субъекти ва субъектив томонини тавсифлайди. Шунга монанд равишда, кибержиноят таркиби ушбу жиноятнинг объекти, объектив томонини, субъекти ва субъектив томони каби элементлардан ташкил топади.

Кибержиноят таркиби ҳисобланган, кибержиноятнинг объекти жиноят қонуни билан кўриқланадиган, киберхавфсизликни таъминлашга хизмат қилувчи, кибержиноятчиликнинг олдини

1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар.

¹ А.С.Якубов. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении: предпосылки, реальность, перспективы. – Т.: 1996. – 95 с.

² Муаллифлар жамоаси. А.С.Якубов, Р.Кабулов, З.С.Зарипов, М.М.Қодиров, Қ.Мирзажанов, Б.А.Миренский, Ю.С.Пулатов, А.А.Отажанов. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. // –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 91 б.

олувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Жиноят қонуни айнан шу ижтимоий муносабатларни жиноий тажовузлардан кўриқлайди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, кибержиноятнинг умумий объекти киберхавфсизликни таъминловчи муносабатларни жиноий тажовузлардан кўриқовчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг мазмунига кўра, ушбу жиноят объекти умумий, махсус, турдош ва бевосита объектларга бўлинади ҳамда жиноят қонунининг Махсус қисми айнан шу тартиб асосида тизимлаштирилган. Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятнинг объекти сифатида фақатгина ижтимоий муносабатлар тушунилади. Ижтимоий хавфли қилмиш натижасида зарар етказилиши мумкин бўлган моддий нарса ёки буюмлар ушбу жиноятнинг предмети деб юритилади. Масалан, ўзгалар мулкани киберхужум орқали талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг объекти, шахсларнинг мулкий муносабатларини кўриқловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади, ушбу жиноятнинг предмети эса турли хил мулк бўлиши мумкин, мисол учун, пул, қимматбаҳо буюмлар.

Кибержиноят таркиби элементларидан яна бири ушбу жиноятнинг объектив томонидир. Кибержиноятнинг объектив томони деганда, атроф муҳитда бирор муайян ўзгаришга олиб келадиган шахснинг ақлий ва иродавий хулқ-атвори (хатти-ҳаракати) тушунилади. Ушбу элементнинг зарурий белгилари ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ва жиноий оқибат (келиб чиққан салбий ўзгариш) ҳамда қилмиш ҳамда оқибат ўртасидаги сабабий боғланишлар ҳисобланади. Жиноят содир этиш вақти, жойи, усули, шароити, ҳолати, қуроли ва воситалари объектив томонининг қўшимча белгиларидир.

Баъзи кибержиноят ҳисобланиши зарур бўлган жиноятлар таркибининг объектив томонига хос белгилар Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларининг диспозицияларида баён этилган. Мисол учун, Жиноят кодексининг 278²-моддасида компьютер саботажини ўзганин компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш деб таърифланади.

Кибержиноят таркибининг кейинги элементи мазкур жиноят субъектидир. Кибержиноят субъекти деганда, Жиноят кодексида белгилаб қўйилган ва у билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказувчи ижтимоий хавфли қилмиш содир

этган, Жиноят кодексининг 17-модасига асосан, жавобгарлик ёшига етган, Жиноят кодексининг 18-моддасига кўра, ақли расо жисмоний шахс назарда тутилади.

Кибержиноят таркибининг кейинги асосий элементи жиноятнинг субъектив томонидир. Мазкур жиноятнинг субъектив томони – шахснинг содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишга ва унинг оқибатига бўлган рухий муносабатидир. Субъектив томон белгиларига айб, мотив (ният) ва мақсад киради.

Демак, кибержиноят таркиби бўлиши учун кўрсатиб ўтилган тўртта элементнинг барчаси, яъни жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони мавжуд бўлиши ҳамда уларнинг ҳар бирини таърифловчи қонунда кўрсатилган белгилар бўлиши шарт.

Кибержиноятнинг таркибини аниқлаштиришда олимлар фикрлари ҳам турличадир, хусусан, кибержиноятнинг қай тариқа содир этилиши хусусида А.Норов кибержиноят инсонлар томонидан бойлик орттириш ёки бошқа ғаразли мақсадларда ахборот технологияларидан ноқонуний фойдаланган ҳолда содир этилган хавфли жиноятдир деган фикр юритади¹. Ҳақиқатан ҳам, ушбу жиноятда ғараз бўлади ва қилмиш тўғри қасддан содир этилади. Ушбу ҳолат хусусида ҳам олимлар турлича тушунтириш беришган, аксарият олимлар бундай жиноятнинг содир этилишида айб кўпинча эҳтиётсизлик ёки эгри қасд билан тавсифланади, дейдилар². Н.И.Коржанский ушбу жиноят кўпинча бепарволик оқибатида содир этилади, деб ҳисобласа³, Д.И.Элмурзаев Россия Федерациясининг қонунчилигига асосан шахс қасддан таҳдид ва ғараз ниятида ушбу жиноят содир этади, деб тушунтириш беради⁴, А.Н.Прикмета ҳақиқатан ҳам ушбу жиноятларнинг субъектив томонини айбнинг тўғри қасддан содир этилгани ташкил этади деб

¹ А.Норов. Ахборот хавфсизлиги – давр талаби. – Қарши. Қашқадарё газетаси. 25.07.2019. <http://qashqadaryogz.uz/oz/read/akhborot-khavfsizligi-davr-talabi>.

² Д.С.Злыденко. Категории преступлений и их субъекты: Уголовно-правовые аспекты тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук.– Краснодар. 2003., –52 с.

³ Н.И.Коржанский. Квалификаций преступлений против личности и собственности. –Волгоград, 1984., –с.18.

⁴ Д.И.Элмурзаев. Уголовная ответственность за доведение до самоубийства тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –М.: 2004. –24 с.

таъкидлайди¹, А.А.Цыркалюк эса, ушбу жиноятларнинг ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизликдан содир этилиши ҳақида сўз юритади², М.В.Арзамасцевнинг фикрига кўра, ушбу жиноятларнинг субъектив томондан қай тариқа содир этилиши етарлича жиноят қонунчилигида кўрсатиб берилмаган деб таъкидласа³, А.Наумов, Б.Здравомыслов, И.Козаченко, З.Незнамов ушбу жиноятларнинг субъектив томонини бевосита эгри қасд билан таърифлайди⁴. Фикримизча эса, олим Д.И.Элмурзаев, А.Н.Прикмета ва А.Норовнинг фикрларига қўшилиш керак, сабаби кибержиноятчи олдиндан қандай мудҳиш жиноят содир этаётганини билади, хатто жабрланувчи билан ўзаро курашда унинг ютқазилишини таъминлаш мақсадида унга турли хил ҳужумларни ўзи хоҳлаб, онгли равишда унга қандай зарар келтираётганини билган ҳолда амалга оширади. Хатто, баъзи ҳолларда, бундан ғурурланиш ҳиссигача боради. Биз ушбу ҳолатни тушунтиришимиз учун истаган Интернет кафеларда ўтирган болаларнинг ўзаро гуруҳ шаклида, уларнинг соғлиғи ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатадиган интернет ўйинларини ўйнашлари ва ўзларининг мақсадини амалга ошириш, ўйинда ғолиб бўлиш ҳамда ҳимояланиш учун қандай чораларни кўраётганлиги билан боғлиқ визуал ҳолатни кўз олдимизга келтирсак, ушбу жиноятни ҳақиқатан ҳам тўғри қасддан содир этилишлигини билиб олишимиз мумкин.

Юқоридаги фикрларнинг исботи сифатида Озорбойжон жиноят қонунчилигида ҳам ушбу жиноят субъектив томондан тўғри қасддан содир этилади, жиноятчи мазкур жиноятни содир этишни тўғридан-тўғри ният билан тавсифланади. Шундай қилиб, компьютер тизимига ёки унинг бир қисмига ноқонуний равишда кирган киши ўз ҳаракатларининг ноқонунийлиги ва ижтимоий

¹ А.Н.Прикмета. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 29.

² А.А.Цыркалюк. Уголовная ответственность за доведение до самоубийства тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –Тамбов, 2011, –10 с.

³ М.В. Арзамасцев. К вопросу об уголовно-правовой классификации киберпреступлений. –М.: Уголовное право. Актуальные вопросы права и отраслевых наук: 1(3)/2017. –с. 12.

⁴ Абдуллаев А.С. Уголовно-правовой и криминологический анализ надругательства над телами умерших и местами их захоронения тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук. – Махачкала. 2002., –с. 168.

хавфлилигини биледи ва уни ўзи хоҳлайди. Шунингдек, бу ерда ёки бошқа шахсий мақсадларда сақланадиган компьютер маълумотларини олиш учун киши ўзга шахсинг компьютер тизимига кириши керак¹.

Кибержиноятчиликнинг субъекти хусусида ҳам олимларнинг фикрлари турличадир, мисол учун Э.Харина², И.Глотина³ техник имкониятларни билишга қодир истаган шахс–маҳсус субъект ушбу жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин деб ҳисоблайдилар, В.Робулнинг фикрига асосан, истаган фойдаланувчи жиноят субъекти бўлиши мумкин⁴, А.Г.Волеводз эса, вояга етган ва ахборот технологиялари ва коммуникациялари бўйича мутахассис ушбу жиноятнинг субъекти деб атайди⁵, Н.Лимож, М.Косовичнинг фикрига кўра эса, ахборот технологияси ва коммуникация воситалари ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган шахслар ҳам, кибержиноятчиликнинг субъекти бўлиши мумкин ва бунда уларнинг ёши аҳамиятга эга эмас, деб ҳисоблайдилар⁶.

Бизнинг фикримизча эса, Жиноят кодексининг 17-моддасига асосан, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортилишини ва ахборот технологиялари ва коммуникация воситалари бўйича тўлиқ билимга эга бўлмаган шахслар ҳам кибержиноятчиликни содир этиши мумкинлигини инобатга олиб айтадиган бўлсак, миллий қонунчилигимизга кибержиноятчилик тушунчаси ва механизми

¹ Характеристика киберпреступлений против банковской деятельности в законодательстве Азербайджанской Республики. Евразийский юридической журнал. № 6 (85) 2015. <http://www.eurasiafinace.ru/naunye-stati/item/914-kharakteristika-kiberprestuplenij-protiv-bankovskoj-deyatelnosti-v-zakonodatelstve-azerbajdzhanskoj-respubliki.html>.

² Э.Харина. Киберпреступления: уголовно–правовой и криминалистический аспект. –М.: Вестник университета имени О.Е. Кутафина, №5. 2017. –169 с.

³ И.Глотина. Киберпреступность: основные проявления и экономические последствия. –М.: Вопросы экономики и права. № 8. 2014. –12 с.

⁴ В.И.Робул. К вопросу о проблемах расследования киберпреступлений. // Научное сообщество студентов: Междисциплинарные исследования: сб. ст. по мат. LVI междунар. студ. науч.-практ. конф. № 21(56). URL: [https://sibac.info/archive/meghdis/21\(56\).pdf](https://sibac.info/archive/meghdis/21(56).pdf).

⁵ А.Г.Волеводз. Конвенция о киберпреступности: новации правового регулирования. –М.: Правовые вопросы связи. 2007. № 2. – 17-25 с.

⁶ Н.Лимож, М.Косович. Киберпреступления: особенности совершения и предупреждения. <http://bii.by/tx.dll?d=301093>.

киритилса, бу жиноят субъектининг ёшини 16 ёшга тўлган ҳақ қандай ақли расо шахсни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги ҳолатларнинг исботи сифатида айтиб ўтишимиз жоизки, Озорбойжон жиноят қонунчилигида ҳам ушбу ҳолат кузатилади, яъни ушбу жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо шахсдир. Бу компьютер тизимига ёки унинг қисмига кириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан амалга оширилади¹.

Шунингдек, А.Н.Прикмета ҳам ушбу жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо шахс деб ҳисоблайди².

Кибержиноятчиликнинг объекти хусусида ҳам олимлар турлича ўз муносабатларини билдиришади, хусусан, А.Г.Волеводз фикрига кўра, жиноят қилиш мақсадида қонунга хилоф равишда ахборотларга эга бўлиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга оид ҳуқуқий муносабатлар ушбу жиноятнинг объектини ташкил қилади³, фикримизча, кибержиноятчилик объекти кенгроқдир, сабаби ушбу жиноят субъекти мазкур жиноятни амалга ошириш учун фойдаланувчига оид бирон бир маълумотлардан ташқари, унинг мулкига ҳам таъсир кўрсатиш чораларини кўради.

В.Робулнинг фикрига асосан, ахборот тизими, ахборот маълумотлари ва ахборот-коммуникация тармоғи кибержиноятнинг объекти ҳисобланади⁴.

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунга асосан, ахборот тизими – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жихатдан

¹ Характеристика киберпреступлений против банковской деятельности в законодательстве Азербайджанской Республики. Евразийский юридической журнал. № 6 (85) 2015. <http://www.eurasiafinace.ru/naunye-stati/item/914-kharakteristika-kiberprestuplenij-protiv-bankovskoj-deyatelnosti-v-zakonodatelstve-azerbajdzhanskoj-respubliki.html>.

² А.Н.Прикмета. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 30 с.

³ А.Г.Волеводз. Противодействие компьютерным преступлениям: правовые основы международного сотрудничества. – М.: ООО “Издательство “Юрлитинформ”, 2001. – 57, 60 с.

⁴ В.И.Робул. К вопросу о проблемах расследования киберпреступлений. // Научное сообщество студентов: Междисциплинарные исследования: сб. ст. по мат. LVI междунар. студ. науч.-практ. конф. № 21(56). URL: [https://sibac.info/archive/meghdis/21\(56\).pdf](https://sibac.info/archive/meghdis/21(56).pdf).

тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларидир¹.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан, ахборот маҳсулотлари (маҳсулот) — фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқ тайёрланган ва фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган ёки қўлланиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот ҳисобланади².

“Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонунга асосан, телекоммуникациялар тармоғи – узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимиль турларини, маълумотлар узатиш ва ҳужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуидир³.

В.Робулнинг фирқларига қўшилган ҳолда, унга қўшимча равишда ахборот-коммуникациялари орқали ахборотга эга бўлиш, уни қайта ишлаш, ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот-коммуникация ва рақамлаш тизими ҳам ушбу жинойтнинг объекти бўлиши мумкин.

М.Назыковнинг фикрига асосан, бугунги кунда ушбу жинойтнинг объектини турли хил мамлакатларнинг фуқаролари,

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

² Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида” 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 3-сон, 17-модда.

³ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги 822-I-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 4, 157-модда; 2007 йил, № 9, 414-модда; 2011 йил, № 12/2, 366-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда.

бизнес ташкилотлари ва хайрия фондлари, институтлар ва органлар, шунингдек, тижорат ёки маданий фаолиятни амалга ошириш, Интернетда сиёсий жараёнларни ва давлат ҳокимиятини бошқариш жараёнларида иштирок этувчи давлат хизматчилари ташкил этади¹.

Фикримизча эса, М.Назыковнинг фикрларига қўшилиб бўлмади, сабаби кибержиноятнинг объекти жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар бўлиб, жиноий тажовузлар шуларга қаратилган бўлади².

Озорбойжон жиноят қонунчилиги бўйича ушбу жиноят объектини жамоатчилик билан алоқалар, ошкор этилиши ва махфий сақланиши лозим бўлган компьютер маълумотлари ташкил этади³.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу таъкидланган муносабатлар, мазкур жиноятнинг объектини ташкил этади, аммо кибержиноят юқорида таъкидлаганимиздек, кенгрок тушунча бўлганлиги сабабли, ушбу давлатнинг жиноят қонунчилигида кўрсатилган жиноят белгилари мазкур жиноят объектига тегишли белгилардан эканлигини таъкидлаш, фикримизча, ўринлидир.

А.Н.Прикмета мазкур жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини, шунингдек, маълумотлардан қонуний ва хавфсиз фойдаланишга оид муносабатлар ташкил этади,

¹ М.А.Назыков. Борьба российской федерации против киберпреступности на национальном и международном уровне. Направление 41.04.04 – «Международные отношения» Основная образовательная программа магистратуры «Мировая политика». –Санкт-Петербург. 2018. – с.18.

² Муаллифлар жамоаси: А.С.Якубов, Р.Кабулов, З.С.Зарипов, М.М.Қодиров, Қ.Мирзажанов, Б.А.Миренский, Ю.С.Пулатов. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълимнинг 380000 – “Ҳуқуқ” соҳаси 5380100 – “Юриспруденуия” йўналиши бўйича дарслик сифатида рухсат берилган. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2009. – 111 б.

³ Характеристика киберпреступлений против банковской деятельности в законодательстве Азербайджанской Республики. Евразийский юридической журнал. № 6 (85) 2015. <http://www.eurasiainace.ru/naunye-stati/item/914-kharakteristika-kiberprestuplenij-protiv-bankovskoj-deyatelnosti-v-zakonodatelstve-azerbajdzhanskoj-respubliki.html>.

деб таъкидлайди¹. Биз, мазкур, фикрларга тўлиқ қўшилмаймиз, сабаби кибержиноят ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали содир этилган тақдирдагига ёки улар билан ҳимояланган тизимни бузиб кириш орқали содир этилгандагига ушбу жиноятларни кибержиноят деб аташимиз мумкин, қолган ҳолларда, бошқача усуллар билан мазкур ижтимоий муносабатларга нисбатан қилинган тажовуз ёки тажовузкорноа ҳаракат кибержиноят ҳисобланмайди ва бунда жиноятнинг қандай усулда содир этилгани ёки қай мақсадда содир этигани аҳамиятга эга эмас. Энг муҳими, ахборот технологияси ва коммуникацияси билан ҳимояланмаган тизимга оид муносабатларми, бўлди, мазкур ижтимоий қилмишларни биз кибержиноятларга алоқадор деган фикрга келишимиз ва шу асосда мазкур жиноятларни квалификация қилишимиз мумкин.

Мазкур жиноятлар объектив томондан турлича усуллар орқали содир этилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, олимлар ушбу жиноятнинг объектив томони ҳақида сўз юритишар экан, мазкур жиноятнинг объектив томони ҳақида турлича тушунтириш берадилар. Жумладан, А.Г.Волеводз фикрига кўра, объектив томондан ушбу жиноят ҳар доим муайян ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ва компьютерда сақланиши мумкин бўлган маълумотларга ноқонуний кириш орқали содир этилади², А.Тер-Акоповнинг фикрига кўра, ушбу жиноят объектив томондан жисмоний, ахборот ва норматив-дастурий асосда амалга оширилади³, М.В.Арзамасцевнинг фикрига кўра, ушбу жиноятларнинг қай тарика содир этилиши жиноят қонунчилигида белгилаб қўйилади⁴,

¹ А.Н.Прикмета. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 30 с.

² А.Г.Волеводз. Противодействие компьютерным преступлениям: правовые основы международного сотрудничества. – М.: ООО “Издательство “Юрлитинформ”, 2001. – 57, 60 с.

³ Тер-Акопов, А. А. Преступление и проблемы нефизической причинности в уголовном праве: монография [Текст] / А. А. Тер-Акопов. – М.: «Юркнига», 2003. – 480 с.

⁴ М.В.Арзамасцев. К вопросу об уголовно-правовой классификации киберпреступлений. – М.: Уголовное право. Актуальные вопросы права и отраслевых наук: 1(3)/2017. –с. 12.

Озорбойжон жиноят қонунчилиги бўйича ушбу жиноят объектив томонини жамоатчилик билан алоқалар, ошкор этилиши ва махфий сақланиши лозим бўлган компьютер маълумотларининг бузилиши ташкил этади¹.

Олим А.Н.Прикмета мазкур жиноятнинг объектини бу компьютер дастурларини ёки компьютер маълумотларини рухсатсиз йўқ қилиш, блокировкалаш, ўзгартириш, нусхалаш ёки компьютер маълумотларини ҳимоя қилиш воситаларини зарарсизлантиришга оид муносабатлардир деб тушунтириш беради².

Наздимизча, мазкур жиноятларнинг объектив томонини кенг ва тор маънода тушунтиришимиз мумкин, жумладан, ушбу жиноят турли кўринишларда содир этилганлиги сабабли, уларнинг ҳар бири хусусида алоҳида-алоҳида мазкур жиноятларнинг объектив томони хусусида кенг маънода фирк юритишимиз ёки тор маънода, ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали кўриқланадиган ва ҳимоя қилинадиган тизимга, шунингдек, бунаг алоқадаор бўлган ижтимоий муносабатларга қарши қаратилган истаган ҳаракат ушбу жиноятнинг объектив томонини ташкил этади, юқоридага олимлар таъкидлаган ихар бир белги ушбу жиноят объектив томонининг махсус белгиларини ташкил этади.

Мисол, учун, компьютер тизимига рухсатсиз киришга оид жиноятларни олайлик, алоҳида ҳимоя дастурига ёки ҳимояланмаган бўлса-да, рухсатсиз ва қонуний асоссиз ўзга шахснинг компютерига ёки бунга оид тизимига рухсатсиз киришга оид хатти-ҳаракатлар орқали ушбу жиноят содир этилади. Ушбу хатти-ҳаракатлар асосини эса, компьютер тизимига ноқонуний кириб, қонуний асоссиз ўзга шахсга тегишли бўлган маълумотларни олиш, уни ўзгартириш, фойдаланиш, сақланаётган ахборотни модификациялаш, блокировкалаш, ҳар қандай усулда зарарлаш, йўқ қилиш, ушбу маълумотга ишлов бериш, мазкур

¹ Характеристика киберпреступлений против банковской деятельности в законодательстве Азербайджанской Республики. Евразийский юридический журнал. № 6 (85) 2015. <http://www.eurasiafinace.ru/naunye-stati/item/914-karakteristika-kiberprestuplenij-protiv-bankovskoj-deyatelnosti-v-zakonodatelstve-azerbajdzhanskoj-respubliki.html>.

² А.Н.Прикмета. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 30 с.

маълумотни тарқатиш, сақлашга оид ҳар қандай ҳаракатлар ушбу жиноятни келтириб чиқаради.

Юқоридагиларга ўхшаш ҳолатлар 23.11.2001 йилдаги Кибержиноятчилик бўйича Будапешт конвенциясида ҳам таъкидлаб ўтилган бўлиб, унга кўра, ушбу жиноятнинг субъекти ақли расо вояга етган истаган шахс деб тушунтириш берилган. Шунингдек, мазкур конвенцияга асосан, кибержиноятларнинг объекти ишлаб чиқариш, йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, қидириш, узатиш, тарқатиш ва бошқа функцияларни амалга оширувчи, истеъмол бўйича ахборот жараёнларини амалга оширишга ихтисослашган компьютер техникаси ёки унинг қисми, тизими ва тармоқлари оид ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Обьектив томондан ушбу жиноятлар яхлит, бут, ўзга шахс учун сир маълумотлар ва тизимни бузиш орқали, компьютер билан, компьютер қисми, контент билан, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бузиш орқали содир этилади. Ушбу жиноятнинг субъекти юқорида кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширган истаган шахс бўлиши мумкин. Конвенцияда назарда тутилган барча жиноятлар фақат қасддан содир этилган тақдирда жавобгарликка сабаб бўлади¹.

И.Г.Чекуновнинг фикрига кўра, зарарли компьютер дастурлари орқали компьютер тармоғига ёки уяли алоқа операторига уланган дастурий таъминотга кириш орқали содир этилади².

Юқоридагиларга қўшилган ҳолда, уни қисқа қилиб, ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали ҳимояланган ижтимоий муносабатлар кибержиноятларнинг объектини ташкил этади, деб аташимиз мумкин. Шунга кўра, мазкур ижтимоий муносабатларга эса, қилинган ҳужум тавсифи кибержиноятларнинг объектив томонини кўсатади.

Кибержиноятчиликнинг турлари ва шакллари турлича бўлганлиги сабабли ҳам унинг объектив томонини аниқ кўрсатиш

¹ Convention on cybercrime. Budapest, 23.XI.2001. http://www.europarl.europa.eu/meetdocs/2014_2019/documents/libe/dv/7_conv_budapest_/7_conv_budapest_en.pdf.

² И.Г.Чекунов. Криминологическое и уголовно-правовое обеспечение предупреждения киберпреступности: автореферат дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08. –М, 2013. – 7 с.

мураккаб ва ҳар бир кибержиноятнинг тури бўйича объектив томон жиноят содир этилиши шаклига қараб турлича ифодаланеди.

Шу ўринда табиий савол туғилади, нима сабабдан мазкур жиноятлар кўпайиб кетмоқда, Олим А.Расулев, кибержиноятчиликнинг вужудга келишига сабаб сифатида фойдаланувчиларнинг бепарволиги, уларнинг етарлича билимга эга эмаслиги ва ҳуқуқбузарлик содир этганларнинг жавобгарлигини таъминловчи ҳуқуқий механизмнинг кучсизлиги деб кўрсатади.

Ушбу фикрларга қисман қўшилган ҳолда, айтишимиз зарурки, кибержиноятчи учун фойдаланувчининг етарлича билимга эга эканлиги, унинг эътиборли бўлишлиги ва ҳуқуқбузарлик содир этганларнинг жавобгарлигини таъминловчи ҳуқуқий механизмнинг кучсизлиги иккиламчи аҳамиятга эга. Сабаби кибержиноятчи ўз жиноятини содир қилиш учун олдиндан тайёргарлик кўради ва ўзининг ўлжаси деб ҳисобланган фойдаланувчининг қурилмасидаги нозик жихатларини ўрганади, қандай ҳимояга эга бўлса, шундан ҳам кучлироқ зарарловчи дастур яратади ҳамда ҳимояланган тизимни бузади.

Хулоса ўрнида таъкидлашимиз керакки, мазкур жиноятлар ўзининг оғир оқибатларга олиб келиши билан ҳамда кам масъулиятни олган ҳолда, тезкор равишда кўп фойдага олиб келиши билан бошқа жиноятларга нисбатан алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу сабабли ҳам тергов жараёнида ушбу жиноятнинг қайси ҳудуддан ва қачон содир этилгани ҳамда мазкур жиноятга оид изларнинг тезкорлик билан йўқ қилиниши мумкинлигига эътибор қаратиш жоиз.

1.3-§. Кибержиноят учун жавобгарлик масалалари: миллий, хорижий ва халқаро тажриба

Ҳаммамизга маълумки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳозирда иқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаб, халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини тубдан яхшилашда асосий замин бўлмоқда. Айни вақтда, тараққиёт йўлимизнинг таҳлили бугунги кунда жаҳон бозорида конъюнктура кескин ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётганини албатта ҳисобга олишни, шу асосда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан

ривожлантириш учун янгича ёндашув ва тамойиллар билан ишлашни тақозо этмоқда¹.

Ҳозирги мураккаб замон тинч-осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлаш, халқимизнинг қафолатланган хавфсизлигини таъминлаш масаласини янада долзарб қилиб қўймоқда². Мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган бугунги кундаги энг катта муаммолардан бири киберхавфнинг мавжудлигидир. Айнан мана шу хавфнинг мавжудлиги, айниқса, киберхужумлар оқибатида мамлакат иқтисодиётига етиши мумкин бўлган зарарларнинг миқдори айнан қанча бўлишлигини олдиндан айтиб бера олиш имконсизлигидан келиб чиқиб айтишимиз керакки, бугунги кунда энг катта муаммолардан бири бўлган киберхавфнинг олдини олиш чораларини ҳуқуқий томондан тўлиқ мустаҳкамлаб қўйиш, унга қарши ҳар томонлама курашиш вақти етиб келди, фикримча.

Киберхавфнинг қанчалик зарарли эканлигини кўриб ўтадиган бўлсак, биргина мисол, Киберхужумлар бўйича хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро Symantec Security ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирда ҳар секунда дунёдаги 12 нафар инсондан биттаси киберхужум қурбони бўлмоқда ва дунёда ҳар йили 556 млн. дан кўпроқ киберхужум уюштирилади ҳамда бунда жабрланувчилар кўрадиган зарар миқдори 100 млрд. АҚШ долларидан кўпроқдир³.

Ушбу муаммо ҳақиқатан ҳам жиддий муаммо бўлиб, ҳаммамизни у сергак тортишимиз зарурлигини кўрсатади, оддий бир ҳолат McClatchy ахборот хизматининг хабарига кўра, 2017 йил 12 май куни бошланган киберхужумлар натижасида бир ҳафтага

¹ А.Т.Тўхтабоев. Миллий иқтисодиёт ривожини етук мутахассис кадрларга боғлиқ. Миллий товарлар рақобатбардошлигини оширишда замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш. Республика илмий-амалий анжумани илмий мақола ва тезислари тўплами (2018 йил, 27 ноябрь). –Т.: Фан ва технологиялар, 2018. – 27 б.

² Ш.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 13 б.

³ Д.Н.Карпова. Киберпреступность: глобальная проблема и ее решение. – М.: Власть. 2014. (№8). –46 с.

етмаган вақт давомида камида 150 мамлакатда 300 минггача компьютер зарарланган¹.

Тўғри, кибержиноятчиликни бартараф қилиш учун юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, хусусан, шу кунга қадар 23 та Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 14 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 21 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 67 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кибержиноятларга қарши қаратилган аниқ нормалар белгилаб қўйилган бўлмаса-да, аммо ушбу қонун ҳужжатларида киберхавфнинг олдини олиш бўйича тегишли қоидалар белгилаб қўйилган.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон қарори билан 2030 йилгача ноқонуний пул оқимларини жиддий равишда қисқартириш, ўғирланган активларни излаб топиш ва қайтариш бўйича ишларни жонлантириш, уюшган жиноятчиликнинг барча шакллариغا қарши кураш олиб бориш ва экстремизм кўламларини уларнинг барча шаклларида жиддий равишда қисқартириш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилди² ва ҳозирда айнан кибержиноятчиликка курашиш борасида зарур чоралар амалга оширилмоқда.

Хусусан, UZCERT-Ахборот хавфсизлиги инцидентларига чора куриш хизматининг маълумотларига кўра, шунингдек, давлат органларининг ахборот тизимларида 2018 йил ва 2019 йил биринчи чорагида ахборот хавфсизлиги ҳодисалари мониторинги ўтказилганида 54.953.759 та ахборот хавфсизлиги бузилиши аниқланган бўлиб, улардан 2.502.353 тасининг хавфи юқори даража

¹ Daryo.uz веб сайтидан: <https://daryo.uz/k/2017/05/25/wannacry-virusiyordamida-uyushtirilgan-ommaviy-kiberhujum-keltirgan-zarar-miqdori-1-mlrd-dollardan-oshdi/>.

² Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2018 й., 09/18/841/2081-сон, 04.06.2019 й., 09/19/457/3235-сон, 28.06.2019 й., 09/19/532/3344-сон.

бўлган¹, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясинининг хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг маълумотларига кўра, жорий 2019 йилнинг 1 январь кунидан бошлаб 26 июнь кунига қадар агентлик томонидан ўтказилган мониторингда болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи 815 та ҳолат аниқланган ва бу кўрсаткич ўтган 2018 йилда 897 тани ташкил этган².

Аммо, бу ислохотларни давмо эттиримасдан киберхавфсиз маконни яратиш имконсиздир.

Хўш, умуман олганда ушбу киберхужумлар натижасида мамлакат иқтисодиётига келтирилаётган зарарни қандай камайтиришнинг жинойий-ҳуқуқий ечимлари мавжуд, бунинг учун жинойий жавобгарлик бизнинг қонунчилигимизда белгиланганми?

Афсуски, мамлакатимиз қонунчилигида кибержиноятчилик тушунчаси қўлланилмайди, балки унинг маълум бир қисмини ташкил этувчи Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар тушунчаси қўлланилиб, у Жиноят кодексининг ХХ¹ бобини ташкил этади. Мазкур боб 278¹-модда. Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, 278²-модда. Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, 278³-модда. Компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш, 278⁴-модда. Компьютер ахборотини модификациялаштириш, 278⁵-модда. Компьютер саботаж, 278⁶-модда. Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш, 278⁷-модда. Телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш каби моддаларни ўз ичига қамраб олган бўлиб, ушбу моддалар деярли ўзаро бир бирига боғлиқ бўлган моддалар ҳисобланади.

Ушбу фикримиз билан кибержиноятлар ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлмайди демоқчи эмасмиз, балки жиноят

¹ С.Садиков. Кибербезопасность Узбекистана в цифрах: итоги 2018 года. // <https://uzcert.uz/blog/saidakbar/kiberbezopasnost-uzbekistana-v-tsifrakh-itogi-2018-goda/>.

² Муаллифнинг сўровига жавобан юборилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясинининг хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги 2019 йил 2 июлдаги 14/2-2187-сон хати.

қонунчилигимизда мазкур моддаларнинг барчасини ахборот технологияларига оид жиноят деб бўлмайди, демокчимиз холос.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунига асосан, ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, курилмалар, усуллар ва жараёнлар ахборот технологияси дейилади¹.

Жиноят кодексининг 278⁵-моддасига асосан, ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш компьютер саботажи дейилади.

Айнан мана шу моддада айбдор шахс биронта ахборотни тўпламайди, сақламайди, изламайди, унга ишлов ҳам бермайди, хатто ундаги ахборотдан тарқатиш учун фойдаланмайди, балки ўзга шахсга ёки давлатга тегишли бўлган мулк, яъни компьютер жамламасини қасддан ишдан чиқаради.

Шунаг кўра, жиноят қонунчилигимизнинг бобини қайта кўриб чиқиб, айнан мана шу бобдан келиб чиққан ҳолда жиноят қонунчилигимизни қайта кўриб чиқиш вақти етиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди. Айнан мана шу концепцияда Фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини амалда ва ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида технологик тараққиёт, жумладан кибержиноят билан боғлиқ жиноят турларининг кенгайганлигини ҳисобга олган ҳолда ахборот технологиялари соҳасида жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш бўйича берилган топшириқдан унумли фойдаланган ҳолда, яниг таҳрирда қабул қилиниши режалаштирилган жиноят қонунчилигимизга кибержиноят ва унинг турлари билан боғлиқ

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-П-сонли Қонунига // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

жиноятларни ҳам белгилаб, бунинг жавобгарлик муқаррарлигини кўрсатиб қўйиш вақти етиб келди.

Ушбу фикрларни бошқа олимлар ҳам қўллаб қувватлаган, хусусан, В.С.Харламов киберхавф муаммосининг ягона ечими кибержиноятчилик тушунчасини мамлакат жиноят қонунчилигига киритиш керак, деб ҳисоблайди¹. Ҳақиқатан ҳам, жиноят қонунчилигимизга ушбу тушунча киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хориж тажрибасига қарайдиган бўлсак, аллақачон ушбу тушунчадан улар тўлиқ фойдаланишади. Биргина мисол, Белеруссия жиноят кодексининг 24-бобининг 1-изоҳ қисмида компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда мулкка зарар кетирганлик², Дания жиноят кодексининг 279-а-моддасида³, Франция жиноят кодексининг 263а-моддасида⁴, Эстония жиноят кодексининг 268-моддасида⁵ компьютер фирибгарлиги, Италия жиноят кодексининг 640-ter-моддасида компьютер тизимларига аралашганлик⁶, Хитой Халқ Республикаси Жиноят кодексининг 287-моддасида ўзгалар мулкни компьютер орқали талон-тарож қилганлик⁷, Нидерландия Жиноят кодексининг 138ab-моддасининг “а” бандининг учинчи хатбошисида виртуал фирибгарлик⁸, Польша Республикаси Жиноят кодексининг 287-моддасида компьютер ахборотини модификация қилганлик, ўзгартирганлик, йўқ

¹ В.С.Харламов. Теория и практика противодействия преступному насилию в семье (системное криминологическое и уголовно-правовое исследование). Специальность 12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Санкт- Петербург. 2019. –721 с.

² Белеруссия жиноят кодекси. <http://xn----ctbcgfviccvibf9bq8k.xn--90ais/>.

³ Уголовный кодекс Дании // <https://www.retsinformation.dk/Forms/R0710.aspx?id=152827#Kap28>.

⁴ Уголовный кодекс Германии с изменениями от 28 декабря 2003 года. <http://lexetius.com/StGB/263a>.

⁵ Уголовный кодекс Эстонии // <http://www.hot.ee/almanach/kriminaalseadustik.html>.

⁶ Уголовный кодекс Италии // <http://www.altalex.com/?idnot=36653>.

⁷ Уголовный кодекс Китайской Народной Республики // <http://constitutions.ru/archives/403>.

⁸ Уголовный кодекс Нидерландов // http://wetten.overheid.nl/BWBR0001854/TweedeBoek/TitelV/Artikel138ab/geldigheidsdatum_29-09-2013.

қилганлик, фирибгарлик қилганлик¹, Украина Жиноят кодексининг 190-моддаси 3-қисмида электрон ҳисоблаш машинаси ёрдамида ноқонуний операцияларни амалга оширганлик², Жанубий Корея Жиноят кодексининг 247-2-моддасида техник воситалар, шунингдек, компьютер орқали маълумотларни ноқонуний равишда эгаллаганлик, уларни сохталаштирганлик, ноқонуний равишда қайта ишлаганлик³, Испания Жиноят кодексининг 478-моддасида компьютер маълумотлари ва компьютер воситасида савдо сирларини ўз ичига олган маълумотларга рухсатсиз кирганлик⁴, Финландия Жиноят кодексининг 30-боби 4-моддаси 1-бандида компьютер тизимида ноқонуний равишда кирган ҳолда савдо сирларини ўйрлашга оид жосуслик қилганлик⁵, Швейцария Жиноят кодексининг 143-моддасида электрон усулда саноат жосуслиги⁶, Австрия Жиноят кодексининг 148а-моддасида махсус дастурлардан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган қайта ишлаш жараёнларига таъсир ўтказганлик, маълумотларни киритганлик, уларни ўзгартирганлик, йўқ қилганлик ёки бу жараёнларга ўзгача усулларда таъсир кўрсатиб, ўзи ёки ўзга шахслар учун ноқонуний равишда фойда келтириб жабрланувчига мулкый зарар келтирганлик⁷ учун жиноий жавобгарлик аллақачон белгилаб қўйилган бўлса-да, бизнинг қонунчилигимизга ҳали ҳамон кибержиноятнинг киритилмаганлиги ва бунинг учун жавобгарлик белгилаб қўйилмаганлиги ачинарли ҳолатдир.

Олим В.С.Харламовнинг фикрларига қарама-қарши равишда У.Зинина мазкур тушунчанинг ўрнига компьютер ахбороти

¹ Польша Республикаси Жиноят кодекси // <http://law.edu.ru/norm/norm.asp?normID=1246817>.

² Уголовный кодекс Украины // <http://zakon1.rada.gov.ua/cgi-bin/laws/main.cgi?nreg=2341-14&p=1214905443606898>.

³ Уголовный кодекс Республики Корея // <http://www.crime.vl.ru/index.php?p=1324&more=1>.

⁴ Уголовный кодекс Испании // http://noticias.juridicas.com/base_datos/Penal/10-1995.12t13.html#a278.

⁵ Уголовный кодекс Финляндии // <http://www.finlex.fi/en/laki/kaannokset/1889/en18890039.pdf>.

⁶ Уголовный кодекс Швейцарии. <http://law.edu.ru/norm/norm.asp?normID=1241950&subID=100098712,100098714,100098872,100099140,100099172#text>.

⁷ Уголовный кодекс Австрии. <http://www.gesetze-im-internet.de/stgb/>.

тушунчасини жиноят қонунчилигига киритиш ва бунинг учун алоҳида жавобгарлик белгилаб қўйиш зарур деб ҳисоблайди¹.

Юқоридаги икки олим фикрларини умумлаштирган ҳолда Я.Попыева иккала тушунча ҳам фанга киритилиши ва бу бўйича жиноят қонунчилигида уларнинг механизми ҳамда бунинг учун жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ деб тушунтириш беради².

М.А.Ефремова эса, юқоридаги фикрлардан умуман ўзгача фикрлаган ҳолда, электрон ахборот тушунчасини жиноят қонунчилигига киритиш ва унга оид истаган жиноят қонунчилиги билан кўриқланадиган ахборотнинг бузилиши жиноят деб аталашини ва бу бўйича давлатлар қонунчилигини тўлиқ қайта кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблайди³.

Ҳақиқатан ҳам, айтишимиз жоизки, 1978 йилда Италия, 1979 йилда Австралия, 1981 йилда Буюк Британия, 1980 йилда АҚШ, 1985 йилда Дания ва Канада, 1986 йилда Германия, 1987 йилда Австрия, Япония ва Норвегия, 1988 йилда Франция ва Грециянинг жиноят ва маъмурий қонунчилигида ушбу тушунча белгиланган⁴ бўлса, бизда ушбу тушунчанинг мазмун-моҳиятини тартибга солилмаганлиги орқали айтишимиз зарурки, Ўзбекистон маъмурий ва жиноят қонунчилигида ҳам киберхавфсизлик, кибертерроризм, кибержиноят, кибермакон каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ва уларга оид жиноят қонунчилигимиз билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар келтирганлик учун жавобгарлик чораларини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, электрон ахборот бўйича олим М.А.Ефремованинг таклифига тўлиқ қўшилишининг имкони йўқ,

¹ У.В.Зинина. Преступления в сфере компьютерной информации в российском и зарубежном уголовном праве. Специальность 12.00.08 – уголовное право и криминология: уголовно-исполнительное право. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата юридических наук. – М.: 2007. – 13-14 с.

² Я.А.Попыева. Криминалистическое исследование средств совершения компьютерных преступлений. Бакалаврская работа. – Томск. 2016. – 40 с.

³ М.А.Ефремова. Уголовно-правовая охрана информационной безопасности. Специальность: 12.00.08 – «Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право». Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – М.: 2017. – 365 с.

⁴ А.Э.Побегайло. Борьба с киберпреступностью: учебное пособие. – М.: Университет прокуратуры Российской Федерации, 2018. – 13 с.

сабаби агарда бтун дунёдаги давлатларнинг жиноят қонунчилигига электрон ахборотнинг бузилиши бўйича жавобгарликни белгилаб қўйган билан масала тўлиқ ҳал этилмайди, сабаби кибержиноят электрон бўлмаган, мураккаб кўринишларда ҳам содир этилиши мумкин, оддийгина бир мисол, банкоматдаги ўғирлик учун фақатгина электрон ахборотнинг ўзгартирилганлиги ёки модификация қилинганлиги билан жиноятни тугаллаш доим ҳам имконсиздир.

Юқоридаги фикрларимизни умулаштирган ҳолда, Россия тарихига назар ташласак, Л.В.Григорьева 1996 йилда, В.С. Карпов 2002 йилда, Т.Л.Тропина 2005 йилда берган таклифи натижасида 2012 йил 29 ноябрь куни Россия Жиноят кодексига 159.6-модда компьютер ахбороти соҳасидаги фирибгарлик (компьютер фирибгарлиги) киритилди.

Шунга асосан, айтишимиз керакки, биз томонидан берилган таклифлар ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идоралараро комиссияга тақдим этилган.

Ушбу комиссия томонидан мазкур таклифларнинг қабул қилиниши оқибатида янги таҳрирдаги Жиноят кодексига электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатларни тайёрлаш ва фойдаланиш қоидаларини бузганлик, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларига қарши қаратилган жиноятлар, киберхавфсизлик соҳасидаги жиноятлар, кибержиноятлар, ахборотлаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик, ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, телекоммуникациялар, радиочастота спектри ва техник тартибга солиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланганлик, компьютер ахборотини модификациялаганлик, зарарли дастурлар ва ахборотларни яратганлик, тайёрлаганлик ёки фойдаланганлик ёхуд тарқатганлик, компьютер саботажи, компьютер орқали ўзгалар мулкани талон-торож қилганлик, ушбу қилмишни товламачилик, босқинчилик, ўйрик, фирибгарлик, талончилик орқали содир этганлик,

компьютер орқали ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказганлик ёки ўзини ўзи ўлдиришга ундаганлик, болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни тарқатганлик, порнографик дастурлар, аудио-, видео ва бошқа материалларни тарқатганлик, сақлаганлик, намойиш қилганлик, шундай воситалардан фойдаланганлик, кибертерроризм, киберэкстремизм учун жавобгарлик белгиланган ҳолда, кибержиноятчи, кибержиноят, кибермакон, киберхавфсизлик, киберхавф, киберхужум каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ушбу кодексда алоҳида боб ва моддаларда кўрсатилиб ўтилади. Мазкур таклифларнинг Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тасдиғидан ўтиши натижасида киберхужум натижасида келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ҳам жиноят қонунчилигимиз билан кўриқланадиган ва тартибга солинадиган муносабатларга айланади, шунингдек, мавжуд тушунчаларнинг таҳрири такомиллашади.

Олим М.А.Простосердовнинг таъкидлашича, кибержиноятлар сони ва миқдорини камайтириш учун қайси киберхужумлар учун оғирроқ жазо белгиланиши бўйича рўйхат ишлаб чиқиши ва у амалиётга татбиқ этилиши зарур деб ҳисоблайди¹.

Ушбу фирклардан келиб чиққан ҳолда, Ю.М.Батуриин кибержиноятчиларни ёлланган кибержиноятчилар, эҳтиётсизлик орқали оқибатини ўйламаган ҳолда кибержиноятни содир этадиганлар, жосуслар, ҳаккерлар, кракер (компьютер безори)лари каби тоифаларга бўлган ва улар томонидан содир этган жиноятлар учун жавобгарлик ҳам шунга мутаносиб бўлиши керак деб тушунтириш беради².

¹ М.А.Простосердов. Экономические преступления, совершаемые в киберпространстве, и меры противодействия им Специальность 12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовноисполнительное право Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: 2016. –36 с.

² Ю.М.Батуриин. Право и политика в компьютерном круге. –М.: место издания Наука Москва, 1987. –111 с.

Т.М.Лопатина эса, ушбу рўйхатни ўзгача фанат (мухлис)лар, рухий касаллар ва профи (тарозига солиб қўядиган)ларга тоифалаган ҳолда классификация қилади¹.

Р.И.Дремлюга уларни “Интернет фирибгарлари”, “Интернет-кракер хакер (компьютер безори)лари” ва “Интернет-вирус яратувчилари”га ажратган ҳолда таснифлашни таклиф қилади².

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 30-моддасига мувофиқ, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Шундан келиб чиққан ҳолда, наздимизча, мавжуд кодекснинг 55-56-моддаларидан келиб чиқиб, янги таҳрирда қабул қилинадиган кодекснинг ўзида кибержиноятчилик тоифаси эмас, балки улар томонидан содир этилган жиноятнинг оғир енгиллигига қараб, қилмишни квалификациялаш бўйича алоҳида махсус нормаларни белгилаб кетиш мақсадга мувофиқ. Зеро, юқоридаги олимлар томонидан таъкидланган тоифаларга кирувчи шахслар томонидан содир этилган қилмиш ўзаро мутаносиб бўлса-ю, оғирроқ тоифага кирувчи шахс томонидан содир этилган енгил қилмиш учун енгилроқ тоифага кирувчи шахс томонидан содир этилган оғир қилмишга нисбатан оғирроқ жазо белгилаш, жиноят қонунчилигидаги адолат тамойилига зиддир. Фақатгина оғирроқ тоифадаги шахслар томонидан содир этиладиган қилмиш миқдорини камайтириш учун улар томонидан амалга ошириладиган қилмиш учун суд оғирроқ жазо тайинлаши мумкинлиги ҳақидаги норма белгилаб кетилиши мақсадга мувофиқ, мисол учун, ўта хавфли рецидивист томонидан ЖКнинг 97, 104-105, 112, 118-119, 135, 137, 164-169, 171, 188, 220-222, 247, 252, 267, 270-271, 273-моддаларидаги кўрсатилган жиноятларни содир этганлигига оид нормалар каби.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз жоизки, жазо тизимимизда ахлоқ тузатиш жазосидан ўринли фойдаланишимиз даркор, хусусан чет давлатларнинг тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, Украина

¹ Т.М.Лопатина. Криминологические и уголовно-правовые основы противодействия компьютерной преступности: автореф. дис. ... докт.юрид.наук: – М.: 2006. –30-31 с;

² Р.И.Дремлюга. Интернет-преступность. дис. ... канд. юрид. наук. – Владивосток. 2007. – 143 с.

жиноят кодексининг 57-моддаси¹, Грузия жиноят кодексининг 45-моддаси², Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг 67-моддаси³, Белоруссия Жиноят кодексининг 52-моддаси⁴, Озорбойжон Республикаси Жиноят кодексининг 49-моддаси⁵га асосан, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси маҳкумнинг собиқ иш жойида ўтади, Қозоғистон Жиноят кодексининг 42-моддаси, Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг 67-моддаси⁶, Белоруссия Жиноят кодексининг 52-моддаси⁷га асосан, ахлоқ тузатиш ишлари жазоларнинг оғир-енглилигига кўра таснифлаган ҳолда берилиши назарда тутилган⁸, Молдова¹, Сингапур² ва

¹ Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-III // Закон Украины от 18 сентября 2019 года № 101-IX «О внесении изменений в Уголовный кодекс Украины и Уголовно-процессуальный кодекс Украины относительно уменьшения давления на бизнес». http://continent-online.com/Document/?doc_id=30418109&doc_id2=33038103&show_di2=1#sub_id=1007115675&sel_link=1007115675

² Уголовный кодекс Грузии. https://www.legislationline.org/download/id/8250/file/Georgia_CC_1999_am2019_ru.pdf.

³ Уголовный Кодекс Кыргызской Республики // https://www.legislationline.org/download/id/8264/file/Kyrgyzstan_CC_2016_am2019_ru.pdf.

⁴ Уголовный кодекс Республики Беларусь от 9 июля 1999 г. № 275-3. <http://xn----ctbcgfviccvibf9bq8k.xn--90ais/>.

⁵ Уголовный кодекс Азербайджанской Республики (Утвержден Законом Азербайджанской Республики от 30 декабря 1999 г. № 787-IQ) (Вступил в силу с 1 сентября 2000 года согласно Закону Азербайджанской Республики от 26 мая 2000 г. № 886-IQ). https://www.legislationline.org/download/id/8305/file/Azerbaijan_Criminal_Code_am_2018_ru.pdf.

⁶ Уголовный Кодекс Кыргызской Республики // https://www.legislationline.org/download/id/8264/file/Kyrgyzstan_CC_2016_am2019_ru.pdf.

⁷ Уголовный Кодекс Республики Беларусь от 9 июля 1999 г. № 275-3 // Закон Республики Беларусь от 9 января 2019 г. № 171-3 (Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь, 18.01.2019, 2/2609). // https://www.legislationline.org/download/id/8314/file/Belarus_CC_1999_am2019_ru.pdf.

⁸ Уголовный кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года (Ведомости Парламента Республики Казахстан, 2014 г., № 13-I, 13-II, ст. 83; № 21, ст. 122; 2015 г., № 16, ст. 79; № 21-III, ст. 137; № 22-I, ст. 140; № 22-III, ст. 149; № 22-V, ст. 156; № 22-VI, ст. 159; 2016 г., № 7-II, ст. 55; № 8-II, ст. 67; № 12,

Эстония³ Республикасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мавжуд эмас. Шунга кўра, фикримизча, жазо тизимида ахлоқ жазосига ўхшаш жазо тизими жиноят қонунчилигимизга киритилиши даркор, наздимизча, Кибержиноятчиликни содир этган махкумларга нисбатан озодоликдан махрум қилиш ва ахлоқ тузаши ишлари жазосининг ўрнига уларнинг кучидан унумли фойдаланиш бўйича жазо тизими жиноят қонунчилигимизга киритилиши ва у амалиётга татбиқ этилиши керак. Бу бўйича муаллифлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар юзасидан шу нарса аниқ бўлдики, ушбу жазо тизимини жиноят қонунчилигимизга киритиш вақти етиб келди.

М.А.Зубова АҚШ, Канада, Франция, Германия, Англия, Италия, Испания, Австрия, Бельгия, Дания, Финляндия, Греция, Ирландия, Люксембург, Голландия, Португалия, Австралия, Швеция, Польша каби давлатларнинг қонунчилигини тадқиқ қилган ҳолда, дунёдаги барча мамлакатларнинг кибержиноятга алоқадор қонунчилигини бир-бири билан унификация қилиш зарурлигини таъкидлайди⁴.

Ушбу фикрларга ўхшаш фикрларни Т.Лопатина ҳам таъкидлаган ҳолда, аввало, ушбу жиноятнинг олдини олиш учун трансчегаравий кибержиноятчилик тушунчасини фанга олиб кириш ва унинг механизмини белгилаб қўйиш керак деб ҳисоблайди⁵.

ст. 87; № 23, ст. 118; № 24, ст. 126; 2017 г., № 8, ст. 16; № 9, ст. 21; № 14, ст. 50; № 16, ст. 56; № 22-III, ст. 109; № 23-III, ст. 111; № 24, ст. 115; 2018 г., № 1, ст. 2; № 14, ст. 44; № 15, ст. 46; № 16, ст. 56; № 23, ст. 88, 91; № 24, ст. 94; 2019 г., № 2, ст. 6; № 7, ст. 36; № 8, ст. 45.
https://online.zakon.kz/document/?doc_id=33499976#pos=50;-50.

¹ Уголовный Кодекс Республики Молдова // https://www.legislationline.org/download/id/8276/file/Moldova_CC_2002_am2018_ru.pdf.

² Уголовный кодекс Сингапура // [http://ru.knowledgr.com/03504979/%D0%A3%D0%B3%D0%BE%D0%BB%D0%BE%D0%B2%D0%BD%D1%8B%D0%B9%D0%9A%D0%BE%D0%B4%D0%B5%D0%BA%D1%81\(%D0%A1%D0%B8%D0%BD%D0%B3%D0%B0%D0%BF%D1%83%D1%80\)](http://ru.knowledgr.com/03504979/%D0%A3%D0%B3%D0%BE%D0%BB%D0%BE%D0%B2%D0%BD%D1%8B%D0%B9%D0%9A%D0%BE%D0%B4%D0%B5%D0%BA%D1%81(%D0%A1%D0%B8%D0%BD%D0%B3%D0%B0%D0%BF%D1%83%D1%80)).

³ Уголовный кодекс Республики Эстония // https://www.legislationline.org/download/id/6462/file/Estonia_CC_as_of_2002_ru.pdf.

⁴ М.А.Зубова. Компьютерная информация как объект уголовно-правовой охраны. Специальность: 12.00.08 – уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Казань. 2008. – 25 с.

⁵ Т.Лопатина. Криминологические и уголовно-правовые основы противодействия компьютерной преступности. Тема диссертации и

Фикримизча, икки олимнинг ҳам фикрларида жон бор, сабаби трансчегаравий кибержиноятчиликни фанга олиб кирмасдан ва унинг тартиб-таомилини белгиламасдан ҳамда унинг нечоғлик заруриятини қўшни давлатларга тушунтирмасдан туриб, кибержиноятчилик билан ялпи курашиш имконсиздир. Сабаби иқтисодий секторга жуда катта зарарни келтириб чиқаришни мақсад қилган кибержиноятчи ўз қилмишини ўзга мамлакат ҳудудидан туриб содир этади ва бунда трансчегаравий кибержиноятчиликнинг икки давлат томонидан бирдек эътироф этилганлиги ва бир-бирининг ушбу соҳадаги қонунчилиги ўхшаш эканлиги мавжуд муаммоларнинг тезкор ҳал этилишини таъминлайди.

Юқоридаги фикрларга нисбатан қўшимча сифатида халқаро давлатларнинг жиноят қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидаги ҳолатларга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Хусусан: Россия Федерацияси жиноят кодексининг жамоат тартиби ва умумий хавфсизликка қарши жиноятлар деб номланган 28-бобида, жумладан, РФ ЖКнинг 272-моддаси-компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, 273-модда-зарарли компьютер дастурларини яратиш, тарқатиш, фойдаланиш, 274-модда-ахборот-телекоммуникация ва компьютер ахборотини сақлаш, қайта ишлаш, ўтказиш қоидаларини бузиш ва порнографик маҳсулотларни тарқатиш, 274¹-модда-Россия Федерациясининг ахборот тузилмасига ноқонуний равишда таъсир кўрсатиш деб номланади ва ушбу соҳадаги жиноятлар учун жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилган¹.

Германия Федератив Республикаси жиноят кодексида эса, ушбу кодекснинг § 202а-электрон ёки магнит ёхуд бошқа усулда қўпайтирилиши ёки узатилиши мумкин бўлган маълумотни ўзи ёки ўзга шахс томонидан рухсатсиз олинган шахсларнинг ҳаракатлари, § 206-телекоммуникация воситаларидаги сирларни бузиш, § 268-қалбаки техник ёзувларни қалбакилаштириш ёки ўзга автоматик қурилмалар томонидан тўлиқ ёки қисман ёзиб олинган ёзувларни қалбакилаштиришга оид ҳаракатлар, § 269-мавжуд ҳолатни исботловчи маълумотларни қалбакилаштириш,

автореферата по ВАК РФ 12.00.08, доктор юридических наук. – М.: 2006. – 418 с.

¹ Россия Федерацияси жиноят кодекси. (Уголовный кодекс Российской Федерации) <https://ppt.ru/kodeks.phtml?kodeks=20>.

§ 274-техник ёзувларни йўқ қилиш, ўзгартириш, қайта ишлашга оид ҳаракатлар, § 303а-маълумотларни ноқонуний равишда йўқ қилиш, ўзгартириш, ўчиришга оид ҳаракатлар, § 303б-маълумотларни қайта ишлаш ёки сақлаш воситаларини йўқ қилиш, шикастлаш, ўчириб қўйишга оид ҳаракатлар, § 317-телекоммуникация воситалари орқали ноқонуний равишда таъмагирлик қилиш бўйича жавобгарлик белгиланган¹.

Люксембург жиноят кодексининг 509¹, 509², 509³, 524-моддалари бевосита кибержиноятчилик тўғрисида бўлиб, жумладан, Люксембург жиноят кодексининг 509¹-моддасида кириш тақиқланган тизимга ноқонуний равишда кириш ёки шундай тизим ёки унинг қисмида ноқонуний равишда маълумотларни олганлик, қайта ишлаганлик учун 2 йилгача, 509²-моддасида автоматик қайта ишланадиган тизим функциясини ўзгартирганлик учун 3 йилгача, 509³-моддасида ваколати бўлмаган шахс томонидан электрон тизимга ноқонуний кирган ҳолда, ундаги маълумотларни ўзгартирганлик, йўқ қилганлик, ўчириб ташлаганлик учун ҳам 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган².

Кўриб турганимиздек, ушбу давлатларнинг жиноят қонунчилиги бир-бирига яқин, мазкур ҳолатда ҳеч бўлмаганда ШХТ, МДХ га аъзо давлатлар ўзларининг жиноят қонунчилигини ўзаро бирхиллаштириши мақсадга мувофиқ.

Олим М.А.Простосердовнинг таъкидлашича, кибержиноятларнинг янада кўпайишига сабаб сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ушбу соҳада етарлича билимга эга эмаслиги натижасида латент жиноятчилик кундан-кунга кўпайибю бораётганлигини таъкидлаган ҳолда, бу борада алоҳида кадрлар тайёрлашга эътибор бериш кераклигини, айниқса, иқтисодий жиноятларга оид кибержиноятларни квалификация қилишни ва ушбу жиноятларни очишни бемалол удалай оладиган кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини, шунингдек, ушбу жиноятлар ҳақида тушунтириш берадиган Олий

¹ Германия Федератив Республикаси жиноят кодекси. (Уголовный кодекс ФРГ) <https://constitutions.ru/?p=5854>.

² Люксембург жиноят кодекси. (Уголовный кодекс Великого Герцогства Люксембурга) // <http://legilux.public.lu/eli/etat/leg/code/penal/20181101>.

суднинг юқори органи бўлган, мисол учун Пленум қарорлари қабул қилиниши зарурлигини айтиб ўтади¹.

1996 йилда АҚШ Олий суди кибержиноят ҳақида алоҳида қарор қабул қилган² бўлса, ҳали ҳамон бу хусусда мамлакатимиздаги судларда алоҳида тасаввур йўқ, шу пайтга қадар аслида кибержиноят бўлган ҳолатни Жиноят кодексининг 4, 10, 14, 16-моддасига хилоф равишда, ЖПКнинг 333-моддаси ёки 83-моддасига кўра, жинойий иш кўзғатишни рад этиш ёки кўзғатилган жиноят ишини тугатиш ўрнига аслида бошқа қилмиш учун айбдор бўлган шахсни шу кунга қадар бошқа модда билан айблаб квалификация қилиб келишмоқда.

Ушбу ҳолат судлар томонидан қилмишни содир этган шахс ижтимоий хавфли қилмишни содир этганидан кейин, унга нисбатан жавобгарлик бўлиши керак деб изоҳлашмоқда, аммо ушбу қилмиш Жиноят кодексига киритилмаган ва бу бўйича алоҳида жавобгарликни белгилайдиган нормалар мавжуд бўлмаса, ушбу қилмишни содир этган шахсни жиноятчи ва у томонидан содир этилган қилмишни ижтимоий хавфли қилмиш деб аташимиз мумкинми? Асло йўқ. Шу жиҳатдан ҳам, ҳеч бўлмаса, судларимиз томонидан амалга оширилаётган ишларнинг бирхиллигини таъминлаш мақсадида кибержиноятчилик хусусида алоҳида Олий суд Пленуми қарори қабул қилиниши ва кибержиноятчилик бўйича у тушунтириш бериши мақсадга мувофиқ.

Яқин-яқинларгача биз гиёҳвандлик ва ОИТС балосини аср балоси деб таъриф берар эдик, аммо дунё халқларига уларданда кўпроқ, фикримизча, киберхужумлар зарар келтираётган бўлса ажаб эмас. Биргина мисол, жорий йилда жаҳондаги компаниялар кўрадиган зарар ўтган йил билан таққослаганда 1,6 мартага ошиши кутилмоқда, агар 2018 йилда киберхужумлар оқибатида кўрилган

¹ М.А.Простосердов. Экономические преступления, совершаемые в киберпространстве, и меры противодействия им Специальность 12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовноисполнительное право Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: 2016. –190-191 с.

² Информационный ресурс «Ciec.org». Reno vs. ACLU, 117 S.Ct. 2329 (1997) (casebook at 932-53). [Электронный ресурс] // [URL:http://ciec.org/SC_appeal/opinion.shtml](http://ciec.org/SC_appeal/opinion.shtml).

зарар миқдори 1,5 трлн долларни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу рақам 2,5 трлн долларни ташкил этиши мумкин¹.

2019 йилнинг июнь ойи ҳолатига кўра, Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилари сони 20 миллиондан ортиқни ташкил этмоқда. Аини пайтда “uz” доменида ўзининг интерактив хизмат ва ахборотларини таклиф этаётган 66 мингдан зиёд сайт бўлиб, ўтган 2018 йилда “uz” доменида жойлашган ушбу сайтларга жами 475 марта хуруж уюштирилган. Шундан 223 таси сайтларнинг бош саҳифасини ўзгартириш, 245 таси контентни берухсат юклаб олиш билан боғлиқ бўлиб, таҳдидларнинг 14 таси давлат ташкилотлари веб-сайтларига бўлганлиги масалага жиддий ёндашиш кераклигини кўрсатади².

Маълумки, кибержиноятчиликни бартараф қилиш учун юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 2030 йилгача ноқонуний пул оқимларини жиддий равишда қисқартириш, ўғирланган активларни излаб топиш ва қайтариш бўйича ишларни жонлантириш, уюшган жиноятчиликнинг барча шакллариغا қарши кураш олиб бориш ва экстремизм кўламларини уларнинг барча шаклларида жиддий равишда қисқартириш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилди³ ва ҳозирда айнан кибержиноятчиликка курашиш борасида зарур чоралар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда табиий савол туғилади, кибержиноятчиликнинг ўзи нима?

Х.Тухмуродов кибержиноятчилик ҳақида сўз юритиб, уни “ўргимчак тўри” воситасида одамларнинг ишонувчанликларидан

¹ Interpress.uz веб-сайтидан: Киберҳужумлардан кўрилаётган зарар ортиб бормоқда. <http://interpress.uz/archives/4170>.

² С.Турсунов. Киберҳужумлар: янги замоннинг янги таҳдидлари. <http://mahalladosh.uz/post?id=6134#>.

³ Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2018 й., 09/18/841/2081-сон, 04.06.2019 й., 09/19/457/3235-сон, 28.06.2019 й., 09/19/532/3344-сон.

усталик билан фойдаланиладиган жиноят деб атайди¹, наздимизча, кибержиноятчилик содир этилишига фақатгина инсонларнинг ишонувчанлиги сабаб эмас, чунки кибержиноятчи олдига қўйилган мақсадига етиш учун олдин тўғридан-тўғри тизимга ҳужум қилиш чораларини кўради ва бунда фойдаланувчининг ҳолати аҳамиятга эга эмас.

Олим Л.Кочкина кибержиноятчиликни “компьютер маълумотлари соҳасидаги жиноятлар”, “ахборот жиноятлари”, “компьютер ускуналари билан боғлиқ жиноятлар”, “юқори технологиялар компьютерларидаги жиноятлар”, “ахборот соҳасидаги жиноятлар” деб², Т.Бородкина ушбу жиноятларни ахборот соҳасидаги жиноят деб атаганди³. Олим И.М.Рассолов эса, ушбу тоифадаги жиноятларни жиноят қонунчилигида алоҳида жиноят сифатида кўришни таклиф қилади⁴. Ш.Толмасовнинг фикрича кибержиноят инсонлар томонидан жиноят мақсадида ахборот технологияларидан ноқонуний фойдаланишдир⁵.

Биз олимлар И.М.Рассолов, Т.Бородкина, Ш.Толмасов ва Л.Кочкинанинг фикрларига қисман қўшилган ҳолда, қуйидагиларни таъкидлаб ўтишимиз мақсадга мувофиқ.

Маълумки, амалдаги қонунчилигимизда “компьютер маълумотлари соҳасидаги жиноятлар”, “ахборот жиноятлари”, “компьютер ускуналари билан боғлиқ жиноятлар”, “юқори технологиялар компьютерларидаги жиноятлар”, “ахборот соҳасидаги жиноятлар” тушунчаларига аниқ тушунтириш берилмаган.

¹ Х.Тухмуродов. Виртуаль оламнинг таълим ва тарбияжараёнига салбий ва ижобий таъсири. “Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омилли” мавзусидаги XIV Республика илмий-амалий конференция материаллари. III қисм. 2017 йил 27 май. – Самарқанд. 2017. –167 б.

² L.Kochkina. Definition of the concept “cybercrime”. Selected types of cybercrime // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2017. №3 (17). –с 2.

³ Т.Н.Бородкина, А.В.Павлюк. Киберпреступления: понятие, содержание и меры противодействия. Социально-политические науки. № 1. 2018. –135- 137 с.

⁴ И.М.Рассолов. Право и Интернет. Теоретические проблемы. –М.: Изд-во НОРМА, 2003. –251-253 с.

⁵ Ш.Толмасов. Глобал макондаги кибержиноятчилик. <http://uz.denemetr.com/docs/768/index-29121-1.html>.

Шунингдек, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига асосан, ахборот — манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлардир¹.

Ахборот технологияси эса, ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлардир².

Телекоммуникациялар бўлса, сигналлар, белгилар, матнлар, тасвирлар, товушлар ёки ахборотнинг бошқа турларини ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электрмагнит тизимларидан фойдаланган ҳолда узатиш, қабул қилиш, қайта ишлашдир³.

Шунга кўра, юқоридагилардан ташқари, кибержиноятчилик факатгина интернет тармоғи орқали содир этилмаслигини инобатга олган ҳолда айтишимиз керакки, кибержиноятчилик объекти ва предметлари жуда кенгдир, шунга асосан, кибержиноятчиликни бир сўз билан ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги жиноятлар деб аташ мақсадга мувофиқдир. Бу борада эса, Жиноят кодексининг ХХ¹ боби бўлган “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” бобини “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги жиноятлар” деб аташ вақти етиб келди.

Олим В.А.Номоконовнинг фикрига кўра, кибержиноятлар компьютер жиноятларига қараганда анча кенгдир ва ахборот

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 439-II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 2-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда.

² Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

³ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги 822-I-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 4, 157-модда; 2007 йил, № 9, 414-модда; 2011 йил, № 12/2, 366-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда.

маконида улар жиноят феноменини аниқ акс эттирилади¹. Бунга ўхшаш фикрларни И.В.Раманов ҳам таъкидлаб ўтади². Ушбу ҳолатни О.А.Кузнецова тушунтиришга ҳаракат қилиб, кибержиноятчилик компьютердан ташқари, бошқа ахборот технологиялари ва интернет тармоқлари орқали ҳам содир этилганлиги учун ҳам кенг тушунчалигини таъкидлаб, компьютер жиноятчилигини фақатгина электрон қурилмалар ва уларда сақланаётган маълумотларга қарши қаратилган бўлади деб тушунтириш берган³. Шу каби фикрлар urist.one веб сайтида ҳам қайд этилган бўлиб, унга асосан кибержиноят–электрон соҳада компьютер тизимлари ёки тармоқлари ёрдамида ёхуд уларга қарши қаратилган ҳар қандай жиноятдир⁴.

Юқоридаги фикрларда албатта жон бор, аммо шу билан биргаликда айтишимиз керакки, ҳақиқатан ҳам кибержиноятчилик фақатгина компьютер жиноятчилиги деб аталмайди, чунки компьютер ускунаси ҳисобланмайдиган, аммо ахборот технологияси ва коммуникацияси ҳисобланадиган воситалар орқали ҳам кибержиноятчиликни содир қилиш мумкин. Биргина мисол, АҚШда “Эшелон” деб аталмиш электрон хавфсизлик тизимига кирувчи, АҚШ разведкаси назорат қиладиган АҚШ, Канада, Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия давлатларини бирлаштирган электрон хавфсизлик занжирга кибержиноятчилик интернет тармоғисиз электрон бўлмаган телекоммуникация воситаларидан фойдаланишган ҳолда киберҳужум уюштиришган. Жиноятчилар ўзларининг хабарларини эса криптографик ёки қисқартириш усуллари билан яширишган ва “Эшелон” тизимидаги алгоритм четлаб ўтилиб, тизим аввал ўчирилган, сўнг ҳужум амалга

¹ В.А.Номоконов/ Киберпреступность, как новая криминальная угроза / В.А.Номоконов, Т.Л.Тропина // Криминология. Вчера. Сегодня. Завтра. 2012. №1 (24). – с. 47.

² И.В. Романов. Понятие киберпреступлений и его значение для расследования // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2016. №5 (13). –106 с.

³ Третий пермский конгресс ученых-юристов : материалы междунар. науч.-практ. конф. Пермь, 12 окт. 2012 г. / отв. ред. О.А. Кузнецова. – Пермь : Перм. гос. нац. иссл. ун-т, 2012. – 289 с.

⁴ Urist.one веб сайтидан: Киберпреступление. <https://urist.one/dolzhnostnye-prestupleniya/kiberprestupnost/kiberprestuplenie.html>.

оширилган, ваҳоланки, “Эшелон” мазкур давлатларнинг барча электрон воситаларини назорат қилиб турган¹.

Компьютерлар томонидан моделлаштирилган, инсонлар, объектлар, ҳодисалар, ҳолатлар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, математик, рамзий ёки бошқа ҳар қандай маънода ифодаланган, маҳаллий ва глобал компьютер тармоқларида ҳаракат қиладиган ёки ҳар қандай жисмоний ёхуд виртуал қурилма хотирасида сақланадиган маълумотлар, шунингдек, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш учун махсус ишлаб чиқилган дастурлар орқали содир этиладиган ҳар қандай жиноятни олим А.В.Федоров кибержиноят деб атайди².

Биз ушбу фикрларга қисман қўшилган ҳолда, фақатгина юқорида кибержиноятчиликнинг компьютер ускуналари орқалигина эмас, бошқа ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали ҳам содир этилишини инобатга олган ҳолда, ушбу фикрларга қўшимча қилиб, мазкур жиноятларни тергов қилаётган шахслар қуйидагиларга эътибор беришлари лозимлигини таъкидлаб ўтишимиз жоиз.

Хусусан, объектив шаклда ифодаланган ҳамда электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) ёрдамида топиш ва ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар мажмуи маълумотлар базасини ташкил қилади, объектив шаклда ифодаланган ҳамда муайян натижа олиш мақсадида ЭҲМ, ЭҲМ шохобчалари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи ЭҲМ учун яратилган дастур бўлса³, алгоритм тилида тақдим этилган операциялар, командалар ва маълумотларнинг мантиқий ташкил этилган йиғиндисидан иборат ва муайян натижага эришиш мақсадида компьютерда амалга ошириш учун мўлжалланган

¹ М.М.Самчук. Кибертерроризм и особенности его проявления. <http://kursak.net/kiberterrorizm-i-osobennosti-ego-proyavleniya/>© kursak.net.

² А.В.Федоров. Информационная безопасность в мировом политическом процессе. – М.: МГИМО-Университет, 2006. – 11 с.

³ Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги 1060-ХII-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда.

интеллектуал мулк объекти эса дастурий таъминот воситаси ҳисобланади.

Ушбу дастурларнинг мулкдорлари бўлмиш, дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри мавжуд бўлиб, Миллий реестр он-лайн режимида software.uz Интернет-порталида электрон шаклда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан юритилади¹.

Ушбу реестрда дастурий таъминот воситасининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига қараб терговчи, суриштирувчи ёки прокурор терговнинг йўналишини аниқлаштириб олишлари мумкин.

Т.Л.Тропинанинг фикрича, кибержиноятлар бу компьютер тизимлари ёки компьютер тармоқлари ёхуд компьютер ичидаги маълумотларга қарши киришнинг бошқа воситалари ёрдамида киберфазода содир этилган жиноятлар мажмуидир².

Elcomrevue.ru веб сайти эса, кибержиноятчилик ҳақида сўз юритиб, виртуал макондаги жиноятчилик бўлиб, компьютерлар, унинг дастурлари ва тармоқларига ноқонуний равишда кириш, ундаги маълумотларни рухсатсиз ўзгартириш, шунингдек, улар ёрдамида бошқа ижтимоий хавфли қилмишларни содир этиш кибержиноятчилик дейилади, дуб тушунтириш беради³.

Т.Л.Тропина ва ушбу сайтнинг мазкур фикрлари хусусида аниқ тушунчага эга бўлиш учун олдин, кибермакон деган тушунчанинг моҳиятини англаб олишимиз даркор.

Умуман олганда ушбу тушунча ҳақида олимлар турлича тушунтириш беради, уларнинг бир қисми унга компьютер тармоғи

¹ Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2013 йил 28 ноябрдаги 62-мх, 52 ва 109-сон қарори (рўйхат рақами 2541, 2013 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 701-модда) билан тасдиқланган Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги низом. (рўй.: 2541, 26.12.2013 й.). // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 701-модда; 2016 й., 18-сон, 206-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.03.2018 й., 10/18/2541-2/0886-сон.

² Тропина Т.Л. Киберпреступность: понятие, состояние, уголовно-правовые меры борьбы: дис. ...канд. юрид. наук: 12.00.08. Владивосток, 2005.—36-38 с.

³ Elcomrevue.ru веб сайтидан: Киберпреступность — определение, классификация интернет угроз. <http://elcomrevue.ru/kibeoprestupnost-hto-eto/>.

орқали бир-бири билан боғланган ва бир вақтнинг ўзида турли географик нуктада кесишувчи ҳар қандай компьютернинг график сифатидаги маълумотларига ўралашиб қолган кишилар жамоасидир деб¹, ушбу тушунчага асос солган ёзувчи Уилям Гибсон томонидан 1984 йилдаги ўзининг “Cyberspace” (“Кибермакон”) деб номланган трилогиянинг биринчи романи “Neuromancer” (“Нейромант”) да уни дунёнинг барча компьютерларидаги электрон маълумотлар айланиб юрадиган виртуал макон деб таърифлайди², бошқа олимлар эса, уни рақамли муҳит деб атаб, уни алмашиш ва бошқариш, шунингдек, турли хил тармоқларда алоқаларни амалга ошириш мақсадида агентларнинг ўзаро таъсирининг ўта мураккаб тизимларини яратишга имкон берадиган ахборот-коммуникация технологиялари маъсулотлари фаолият кўрсатадиган майдондир деб тушунтириш бериб ўтади³. Шу ўринда, виртуал сўзининг маъносига эътибор қаратиб ўтадиган бўлсак, унга луғатларда инглизча “virtual” ва русча “виртуальный” сўзларидан олинган бўлиб, воқеий бўлиб кўринган, бироқ вазифалари бошқа мосламалар томонидан бажариладиган функционал мосламадир⁴, деган тушунтириш берилади.

Фикримизча, кибермакон нафақат виртуал маконда, балки ўзга ҳудудларда ҳам ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали кибержиноятчилик содир этилиши учун имконият ва шароит яратиб берадиган, шунингдек, ушбу майдонда киберхавфсизликни таъминлайдиган ҳудуд ҳисобланади.

¹ Sh.Shayakubov. “Dinshunoslik” fanidan o‘quv-uslubiy majmua. – T.: TMI, 2018. –111 б. / И.Саифназаров, М.Хужаев. “Кибермакон”да дин ниқобидаги “киберхужум”лар тахдиди. www.bukhari.uz/
<http://fikir.uz/blog/vatanparvar/kibermakon-da-din-ni-obidagi-kiber-uzhum-lar-ta-didi.html>.

² Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Муаллифлар жамоаси: Д.М.Амиров, А.Ю.Атаджанов, Д.Ю.Атаджанов, Д.А.Ибрагимов, З.Ё.Раҳимжонов, С.С.Саидхўжаев. –Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси нашриёти, 2010. –107 б.

³ Д.Е. Добринская. Киберпространство: территория современной жизни. – М.: научный журнал Московского государственного университета. 2018. Т. 24. № 1. – 59 с.

⁴ Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Муаллифлар жамоаси: Д.М.Амиров, А.Ю.Атаджанов, Д.Ю.Атаджанов, Д.А.Ибрагимов, З.Ё.Раҳимжонов, С.С.Саидхўжаев. –Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси нашриёти, 2010. –56 б.

Демак, кибержиноятчилик киберфазодан ташқари худудда ҳам, компьютер тармоқларидан ташқари ўзга тармоқларда ҳам содир этилиши мумкин ва шунинг учун ҳам ушбу тушунча жуда кенг тушунча ҳисобланади.

Баъзи веб-сайтлар ҳар қандай компьютер ёки унинг қурилмаси ёрдамида содир этиладиган жиноятларни кибержиноятчилик деб атайдилар¹. Бу биз сўз билан айтганда бу тўғри, аммо бошқа томондан ўйлаб қарасак бу нотўғридир. Сабаби Жиноят кодексининг 4-моддасига кўра, содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади, шунингдек, ушбу кодекснинг 10-моддасига асосан, қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт, демак, кибержиноятчилик бизнинг қонунчилигимизда йўқ экан, ҳар қандай веб-сайтда содир этилган қилмишларни ҳозирча кибержиноят деб аташга ҳаққимиз йўқ. Масалаланинг тўғрилиги шундаки, кўпчилик ривожланган давлатларда айнан кибержиноятчиликка қарши курашиш учун ўз қонунчилигида ушбу тушунчанинг моҳиятини кўрсатиб ўтишган ва бу бўйича алоҳида сиёсат юритишади. Бундай қилишларига сабаб эса, кибержиноятчилик минглаб километр узоқликда бўлган ўзга худудлардан туриб ҳам содир этилиши мумкин. Мисол учун, Буюк Британиянинг Суррей графлигида яшаб келган ҳаваскор хакер Дэниэл Кэй Африкадаги Либерия давлатининг телефон компаниясига киберҳужум уюштириши натижасида бутун Либерияни интернетсиз қолдирган².

А.Ксениянинг фикрича, кибержиноят бу компьютер тизимлари, тармоқлари ва маълумотлари орқали уларнинг махфийлиги, яхлитлиги ва мавжудлигига, шунингдек, ушбу тизимлар, тармоқлар ва маълумотларнинг суистеъмол қилинишига олиб келувчи ҳуқуқбузарликдир³.

¹ Sys-team-admin.ru веб сайтидан: Киберпреступления: понятие, виды и методы защиты. <https://sys-team-admin.ru/stati/bezopasnost/170-kiberprestupnost-ponyatie-vidy-i-metody-zashchity.html>.

² Д.Кашани. Британец, который сбил Либерию в автономном режиме с помощью кибер-атаки. BBC маълумоти, <https://www.bbc.com/news/uk-46840461>.

³ А.Ксения. Киберпреступность как угроза современному информационному обществу. – Таганрог. 2015. – 2 с. // <https://nsportal.ru/ap/library/nauchno->

Жиноят кодексининг 14-моддасига асосан, Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади¹.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10-моддасига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади².

tekhnikeskoe-tvorchestvo/2018/11/17/kiberprestupnost-kak-ugroza-sovremennomu-0.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар.

² Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон

Демак, наздимизча, кибержиноятчиликни маъмурий ҳуқуқбузарликка тенглаштириш нотўғри бўлиб, у агарда миллий қонунчилигимизга киритилса, уни жиноят деб аташимиз даркор ҳамда уни ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали содир этиладиган жиноят деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, кибержиноятчилик тушунчаси жуда кенг тушунча бўлиши билан бир қаторда, у ўзининг кенг қамровлиги ҳамда жабрланувчиларга жуда катта зарарни тез ва осон йўллар орқали амалга ошириши билан ҳарактерлидир. Баъзи олимлар, ушбу балони жиноятчилар ва жабрдийдаларнинг интернет-маданият меъёрларига риоя қилмаслиги оқибатида юзага келмоқда, деб ҳисоблайдилар¹. Ҳақиқатан ҳам бу фикрларда жон бор,

Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар.

¹ Ахборот хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. Муаллифлар жамоаси: С.М.Гафуров, А.Ганиев, О.Ш.Узоқов, Ҳ.С.Эгамбердиев. –Т.: Муҳаммад Ал-Хоразмий

кўпчилик ҳолларда кибержиноятчилик содир этилишига жабрланувчиларнинг ўзлари шароит ва имконият яратиб бермоқда, хатто баъзи ҳолатларда ўзлари қўштироқ ичидаги “хаккерлик илми”ни эгаллаш ниятида ҳам ўзларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини синаб кўришмоқда, қизиқиш ортидан эса жуда кўплаб зиёнлар вужудга келмоқда.

Хусусан, ҳозирда интернет орқали “Кўк кит”, “Китлар денгизи”, “Тинч уй”, “Бой хонимлар” каби номлар билан аталган ҳамда мақсади ўсмирларни ўз жонига қасд қилишга ундайдиган, шунингдек, “Mordhau”, “Sniper Elite V2 Remastered”, “Anno 1800”, “Rage 2”, “Total War: Three kingdoms”, “World War Z”, “A Plague Tale: Innocence”, “Nightmare Reaper”, “Dead or school”, “Plants vs. Zombies”, “Counter Strike”, “Халк” ва бошқа ўсмирларнинг руҳиятида урушни тарғиб қилувчи ҳамда руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи ўйинлар кенг тарқалиши оқибатида Ўзбекистонда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан биргина “Кўк кит” ўйинининг 15-босқичига етиб келган – 5 нафар ўқувчининг ҳаёти сақлаб қолинган¹. Савол туғилади, ушбу ўйинга ўсмирлар қандай боғланиб қолишди, наҳотки, “Соат тонги 4.20 да мени уйғот ва ўйинни ўйнашга таклиф қил”, “Тинч уй. Мени фақат ўша ерда кутишади”, “Китлар уйи. Мен фақат у ерда бошпана топаман”, “Тез орада ўзим томонимдан ўлдириламан” – каби ушбу ўйиннинг буйруқ ва топшириқлари ҳисобланган хитоблар² мазмуни ҳақида ўсмирлар етарлича тушунчага эга эмас бўлиши мумкин, аммо, фикримизча, юқоридаги барча ўсмирлар ушбу ўйинларнинг салбий оқибатларга олиб келиниши ҳақида оилада, мактабда, кўча-кўйда эшитишган ва хатто уларни онгли равишда биладилар, билиб туриб, англаган ҳолда оиладаги ёки бошқа муҳитдаги ўзаро салбий ҳолатлардан қутилиш, енгилтаклик оқибатида ушбу ўйинга боғланиб қолишган ва унинг жабрдийдасига айланишган. Ушбу сўзларни биринчи Президентимиз И.Каримов сўзлари билан

номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети нашриёти. 2017. – 33 б.

¹ Ш. Тўхташев. Ўзбекистонда ўзини ўлдиришга ундаганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда // http://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/22691/?sphrase_id=2877897..

² Ф.Отаханов. “Кўк кит” ўйини. Iqbol Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий нашри. <https://www.iqbol.uz/uz/bolalar-b-rcha-i/item/585-kuk-kit-ujini.html>.

тушунтирганимизда, бугунги кунда дунёда кибержиноятчилик, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий инфор­мацион таъсир ўтказиш каби халқаро хавфсизликка нисбатан илгари кўрилмаган хавфхатарларнинг авж олаётганига етарли баҳо бермасдан, уларнинг олдини олмасдан, бепарво бўлиб яшаш мутлақо мумкин эмас¹. Шу жиҳатдан ҳам, ушбу ўйин кулига айланиб қолаётганлигини теварак-атрофидаги шахслар қанчалик даражада билишган, аммо масаланинг айнан нимада эканлигини тушунмасликлари, яъни лоқайдликлари оқибатида юқоридаги салбий ҳолатлар ҳали ҳамон рўй бермоқда.

А.Норовнинг фикрича, кибержиноят инсонлар томонидан бойлик орттириш ёки бошқа ғаразли мақсадларда ахборот технологияларидан ноқонуний фойдаланган ҳолда содир этилган хавфли жиноятдир². Ҳақиқатан ҳам, ушбу жиноятда ғараз бўлади ва қилмиш тўғри қасддан содир этилади. Ушбу ҳолат хусусида ҳам олимлар турлича тушунтириш беришган, аксарият олимлар бундай жиноятнинг содир этилишида айб кўпинча эҳтиётсизлик ёки эгри қасд билан тавсифланади, дейдилар³. Н.И.Коржанскийнинг фикрича, ушбу жиноят кўпинча бепарволик оқибатида содир этилади⁴, Д.И.Элмурзаев эса, Россия Федерациясининг қонунчилигига асосан шахс қасддан таҳдид ва ғараз ниятида ушбу жиноятни содир этади⁵, А.А.Цыркалюк эса, ушбу жиноятларнинг ҳам қасддан ҳам эҳтиётсизликдан содир этилиши ҳақида сўз

¹ И.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан ватан химоячиларига байрам табриги. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2013. Т.21. – 157-158 б.

² А.Норов. Ахборот хавфсизлиги – давр талаби. – Қарши. Қашқадарё газетаси. 25.07.2019. <http://qashqadaryogz.uz/oz/read/akhborot-khavfsizligi-davr-talabi>.

³ Д.С.Злыденко. Категории преступлений и их субъекты: Уголовно-правовые аспекты тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук.– Краснодар. 2003., –52 с.

⁴ Н.И.Коржанский. Квалификаций преступлений против личности и собственности. –Волгоград, 1984., –с.18.

⁵ Д.И.Элмурзаев. Уголовная ответственность за доведение до самоубийства тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –М.: 2004. –24 с.

юритади¹, А.Наумов, Б.Здравомыслов, И.Козаченко, З.Незнамов ушбу жиноятнинг субъектив томони бевосита эгри қасд билан таърифлайди². Фикримизча эса, олим Д.И.Элмурзаев ва А.Норовнинг фикрларига қўшилиш керак, сабаби кибержиноятчи олдиндан қандай мудҳиш жиноят содир этаётганини билади, хатто жабрланувчи билан ўзаро курашда унинг ютқазिशини таъминлаш мақсадида унга турли хил ҳужумларни ўзи хоҳлаб, онгли равишда унга қандай зарар келтираётганини билган ҳолда амалга оширади. Хатто баъзи ҳолларда бундан ғурурланиш ҳиссигача боради. Биз ушбу ҳолатни тушунтиришимиз учун истаган Интернет кафеларда ўтирган болаларнинг ўзаро гуруҳ шаклида, уларнинг соғлиғи ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатадиган интернет ўйинларини ўйнашлари ва ўзларининг мақсадини амалга ошириш, ўйинда ғолиб бўлиш ҳамда ҳимояланиш учун қандай чораларни кўраётганлиги билан боғлиқ визуал ҳолатни кўз олдимизга келтирсак, ушбу жиноятни ҳақиқатан ҳам тўғри қасддан содир этилишлигини билиб олишимиз мумкин.

Кибержиноятчиликнинг субъекти хусусида ҳам олимларнинг фикрлари турличадир, мисол учун Э.Харина³, И.Глотина⁴ техник имкониятларни билишга қодир истаган шахс–маҳсус субъект ушбу жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин деб ҳисоблайдилар, А.Г.Волеводз эса, вояга етган ва ахборот технологияларива коммуникациялари бўйича мутахассис ушбу жиноятнинг субъекти деб атайди⁵, Н.Лимож, М.Косовичнинг фикрига кўра эса, ахборот технологияси ва коммуникация воситалари ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган шахслар ҳам, кибержиноятчиликнинг субъекти бўлиши мумкин ва бунда уларнинг ёши аҳамиятга эга

¹ А.А.Цыркалюк. Уголовная ответственность за доведение до самоубийства тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –Тамбов, 2011, –10 с.

² Абдуллаев А.С. Уголовно-правовой и криминологический анализ надругательства над телами умерших и местами их захоронения тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук. –Махачкала. 2002., –с. 168.

³ Э.Харина. Киберпреступления: уголовно–правовой и криминалистический аспект. –М.: Вестник университета имени О.Е. Кутафина, №5. 2017. –169 с.

⁴ И.Глотина. Киберпреступность: основные проявления и экономические последствия. –М.: Вопросы экономики и права. № 8. 2014. –12 с.

⁵ А.Г.Волеводз. Конвенция о киберпреступности: новации правового регулирования. –М.: Правовые вопросы связи. 2007. № 2. – 17-25 с.

эмас, деб ҳисоблайдилар¹. Бизнинг фикримизча эса, Жиноят кодексининг 17-моддасига асосан, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортилишини ва ахборот технологиялари ва коммуникация воситалари бўйича тўлиқ билимга эга бўлмаган шахслар ҳам кибержиноятчиликни содир этиши мумкинлигини инобатга олиб айтадиган бўлсак, миллий қонунчилигимизга кибержиноятчилик тушунчаси ва механизми киритилса, бу жиноят субъектининг ёшини 16 ёшга тўлган ҳақ қандай ақли расо шахсни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Мазкур ҳолатлар 23.11.2001 йилдаги Кибержиноятчилик бўйича Будапешт конвенциясида ҳам таъкидлаб ўтилган ҳолда, унга кўра ушбу жиноятнинг субъекти ақли расо вояга етган истаган шахс деб тушунтириш берилган. Шунингдек, мазкур конвенцияга асосан, кибержиноятларнинг объекти ишлаб чиқариш, йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, қидириш, узатиш, тарқатиш ва бошқа функцияларни амалга оширувчи, истеъмол бўйича ахборот жараёнларини амалга оширишга ихтисослашган компьютер техникаси ёки унинг қисми, тизими ва тармоқлари оид ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Обьектив томондан ушбу жиноятлар яхлит, бут, ўзга шахс учун сир маълумотлар ва тизимни бузиш орқали, компьютер билан, компьютер қисми, контент билан, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бузиш орқали содир этилади. Ушбу жиноятнинг субъекти юқорида кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширган истаган шахс бўлиши мумкин. Конвенцияда назарда тутилган барча жиноятлар фақат қасддан содир этилган тақдирда жавобгарликка сабаб бўлади².

А.Г.Волеводз фикрига кўра, жиноят қилиш мақсадида қонунга хилоф равишда ахборотларга эга бўлиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга оид ҳуқуқий муносабатлар ушбу жиноятнинг объектини ташкил қилса, объектив томондан ушбу жиноят ҳар доим муайян ҳаракатларни амалга ошириш билан

¹ Н.Лимож, М.Косович. Киберпреступления: особенности совершения и предупреждения // <http://bii.by/tx.dll?d=301093>.

² Convention on cybercrime. Budapest, 23.XI.2001. // http://www.europarl.europa.eu/meetdocs/2014_2019/documents/libe/dv/7_conv_budapest/7_conv_budapest_en.pdf.

боғлиқ бўлган ва компьютерда сақланиши мумкин бўлган маълумотларга ноқонуний кириш орқали содир этилади¹.

И.Г.Чекуновнинг фикрига кўра, зарарли компьютер дастурлари орқали компьютер тармоғига ёки уяли алоқа операторига уланган дастурий таъминотга кириш орқали содир этилади².

Юқоридагиларга кўшилган ҳолда, уни қисқа қилиб, ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали ҳимояланган ижтимоий муносабатлар кибержиноятларнинг объектини ташкил этади, деб аташимиз мумкин. Шунга кўра, мазкур ижтимоий муносабатларга эса, қилинган ҳужум тавсифи кибержиноятларнинг объектив томонини кўсатади.

Кибержиноятчиликнинг турлари ва шакллари турлича бўлганлиги сабабли ҳам унинг объектив томонини аниқ кўрсатиш мураккаб ва ҳар бир кибержиноятнинг тури бўйича объектив томон жиноят содир этилиши шаклига қараб турлича ифодаланади.

Хулоса ўрнида айтишимиз жоизки, ҳозирги шароитда киберхавфсизликни таъминлаш борасида мамлакатимизда Юртбошимиз бошчилигида олиб бораётган ислохотлар халқимизнинг оғирини енгил қилиб, халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқимиз учун хизмат келиши керак нақлида олиб борилмоқда. Аммо, бу дегани халқимиз лоқайдлик билан, сен менга тегма, мен сенга тегмайман, ҳаммасини давлат идоралари қилиши керак дегани эмас, лоқайдлик хусусида Президентимиз Буюк аллома Нажмиддин Кубро хазратлари “Муваффақиятни – саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни эса – лоқайдлик ва дангасаликда кўрдим”, деб бежиз айтмаганлигини иқтибос қилиб айтадиган бўлсак, қачонки халқимизда лоқайдлик йўқолса, мамлакатимиз тинч ва осойишта бўлади.

Кибержиноятчилик эса ўз-ўзидан халқимизнинг огоҳлиги туфайли камайиб бораверади, халқимиз кўриши керак бўлган, мамлакатимиз иқтисодига келиши мумкин бўлган зарарнинг олди олинади, жиноятлар охиригача тугалланмай қолади. Натижада,

¹ А.Г.Волеводз. Противодействие компьютерным преступлениям: правовые основы международного сотрудничества. – М.: ООО “Издательство “Юрлитинформ”, 2001. – 57, 60 с.

² И.Г.Чекунов. Криминологическое и уголовно-правовое обеспечение предупреждения киберпреступности: автореферат дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08. –М, 2013. – 7 с.

мамлакатимизда жиноятчилик минимал ҳолатга камайиб, халқимизнинг давлат органларига бўлган ишончи ортади. Шу жиҳатдан ҳам, эртанги кунимиз ўз кўлимизда. Зеро, ватан манфаатлари ҳам биримизнинг манфатимиздир. Шу сабабдан ҳам огоҳ бўлайлик ва лоқайдикка қари курашайлик, натижада кибержиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айланайлик, фикримча бу ўз кўлимиздадир.

1.4-§. Кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича ваколатли органни белгилаш бўйича долзарб муаммолар

Мамлакатимизнинг истиқболи юртимизда олиб борилаётган ислохотлар билан бевосита боғлиқдир. Ушбу ислохотлар ичида мамлакатимизда хавфсиз кибермаконни яратиш борасида жуда катта ижобий ишлар амалга оширилди. Ушбу ишлардан кўзланган мақсад, халқимизнинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, унинг бой яшашини таъминлашдан иборатдир. Зеро, “халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”¹.

Маълумки, киберхавфсизлик интернет орқали ҳам, интернетсиз ҳам содир этилиши мумкин, улар орқали бўлаётган ҳужумлардан кўзланган мақсад мулкий манфаатдорлик ёки жабрланувчига мулкий зарар келтиришдир. Иккала ҳолатда ҳам кибержиноятчи ўзининг ғараз мақсадини амалга ошириш учун ҳеч бўлмаганда жабрланувчининг онгини захарлаши ёки захарлаш билан бирга, ўзининг бошқа ғаразли мақсадини амалга оширишни кўзлайди.

Интернет олами чексиз ва уни бир томондан тақиқловчи воситалар ўйлаб топилган тақдирда ҳам, иккинчи томондан, кибержиноятчи ҳужум қилиши мумкин. Ҳужум амалга оширилишидан олдин турли хил йўллар билан жабрланувчини қизиқтириши ёки жабрланувчининг ҳимояланмаган ахборот технологияси орқали унинг шахсий маълумотларини ўзига қарши ишлатиш билан кўрқитиш ёки пўписа қилиш орқали жабрланувчига таъсир ўтказиши мумкин.

¹ Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. 15-б.

Кўп ҳолларда жабрланувчи ўзининг мулкига шикаст етмаслиги учун кибержиноятчининг истакларини бажариши оқибатида турли хил зарарли маълумотларга эга бўлиши, ва албатта, у ушбу ҳолатни бошқа шахсларга етказиши орқали кибержиноятчи қўйган мақсадлардан бири жамиятга зарар келтиришдек жиноят тарқалишига жабрланувчилар бевосита ёки билвосита сабабчи бўлиши мумкин. Ҳатто баъзи ҳолларда ўзлари ушбу фаолият тури билан шуғулланишга ҳаракат қилиб кўриши ёки қизиқиб қолишлари оқибатида уларнинг соғлом онгига путур етиш ҳоллари учраб туради.

Ушбу ҳужумдан ҳимояланиш борасида эса, ҳозирда бизда бир қанча муаммолар мавжуд, ушбу муаммолар ичида бу борадаги ваколатли органни белгилашга оид муаммодир.

Ҳозирда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот соҳасидаги таҳдидларни бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш билан бошқа орган¹, тармоқлар, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш билан бошқа орган², мамлакатда рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида, электрон ҳукумат ва давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этиш бўйича бошқа орган³, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 декабрдаги 1038-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисида”ги Низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2018 йил, 09/18/1038/0508-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон Қарорига 1-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисида”ги Низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.05.2018 йил, 09/18/318/1108-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5598-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2018 йил, 06/18/5598/2313-сон.

хавфсизлигини таъминлаш билан бошқа орган¹, давлат хавфсизлигини таъминлаш билан бошқа орган², оммавий коммуникациялар соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талабларига, техник регламентлар ёки стандартларга, лицензиялар шартларига риоя этиши устидан мониторинг олиб бориш билан бошқа орган³, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш ва муаллифлик ҳуқуқлари соҳасида фонограммалар, аудиовизуал асарлар, электрон ҳисоблаш машиналари (кейинги ўринларда – ЭҲМ) учун дастурлар тарқатилишида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга ошириш билан бошқа орган⁴, ахборот хавфсизлигига ҳозирги вақтдаги таҳдидлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тўплаш, давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ва ресурслари ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўмаклашиш, Интернетнинг миллий фойдаланувчиларини Интернет тармоғи миллий сегментида ахборот хавфсизлигига пайдо бўлаётган таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек ахборотларни ҳимоя қилиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш бўйича бошқа орган⁵, “Хавфсиз шаҳар”

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ–2883-сон Қарорига 1-илова қилинган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 15-сон, 247-модда.

² Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 йил, 03/18/471/1022-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 ноябрдаги 555-сон қарори билан тасдиқланган “Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 47-сон, 486-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4024-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисида”ги Низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2018 йил, 07/18/4024/2200-сон.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари

лойиҳасини амалга ошириш бўйича эса бошқа орган¹ шуғулланиши ҳамда улар томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5185-сон Фармонида 1-илова билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси²га асосан бир-бирини такрорловчи бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқилаётган ҳужжатлар бўлиб, мазкур органлар бўйича чиқарилаётган ҳужжатларга эътибор қаратсак, асосий мақсад шахс, жамият ва давлатнинг кибермакондаги хавфсизлигини таъминлаш борасида турлича фикрлар мавжудлигини ва уларни бирлаштириб, мувофиқлаштириш учун киберхавфсизликни таъминловчи ягона давлат органи қабул қилиш вақти етиб келди, фикримизча.

Назаримизда, турли хил вазирлик ва идораларнинг мазкур функциялари бирхиллаштирилиши оқибатида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 январдаги 15-сон қарори билан тасдиқланган “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида шахслар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилган ёки фаолият жараёнида аниқланган ёки кузатилаётган ёхуд прогноз қилиш жараёнида аниқланган ҳолатлар бўйича янги ташкил этилган ташкилот айнан ўша ҳужумнинг жиноят ёки жиноят эмаслигига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 326-моддаси тартибида тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мавжуд материалларни, ўз хулосаси асосида жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун юбориши орқали мавжуд ҳолат тизимли ҳал этилиши таклифини билдирамиз.

тўғрисида”ги ПҚ–4024-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2018 йил, 07/18/4024/2200-сон.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини амалга ошириш бўйича босқичма-босқич чоратадбирлар ва ягона технологик ёндашувни ташкил қилиш тўғрисида”ги 343-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2018 йил, 09/18/343/1203-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5185-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 37-сон, 979-модда.

Нега алоҳида давлат органи ташкил этиш керак, деб таъкидламоқдамиз. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5185-сон Фармонида асосан бир-бирини такрорловчи ваколатлари бўйича давлат органларини бирхиллаштириш орқали оптималлаштириш зарурлиги белгилаб кўйилган. Аммо юқорида кўриб ўтганимиздек, 9 та давлат органи айнан кибермаконни яратиш бўйича бир-бирини такрорловчи ваколатларга эга ва биргина кибермаконни яратиш учун ҳар бир давлат органи қайси бир функцияси билан ушбу вазифани амалга оширишга ҳаракат қилади. Фикримизча, юқорида таъкидланган 9 та давлат органининг бир-бирини такрорловчи мазкур функцияларини бирхиллаштирган ҳолда, уни ягона битта давлат органига беришимиз ва алоҳида кибермаконни яратиш учун масъул бўлган ваколатли органини ташкил этишимиз даркор.

Шу ўринда ушбу функцияларни бирхиллаштирган ҳолда, уни мавжуд органлардан бирига берсак бўлмайдами? – деган табиий савол туғилади. Фикримизча, унинг имконсиз эканини ўтган вақт давомида мамлакатимизда кибермаконни яратиш иши лозим даражада амалга оширилмасдан келинаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Юқоридаги ҳолатни кенгроқ кўриб чиқадиган бўлсак. “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига кўра, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 декабрдаги 1038-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисида”ги низомнинг 2-бандига кўра, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситалари, ахборот алмашиш, матбуот, ноширлик, матбаа ва ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси, “Алоқа тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддаси, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонуннинг 7-8-моддаларига

кўра, ахборотлаштириш, алоқа, телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4024-сон қарорига асосан таъсисчиси Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси бўлган Техник кўмаклашиш маркази инспекция томонидан ёки ўзи томонидан аниқланган ахборот технологиялари ва коммуникация воситаларида ахборот хавфсизлиги, шу жумладан, киберхавфсизликни сақлаш учун масъуллиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ–2883-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисида”ги Низомга асосан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлаш, муомалада бўлиши тақиқланган ёки қонун билан чекланган қурол-яроғ, бошқа предметлар ва моддаларни сотиб олиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосий вазифаси қилиб белгиланган ва ушбу вазифани амалга ошириш учун у юқорида таъкидлаб ўтган функцияни амалга оширишга тўла ҳақли бўлиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасига кўра, давлат хавфсизлик хизмати давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади. Шунга кўра, мамлакатимизда киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятчиликка қарши

курашиш билан ушбу давлат органи ҳам шуғулланишга тўла ваколатлидир¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5598-сон Фармони асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш, электрон ҳукумат соҳасидаги ҳамда давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этишда, ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли органдир².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4024-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисида”ги низомга асосан Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш ва муаллифлик ҳуқуқлари соҳасида фонограммалар, аудиовизуал асарлар, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар тарқатилишида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширувчи махсус мақомга эга ваколатли давлат органи ҳисобланади³.

¹ “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонун // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 йил, 03/18/471/1022-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5598-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2018 йил, 06/18/5598/2313-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4024-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисида”ги низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2018 йил, 07/18/4024/2200-сон.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази Ўзбекистон Республикасида босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориш ваколатига эга¹.

“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ҳамда “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, оммавий ахборот воситалари томонидан ахборотларни шакллантириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш ва унинг самарали мониторингини амалга ошириш, шунингдек шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги “Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 228-сон Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (ҳозирги Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги), Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази (ҳозирги Маънавият ва маърифат маркази), жамоат ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссиясини (кейинги ўринларда Комиссия) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилган.

Ушбу қарор билан Комиссияга қуйидаги асосий вазифалар юкланган:

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 28 июндаги 132-сон қарорига илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 25-26-сон, 265-модда; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги “Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 228-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 32-33-сон, 336-модда.

миллий ахборот макони ва оммавий коммуникация воситалари фаолияти, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, йўлдош тизимлар, Интернетнинг глобал тармоғи, ахборотни узатиш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситалари, шунингдек босма маҳсулотлар мониторинги натижаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази томонидан тақдим этиладиган мониторинг материалларини оммавий коммуникация воситаларида тарқатиладиган ахборот материалларининг ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга, фуқароларнинг ижтимоий онгига бузғунчи салбий ахборот-руҳий таъсирнинг олдини олишга, миллий-маданий анъаналар ва меросни сақлаб қолиш ва уларнинг узвийлигини таъминлашга йўналтирилган республика қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш;

оммавий коммуникациялар соҳасида хизматлар кўрсатувчи субъектлар фаолиятида қонунчилик талабларининг аниқланган бузилишлари бўйича хулосаларни тайёрлаш ва тегишли давлат органларига тақдим этиш;

миллий оммавий коммуникация воситаларининг самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни аниқлаш;

оммавий коммуникациялар соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази Комиссиянинг ишчи органи этиб белгиланган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Идоралараро коллегиял органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5527-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан тузилган идоралараро коллегиял органлар тубдан қисқартирилганлиги ҳамда уларни оптималлаштириш чора-тадбирлари белгиланган¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Идоралараро коллегиял органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 августдаги ПФ–5527-сон Фармони //

Шу мақсадда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 948-сон Қарорига илова билан тасдиқланган “Идоралараро коллегиял органлар тўғрисида”ги низомга асосан коллегиял органларни ташкил этишда коллегиял органларга давлат-ҳокимият ваколатларини бериш, амалий аҳамиятга эга бўлмаган, шунингдек давлат бошқарувида, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларнинг юзага келишига сабаб бўладиган коллегиял органларни ташкил этиш ва фаолият юритиши, коллегиял органларга давлат органлари вазифа ва функцияларининг ўрнини эгаллашга, қабул қилинаётган қарорлар ва аниқ натижаларга эришиш учун жавобгарликнинг сусайишига олиб келувчи такрорловчи ва параллел функцияларни юклаш тақиқланади.

Кўриб турганимиздек, мазкур Комиссияга алоҳида битта давлат органи бажарадиган функциялар берилган бўлиб, ушбу комиссия ўз фаолиятини амалга ошириш вақтида жуда катта тезлик билан ҳаракатланувчи ахборотнинг ҳолатини тартибга солиш вақтида турли хил вазирлик ва идоралар ўртасида тушунмовчиликлар, юқорида таъкидлаган бир-бирини такрорловчи функцияларни ўзида бирлаштирган 9 та давлат органи ўртасида ўзларининг нуқтаи назарларини ўтказишга ҳаракат қилиш оқибатида мавжуд муаммо тез ҳал этилиши учун сунъий тўсиқлар пайдо бўлмоқда. Юқоридагиларга асосланиб, айтиш керакки, мазкур комиссияни оптималлаштирган ҳолда, қайта ташкил этиш ҳамда мавжуд вазирлик ва идораларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги функцияларини алоҳида битта давлат органига тақдим этиш орқали мавжуд муаммоли ҳолатни ҳал этишни тақлиф қиламиз.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси(ФК)нинг 70-моддасига кўра, ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот унитар корхона ҳисобланади. Шунга кўра, биз янги ташкил этиладиган ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини давлат унитар корхонаси сифатида ташкил қилмаслик сабабини берамиз. Ушбу ҳолатни қуйидагилар билан ҳам исботлашимиз мумкин:

биринчидан, унитар корхона ФКнинг 72-моддасига асосан уставда белгиланган мақсадлар билан шуғулланиш вақтида у тижоратчиликка таваккалчилик билан қўл уради ва у истаган бир вақт ўзининг ташкилий- ҳуқуқий шаклини ўзгартириш орқали ўз мажбуриятларини ўзидан соқит қилиши мумкин;

иккинчидан, ФКнинг 80-моддасига кўра, давлат томонидан тузилган юридик шахс давлатнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари давлат ўзи тузган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, деган қоидага кўра, мамлакатимизда хавфсиз кибермаконни ташкил қилиш борасида ҳуқуқий ворислик бўйича муаммолар келиб чиқиши мумкин;

учинчидан, тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир¹. Шунга кўра, Конституциямизнинг 2- ва 7-моддасига кўра, халқнинг олдида алоҳида масъулиятни ҳис қиладиган вазифаларни асосий мақсади ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор бўлган унитар корхонага аслида алоҳида давлат органи бажариши зарур бўлган вазифаларни ишониб топширишга Асосий қомусимиз нуқтаи назаридан ҳақли эмасмиз.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, ташкилий-ҳуқуқий шакли жиҳатидан янги ташкил этилаётган давлат органи мустақил давлат органи бўлиши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–3358-сон Фармонида илова қилинган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатига киритилиши ҳамда хавфсиз кибермакон яратиш учун масъул ва киберхавфсизлик бўйича ваколатли давлат органи ташкил этилиши ҳамда юқорида Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссиясининг ваколатлари ушбу давлат органига берилиши, 9 та давлат органининг мавжуд функцияси ушбу янги ташкил қилинаётган

¹ “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 18-сон, 201-модда.

давлат органига тақдим этилиши, давлат унитар корхонаси шаклида Техник кўмаклашиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига кўмаклашиш маркази ушбу давлат органига берилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 344-моддасига асосан, дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боради¹.

Шунаг кўра, юқоридагиларга асосан, ваколатли орган этиб, Давлат хавфсизлик хизматини белгилашни тақлиф этган ҳолда, унинг техник фаолияти бўйича кўмаклашиш ва бу борадаги ривожланиш тараққиётини белгиловчи орган этиб Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги этиб белгилаш тақлиф этилади.

Мазкур ҳолатда, фикримизча, мамлакатимизда ахборот хавфсизлиги билан алоҳида давлат органининг шуғулланиши, бу

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда.

борадаги камчиликларнинг олдини олиш учун энг мақбул вариант деб ҳисоблаймиз.

1.5-§. Коррупциянинг кибержиноятчилик билан ўзаро нисбати ва мамлакатда хавфсиз кибермакон яратиш йўллари

Мамлакатимиз иқтисодиётида мустақиллик йилларида маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан воз кечилиб, ўтган вақт давомида мамлакатимизда бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилди. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш чоралари кўрилди, шунингдек глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармони қабул қилиниб, мазкур Фармон билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Айнан Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатимизнинг кейинги ривожи белгилаб берилди. Жумладан, мамлакатимизда хавфсиз кибермаконни яратиш бўйича зарур топшириқлар берилди. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясининг хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналиш сифатида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш зарурлиги белгилаб қўйилди. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш орқали мамлакатимизда хавфсиз кибермакон яратиш мақсади кўзланган.

Шу ўринда табиий савол туғилади: кибермаконнинг ўзи нима? Кибермакон сўзи инглизча “*cyberspace*” сўзидан олинган бўлиб, фалсафада ва компьютер тизимларида қўлланиладиган мавҳум образ (метофарик абстракция) ҳисобланиб, виртуал борлик деб аталувчи оламда ташкил этилган ва ўйлаб топилган “ички” иккинчи оламдир. Шунингдек, кибермакон сўзи кибернетика (фанга Н.Винером томонидан 1948 йилда киритилган) ва фазо

сўзларидан олинган бўлиб, фанга биринчи бўлиб канадалик фантастик ёзувчи Уильям Гибсон томонидан 1982 йилда киритилган ва журналистлар ҳамда сиёсатшунослар ўртасида образ кўринишида оммалашиб борган. АҚШда кибермакон тушунчаси 2011 йилдан бошлаб давлат инфратузилмасининг ҳимояга муҳтож муҳим элементларидан бири сифатида қаралиб келинган. Шу маънода АҚШда кибермакон – бу фазо эмас, миллий инфратузилманинг бир бўлаги бўлиб, у ҳам чегарага ва ҳимояга эга бўлиши керак. АҚШ Олий суди маълумотларига кўра, айнан у улкан маълумот сақловчи бўлиб, у худуд танламайди ва у дунёнинг ихтиёрий нуқтасидан туриб интернет орқали фойдаланишга рухсат этилганидир. Кибермакон анча оммалашган термин сифатида қаралиб, компьютер хотирасида график тасвирланган фойдаланувчи учун тасаввур маҳсули сифатида қабул қилинадиган виртуаль макондир¹.

А.С.Алпеев кибермакон ҳақида сўз юритар экан, уни “ахборот маконидаги фаолият соҳаси” ёки “киберобъектларни ўзаро боғловчи ва фаолият юритувчи макондир”² деб таъкидлайди.

Айтиш керакки, интернет оламини шахсий, жамоат нашрий ҳаёт фаолиятларида фойдаланиладиган қандайдир бир виртуал (ахборот-коммуникация, электрон, рақамли, ақлли, интеллектуал ва кибермакон) инструмент сифатида караш мумкин.

Кибермакон билан интернетни чалкаштирмаслик керак. Кибермакон виртуал борлик, у интернетсиз ҳам фаолият юритиши мумкин. Фақат бундай ҳолатда унинг таъсир доираси чекланади³.

Нега мамлакатимизда хавфсиз кибермакон яратиш ҳақида таъкидламоқдамиз? Ушбу ҳолатни қуйидагилар билан исботлашга ҳаракат қилиб кўрамиз. Биргина мисол: БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш Халқаро коррупцияга қарши кураш қуни муносабати

¹ И.Қурбонов Қурилишни бошқаришда кибермакон ва киберхавфсизлик аҳамияти // Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили: XIV Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Самарқанд: СамДАҚИ, 2017. 112-б.

² Алпеев А.С. Терминология безопасности: кибербезопасность, информационная безопасность // Вопросы кибербезопасности. 2014. – №5. – С. 39-42.

³ Нестеров А.В. О категории пространства. –М., НИУ ВШЭ, 2015. – 12 с. // www.hse.ru.

билан йўллаган мурожаатида таъкидлашicha, биргина жаҳон иқтисодиёти коррупция сабаб бир йилда 2,6 триллион доллар йўқотади ва бу маблағ глобал ЯИМнинг 5 фоизини ташкил қилади¹, Америкадаги “Symantec” компаниясининг ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги “Norton Report” ҳисоботиға кўра эса, биргина кибермаконда ҳар йили дунё бўйича 400 миллиондан ортиқ интернет фойдаланувчиси кибержиноятчилар қурбонига айланмоқда ва виртуал жиноятчилар ўзларининг бундай хатти-ҳаракати билан 110 миллиард доллардан зиёд молиявий зарар етказмоқда.

Бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун йилиға 270 миллиард доллардан ортиқ маблағ сарфланмоқда. Тадқиқотчилар қиёс учун қуйидаги далилни қайд этади: дунёда энг кўп даромад келтирадиган ноқонуний бизнес – наркотик моддалар савдосининг йиллик ҳажми 288 миллиард долларни ташкил қилади ва бу кибержиноятчилик келтираётган зарардан анча камдир.

Россия ҳукуматининг раиси Дмитрий Медведев “Очиқ инновациялар – 2018” форумининг очилишида билдирган сўзларига кўра, кибержиноятчиларнинг онлайн-маконидаги фаолияти туфайли дунё бўйича зарар миқдори 1 трлн. АҚШ долларидан ҳам кўп экан ва бу суммани Бош вазир “фантастик даражада” деб атаган².

Мазкур сўзларимизни мамлакатимизда бўлган ва бўлаётган қуйидаги ҳолатларни таъкидлаш орқали ушбу соҳаға янада кўпроқ эътибор кераклиги билан исботламоқчимиз. Умуман олганда, ҳозирги кунда Республикаимизда 32,65 миллион нафар аҳолидан 14,7 миллиондан ортиғи интернетдан фойдаланади. 2018 йил 12 март ҳолатига кўра, “UZ” доменида рўйхатға олинган веб-сайтлар сони 56447 тани ташкил этмоқда³. Хўш, ушбу веб-сайтлар ёки бошқа тармоқлар хавфсизми? Асло.

¹ <https://www.xabar.uz/agd>.

² <https://www.terabayt.uz/post>.

³ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашға кўмаклашиш маркази бўлими бошлиғи Л.Бўронов Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш фонди томонидан ўтказилган семинар-тренингда маълумот берган.

Биргина Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан тасдиқланган график асосида 2017 йил давомида республикада фаолият юритаётган давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг 120 та расмий веб-сайтлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилиб, экспертиза натижаларига қарайдиган бўлсак, веб-сайтларнинг 63 тасида заифлик ва камчиликлар мавжудлиги, шулардан 17 тасида жиддий заифликлар, қолган 57 тасида заифликлар мавжуд эмаслиги аниқланганидан билиш мумкинки, бу каби камчиликларга идораларнинг ахборот хавфсизлиги масалаларига етарли даражада эътибор қаратмаётганлигидан далолат бермоқда.

Шунингдек, Ахборот ва жамоат хавфсизлиги маркази доимий равишда “uz” доменидаги ахборот ресурслари мониторингини олиб боради. UZCERT маълумотида кўра, 2017 йилда ахборот хавфсизлигига доир Контентни берухсат юклаб олиш бўйича 322 та, Бош саҳифани ўзгартириш бўйича 345 та, Фишинг контентни жойлаштириш 2 та, жами 669 ҳодиса аниқланган бўлиб, шулардан Контентни бошқариш тизимлари юзасидан “CMS “Wordress” бўйича 530 та, “CMS “Joomla!” бўйича 60 та, “CMS “DLE” бўйича 8 та, “CMS “Open Cart” бўйича 1 та, бошқа, жумладан, CMS ўрнатилмаган тизимлар бўйича 70 та, давлат органларининг расмий веб-сайтларига амалга оширилган 72 та киберҳужумлар юзасидан бош саҳифанинг ўзгартирилиши (дефейс) бўйича 60 та, контентни берухсат кўчириб олиш бўйича 12 та, давлат органлари томонидан фойдаланиладиган контентни бошқариш тизимларига ҳужумлар юзасидан “CMS “Wordress” бўйича 19 та, “CMS “Joomla!” бўйича 21 та, “CMS “Drupal” бўйича 5 та, “CMS “1С-Bitrix” бўйича 7 та, бошқа, жумладан CMS ўрнатилмаган тизимлар бўйича 20 та, хусусий сектор веб-сайтларига уюштирилган 597 та ҳужум юзасидан контентни берухсат кўчириб олиш бўйича 310 та, бош саҳифанинг ўзгартирилиши (дефейс) бўйича 285 та, Фишинг контентни жойлаштириш бўйича 2 та, жами 592 тасида киберҳужум сабаблари ва оқибатларини бартараф этиш учун тегишли чоралар кўрилган¹.

Улар орасидан битта ҳолатни кўриб ўтайлик. Биргина 2017 йилнинг 20 ноябрь куни Ўзбекистондаги бир қатор

¹ <http://www.xabar.uz/tehnologiya>.

муассасаларнинг ахборот ресурсларига, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Давлат тест марказининг веб-сайтига киберҳужумлар амалга оширилди. Ахборот технологиялар ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Матбуот хизматининг “Kun.uz” сайти таъсисчиси “Web expert” МЧЖга хабар қилишича, жаҳон миқёсида оммавий уюштирилган виртуал ҳужумлар оқибатида турли мамлакатларда 60 мингдан зиёд ресурслар зарарланган. Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази томонидан амалга оширилган тезкор чора-тадбирлар натижасида тегишли ташкилотлар веб-сайтларининг фаолияти қайта тикланган. UZINFOCOM Маркази ҳамда Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказлари ҳамкорлигида ҳужум манбасини аниқлаш ҳамда кейинчалик бу турдаги ҳужумлардан ҳимояланиш мақсадида зарарланган ресурсларнинг захира нусхаларини яратиш юзасидан ишлар амалга оширилди. Шунингдек, истиқболда ҳимоя чораларини ишлаб чиқиш учун ушбу киберҳужумларнинг уюштирилиши сабаблари ҳамда усуллари яқиндан тадқиқ қилинди¹. Шу ўринда битта табиий савол туғилади: мазкур ҳужумнинг олди олиниши мумкин эдими? Фикримизча, ҳа. Агарда мамлакатимизда ахборот хавфсизлиги, шу жумладан киберхавфсизлик бўйича тизимли ишлар олиб борилиб, бўлиши кутилаётган киберҳужумларнинг прогнози ўз вақтида аниқланганида ушбу ҳужум умуман бўлмасди.

Юқоридагиларга асосан “Касперский лабораторияси” 2018 йилда замонавий технологиялар ҳамда интернетга уланган қурилмалар, хусусан, банкоматлар, автомобиллар, шунингдек шахсий маълумотлар (ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар, тиббий маълумотлар)га бўлган киберҳужумлар бошқа соҳаларга кўра кўпроқ бўлишини тахмин қилганди². Хўш, нега бундай? Фикримизча, кибержиноятчилар ишончли, кўпқатламли киберҳимояга эга компанияларнинг ўзига ҳужум қилишдан кўра, улар фойдаланадиган машҳур дастурларга ҳужум қилишни афзал кўришади. Сабаби оддий: ушбу компаниянинг ҳимоясини ёриб ўтгандан, у чиқазаётган дастурларга зарар келтириш орқали ҳужум қилиш кибержиноятчиларга, биринчидан, осонроқ, иккинчидан,

¹ <https://kun.uz/news/2017/11/20/kiberuzumga>.

² <http://www.xabar.uz/tehnologiya>.

зарарнинг кўламдорлиги бўйича улар бир вақтнинг ўзида ҳам ушбу дастурга, ҳам унинг фойдаланувчисига киберхужум қилиши ушбу дастурни ишлаб чиққан компаниянинг ишчанлик обрўсига путур етказиши натижасида улар кўпроқ наф кўришлари мумкин.

Хўш, ушбу хужум қандай соҳаларда амалга оширилиши мумкин? Ушбу фикрларимизни “Касперский лабораторияси”нинг маълумотларига асосланиб айтадиган бўлсак, шахсий фойдаланувчилар “интернет жиҳозлари” – веб-камералар, роутерларга, шу жумладан, автомашинанинг бир неча функцияларини бажарадиган смартфонларига, сақланаётган шахсий тиббий маълумотлари бўлган тиббиёт қурилмаларига, мини-компьютерлар ўрнатилган автоматик равишда ишловчи банкоматларнинг қурилмаларига, ОАВ ҳамда ижтимоий медиаларга бузиб кириш ҳолатларини таъкидлашимиз мумкин.

Ушбу ҳолатни чуқурроқ тушуниш учун ушбу мисолни кўриб ўтайлик. 2018 йилнинг 7 ноябрь куни “Бизнес Лабораторияси” Ўзбекистонда АКТ яқунлари бўйича учрашув ўтказиб, унда мутахассислар “Uzcard” тизими хакерлар қаршисида заиф, – деган хулосага келишди. Нега энди, биз шу пайтга қадар “Uzcard” тизими EMV’нинг энг сўнгги халқаро стандартига жавоб берган ҳолда фаолият олиб боради, деб билиб келганмиз? Бундай дейишимизга сабаб Ягона умумреспублика процессинг маркази (ЯУПМ) ҳар йили Payment Card Industry Data Security Standard (PCI DSS) томонидан халқаро стандарт бўйича текширувдан ўтказди ва текширув натижаси доимо муваффақиятли чиққан¹. Аммо 2018 йилнинг 17-19 сентябрь кунлари ушбу тизим ишламай қолди ва тизим ишдан чиқиши Ўзбекистондаги 18 миллиондан ошиқ пластик карта муомаласига таъсир кўрсатди². Аммо негадир тизим Payment Card Industry Data Security Standard (PCI DSS) томонидан халқаро стандарт бўйича аттестациядан ўтказилиб, у муваффақиятли амалга оширилган?

Демак, аслида бу каби муаммолар мавжудлигидан ушбу тизим билан ишлашда нуқсонлар бўла туриб, ушбу тизимни Payment Card Industry Data Security Standard (PCI DSS) тўлиқ синовдан ўтказмаган экан-да? Ушбу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил

¹ <https://www.xabar.uz/969>.

² <https://kun.uz/news/2018/09/17/markazij-bank>.

19 сентябрдаги “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3945-сон Қарори қабул қилиниб, ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш бош маркази” давлат унитар корхонаси Миллий банклараро процессинг маркази ташкил этилди. Бу билан муаммони тўлиқ ҳал қилиш имконсиздир, сабаби кибермакон чексиз-чегарасиз, у интернетсиз ҳам ишлайди, интернет билан ҳам ишлайди.

Демак, юқоридаги зарар миқдорларидан ва мисоллардан билиш мумкинки, коррупция каби кибержиноятчиликнинг мамлакатимизга келтириши мумкин бўлган хавфи жуда баланд. Шу маънода, ушбу хуружларнинг олдини олиш чораларини кўриш ҳам мамлакатимиз иқтисоди учун, ҳам фуқароларимизнинг мулкий хавфсизлигини таъминлаш учун зарур ва аҳамиятлидир.

Хўш, киберхавфсизликни таъминлаш мамлакатимизда етарлича амалга оширилмоқдами? Ушбу саволга жавоб излаш учун коррупцияга қарши курашиш бўйича қилинган ишлар билан киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қилинган ишларнинг қиёсини кўриб ўтиш ўринлидир.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, унда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, тамойиллари, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар, уларнинг ваколатлари, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш чоралари белгилаб қўйилди¹.

Ушбу қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2752-сон Қарори қабул қилиниб, у билан 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури қабул қилиниб, давлат дастури асосида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди, шунингдек Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилиб, унинг ишчи

¹ “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 1-сон, 2-модда.

органи этиб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси белгилаб қўйилди¹.

Хўш, киберхавфсизликни таъминлаш бўйича алоҳида давлат дастури ёки қонун қабул қилиндими? Ҳозирча йўқ. Ҳали-ҳануз 10 дан ортиқ ахборот соҳасидаги қонунлардан ажратилиб, ягона ахборот хавфсизлиги, айниқса, киберхавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги қонун қабул қилингани йўқ. Ваҳоланки, ушбу қонунга ўхшаш қонунлар АҚШ, Хитой каби мамлакатларда қабул қилинган ва шу асосда мамлакатда киберхавфсизликни таъминлаш чоралари олдиндан кўрилган.

Киберхавфсизликни таъминлаш ёки кибержиноятчиликка қарши курашиш давлат дастури ҳам қабул қилинмаган бўлиб, мамлакатимизда ушбу жиноятчиликка қарши курашиш давлат миқёсида ҳали амалга оширилгани йўқ. Умуман олганда, киберхавфсизлик бўйича шу пайтга қадар нима амалга оширилди? – деган саволга бир талай санокли ижобий ишларни айтиб ўта оламиз, холос.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармонида 8-илова билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид давлат дастурининг 297-банди асосида киберхавфсизлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга оид Вазирлар Маҳкамаси қарори ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5349-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида киберхавфсизликни таъминлаш ва тармоқлар, дастурий маҳсулотлар, ахборот

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 2 февралдаги ПҚ–2752-сон қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 5-сон, 62-модда.

тизимлари ва ресурсларини жорий қилишни таъминлаш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш, шахсий ва биометрик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича технологияларнинг қўлланишини тартибга солишда иштирок этиш белгилаб қўйилди.

Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисида”ги низомнинг 8-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг тармоқлар, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларини жорий этиш, шахсий ва биометрик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича технологияларнинг қўлланишини тартибга солишда иштирок этиш бўйича функциялари аниқ кўрсатилиб қўйилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг виртуал маконда иштирокини фаоллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 622-сон қарори билан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг виртуал маконда иштирокини фаоллаштириш концепциясини амалга оширишнинг асосий йўналишлари сифатида киберхавфсизлик инфратузилмасини ривожлантириш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4024-сон қарори билан Ахборот соҳасида ягона давлат сиёсати рўёбга чиқарилишининг самарадорлигини ошириш, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги назорат тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази тугатилиб, давлат унитар корхонаси шаклида Техник кўмаклашиш маркази ташкил этилди.

Фикримизча, агарда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишларга ўхшаб, алоҳида қонун ва давлат дастури қабул қилиниб, бу бўйича тизимли ишлар амалга ошириб борилганида, мамлакатимиз иқтисодини киберхужумдан сақлаб қолишнинг устувор йўллари ишлаб чиқилган ва мамлакатимизда ҳам киберхавфсиз макон яратиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилган бўларди.

Умуман олганда, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясига ўхшаш, ишчи органи мавжуд бўлган бошқа шунга ўхшаш идоралараро органларни бирлаштирувчи ягона Кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясини тузиш вақти ҳам етиб келди.

Мамлакатимизда кибермаконни яратиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар ҳақида сўз юритар эканмиз, мамлакатимизда кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар салмоғи ва кўламдорлиги коррупцияга қарши курашишга оид ишларга нисбатан жуда паст даражада амалга оширилганини англашимиз қийин эмас.

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Болгария, Греция, Латвия, Эстония каби кўплаб мамлакатларнинг парламентларида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия ва қўмиталар мавжуд. Ана шу илғор хорижий тажрибалар ва Конституциямиз талаблари асосида Олий Мажлис палаталарида Коррупцияга қарши курашиш бўйича қўмиталар ташкил қилишни таклиф этамиз. Ушбу қўмиталар барча бўғиндаги давлат идораларида коррупцияга қарши курашни янада кучайтиришга вакиллик органи сифатида муносиб ҳисса қўшиши лозим”¹, деган эди Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида. Дарҳақиқат, ушбу фикрларни инобатга олиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тузилмасига эътибор берсак, фикримизча, Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг ўзи

¹ Ш.М. Мирзиёев. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2018 йил 8 декабрь.

ушбу соҳадаги фаолият билан тўлиқ шуғулланиш имконига эга эмас, сабаби кўмита фаолияти йўналиши бўйича бир эмас, бир неча вазирлик ва идоралар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси кўриб чиқадиган масалаларни фақатгина ушбу кўмитанинг ўзи тўлиқ кўриб чиқиши имконсиздир.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ–3416-сон қарорига 3-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тўғрисида”ги низомга асосан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ўзбекистон Республикасини инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида жамият ва давлат ҳаётини ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқарув органи ҳисобланади¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5598-сон Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш, электрон ҳукумат соҳасидаги ҳамда давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этишда, ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли органдир².

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборот

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ–3416-сон қарорига 3-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тўғрисида”ги низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.11.2017 йил, 07/17/3416/0338-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5598-сон Фармони //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2018 йил, 06/18/5598/2313-сон.

технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисида”ги низомга асосан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги давлат бошқарув органи ҳисобланади¹.

Юқоридагиларга асосан шуни айтиш мумкинки, ахборот соҳаси бошқа соҳаларга қараганда тезроқ ривожланаётгани, бу борадаги истиқболларни одиндан кўра билиш учун битта кўмитанинг ўзи камлик қилиши мумкинлигини инобатга олиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитасидан бошқа алоҳида ахборот хавфсизлиги билан шуғулланувчи ва мамлакатимизнинг киберхавфсизлигини таъминлаш учун масъул кўмита ташкил этиш вақти етиб келди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, биргина кўмита ташкил этиш орқали ушбу борадаги муаммоларни ҳал қилиш имконсиздир. Шу маънода ахборот хавфсизлиги борасида ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасида алоҳида комиссия ташкил этиш даркор, деб ҳисоблаймиз.

Балким, бу борадаги жавобгарликни кучайтирганимиз маъқулдир. Ушбу ҳолатни кўриб ўтсак. Биргина, 2018 йилнинг ўтган 7 ой давомида 1 минг 177 нафар мансабдор шахс коррупция бўйича жиноий жавобгарликка тортилганлиги² ва бундан кенг омма хабардорлиги, аммо бугунги кунда киберхушум қилган қанча жиноятчи, шу жумладан киберхужумнинг олдини олиш чораларини кўрмаганлик бўйича қанча мансабдор шахс жавобгарликка тортилганлиги кенг оммага номаълумлиги, шунингдек, ушбу хуруж натижасида қанча зарар миқдори аниқланган, қанча зарарни қопланиш чоралари кўрилган? – деган саволларга ҳали-ҳануз

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисида”ги низом //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.05.2018 йил, 09/18/318/1108-сон.

² Ш.М.Мирзиёев. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2018 йил 8 декабрь.

жавобнинг йўқлиги орқали айтиш мумкинки, ушбу соҳада ваколатли аниқ органи белгилаб олмасак ва унга аниқ чоратадбирларни кўриш бўйича масъулият юкласак ва ҳозирдан киберхужумларнинг ялпи олдини олиш чораларини кўрмасак, киберхуружлар сони яна ортиши ва энг ачинарлиси, уларнинг келтирган зарар миқдори жуда катта рақамларга айланиши ва Россия ҳукумати раисининг сўзлари билан айтганда, бу “фантастик” бўлиши мумкин.

Юқоридагиларга қўшимча сифатида айтиб ўтиш зарурки, коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга мурасасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз¹. Ҳа, айнан бу борадаги ишларимизни тўлиқ амалга оширишимиз учун, киберхуружларнинг олдини олиш учун ҳам барчамиз бирдек ҳаракат қилишимиз ва доимо огоҳликни эсдан чиқазмаслигимиз керак.

Шу ўринда айтиб ўтиш зарурки, асосий қонунимиз билан барча фуқаролар зиммасига Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурияти юклатилган² ва айнан Конституция асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ижтимоий муносабатлар тартибга солинар экан, Конституцияда мустаҳкамланган шахсларнинг кибермаконда ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини амалга оширишини таъминлаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ижодкорлигимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 8 августдаги

¹ Ш.М.Мирзиёев. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2018 йил 8 декабрь.

² Ш.М.Мирзиёев. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2018 йил 8 декабрь.

ПФ–5505-сон Фармонда қайд этилганидек, “тартибга солиш гильотинаси” усулини қўллаш орқали, фикримизча, мавжуд кибермаконда шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тубдан қайта кўриб чиқиш вақти етиб келди.

Қолаверса, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларимиз орқали жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур¹.

Юқоридаги зиддиятли ҳолатлар ҳақида сўз юритар эканмиз, бу кибержиноятчилик нафақат фуқаролар ёки ташкилотлар, балки иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини тўлиқ компьютерлаштирган ҳар қандай давлатнинг миллий хавфсизлигига бевосита таҳдидлигига яна бир марта амин бўлишимиз мумкин. Шу боис кибержиноятчилик бутун дунёда одатдаги жиноятларга тенглаштирилган ва уларни содир этган шахслар қонун бўйича таъқиб қилинади. Кейинги икки йилда фуқароларимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, турмуш шароитларини яхшилаш, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишга қаратилган 90 та қонун ҳамда 2 мингдан зиёд фармон ва қарор қабул қилинди. Аммо кибержиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қилинган аниқ ишлар эса саноклидир. Фикримизча, мавжуд қонун ҳужжатларимизни тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда, кибержиноятчилик билан курашишнинг янги поғонасига кўтарилишимиз ва мамлакатимизда хавфсиз кибермаконни яратиш учун барчамиз бирдек ҳаракат қилишимиз даркор. Зеро, мамлакат осойишталиги ҳар биримизнинг бурчимиздир.

¹ Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016. 10-б.

1.6-§. Кибержиноятларнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий секторига нисбатан хавф-хатарини бартараф этиш усуллари

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳозирда иқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаб, халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини тубдан яхшилашда асосий замин бўлмоқда.

Айни вақтда, тараққиёт йўлимизнинг таҳлили бугунги кунда жаҳон бозорида конъюнктура кескин ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётганини албатта ҳисобга олишни, шу асосда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун янгича ёндашув ва тамойиллар билан ишлашни тақозо этмоқда¹.

Ушбу ёндашувлар амалга ошиши оқибатида мамлакат иқтисодиёти сезиларли юқори кўрсаткичларга эришади, аммо ушбу кўрсаткичларга зарар етказадиган омиллар мавжуд. Айни вақтда ҳозирги мураккаб замон тинч-осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлаш, халқимизнинг кафолатланган хавфсизлигини таъминлаш масаласини янада долзарб қилиб қўймоқда². Хусусан, киберҳужумлар оқибатида мамлакат иқтисодиётига етиши мумкин бўлган зарарларни олайлик, ушбу зарарларнинг миқдори айнан қанча бўлишлигини олдиндан айтиб бера олиш имконсиздир. Зеро, киберҳужум сиз-у бизга номаълум вақтда амалга оширилади.

Киберҳужумлар бўйича хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро Symantec Security ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирда ҳар секунда дунёдаги 12 нафар инсондан биттаси киберҳужум қурбони бўлмоқда ва дунёда ҳар йили 556 млн. дан

¹ А.Т.Тўхтабоев. Миллий иқтисодиёт ривожини етук мутахассис кадрларга боғлиқ. Миллий товарлар рақобатбардошлигини оширишда замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш. Республика илмий-амалий анжумани илмий мақола ва тезислари тўплами (2018 йил, 27 ноябрь). –Т.: Фан ва технологиялар, 2018. – 27 б.

² Ш.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 13 б.

кўпроқ киберхужум уюштирилади ва бунда жабрланувчилар кўрадиган зарар миқдори 100 млрд. АҚШ долларидан кўпроқдир¹.

Маълумки, кибержиноятчиликни бартараф қилиш учун юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 2030 йилгача ноқонуний пул оқимларини жиддий равишда қисқартириш, ўғирланган активларни излаб топиш ва қайтариш бўйича ишларни жонлантириш, уюшган жиноятчиликнинг барча шакллариغا қарши кураш олиб бориш ва экстремизм кўламларини уларнинг барча шаклларида жиддий равишда қисқартириш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилди² ва ҳозирда айнан кибержиноятчиликка курашиш борасида зарур чоралар амалга оширилмоқда.

Хўш, ушбу киберхужумлар натижасида мамлакат иқтисодиётига келтирилаётган зарарни қандай камайтиришнинг жинойт-ҳуқуқий ечимлари мавжуд?

В.С.Харламовнинг фикрича, ушбу муаммонинг ягона ечими кибержиноятчилик тушунчасини мамлакат жинойт қонунчилигига киритиш керак³. Ҳақиқатан ҳам, жинойт қонунчилигимизга ушбу тушунча киритилиши лозим. Биргина мисол, Белеруссия жинойт кодексининг 24-бобининг 1-изоҳ қисмида компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда мулкка зарар кетирганлик⁴, Дания жинойт кодексининг 279-а-моддасида⁵, Франция жинойт кодексининг

¹ Д.Н.Карпова. Киберпреступность: глобальная проблема и ее решение. – М.: Власть. 2014. (№8). –46 с.

² Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2018 й., 09/18/841/2081-сон, 04.06.2019 й., 09/19/457/3235-сон, 28.06.2019 й., 09/19/532/3344-сон.

³ В.С.Харламов. Теория и практика противодействия преступному насилию в семье (системное криминологическое и уголовно-правовое исследование). Специальность 12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Санкт- Петербург. 2019. –721 с.

⁴ Белеруссия жинойт кодекси // <http://xn----ctbcgfviccvibf9bq8k.xn--90ais/>.

⁵ Уголовный кодекс Дании // <https://www.retsinformation.dk/Forms/R0710.aspx?id=152827#Kap28>.

263a-моддасида¹, Эстония жиноят кодексининг 268-моддасида² компьютер фирибгарлиги, Италия жиноят кодексининг 640-ter-моддасида компьютер тизимларига аралашганлик³, Хитой Халқ Республикаси Жиноят кодексининг 287-моддасида ўзгалар мулкани компьютер орқали талон-тарож қилганлик⁴, Нидерландия Жиноят кодексининг 138ab-моддасининг “а” бандининг учинчи хатбошисида виртуал фирибгарлик⁵, Польша Республикаси Жиноят кодексининг 287-моддасида компьютер ахборотини модификация қилганлик, ўзгартирганлик, йўқ қилганлик, фирибгарлик қилганлик⁶, Украина Жиноят кодексининг 190-моддаси 3-қисмида электрон ҳисоблаш машинаси ёрдамида ноқонуний операцияларни амалга оширганлик⁷, Жанубий Корея Жиноят кодексининг 247-2-моддасида техник воситалар, шунингдек, компьютер орқали маълумотларни ноқонуний равишда эгаллаганлик, уларни сохталаштирганлик, ноқонуний равишда қайта ишлаганлик⁸, Испания Жиноят кодексининг 478-моддасида компьютер маълумотлари ва компьютер воситасида савдо сирларини ўз ичига олган маълумотларга рухсатсиз кирганлик⁹, Финландия Жиноят кодексининг 30-боби 4-моддаси 1-бандида компьютер тизимига ноқонуний равишда кирган ҳолда савдо сирларини ўйрлашга оид жосуслик қилганлик¹⁰, Швейцария Жиноят кодексининг

¹ Уголовный кодекс Германии с изменениями от 28 декабря 2003 года // <http://lexetius.com/StGB/263a>.

² Уголовный кодекс Эстонии // <http://www.hot.ee/almanach/kriminaalseadustik.html>.

³ Уголовный кодекс Италии // <http://www.altalex.com/?idnot=36653>.

⁴ Уголовный кодекс Китайской Народной Республики // <http://constitutions.ru/archives/403>.

⁵ Уголовный кодекс Нидерландов // http://wetten.overheid.nl/BWBR0001854/TweedeBoek/TitelV/Artikel138ab/geldigheidsdatum_29-09-2013.

⁶ Польша Республикаси Жиноят кодекси // <http://law.edu.ru/norm/norm.asp?normID=1246817>.

⁷ Уголовный кодекс Украины // <http://zakon1.rada.gov.ua/cgi-bin/laws/main.cgi?nreg=2341-14&p=1214905443606898>.

⁸ Уголовный кодекс Республики Корея // <http://www.crime.vl.ru/index.php?p=1324&more=1>.

⁹ Уголовный кодекс Испании // http://noticias.juridicas.com/base_datos/Penal/lo10-1995.12t13.html#a278.

¹⁰ Уголовный кодекс Финляндии // <http://www.finlex.fi/en/laki/kaannokset/1889/en18890039.pdf>.

143-моддасида электрон усулда санот жосуслиги¹, Австрия Жиноят кодексининг 148а-моддасида махсус дастурлардан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган қайта ишлаш жараёнларига таъсир ўтказганлик, маълумотларни киритганлик, уларни ўзгартирганлик, йўқ қилганлик ёки бу жараёнларга ўзгача усулларда таъсир кўрсатиб, ўзи ёки ўзга шахслар учун ноқонуний равишда фойда келтириб жабрланувчига мулкый зарар келтирганлик² учун жинойий жавобгарлик аллақачон белгилаб қўйилган бўлса-да, бизнинг қонунчилигимизга ҳали ҳамон кибержиноятнинг киритилмаганлиги ва бунинг учун жавобгарлик белгилаб қўйилмаганлиги ачинарли ҳолатдир.

Олим В.С.Харламовнинг фикрларига қарама-қарши равишда У.Зинина мазкур тушунчанинг ўрнига компьютер ахбороти тушунчасини жиноят қонунчилигига киритиш ва бунинг учун алоҳида жавобгарлик белгилаб қўйиш зарур деб ҳисоблайди³.

Юқоридаги икки олим фикрларини умумлаштирган ҳолда Я.Попыева иккала тушунча ҳам фанга киритилиши ва бу бўйича жиноят қонунчилигида уларнинг механизми ва бунинг учун жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ деб тушунтириш беради⁴.

М.А.Ефремова эса, юқоридаги фикрлардан умуман ўзгача фикрлаган ҳолда, электрон ахборот тушунчасини жиноят қонунчилигига киритиш ва унга оид истаган жиноят қонунчилиги билан кўриқланадиган ахборотнинг бузилиши жиноят деб аталашини ва бу бўйича давлатлар қонунчилигини тўлиқ қайта кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблайди⁵.

¹ Уголовный кодекс Швейцарии // <http://law.edu.ru/norm/norm.asp?normID=1241950&subID=100098712,100098714,100098872,100099140,100099172#text>.

² Уголовный кодекс Австрии // <http://www.gesetze-im-internet.de/stgb/>.

³ У.В.Зинина. Преступления в сфере компьютерной информации в российском и зарубежном уголовном праве. Специальность 12.00.08 – уголовное право и криминология: уголовно-исполнительное право. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата юридических наук. – М.: 2007. – 13-14 с.

⁴ Я.А.Попыева. Криминалистическое исследование средств совершения компьютерных преступлений. Бакалаврская работа. – Томск. 2016. – 40 с.

⁵ М.А.Ефремова. Уголовно-правовая охрана информационной безопасности. Специальность: 12.00.08 – «Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право». Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – М.: 2017. – 365 с.

Ҳақиқатан ҳам, айтишимиз жоизки, 1978 йилда Италия, 1979 йилда Австралия, 1981 йилда Буюк Британия, 1980 йилда АҚШ, 1985 йилда Дания ва Канада, 1986 йилда Германия, 1987 йилда Австрия, Япония ва Норвегия, 1988 йилда Франция ва Грециянинг жиноят ва маъмурий қонунчилигида ушбу тушунча белгиланган¹ бўлса, бизда ушбу тушунчанинг мазмун-моҳиятини тартибга солинмаганлиги орқали айтишимиз зарурки, Ўзбекистон маъмурий ва жиноят қонунчилигида ҳам киберхавфсизлик, кибержиноят, кибермакон каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ва уларга оид жиноят қонунчилигимиз билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар келтирганлик учун жавобгарлик чораларини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, электрон ахборот бўйича олим М.А.Ефремованинг таклифига тўлиқ қўшилишнинг имкони йўқ, сабаби агарда бтун дунёдаги давлатларнинг жиноят қонунчилигига электрон ахборотнинг бузилиши бўйича жавобгарликни белгилаб қўйган билан масала тўлиқ ҳал этилмайди, сабаби кибержиноят электрон бўлмаган, мураккаб кўринишларда ҳам содир этилиши мумкин, оддийгина бир мисол, банкоматдаги ўғирлик учун фақатгина электрон ахборотнинг ўзгартирилганлиги ёки модификация қилинганлиги билан жиноятни тугаллаш доим ҳам имконсиздир.

Юқоридаги фикрларимизни умулаштирган ҳолда, Россия тарихига назар ташласак, Л.В.Григорьева 1996 йилда, В.С. Карпов 2002 йилда, Т.Л.Тропина 2005 йилда берган таклифи натижасида 2012 йил 29 ноябрь куни Россия Жиноят кодексига 159.6-модда компьютер ахбороти соҳасидаги фирибгарлик (компьютер фирибгарлиги) киритилди.

Шунга асосан, айтишимиз керакки, биз томонидан берилган таклифлар ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идоралараро комиссияга тақдим этилган.

¹ А.Э.Побегайло. Борьба с киберпреступностью: учебное пособие. – М.: Университет прокуратуры Российской Федерации, 2018. –13 с.

Ушбу комиссия томонидан мазкур таклифларнинг қабул қилиниши оқибатида янги таҳрирдаги Жиноят кодексида электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатларни тайёрлаш ва фойдаланиш қоидаларини бузганлик, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларига қарши қаратилган жиноятлар, киберхавфсизлик соҳасидаги жиноятлар, кибержиноятлар, ахборотлаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик, ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, телекоммуникациялар, радиочастота спектри ва техник тартибга солиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланганлик, компьютер ахборотини модификациялаганлик, зарарли дастурлар ва ахборотларни яратганлик, тайёрлаганлик ёки фойдаланганлик ёхуд тарқатганлик, компьютер саботаж, компьютер орқали ўзгалар мулкини талон-торож қилганлик, ушбу қилмишни товламачилик, босқинчилик, ўирлик, фирибгарлик, талончилик орқали содир этганлик, компьютер орқали ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказганлик ёки ўзини ўзи ўлдиришга ундаганлик, болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни тарқатганлик, порнографик дастурлар, аудио-, видео ва бошқа материалларни тарқатганлик, сақлаганлик, намоёни қилганлик, шундай воситалардан фойдаланганлик, кибертерроризм, киберэкстремизм учун жавобгарлик белгиланган ҳолда, кибержиноятчи, кибержиноят, кибермакон, киберхавфсизлик, киберхавф, киберҳужум каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ушбу кодексда алоҳида боб ва моддаларда кўрсатилиб ўтилади. Мазкур таклифларнинг Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тасдиғидан ўтиши натижасида киберҳужум натижасида келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ҳам жиноят қонунчилигимиз билан кўриқланадиган ва тартибга солинадиган муносабатларга айланади, шунингдек, мавжуд тушунчаларнинг таҳрири такомиллашади.

Олим М.А.Простосердовнинг таъкидлашича, кибержиноятлар сони ва миқдорини камайтириш учун қайси киберҳужумлар учун оғирроқ жазо белгиланиши бўйича рўйхат

ишлаб чиқилиши ва у амалиётга татбиқ этилиши зарур деб ҳисоблайди¹.

Ушбу фирклардан келиб чиққан ҳолда, Ю.М.Батуриин кибержиноятчиларни ёлланган кибержиноятчилар, эҳтиётсизлик орқали оқибатини ўйламаган ҳолда кибержиноятни содир этадиганлар, жосуслар, ҳаккерлар, кракер (компьютер безори)лари каби тоифаларга бўлган ва улар томонидан содир этган жиноятлар учун жавобгарлик ҳам шунга мутаносиб бўлиши керак деб тушунтириш беради².

Т.М.Лопатина эса, ушбу рўйхатни ўзгача фанат (мухлис)лар, рухий касаллар ва профи (тарозига солиб кўядиган)ларга тоифалаган ҳолда классификация қилади³.

Р.И.Дремлюга уларни “Интернет фирибгарлари”, “Интернет-кракер хакер (компьютер безори)лари” ва “Интернет-вирус яратувчилари”га ажратган ҳолда таснифлашни таклиф қилади⁴.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 30-моддасига мувофиқ, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Шундан келиб чиққан ҳолда, наздимизча, мавжуд кодекснинг 55-56-моддаларидан келиб чиқиб, янги таҳрирда қабул қилинадиган кодекснинг ўзида кибержиноятчилик тоифаси эмас, балки улар томонидан содир этилган жиноятнинг оғир енгиллигига қараб, қилмишни квалификациялаш бўйича алоҳида махсус нормаларни белгилаб кетиш мақсадга мувофиқ. Зеро, юқоридаги олимлар томонидан таъкидланган тоифаларга кирувчи шахслар томонидан содир этилган қилмиш ўзаро мутаносиб бўлса-ю, оғирроқ тоифага кирувчи шахс томонидан содир этилган енгил қилмиш учун

¹ М.А.Простосердов. Экономические преступления, совершаемые в киберпространстве, и меры противодействия им Специальность 12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовноисполнительное право Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: 2016. –36 с.

² Ю.М.Батуриин. Право и политика в компьютерном круге. –М.: место издания Наука Москва, 1987. –111 с.

³ Т.М.Лопатина. Криминологические и уголовно-правовые основы противодействия компьютерной преступности: автореф. дис. ... докт.юрид.наук: – М.: 2006. –30-31 с;

⁴ Р.И.Дремлюга. Интернет-преступность. дис. ... канд. юрид. наук. – Владивосток. 2007. – 143 с.

енгилроқ тоифга кирувчи шахс томонидан содир этилган оғир қилмишга нисбатан оғирроқ жазо белгилаш, жиноят қонунчилигидаги адолат тамойилига зиддир. Фақатгина оғирроқ тоифадаги шахслар томонидан содир этиладиган қилмиш миқдорини камайтириш учун улар томонидан амалга ошириладиган қилмиш учун суд оғирроқ жазо тайинлаши мумкинлиги ҳақидаги норма белгилаб кетилиши мақсадга мувофиқ, мисол учун, ўта хавфли рецидивист томонидан ЖКнинг 97, 104-105, 112, 118-119, 135, 137, 164-169, 171, 188, 220-222, 247, 252, 267, 270-271, 273-моддаларидаги кўрсатилган жиноятларни содир этганлигига оид нормалар каби.

М.А.Зубова АҚШ, Канада, Франция, Германия, Англия, Италия, Испания, Австрия, Бельгия, Дания, Финляндия, Греция, Ирландия, Люксембург, Голландия, Португалия, Австралия, Швеция, Польша каби давлатларнинг қонунчилигини тадқиқ қилган ҳолда, дунёдаги барча мамлакатларнинг кибержиноятга алоқадор қонунчилигини бир-бири билан унификация қилиш зарурлигини таъкидлайди¹.

Ушбу фикрларга ўхшаш фикрларни Т.Лопатина ҳам таъкидлаган ҳолда, аввало, ушбу жиноятнинг олдини олиш учун трансчегаравий кибержиноятчилик тушунчасини фанга олиб кириш ва унинг механизмини белгилаб қўйиш керак деб ҳисоблайди².

Фикримизча, икки олимнинг ҳам фикрларида жон бор, сабаби трансчегаравий кибержиноятчиликни фанга олиб кирмасдан ва унинг тартиб-таомилини белгиламасдан ҳамда унинг нечоғлик заруриятини қўшни давлатларга тушунтирмасдан туриб, кибержиноятчилик билан ялпи курашиш имконсиздир. Сабаби иқтисодий секторга жуда катта зарарни келтириб чиқаришни мақсад қилган кибержиноятчи ўз қилмишини ўзга мамлакат ҳудудидан туриб содир этади ва бунда трансчегаравий кибержиноятчиликнинг икки давлат томонидан бирдек эътироф

¹ М.А.Зубова. Компьютерная информация как объект уголовно-правовой охраны. Специальность: 12.00.08 – уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Казань. 2008. –25 с.

² Т.Лопатина. Криминологические и уголовно-правовые основы противодействия компьютерной преступности. Тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, доктор юридических наук. – М.: 2006. – 418 с.

этилганлиги ва бир-бирининг ушбу соҳадаги қонунчилиги ўхшаш эканлиги мавжуд муаммоларнинг тезкор ҳал этилишини таъминлайди.

Юқоридаги фикрларга нисбатан қўшимча сифатида халқаро давлатларнинг жиноят қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидаги ҳолатларга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Хусусан: Россия Федерацияси жиноят кодексининг жамоат тартиби ва умумий хавфсизликка қарши жиноятлар деб номланган 28-бобида, жумладан, РФ ЖКнинг 272-моддаси-компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, 273-модда-зарарли компьютер дастурларини яратиш, тарқатиш, фойдаланиш, 274-модда-ахборот-телекоммуникация ва компьютер ахборотини сақлаш, қайта ишлаш, ўтказиш қоидаларини бузиш ва порнографик маҳсулотларни тарқатиш, 274¹-модда-Россия Федерациясининг ахборот тузилмасига ноқонуний равишда таъсир кўрсатиш деб номланади ва ушбу соҳадаги жиноятлар учун жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилган¹.

Германия Федератив Республикаси жиноят кодексида эса, ушбу кодекснинг § 202а-электрон ёки магнит ёхуд бошқа усулда кўпайтирилиши ёки узатилиши мумкин бўлган маълумотни ўзи ёки ўзга шахс томонидан рухсатсиз олинган шахсларнинг ҳаракатлари, § 206-телекоммуникация воситаларидаги сирларни бузиш, § 268-қалбаки техник ёзувларни қалбакилаштириш ёки ўзга автоматик қурилмалар томонидан тўлиқ ёки қисман ёзиб олинган ёзувларни қалбакилаштиришга оид ҳаракатлар, § 269-мавжуд ҳолатни исботловчи маълумотларни қалбакилаштириш, § 274-техник ёзувларни йўқ қилиш, ўзгартириш, қайта ишлашга оид ҳаракатлар, § 303а-маълумотларни ноқонуний равишда йўқ қилиш, ўзгартириш, ўчиришга оид ҳаракатлар, § 303b-маълумотларни қайта ишлаш ёки сақлаш воситаларини йўқ қилиш, шикастлаш, ўчириб қўйишга оид ҳаракатлар, § 317-телекоммуникация воситалари орқали ноқонуний равишда таъмагирлик қилиш бўйича жавобгарлик белгиланган².

Люксембург жиноят кодексининг 509¹, 509², 509³, 524-моддалари бевосита кибержиноятчилик тўғрисида бўлиб,

¹ Россия Федерацияси жиноят кодекси. (Уголовный кодекс Российской Федерации) <https://ppt.ru/kodeks.phtml?kodeks=20>.

² Германия Федератив Республикаси жиноят кодекси. (Уголовный кодекс ФРГ) <https://constitutions.ru/?p=5854>

жумладан, Люксембург жиноят кодексининг 509¹-моддасида кириш тақиқланган тизимга ноқонуний равишда кириш ёки шундай тизим ёки унинг қисмида ноқонуний равишда маълумотларни олганлик, қайта ишлаганлик учун 2 йилгача, 509²-моддасида автоматик қайта ишланадиган тизим функциясини ўзгартирганлик учун 3 йилгача, 509³-моддасида ваколати бўлмаган шахс томонидан электрон тизимга ноқонуний кирган ҳолда, ундаги маълумотларни ўзгартирганлик, йўқ қилганлик, ўчириб ташлаганлик учун ҳам 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган¹.

Кўриб турганимиздек, ушбу давлатларнинг жиноят қонунчилиги бир-бирига яқин, мазкур ҳолатда ҳеч бўлмаганда ШХТ, МДХ га аъзо давлатлар ўзларининг жиноят қонунчилигини ўзаро бирхиллаштириши мақсадга мувофиқ.

Олим М.А.Простосердовнинг таъкидлашича, кибержиноятларнинг янада кўпайишига сабаб сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ушбу соҳада етарлича билимга эга эмаслиги натижасида латент жиноятчилик кундан-кунга кўпайибю бораётганлигини таъкидлаган ҳолда, бу борада алоҳида кадрлар тайёрлашга эътибор бериш кераклигини, айниқса, иқтисодий жиноятларга оид кибержиноятларни квалификация қилишни ва ушбу жиноятларни очишни бемалол уддалай оладиган кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини, шунингдек, ушбу жиноятлар ҳақида тушунтириш берадиган Олий суднинг юқори органи бўлган, мисол учун Пленум қарорлари қабул қилиниши зарурлигини айтиб ўтади².

1996 йилда АҚШ Олий суди кибержиноят ҳақида алоҳида қарор қабул қилган³ бўлса, ҳали ҳамон бу хусусда мамлакатимиздаги судларда алоҳида тасаввур йўқ, шу пайтга қадар аслида кибержиноят бўлган ҳолатни Жиноят кодексининг 4, 10, 14,

¹ Люксембург жиноят кодекси. (Уголовный кодекс Великого Герцогства Люксембурга) // <http://legilux.public.lu/eli/etat/leg/code/penal/20181101>.

² М.А.Простосердов. Экономические преступления, совершаемые в киберпространстве, и меры противодействия им Специальность 12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовноисполнительное право Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: 2016. – 190-191 с.

³ Информационный ресурс «Ciec.org». Reno vs. ACLU, 117 S.Ct. 2329 (1997) (casebook at 932-53). [Электронный ресурс] // URL:http://ciec.org/SC_appeal/opinion.shtml.

16-моддасига хилоф равишда, ЖПКнинг 333-моддаси ёки 83-моддасига кўра, жиноий иш қўзғатишни рад этиш ёки қўзғатилган жиноят ишини тугатиш ўрнига аслида бошқа қилмиш учун айбдор бўлган шахсни шу кунга қадар бошқа модда билан айблаб квалификация қилиб келишмоқда.

Ушбу ҳолат судлар томонидан қилмишни содир этган шахс ижтимоий хавфли қилмишни содир этганидан кейин, унга нисбатан жавобгарлик бўлиши керак деб изоҳлашмоқда, аммо ушбу қилмиш Жиноят кодексига киритилмаган ва бу бўйича алоҳида жавобгарликни белгилайдиган нормалар мавжуд бўлмаса, ушбу қилмишни содир этган шахсни жиноятчи ва у томонидан содир этилган қилмишни ижтимоий хавфли қилмиш деб аташимиз мумкинми? Асло йўқ. Шу жиҳатдан ҳам, ҳеч бўлмаса, судларимиз томонидан амалга оширилаётган ишларнинг бирхиллигини таъминлаш мақсадида кибержиноятчилик хусусида алоҳида Олий суд Пленуми қарори қабул қилиниши ва кибержиноятчилик бўйича у тушунтириш бериши мақсадга мувофиқ.

Хулоса сифатида таъкидлаб ўтишимиз зарурки, айнан кибержиноятларнинг иқтисодиётга таъсири натижасида малакатнинг кейинги ривожига сунъий тўсиқлар вужудга келади. Ушбу тўсиқларни бартараф қилмас эканмиз, мамалакатимизда иқтисодий тангликлар кучайиб бораверади. Иқтисодий танглик эса, инсонларнинг давлат органларига нисбатан ишончсизлигини ва малакатда турли хил тартибсизликлар вужудга келтириш хавфини келтириб чиқаради. Шу жиҳатдан юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоли ҳолатлар юзасидан берилган таклифларнинг амалда тўғри ижро қилиш, бу борада тўғри сиёсат юритишимиз зарурлигини кўрсатади. Қолаверса, мамлакатимизнинг иқтисодиётини тангликка тушишдан асраш сиз-у бизга боғлиқ, бунинг учун эса, талаб этиладиган ягона нарса бу бизнинг огоҳ бўлишимиз ҳамда лоқайдликка йўл қўймаслигимиздир. Зеро, огоҳлик давр талабидир.

2-боб. Айрим кибержиноятларнинг кўринишлари ва уларнинг жинойий-ҳуқуқий тавсифи

2.1-§. Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноятини квалификация қилиш тартиби

Ҳеч кимга сир эмас, ҳозирги глобал замонда ахборот-коммуникацияси кирмаган соҳанинг ўзи йўқ. Ахборот-коммуникация ўзининг қулайлиги, шаффофлиги, тезкорлиги билан ажралиб туради. Мазкур тизим ичида “электрон ҳужжат”, “электрон рақамли имзо (ЭРИ)” жамиятнинг ҳар қайси соҳасига жадал кириб бораётганлиги билан ўзининг аҳамиятини янада кенгайтирмоқда.

Хўш, савол туғилади: “Электрон ҳужжат”, “электрон рақамли имзо (ЭРИ)” нима ва уларнинг аҳамияти қандай?

Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжат тушунчалари “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунда кўрсатилган бўлиб, унга асосан, электрон рақамли имзо – электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо бўлса, электрон ҳужжат – электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборотдир¹.

Электрон ахборотнинг баҳоси ёки самарадорлиги ўз аҳамиятини йўқотмаслигини электрон рақамли имзо таъминлаб туради, шунинг учун ҳам электрон рақамли имзо алоқа тизимларида шу каби ҳолатлардан муҳофаза қилинишини таъминлайди, яъни махфий калит фақат юборувчининг ўзигагина маълум бўлса, у ҳолда қабул қилувчи томонидан қабул қилиб олинган маълумот фақат юборувчи томонидан жўнатилганлигини

¹ “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 12-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 439-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

рад этиб бўлмайди, рақиб томон махфий калитни билмаган ҳолда ўзгартириш, қалбакилаштириш, ниқоблаш ва бошқа шу каби алоқа тизими қоидаларининг бузилишига имконият туғдирмайди¹.

Шу сабабдан ҳам электрон рақамли имзо корхона ва савдо-сотиққа оид ташкилотларда ҳисоботларни электрон кўринишда топширишда, электрон ҳужжатга юридик мақомини беришда катта аҳамиятга эга².

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, электрон ҳужжат электрон рақамли имзо билан амалга оширилади ва уларнинг ҳимояси биргаликда таъминланади. Тўғри, электрон рақамли имзосиз ҳам электрон ҳужжатлар айланиши ва алмашилиши мумкин, аммо мамлакатимиздаги электрон ҳужжат айланиши ҳозирда электрон рақамли имзо билан бирга амалга оширилаётганлиги сабабли иккала предметларни ҳам қонун билан ҳимоя қилиш зарур.

Маълумки, барча ижтимоий муносабатлар қонун билан тартибга солинса, албатта ушбу қонун ҳужжатининг бузилишини олдини олиш учун жавобгарлик белгиланади. Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахслар ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 7-бандига кўра, ариза берувчи лицензия олиш учун умумий фойдаланиладиган ахборот-коммуникация тармоқларидан, шу жумладан, Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, лицензияловчи органга бевосита ёки почта алоқаси орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжатларни (бир нусхада) электрон шаклда тақдим этади. Шунингдек, ушбу Низомнинг 9-бандига кўра, ариза берувчи ишончсиз ёки нотўғри маълумотларни тақдим этгани учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради³, деб белгиланган.

¹ Д.Е.Ақбаров. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг криптографик усуллари ва уларнинг қўлланишлари. Тошкент. ”Ўзбекистон маркаси “, 2009. –432 б.

² Д.Т. Собирова. Мавжуд электрон рақамли имзо алгоритмларининг қиёсий таҳлили // unicon.uz/uploads/6YF5w23.Sobirova_D.doc.

³ Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахслар ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби

Хўш, электрон рақамли имзо ёки электрон ҳужжат учун қонунчилигимизда жавобгарлик белгиланганми?

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (кейинги ўринларда ЖК деб юритилади)нинг 228-моддасига асосан, сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Кўриб турганимиздек, умумий фойдаланиладиган ахборот-коммуникация тармоқларидан, шу жумладан, Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжатларни (бир нусхада) электрон шаклда тақдим этиш вақтида ишончсиз ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганлик учун жавобгарлик белгиланмаган.

Мазкур ҳолатни янада аниқроқ қилиб тушунтирадиган бўлсак,

ЖКнинг 4-моддасига асосан, содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади. ЖКнинг 9-моддасига кўра, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади. ЖКнинг 10-моддасига кўра, қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт. ЖКнинг 14-моддасига кўра, Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Жиноят кодекси билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади. ЖКнинг 16-моддасига кўра, жиноят учун жавобгарлик — жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки

бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир. Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади¹.

Демак, юқоридагиларга асосан тўлиқ хулоса қилишимиз мумкинки, умумий фойдаланиладиган ахборот-коммуникация тармоқларидан, шу жумладан, Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжатларни (бир нусхада) электрон шаклда тақдим этиш вақтида ишончсиз ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганлик учун Жиноят кодексида жинойий жавобгарлик белгиланмаганлиги ва фақатгина сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатларнинг электрон шаклини ёки электрон имзони қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши учун қонунчилигимизда аниқ жавобгарлик белгиланмаганлиги сабабли мавжуд қилмишни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатнинг қалбакилаштиришнинг салбий оқибатлари қандай?

Мазкур саволга Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 23 апрелдаги ПҚ–4297-сон “Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрамиз. Маълумки, ушбу қарор билан 2021 йил 1 январга қадар тегишли манфаатдор вазирлик ва идораларга ахборот алмашинувнинг махфийлиги ва хавфсизлигини таъминловчи норматив-ҳуқуқий база билан мустаҳкамланган ҳолда, ташқи савдо битимларига доир

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 144-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда, 9-10-сон, 165-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда, 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 248-модда.

ахборотларни алмашилишга имкон берувчи “Ягона дарча” БАТни жорий этишда ташқи фаолият субъектларига имконият яратадиган механизм жорий этишга русхат берилди¹.

Мазкур тақдим этилган электрон савдо битимининг ўзи ушбу битимлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ёки ўзга шахслар томонидан сохталаштирилиши ўзга шахс, жамият ва давлат учун жуда катта оғир оқибатларга олиб келиши мумкин, жумладан, молиявий қийинчилик, молиявий зарар, ўзаро ишончнинг путур етиши, мамлакат ташқи сиёсатдаги нуфузининг йўқолиши, ўзга мамлакатлар ва шахслар томонидан мамлакат иқтисодиётига ўзларининг қўштирноқ ичидаги ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун қулай имконият ва бошқалар.

Юқорида кўрсатилган мисолларни биз яна давом эттиришимиз мумкин, ҳозирги кунда 140 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан электрон рақамли имзо билан электрон ҳужжатларнинг айланиши ҳақидаги ижтимоий муносабатлар тартибга солинган бўлиб, улардаги маълумотларнинг сохталаштирилиши ёхуд қалбакилаштирилиши мамлакат равнақи учун жуда катта оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳатто жиноят ишлари бўйича иш юритувни электрон шаклда юритиш ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори² тартиби жиноят процессуал қонунчилигимизга киритилиши электрон жиноят ишининг қалбакилаштирилиши жиноят қонунчилиги билан тартибга солинган ижтимоий муносабатларга таҳдид солиши мумкинлиги билан характерланади ва бу ҳолат биздан янада огоҳликни талаб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 апрелдаги ПҚ–4297-сон “Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // ҚХММБ, 24.04.2019 й., 07/19/4297/3002-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.

Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, электрон рақамли имзо ва электрон хужжатларни қалбакилаштиришнинг олдини олиш учун жинойй жавобгарлик белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Уни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг 2019 йил 7 мартдаги 30/21-19-570-сон хатига жавобан “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тақдим этилди.

Таклиф этилган қонун лойиҳаси бўйича мавжуд қонунчиликдаги бўшлиқни тўлдириш мақсадида Жиноят кодексининг 228-моддасига қўшимча прим модда қўшиш ва Жиноят кодексининг 228²-моддасини ишлаб чиқиш таклиф этилди, унга асосан “228²-модда. Электрон рақамли имзо ва электрон хужжатларни тайёрлаш ва фойдаланиш қоидаларини бузиш.

Ҳаразгўйлик ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб ўзга шахсга тегишли электрон рақамли имзо ва электрон хужжатни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, ўтказиш ёки ундан фойдаланиш, шунингдек уни қалбакилаштириш.

Энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу ҳаракатлар:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб,

—
уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, —

г) оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.”, деган таҳрир таклиф этилди.

Хўш, ушбу таҳрирда ҳужжатни қабул қилиш мақсадга мувофиқми.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5505-сон Фармони ва у асосида қабул қилинган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясига асосан 2019 йил 1 январдан бошлаб, дастлаб тажриба сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг электрон ҳужжат айланиши ва бунда электрон рақамли имзодан унумли фойдаланиш чоралари кўрилиши белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 апрелдаги 284-сон “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 1-бандига асосан, ягона электрон тизимда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини электрон кўринишда келишиш (виза қўйиш) “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига мувофиқ сертификати Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги “Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази томонидан белгиланган тартибда бериладиган электрон рақамли имзо билан амалга оширилади.

“Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 22-моддасига кўра, электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Аммо, уларнинг қандай жавоб беришлиги жиноят қонунчилигида кўрсатиб берилмаган.

Шунингдек, ҳозирги пайтда электрон битимлар, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали мурожаат қилганидан сўнг, давлат органларининг мурожаатнинг хавфсиз, сифатли ва тўлиқ етиб борилишини таъминлаш чоралари бугунги кунда ўзининг юқори чўққисига

кўтарилмоқда, аммо уларнинг қалбакилаштирилиши ва бу ҳужжатлардан фойдаланиш орқали нафақат жисмоний ва юридик шахсларнинг, балки давлатнинг манфаатларига ҳам зарар етиши мумкин.

Бундан ташқари, электрон тижорат бўйича бугунги кунда электрон битимлар тузиш кенгаймоқда ва бу бўйича ўзаро муносабатларда электрон ҳужжатларнинг қалбакилаштирилиши ёхуд сохталаштирилиши эҳтимоли йўқ эмас.

Қолаверса, бугунги кунда идоралараро электрон алмашинув йўлга қўйиш бўйича олиб борилаётган ишлар туфайли ушбу ҳужжатларнинг қалбакилаштирилиши эҳтимоли йўқ эмас ва бу ва юқоридагилар учун жавобгарлик ЖКнинг 4, 10, 14, 16-моддаларига асосан белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Ушбу конун лойиҳаси ишлаб чиқилишида халқаро тажриба ҳам ўрганилди, жумладан, Болгария Республикаси Жиноят кодексининг 212а-моддаси, Жанубий Корея Республикаси Жиноят кодексининг 237-, 237-2-моддаси, Руминия Жиноят кодексининг 437-438-моддалари, Испания Жиноят кодексининг 197-моддаси, Эстония Жиноят кодексининг 145.1-моддаси, Швеция Жиноят кодексининг 9с-моддасига кўра, электрон ҳужжатлар ва электрон имзонинг қалбакилаштирилганлиги ҳолати бўйича жавобгарлик бегиланганлигини кўришимиз мумкин.

Доктринал тажрибага назар ташласак, ҳуқуқшунос олим П.Ю.Летников ҳам юқоридаги таклифларимизга оид таклифларни билдирган ҳолда Россия Жиноят кодексининг 327-моддаси 1-қисмига тегишли ўзгартириш киритишни қайд этиб ўтади¹, В.В.Омельянович эса, ушбу жиноятларни жиноят предмети электрон ҳужжат бўлганлиги сабабли электрон жиноят иши тартибида кўрилишини таъкидлайди², фикримизча, электрон ҳужжатларнинг қайси бири сохталаштирилганлиги электрон

¹ П.Ю. Летников. Уголовная ответственность за подделку, изготовление или сбыт поддельных документов, государственных наград, штампов, печатей, бланков тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –Красноярск, 2009. – 16 с.

² В.В.Омельянович. Расследование подделки, изготовления или сбыта поддельных документов, государственных наград, штампов, печатей, бланков тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.09, 2011. – Омск.: –20 с.

кўринишда яхшироқ кўринадиган ва иштирокчиларга ҳолат тушунарли, шунингдек, суд қарорининг тўғри чиқарилишига имконият яратиб берганлиги сабабли ҳам ушбу фикрга қўшилиш зарур.

Юқоридаги муаммоли ҳолатлар содир бўлишининг олдини олиш мақсадида тизимли асосда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 28 январдаги ПФ–5644-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги ПҚ–4136-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 февралдаги Мажлис баёни асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳукумат тузилмасига кирувчи идоралар ва хўжалик бошқаруви органларини янада ихчамлаштириш ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан ишлаб чиқилди.

Мазкур лойиҳа билан Ижро этувчи ҳокимият органларини янада ихчамлаштириш ва фаолиятини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланган ҳолда, биз томонимиздан, дастурда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон тартибда келишишга оид тартибот қабул қилинаётганлиги, электрон ҳужжатлар айланиши йўлга қўйилганлиги сабабли Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига электрон ҳужжатлар ва электрон имзони қалбакилаштириш билан боғлиқ жавобгарликни белгилаш таклиф этилди.

Мазкур қарор лойиҳаси ушбу вазирликнинг 04.04.2019 йилдаги РГ-1-7/6-15-сон хати билан вазирлик ва идораларга келишиш ва жамоа муҳокамасига қўйилиб, 18.04.2019 йилдаги РГ-1-7/6-17-сон хати билан Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, 26.04.2019 йилдаги РГ-1-7/4-18-сон хат билан Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритилган.

Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжат қалбакилаштирилиши жинояти билан курашиш зарурмикин?

Мазкур жиноятларнинг олдини олиш учун тизимли асосда ишлар амалга ошириш зарур. Бу хусусда ҳуқуқшунос олим Д.А.Мозговая ушбу жиноятларнинг олдини олиш ва уларни тергов қилишни янада кенгайтириш мақсадида амалиётда тергов давомида аниқланган, аммо қонунчилик томонидан чекловни англатувчи нормалар мавжуд бўлган ҳолда, тергов тажрибасини амалдаги қонун ҳужжатларига киритиш ва бу бўйича амалиёт бир хилда бажарилишини таъминлаш чоралари кўрилиши таклифни беради¹, ҳақиқатан ҳам ушбу фикрларда жон бор, зеро амалиётдаги баъзи муаммоларнинг мавжуд қонунчилик билан тартибга солиб қўйилмаганлиги натижасида кейинчалик шу каби муаммолар яна ўз ечимини топмаслиги мумкин, шу сабабдан ҳам агарда шу муаммолар тергов давомида аниқланиб, уларни тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий асос мавжуд бўлса, у ҳолда уларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиб қўйиш мақсадга мувофиқ ва у бошқа шахслар учун даструл амал бўлиб хизмат қилади.

Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжат қалбакилаштирилиши жинояти қандай усулларда содир этилади?

Ушбу жиноят тури ҳам қалбакилаштириш усуллари каби амалга оширилади, аммо бу усуллар жиноятни квалификация қилиш учун аҳамият касб этмайди. Қалбакилаштириш ўчириш, қўшиб ёзиш, тузатишлар киритиш ҳамда мазмуни (матни)нинг бир қисмини йўқ қилиш, қўшимча маълумотларни киритиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу ҳолат хусусида ҳуқуқшунос олим А.Н.Ватутин ҳужжатларни, айниқса, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматли ҳужжатларни қалбакилаштиришнинг 95 фоизи нусха кўчириш аппаратлари ёрдамида амалга оширилишини қайд этган ҳолда, ушбу жиноятларни квалификация қилишда жиноятларни албатта уларнинг қайси усулда амалга оширилишига ҳам эътибор бериш кераклигини, асосли мисоллар билан тушунтиришга ҳаракат

¹ Д.А.Мозговая Расследование подлога документов тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.12, – М.:2013. – 21-22 с.

қилган¹ бўлса, Ж.А.Бойцова Европа давлатлари қонунчилигида ушбу жиноятларнинг қай тартибда ҳал қилиниши ҳақида сўз юритиб, бунда қуйидаги асосли мисолларни келтириб ўтади, яъни франсуз қонунчилигига бўйича давлат хизматчиси томонидан ушбу жиноят содир этилса, ушбу ҳолатда давлат хизматчисининг ишдан бўшатилиши, Болгария қонунчилигида эса, қандай ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноят эканлигининг ягона рўйхати мавжудлигини, Голландия қонунчилигида эса, қалбакилаштирилган ҳужжатдан фойдаланиш ҳужжатни қалбакилаштирган ёки ўзга шахсга далил сифатида хизмат қилса, мазкур ҳолатда ҳар қандай ҳужжат қалбакилаштириш жинояти деб баҳоланишлигини, Польша қонунчилиги бўйича рухсат берувчи характерга эга бўлган ҳужжатларни беришга ихтисослаштирилган юридик шахслар, мансабдор шахслар ва ўзга шахслар томонидан берилган ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноят деб белгиланганлигини, Швейцария қонунчилигида эса, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, гувоҳнома, рухсатнома ва бошқа рухсат берувчи мазмундаги ҳужжатларни қалбакилаштирилганлиги ҳолати бўйича жиноят предмети аниқроқ кўрсатилганлигини қайд этиб ўтади², ҳақиқатан ҳам қайси ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки сохталаштириш жиноят эканлигини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Миллий қонунчилигимизда унинг аниқ рўйхати шакллантирилмаган бўлиб, фақатгина бир қанча ҳужжатларда шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар ва рухсат берувчи характердаги ҳужжатларнинг турлари ҳамда расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби белгиланган, холос.

Электрон ҳужжатни қалбакилаштириш жиноятининг предметларига қайси ҳужжатлар киради?

Мазкур жиноят предмети фақатгина расмий электрон ҳужжатлар бўлиши мумкин, чунки айнан ушбу расмий

¹ А.Н.Ватулин. Подделка денег, ценных бумаг и иных платежных документов: уголовно-правовые и криминологические аспекты тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –Ростов-на-Дону, 2006. – 15 с.

² Ж.А.Бойцова. К вопросу об уголовной ответственности за подделку, изготовление или сбыт поддельных документов, государственных наград, штампов, печатей, бланков по законодательству ряда европейских стран, – Москва, Вестник Московского университета МВД России, 2015. № 5. – 67 с.

ҳужжатларгина шахсга ёки ўзга шахсга муайян бир ҳуқуқ беради ёки муайян бир мажбуриятдан озод қилади.

Электрон ҳужжат бўлиши учун эса бир қанча шартларга у жавоб бериши, яъни электрон ҳужжат электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлиши лозимлигини юқорида таъкидлаб ўтдик. Демак, ҳужжат нафақат электрон бўлиши керак, балки у электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва уни идентификация қилиш имконини берадиган расмий ҳужжат бўлиб, ўша расмий ҳужжат қалбакилаштирилса, мазкур ҳолатда уни жинойт деб эътироф этиш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида”ги низом расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва топшириш тартибини белгилайди.

Ушбу низомнинг 3-бандига асосан, расмий ҳужжатлар бланкалари, шу жумладан бунга Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган матбаа корхоналари томонидан “Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқарилган, қалбакилаштиришдан ҳимоя қилувчи элементлари бўлган махсус қоғозда тайёрланишлиги белгиланган¹.

Юқоридагиларга асосан, қандай ҳужжатлар рухсат бериш характеридаги бўлиб, улар расмий ҳужжат ҳисобланиши ҳамда қайси ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки сохталаштириш жинойт эканлиги белгилаб қўйиладиган ягона рўйхат тасдиқланиши мақсадга мувофиқлиги таклифини берамиз. Ушбу фикрга қўшимча равишда расмий ҳужжатни тайёрлаш тушунчаси ҳам қонунчилигимизда аниқ ва ягона таърифи белгилаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди, ушбу тушунча ҳақида жинойт ишлари бўйича вилоят судининг судьяси Ш.Худаяров расмий ҳужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штампи, муҳри, бланкасини) тайёрлаш - бу асл ҳужжатнинг нусхаларини ғайриқонуний

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида”ги низом // Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 42-модда.

тайёрлаш ёки уларни аслида мавжуд бўлмаган юридик шахс ёки фуқаролар номидан норматив ҳужжатларда ўрнатилган талабларни бузган ҳолда тайёрлаш, шунингдек, айтиб ўтилган ҳужжатларнинг шакли ва мазмунига уларнинг ҳуқуқий мақомини ўзгартирувчи тузатишлар, ўзгартиришлар, қўшимчалар ва ҳоказоларни киритишдир деб тушунтириш берса, расмий ҳужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штампи, муҳри, бланкасини) қалбакилаштириш – бу асл ҳужжатнинг мазмуни ва шаклини тўлиқ ёки қисман ғайриқонуний модификация қилиш (ўзгартириш)дир деб тушунтириш бериб ўтади¹, аммо бу фикр доктринал характерда бўлганлиги сабабли “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунга асосан ушбу фикрни расмий тушунча сифатида фойдаланиб бўлмайди.

Нима учун ушбу тушунча белгилаб қўйилиши керак, сабаби расмий ҳужжатга қайси ҳужжатлар кириши белгиланиб қўйилмаганлиги терговнинг турли ёқламали бўлишлигига олиб келяпти. Жумладан, расмий ҳужжат нусхасига қилинган ҳаракатни жиноят дея баҳолаб, жиноят иши қўзғатилган ҳолатлар мавжуд.

Шу ўринда савол туғилади, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон шакли ёки нусхаси сохталаштирилиши учун жинойий жавобгарлик белгиланганми?

Жиноят кодексининг 4, 9, 10, 14, 16-моддаларининг талаблари бўйича ушбу шахсларни жавобгарликка тортиш имконсиз, сабаби уларнинг электрон кўриниши (шакли) ахборот-коммуникация воситалари орқали ўзгартирилган бўлса-да, аммо расмий ҳужжатнинг ўзи ҳеч қандай қалбакилаштирилмаган, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ–4262-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида”ги низомга асосан паспорт шахсни тасдиқловчи расмий ҳужжат ҳисобланади, аммо унинг электрон шаклини расмий ҳужжатни

¹ Жиззах вилоят жиноят ишлари бўйича вилоят судининг судьяси Ш.Худаяров. Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш ва уларни қалбакилаштириш, сотиш, улардан фойдаланиш жинояти тушунчаси // <https://jizzaxovozi.uz/huquq/652-uzhzhatlar-shtamplar-murlar-blankalar-tayerlash-va-ularni-albakilashtirish-sotish-ulardan-foydalanish-zhinoyati-tushunchasi.html>. Жиззах вилоят жиноят ишлари бўйича вилоят судининг судьяси Ш.Худаяров. Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш ва уларни қалбакилаштириш, сотиш, улардан фойдаланиш жинояти тушунчаси.

қалбакилаштирмасдан унинг нусхасини қалбакилаштириш орқали, паспортга эмас, балки паспорт нусхасига қасд бўлганлиги сабабли ҳам мазкур ҳолатда бу шахсларга нисбатан жавобгарликнинг таркиби бўлган жиноятнинг объекти ва объектив томони мавжуд эмаслиги сабабли жиноят иши ЖПКнинг 83-моддасига асосан қўзғатилган бўлса тугатилиши ёки ЖПКнинг 333-моддасига кўра, жиноят иши қўзғатишдан рад қилиниши шарт.

Амалиётда баъзи ҳолларда суриштирувчи, терговчи, ҳатто прокурорлар паспортнинг расмий ҳужжат эканлигини эътироф этишиб, ҳолат бўйича жиноят иши очишади, аммо бу ҳолат ногўри ҳисобланади, фикримизча.

ЖПКнинг 321-моддасига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси ўз ваколатлари доирасида **жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб** ва **етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят ишини қўзғатиши шарт**.

Мазкур модда-да, кўриб турганимиздек, ушбу мансабдорлар жиноят ишини қўзғатиши учун фақатгина жиноят содир этилганлигини сабабидан ташқари етарли асосо бўлишига ҳолатига ҳақ эътибор беришлари лозим. Иккала ҳолат тўлиқ бўлгандагина мазкур ҳолатда жиноят иши қўзғатишлари мумкин.

Мазкур ҳолатни янада анироқ англаш учун юқоридаги паспорт билан боғлиқ ҳолатга тўхталиб ўтамиз, юқорида таъкидлаганимиздек, паспорт расмий ҳужжат, аммо унинг нусхаси расмий ҳужжат эмас.

ЖКнинг 16-моддасига асосланадиган бўлсак, жиноят таркиби жиноят обекти, субъекти ҳамда объектив ва субъектив томонларидан иборат бўлади.

ЖКнинг 228-моддасида эса, қонун чиқарувчи қачонки, расмий ҳужжатнинг қалбакилаштирилиши ҳолати жиноят эканлигини эътироф этган ва бунда паспорт расмий ҳужжат ҳисобланади.

ЖКнинг 4, 10, 14, 16-моддаларига асосланадиган бўлсак, жиноят қонунчилигида расмий ҳужжатнинг нусхасига қасд қилганлик ҳолати бўйича жиноят ҳисобланиши ёки маъмурий қонунчилик бўйича жавобгарлик белгиланмаганлиги ҳамда ушбу ҳолатни белгиланиши орқали жуда кўп шахсларнинг ахборот-коммуникация воситалари орқали тайёрлаган турли маъноларни англаувчи, хизматлар кўрсатишга ихтисослашган тадбиркорлик

субъектларига ҳам жиноят иши очилиши мумкинлигини келтириб чиқариши ва бошқа шу каби сабабларга асосан расмий ҳужжатнинг нусхасини ўзгартирганлик учун бутун дунё жиноят қонунчилигида жиноий жавобгарлик белгиланмаган.

Сабаби, шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси неча марта ўзгартирилганидан қатъий назар, расмий ҳужжатга тегишли ўзгартириш киритилгани йўқ.

Шу ўринда пул билан боғлиқ ҳолатга ҳам тўхталиб ўтадиган бўлсак, пул қачонки валютадаги мавжуд рақамлардан ташқари ёки шу рақамларни такрорловчи пул бирлиги сифатида қалбакилаштирилса ва тўлов воситаси сифатида амалга оширилса, мазкур ҳолатда бу жиноят ҳисобланади.

Юқоридаги каби салбий ҳолатлар вужудга келмаслиги учун ҳам жиноят процессуал қонунчилигимизга “40¹-боб. Ишни судга қадар юритишнинг умумий шартлари” деган алоҳида боб киритилган.

ЖПК 320¹-моддасига кўра, ишни судга қадар юритиш жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар қабул қилинган пайтдан бошланади ҳамда терговга қадар текширувни ва жиноят ишини тергов қилишни ўз ичига олади. ЖПК 320²-моддасига асосан, терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади. Терговга қадар текширув ЖПК 391-моддасида кўрсатилган органлар томонидан ЖПК 41-бобида белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Терговга қадар текширув суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан ҳам олиб борилиши мумкин. Шу сабабли ҳам юқоридаги ҳолатларда дастлаб терговга қадар текширув амалга оширилиб, сўнг жиноят қўзғатиш учун етарли сабабли ва асослар тўлиқ аниқланганидан кейин жиноят иши қўзғатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Қалбакилаштирилган электрон ҳужжатнинг олди-сотдиси ҳар қандай усулда: сотув, алмаштириш, ҳадя этиш ва ҳоказо усуллар орқали амалга оширилиши мумкин. Сотиш қалбакилаштирувчининг ўзи томонидан ёки бошқа, қалбакилаштириш учун жавобгар бўлмаган, лекин ҳужжатнинг

қалбакилигини англамаган шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Агар шахс ҳужжатнинг қалбакилигини англамаган ёки англаши мумкин ҳам бўлмаган бўлса, ушбу шахсни мазкур қилмиш учун жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Ушбу ҳолатни билиш жуда мураккаб ҳисобланади, амалиётда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчилар расмий ҳужжат қалбакилаштирилдими, демак бу ҳужжатнинг қалбакилигини ўша шахс билган ва билиш имкони бўлган деб ҳисоблашиб, тегишлича экспертиза тайинлашадилар ва экспертларнинг олдига гумонланувчи, айбланувчи, судланувчини ўша қилмиш содир этилган вақтида рухий ҳолати хусусида йўналтирувчи саволларни беришади, аммо бу ЖПКнинг 102-моддасига кўра, тақиқланган, яъни кутилаётган жавобга бевосита ёки билвосита йўналтириш мазмунидаги саволлар ишора қилувчи саволлар деб ҳисобланади. Ишора қилувчи саволлар бериш тақиқланади. Шунга асосан, мазкур қилмишни содир этган шахсларни айнан ўша қилмишни содир этганини аниқлашнинг муқобил усуллари, қалбакилаштириш жиноятини содир этган шахс билан қанчали алоқага киришганлиги, ушбу ҳужжат бўйича манфаатдорлик ҳолати терговчилар томонидан кўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ушбу жиноятнинг субъекти ҳам, ЖК 228-моддасида назарда тутган шахс, яъни ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади. Агар расмий электрон ҳужжатни қалбакилаштириш мансабдор шахс томонидан амалга оширилган бўлса, ушбу шахс ЖК 209-моддасига биноан жавобгарликка тортилиши шарт. Бунда унинг ҳаракатларини шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилиш талаб этилмайди. Бироқ мансабдор шахс томонидан, расмий электрон ҳужжатни қалбакилаштирмаган ҳолда, олдиндан била туриб қалбаки ҳужжатдан фойдаланилиши ҳолатини жиноят деб квалификация қилиш зарур.


Электрон расмий ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш – бу айбдорнинг ушбу ҳужжатдан келиб чиққан ҳуқуқларга эга бўлиш ёки мажбуриятлардан озод бўлиш учун қилган ҳаракатларидир. Фойдаланиш сиртдан қалбаки ҳужжатни намоиш этиш (кўрсатиш) ёки уни ташкилот ва алоҳида шахсларга ҳақиқийдек тақдим этиш (узатиш, юбориш) орқали ифода этилиши мумкин. Ҳужжатни тайёрлаган ёки қалбакилаштирган шахс ўзи ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била

туриб, ундан фойдаланса, айбдорнинг ҳаракатларини жиноят деб квалификация этиш зарур, чунки шахс томонидан айтилган бир модданинг турли қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар содир этилганлик учун жиноятлар мажмуини белгилашда жавобгарлик шу модданинг оғирроқ жазо назарда тутилган қисми бўйича юзага келади. Ушбу жиноятларнинг олдини олиш учун бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, 2017 йилнинг 9-июнь куни Тошкент шаҳрида Трансмиллий таҳдилар бошқармасининг Йўл ҳужжатларининг хавфсизлигини таъминлаш дастури ёрдамида ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори томонидан қалбаки ҳужжатлар ва улардан фойдаланувчи шахсларни аниқлаш бўйича инструкторларни тайёрлов курси ташкил қилинди ва унда Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг тегишли бўлинмаларидан 19 мутахассис ва Ички ишлар вазирлигидан 12 мутахассис иштирок этдилар. Австрия Федерал ички ишлар вазирлигининг экспертлари халқаро ҳужжатлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича илғор амалиёти, шу жумладан, ҳужжатларни текшириш пайтида қалбакилаштирилган йўл ҳужжатларини аниқлаш бўйича тажрибалари билан бўлишдилар. Иштирокчилар қалбаки йўл ҳужжатларини ясаш жараёни, ҳужжатларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қоғоз ва полимер субстратлардан фойдаланиш йўллари, одатий босма усуллари, фотопроекция, такрорий верификация, профайлинг ҳамда ҳужжатларни қалбакилаштириш ва бундай ҳолатларни аниқлаштириш соҳаларидаги охириги тенденциялар билан танишиб чиқдилар¹. Юқоридагилар орқали хулоса қилишимиз керакки, ушбу турдаги жиноятлар ўзининг тезкорлиги ва жуда катта оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳамда ўзининг сирли эканлиги ҳамда узоқ давом этиши мумкинлиги билан ажралиб туради. Шу сабабдан ҳам мазкур жиноятларнинг олдини олиш учун, аввало, жиноят қонунчилигимиз билан ушбу ижтимоий хавфли қилмиш тартибга солиб қўйилиши лозим. Зеро, давлат ва

¹ <https://www.osce.org/uz/project-coordinator-in-uzbekistan/322216>. ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори // ЕХХТ қалбаки ҳужжатлар ва улардан фойдаланувчи шахсларни аниқлаш бўйича инструкторларни тайёрлов курсини ўтказмоқда.

халқ манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг бўлаётган таҳдидлардан олдини олиш ўз кўлимизда.

Илмий ишнинг қисқача мазмуни кўрсатилган шакллар



Илмий ишнинг долзарблиги:

1. Ҳозирги кунда ЖКнинг 228-228-1-моддаларида кўрсатилган жиноят предметининг аниқ рўйхати йўқлиги натижасида жиноят иши қўзғатилишида муаммоларга сабаб бўлмоқда;
2. Расмий электрон ҳужжатлар айланиши ёки электрон имзонинг қалбкилаштирилиши ёки сохталаштирилиши ҳолати бўйича жавобгарликнинг белгиланмаганлиги;
3. Расмий ҳужжатлар эгасининг ўз ҳужжатининг сохталаштирилишининг олдини олиш механизмининг мавжуд эмаслиги;
4. Электрон ҳужжат айланишида бўлаётган турли хил хавфларнинг олдини олиш зарурлиги.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича жиноят қонунчилигига берилаётган таклиф

Жиноят кодексининг 228²-моддаси

Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатларни тайёрлаш ва фойдланиш қоидаларини бузиш

Ғаразгўйлик ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб ўзга шахсга тегишли электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, ўтказиш ёки ундан фойдаланиш, шунингдек уни қалбакилаштириш

—
Энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

в) Хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

г) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, —

уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, —

г) оғир оқибатларга сабаб бўлса, —
уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.”,
деган таҳрир таклиф этилди.

Илмий ишнинг доктринал асоси:



Таклифлар

жиноят предмети бўладиган ҳужжатлар рўйхати шакллантирилиши керак;

электрон расмий ҳужжатларнинг ёки электрон имзонинг қалбкилаштирилганлиги ҳолати жиноят қонунчилигига киритилиши керак;

тергов амалиёти давомида учраётган ҳужжатларни, шу жумладан электрон расмий ҳужжатларни қалбкилаштириш ҳолатларининг қонун ҳужжатларида тартибга солиниши бўйича ягона механизм ишлаб чиқилиши керак;

электрон расмий ҳужжатларни қалбкилаштирилганлиги ҳолати бўйича давлат хизматчиси ёки ушбу ҳужжатнинг етарлича ҳимояланмаганлиги ҳолати ҳамда давлат хизматчисининг хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ғаразли мақсадларда расмий ҳужжатларни, шу жумладан электрон расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳолати қонунчилик билан тартибга солиниши керак.

2.2-§. Ўзгалар мол-мулкни киберхужум орқали талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилишнинг жиной-хуқуқий таҳлили

Дунёда кибержиноятчиликнинг тобора хавfli тусиб олиб, кунига Х.Р.Очиловнинг фикрларига кўра, 200 мингдан ортиқ кибержиноятчилик содир этилмоқда¹, Касперский лабораториясининг маълумот беришича эса, ҳар куни халқаро интернет тармоғида 2006 йилда 1,4 мингта зарарланган дастурий вируслар тарқатилмоқда, ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 310 мингдан ортиб кетган². Бу эса ўз навбатида халқаро интернет тармоғидаги киберхужумлар диапазони ўтган вақт давомида камида

200 марта ошганлигидан далолат беради.

Мазкур жиноятлар оқибатида кибержиноятчилар жисмоний ва юридик шахсларга 500 млрд. долларга яқин мулкый зарар келтиришмоқда, биргина мисол Россия ҳукуматининг раиси Дмитрий Медведев “Очиқ инновациялар – 2018” форумининг очилишида сўзга чиқиб, кибержиноятчилик муаммоси билан боғлиқ жуда катта рақамни тилга олган эди, яъни жиноятчиларнинг онлайн-маконидаги фаолияти туфайли Россия иқтисодиёти кўраётган зарар 600 миллиард рублни ташкил этган, дунё бўйича эса бу рақам бир триллион доллардан ҳам кўп экан ва бу суммани Бош вазир “фантастик даражада” деб атаган. Бу ҳақиқатан ҳам жиддий молиявий йўқотиш ҳисобланади³.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб шуни айтишимиз зарурки, биргина 2016 йилда Juniper Research томонидан ўтказилган тадқиқотда 2019 йилга келиб компьютер жиноятчилигидан етказиладиган зарар 2,1 трлн долл. ошиб кетиши мумкинлиги, ҳар

¹ Х.Р.Очилов. Ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик. // 12.00.08 - Жиноят хуқуқи. Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жинояти-жроия хуқуқи ихтисослиги Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. –Т.: 2017. –5 б.

² Ш.Саттаров. Кибержиноятчилик: таҳлил, таҳдид ва ҳимоя. –Т.: Жамият газетаси. 2017 йил 3 ноябрдаги сони // <http://jamiyatgzt.uz/cr/2017/04/03/kiber-jinoyatchilik-tahlil-tahdid-va-himoya/#>.

³ <https://www.terabayt.uz/post/dmitriy-medvedev-kiberjinoyatchilik-rossiya-iqtisodiyotiga-juda-katta-zarar-keltirmoqda>.

ойда содир этилаётган жиноятлар 10-15% га ортиб бораётганлиги халқаро миқёсда ушбу жиноятларга қарши курашиш нечоғлик долзарб эканлигидан далолат беради¹. Юқоридаги маълумотлар орқали билишимиз мумкинки, ҳозирги кунда киберхужумлар туфайли шахслар мулки талон-торож қилинмода ва бу билан боғлиқ жиноятлар шакл ва турларининг кенгайишига сабаб бўлмоқда. Биз сўз билан айтганда, мазкур жиноятлар ҳозирги кунда энг оммавий жиноятлардан бири бўлиб қолмоқда, мамлакатимизда ҳам ушбу жиноятлар бўй кўрсатган ҳолда, биргина мисол 2010-2016 йилларда мамлакатимизда компьютер техникаси воситасидан фойдаланиб ўзгалар мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167- м.3-қ.”г” б.) 10.5% га, ушбу воситалардан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик (ЖК 168- м.2-қ. “в” б.) 20,6% га, компьютер тизимига рухсатсиз кириб, содир этилган ўғрилик (ЖК 169-м.3-қ.”б” б.) 16% га ошган бўлса, мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозирги даврда трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш ишлари жуда бўшлиги оқибатида халқаро жинойий уюшмаларга қарши курашга нисбатан уларнинг кенгайиши ва тарқалиши тезроқ юз бермоқда ва олимларнинг прогноз қилишларига кўра, жинойий йўл билан топилган даромадни ошкорлаштириш, кредитлар олишда фирибгарлик, тижорат қоидаларини бузиш, фохишабозлик мақсадида одамлар билан савдо қилиш, инсон аъзолари билан савдо қилиш, қароқчилик, хаво ва сув кемаларини эгаллаб олиш ва бошқа трансмиллий жиноятлар қатори компьютер жиноятларининг ҳам ўсиши юз бермоқда².

Бу эса ўз навбатида киберхужум уюштиришни режалаштирган шахсларнинг уюшмалари сони кўпайишига сабаб бўлмоқда, трансмиллий жинойий уюшмалар эса, борган сари ўз тажрибалари ва таъсир доирасини кенгайтириб бормоқда. Жумладан, 2016 йилда молиявий ўғирликни кўзлаган фишинг хужумлари сон ва профессионалик жиҳатдан ошган. Хусусан, хакерларнинг “кўринмас қармоғи” орқали ахборот хуружларини уюштириш 13,4 фоизга ошиб, жами молиявий кибер хужумларни кўзлаган хакерлик жиноятларининг 47,48 фоиз қисмини ташкил қилган. Жумладан, одамларга банк хизматларини кўрсатишни таклиф

¹ www.tsul.uz. (From the Internet site: www.tsul.uz).

² С.Ш.Утемуратова. Криминология фанидан (маъруза матни). –279 б.

қилиш, сохта банк тизимларини яратиш орқали зарур ахборотларни ўғирлаш, электрон почталар орқали банк тизимларига хужум уюштириш, интернет тармоғида турли хилдаги қизиқарли акция ва викториналарни ташкил этиш орқали фойдаланувчиларнинг маълумотларини ўғирлаш ҳолатлари кузатилмоқда.

Н.И.Норбўтаевнинг маълумотларига кўра, ёшлар кўнгил очадиган дастурларга (59,8%), кинофильмларга (44,8%), янгиликларга (47,0%), спорт кўрсатувларга (36,3%) ва билим орттирадиган кўрсатувларга (30,8%) алоҳида хурмат билан қарамоқдалар¹. Мазкур кўрсатикчилардан ҳам маълумки, биргина ёшлар тоифасидаги шахслар кўнгил очадиган дастурларга бошқа соҳаларга қараганда кўпроқ қизиқиши оқибати уларнинг айнан ушбу соҳада бўладиган киберхужумлар бошқа соҳаларга қараганда кўпроқ бўлиши ва улар ёшларнинг онгини захарлашлари ёки уларга турли хил зарар келтириш хавфини кучайтирмоқда.

Шу каби муаммоларни ҳал қилиш мақсадида, БМТ Бош Ассамблеяси 1998 йил декабрда кибержиноятчилик, кибертерроризм ва киберурушга алоқадор 53/70-сонли резолюцияни қабул қилган бўлиб, унга биноан БМТга аъзо бўлган давлатларга ахборот хавфсизлиги муаммолари юзасидан, шунингдек, унинг асосий тушунчаларини изоҳлаш борасида БМТ Бош қотибини хабардор қилиб туриши белгиланган. Резолюция глобал ахборот манзарасини уйғунлаштирувчи ва ахборот терроризми ва жиноятчилигига қарши курашни таъминловчи халқаро принципларни янада ривожлантиришни кўзда тутди². Лекин бунинг ўзи мазкур жиноятлар билан ялпи курашиш учун етарли эмас.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли Фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларининг иккинчи бандида “жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги

¹ Н.И.Норбўтаев. Ахборот хуружи: мақсадлари, воситалари, шакллари. Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган битирув малакавий иши. –Т.: 2014. –33 б.

² Ф.Мўминов, Ш.Баротов ва бошқ. Очик ахборот тизимларида ахборотпсихологик хавфсизлик. Дарслик. – Т.: Фан ва технология. 2013. – 60 б.

фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш” устувор вазифа сифатида белгиланганлиги ушбу йўналишдаги ислохотларни жадал давом эттириш давр талаби эканлигини кўрсатмоқда.

Шу ўринда битта ҳолатни кўриб ўтсак, ўтган 2017 йилда мамлакатимизда 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 та давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди, 400 дан ортиқ келишувларга эришилди, 60 миллиард АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги битимлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг тўққиз ойида амалга оширилган ишлар натижасида ахборот ва алоқа соҳасида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 6,9 фоизга ўсган бўлса¹, таъкидлаш ўринлики, айнан 2018 йилда, аниқроқ қилиб қилиб айтганимизда 2018 йил 18-19 октябрь кунлари Ўзбекистон-Россия биринчи минтақалараро ҳамкорлик форуми бўлиб ўтди. Биринчи Ўзбекистон-Россия минтақалараро форуми давомида, умумий ҳажми 25 миллиард долларга тенг 800 та келишувлар имзоланди. Жумладан, Россия ва Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий соҳада умумий ҳажми 6,2 миллиард долларлик келишувлар ва инвестиция соҳасида 20,8 миллиард долларлик 202 та битим имзоланди. Икки давлат ташкилотлари томонидан имзоланган ҳужжатларнинг умумий ҳажми 25 миллиард долларни ташкил қилди².

Биз бекорга мазкур рақамларга эътибор қаратганимиз йўқ, агарда биз жаҳонда улкан йўқотиш бўлаётган киберхужумларнинг олдини олиш чораларини кўрмасак, биргина 2019 йилда кутилаётган 107,1 трлн. сўмлик Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлари янада ошиши ва юқорида таъкидлаган

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 17 ноябрдаги 2120-III-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисида”ги қарори.

² <https://sputniknews-uz.com/analytics/20181019/9751618/Putin-Ozbekiston-va-Rossiya-birinchi-mintaqalararo-forumi-yakunlari.html>.

халқаро битимларимизни биз лозим даражада бажара олмаслигимиз ҳамда битимлар бўйича ҳамкорларимизда бизга нисбатан битимлар ижроси юзасидан ишончсизлик хавфини кучайтириши мумкин. Сўзимиз исботи сифатида ушбу ҳолатни кўрсатиб ўтамиз, Verizon Data Breach Report таҳлилида ёзилишича, барча киберхуружларнинг 71 фоизи камида 100 нафар ходим ишлайдиган катта компанияларга уюштирилади. Бу хужумлар муваффақиятли яқун топса, “жабрланувчи” муассаса камида 36.000 АҚШ доллари зарар кўради.

Ёки, “Касперский лабораторияси”нинг гувоҳлик беришича, Ўзбекистонда киберхуружга учраётганларнинг 1,6 фоизига банк-тroyнлари зарар етказмоқда, натижада кибер-вирус хуружига учраганлар орасидан банк-тroyнларининг қурбонига айланган фойдаланувчилар улуши бўйича Ўзбекистон жаҳондаги энг юқори кўрсаткичга эга 10 та мамлакат қаторида 10-ўринни эгаллаган. Мобиль қурилмалар хавф-хатари географиясига мувофиқ, Ўзбекистондаги мобиль қурилмаларга йилида 1000 тадан 50 мингтагача зарарли вирусга эга иловалар зарар етказди¹.

Жиноят қонунчилигимизда киберхужумлар орқали шахсларга зарар келтирганлик учун жиноий жавобгарлик етарлича очиб берилмаган ва фақатгина компьютер воситасидан фойдаланиб талон-торож қилиш ЖК 167-моддаси (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) 3-қисм “г” бандида “компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса”, 168-моддаси (фирибгарлик) 2-қисми “в” бандида “компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса”, 169-моддаси (ўғрилиқ) 3-қисми “б” бандида “компьютер тизимига рухсатсиз кириб” деган шаклда тарқоқ ҳолда берилган. Шунингдек, Жиноят кодексининг 278¹-278⁷-моддаларида алоҳида ХХ¹ боб. “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” учун жавобгарлик белгиланганлиги бу борадаги жиноятларни квалификация қилишда турли хил муаммолар, жумладан, айрим ҳолларда айбдорнинг бир вақтнинг ўзида Жиноят кодексининг 4, 8-10-моддаларига хилоф равишда икки марта жавобгарликка тортилиши ёки жазо тайинлашда шахснинг қилмиши қўшимча равишда мазкур боб моддалари билан ҳам квалификация қилинишига олиб келмоқда.

¹ <https://ictnews.uz/uz/biz-bilan-alo-a/>.

Шунга кўра, таклиф сифатида биз ахборот технологиялари ва коммуникация воситаларидан фойдаланиб ўзгалар мулкни киберхужумлар орқали талон-торож қилганлик ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритганлик ҳамда ўзгаларнинг ахборот технологиялари ва коммуникация воситалари ёки (ва) ундаги ахборотларни модификация қилиши орқали шахсларга зиён келтирганлик учун жавобгарлик деган тушунчаларнинг жиноят қонунчилигимизга киритилиши ҳамда ушбу таклифлар Жиноят кодексининг янги ХХ¹ боб. “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” бобига қўшимча сифатида киритилиши ҳамда юқорида қисман кўрсатилган ЖК 167-моддаси 3-қисм “г” бандидаги компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, 168-моддаси 2-қисми “в” бандидаги компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик, 169-моддаси 3-қисми “б” бандидаги компьютер тизимига рухсатсиз кириб ўғрилик содир этилиши ушбу икки таклиф билан мувофиқлаштирилиши ҳамда амалиётга татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ.

Хўш, унақада жиноят қонунчилигимизга ушбу жиноят турини киритишимиз учун ўзгалар мулкни киберхужумлар орқали талон-торож қилиш нима деган табиий савол туғилади, фикримизча, у ахборот технологиялари ва коммуникация воситалари орқали очикдан-очик, қасддан жабрланувчининг ахборот технологиялари ва коммуникация воситалари тизимига қонунга хилоф равишда хужум қилган ҳолда, ундаги маълумотларни модификация қилиш орқали ўзганинг ахборот технологиялари ва коммуникация воситаларида сақланган ёки яширинган мулкни қайтариб бермаслик, мулкдорга мулккий зарар етказиш мақсадида, ғараз ният билан ўрнини қопламасдан, текинга эгалланишига айтилади. Мазкур жиноят объектив томондан фикримизча қуйидагича содир этилиши мумкин:

1) ўзгалар мулкни ахборот технологиялари ва коммуникация воситаларидан фойдаланиб, киберхужум қилиш натижасида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишда айбдор мулк тақдирини белгиловчи маълумотлар базасига қонуний равишда киради ва ушбу мулк тақдирини белгиловчи маълумотларни модификация қилиш орқали нақд бўлмаган пул маблағини ноқонуний равишда ўзлаштиради ёки растрата қилади;

2) ўзгалар мулкни ахборот технологиялари ва коммуникация воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишда шахс ахборот технологиялари ва коммуникация тизимидаги мавжуд маълумотлар базасига ноқонуний кириб, била туриб ушбу маълумотлар базасига ёлғон маълумотларни киритиш орқали жабрланувчига киберхужум уюштириши натижасида жабрланувчини алдаб ёхуд ишончини суиистеъмол қилиб, мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни эгаллайди;

3) ўзгалар мулкни ахборот технологиялари ва коммуникация воситаларидан фойдаланиб ўғрилик йўли билан киберхужум қилиш орқали талон-торож қилишда шахс ахборот тизими фаолиятига қонунга хилоф равишда кириб, ахборот хавфсизлиги тизимини бузиб, ахборот тизимида сақланаётган маълумотларни модификация қилиш орқали, ўзганинг мол-мулкни яширинча эгаллаб олади;

4) ўзгалар мулкни ахборот технологиялари ва коммуникация воситаларидан фойдаланиб талончилик йўли билан жабрланувчига киберхужум қилиш йўли билан талон-торож қилишда эса, жиноятчи ўз хатти-ҳаракатларидан бошқаларнинг хабардорлигини била туриб, ахборот тизими фаолиятига қонунга хилоф равишда хужум қилиб, хавфсизлик тизимини бузиб кириб, ахборот тизимида сақланаётган маълумотларни модификация қилиш орқали ўзганинг мол-мулкни очикдан-очик эгаллаб олади.

5) ўзгалар мулкни ахборот технологиялари ва коммуникация воситаларидан фойдаланиб кибурухужум уюштириши натижасида жабрланувчига тааллуқли маълумотларни йўқ қилиб ташлаш ёки фойдаланиш мумкин бўлмайдиган ҳолатга солиб қўйиш, шунингдек, мавжуд жабрланувчининг ахборот технологиялари ва коммуникация воситаларини ишдан чиқариш оқибатида жабрланувчига зарар етказди.

Юқоридаги барча ҳолатларда, айбдор ўзганинг мулкни қонунга хилоф равишда эгаллаётганлигини, мулкни мулкдорнинг эгалигидан ўрнини қопламасдан эгаллаш учун ўзида ҳақиқатда ёки фараз этилган ҳуқуқларининг ҳам мавжуд эмаслигини, талон-торож қилинаётган мулкка нисбатан ўзининг махсус ваколатлари мавжуд эканлигини, ушбу қилмиш оқибатида мулкдорга моддий зарар етказишини, мазкур ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида албатта ҳеч бўлмаганда жабрланувчининг ахборот технологиялари ва коммуникация воситалари ёки ундаги ахборот фойдаланиш

имкониятини йўқотишлигини англайди ва буни хоҳлайди. Мазкур ҳолатни халқаро миқёсда танишиб кўрадиган бўлсак, айнан киберхужумлар оқибатида қилинган жиноятларнинг энг кўп сони жами аҳолига нисбатан 2016 йилда Хитойда 52 фоиз, Россияда 71,3 фоиз, АҚШда 88,5 фоиз, Японияда 91,1 фоизни ташкил қилган ва мазкур йилда Хитойнинг 721 млн. аҳолиси киберхужумчиларнинг жабрланувчисига айланишган¹. Шу сабабли ҳам бугунги кунда Хитой Халқ Республикасининг Жиноят кодексининг кўпчилик моддаси айнан мазкур киберхужумлардан ҳимояланиш юзасидан қайта ишлаб чиқилган бўлиб², жумладан, 1997 йилда Хитой Халқ Республикасининг Жиноят кодексининг 246-моддасига ўзгариш киритилган бўлса, 287а-модда “Ахборот тармоқлари орқали жиноятни содир этишга кўмаклашиш” моддаси кўшимча модда сифатида, 1997 йилда янги тахрирда қабул қилинган Хитой Халқ Республикасининг Жиноят кодексига эса, 286-модда “ахборотни бузиш, компьютер тизимларининг бузилиши ва тарқалиши” деган модда киритилиб, шундан сўнг компьютер тизимларининг бузилиши, вирусларни тарқатганлик учун, шунингдек, Интернет орқали ахборот хавфсизлигини бузувчи амалларни бажарганлик учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланди. Шунингдек, ахборот тармоқлари орқали террористик фаолиятни олиб борганлик учун жиноий жавобгарлик илк марта Хитой жиноят қонунчилигига киритилди.

Қолаверса, Хитой Халқ Республикаси Жиноят кодексининг 291-моддасига асосан интернет орқали террористик маълумотларни тарқатиш йўли билан жамоат тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгиланди. Лекин муаммо бу билан ўз ечимини топаётгани йўқ, Хитой Халқ Республикасига қилинаётган киберхужумларнинг 70 фоизи чет элдан туриб амалга оширилаётганлиги, бу айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишида муаммоларни келтириб чиқармоқда. Терроризмни ўрганиш ва терроризмга қарши курашиш Миллий Марказ томонидан тўпланган маълумотларга қараганда, кибертеррористик хужумлар энг кўпи Хитойда кузатилган ва бу йиллар миқёсида олганимизда 1996 йилда 60 дан ортиқ, 2014 йилда эса 387 тани

¹ Р.И.Дремлюга, А.И.Коробеев, А.В.Федоров. Кибертерроризм в Китае: уголовно-правовые и криминологические аспекты. Всероссийский криминологический журнал. 2017. Т. 11, № 3. – 607-614 с.

² <https://www.loc.gov/law/help/fighting-extremism/china.php>.

ташқил этган бўлса, ҳозирги кунда унинг расмий миқдорини аниқлаш имконсиздир. Чунки, шунчалик кўп киберҳужумлар бўлганлиги сабабли уларнинг сони ва келтираётган зарарини аниқлаб чиқиш жуда қийинчилик туғдирмоқда, хатто ушбу ҳужумлар сони ва зарар миқдорини камайтириш учун олиб борилаётган сайъи ҳаракатлар ҳам самарасиз бўлмоқда, хатто Хитой ҳукумати ноқонуний фаолият юритаётган Интернет-кафеларни ёпиш учун қатъий чоралар кўрган бўлса ҳам, хатто 2002-2003 йилларда 43 мингга яқин ноқонуний фаолият кўрсатаётган Интернет-кафени ёпиш чораларини кўрган бўлса ҳам, биргина 2011 йилда Хитойнинг компьютерларига 47 минг хорижий интернет манзиллари орқали бўлган киберҳужумлар туфайли Хитой қитисодиёти 8,9 млн. АҚШ долларга зарар кўрган. Мазкур зарар аслида бундай ҳам кўп бўлиши мумкин, чунки Хитойда Ўзбекистондаги каби кибертеррористик ҳаракатлар ва жинойтлар тўғрисида расмий хабар берилмайди ва нашр этишга йўл қўйилмайди. Энг ачинарлиси шундаки, ҳар бир ноқонуний фаолият кўрсатаётган Интернет-кафеларни аниқлаш ва уларни ёпиш учун олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида биргина 2014 йилнинг ўзида Хитой Халқ Республикасининг Маданият вазирлиги 14 минг ноқонуний Интернет-кафеларнинг фаолиятини молиялаштираётган ноқонуний корхоналарни аниқлаб, уларнинг раҳбарларига нисбатан чора кўриш масаласини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этган¹. Биз бекорга Хитой Халқ Республикасининг иқтисодиётига кибертеррорчилар томонидан қилинаётган таҳдидлар ҳақида сўз юритмадик, биз ушбу мамлакатнинг кибертерроризмга қарши кураш тажрибасини ўрганишимиз ва олдиндан киберҳужумларнинг олидини олиш чораларини кўришимиз лозим, қолаверса, ушбу малакат билан бизнинг халқаро алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш ҳамда ушбу мамлакат бизга Қирғизистон Республикаси орқали қўшни давлат бўлганлиги ва у ердаги таҳдидлар бизнинг мамлакатимизда ҳам бўлиши мумкинлиги нуқтаи назаридан ҳам ушбу ҳолатларни атрофлича ўрганиб туриб, ўзимизда кибермафсизлик зонасини ташқил этишимиз зарур. Умуман олганда Хитойнинг кибертерроризмга қарши кураш тажрибаси шунини кўрсатадики, интернетни

¹ Р.И.Дремлюга, А.И.Коробеев, А.В.Федоров. Кибертерроризм в Китае: уголовно-правовые и криминологические аспекты. Всероссийский криминологический журнал. 2017. Т.11. № 3. – 607-614 с.

террористик мақсадлар учун ишлатиш мамлакат иқтисодиётига жиддий хавф туғдиради ва терроризмга қарши қонунчиликни янада ривожлантириш ва бу соҳада терроризмга қарши кураш амалиётини такомиллаштириш лозимлигини кўрсатади. Киберхужум қилаётган шахслар ҳеч бўлмаганда киберхужум орқали қилинган талончиликлари оқибатида олиши мумкин бўлган даромадни ололмасалар ҳам, жабрланувчиларнинг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини фойдаларнишга яроқсиз аҳволга солиб қўйишлари натижасида жабрланувчига жуда катта зарар келтиради.

Юқоридаги ҳолат ҳақида аниқроқ тушунча ҳосил қилиш учун битта мисолни Юртимизда кечаётган ҳолатлар мисолида кўриб ўтамиз, 2018 йил 12 ноябрдаги terabayt.uz сайтида “Малика”да Samsung смартфонларининг сўмдаги нархлари” мавзусидаги мақолада куйидаги “Samsung” русумли телефонларнинг ҳамёнбоп Galaxy J туркумига, ўрта нарх сегментидаги – Galaxy A туркумига ҳамда флагман саналмиш Galaxy S туркумига кирувчи айрим смартфонларига пойтахтимиздаги “Малика” савдо марказида қўйилаётган нархларни маълум қилаётганлиги кўрсатилган бўлиб, унга асосан:

Samsung Galaxy J туркуми – Galaxy J1 black, white – 803 600 сўм; Galaxy J1 (2016 LTE) black, gold – 984 000 сўм; Galaxy J2 Duos (2017) white, black, gold – 1 049 600 сўм; Galaxy J3 (2016) black, gold, white – 1 049 600 сўм; Galaxy J3 (2017) black, gold, blue, pink – 1 435 000 сўм; Galaxy J5 (2016) black, gold – 1 394 000 сўм; Galaxy J5 (2017) black, gold, blue, pink – 1 861 400 сўм; Galaxy J5 Prime black, gold – 1 476 000 сўм; Galaxy J7 (2017) black, gold – 2 173 000 сўм; Samsung Galaxy A туркуми – Galaxy A3 (2017) black, gold, blue – 2 009 000 сўм; Galaxy A5 (2017) black, gold, blue – 2 583 000 сўм; Galaxy A7 (2017) black, gold, blue, pink – 3 075 000 сўм; Samsung Galaxy S туркуми – Galaxy S7 Edge black, gold – 3 936 000 сўм; Galaxy S8 gold – 4 920 000 сўм; Galaxy S8 black – 5 002 000 сўм; Galaxy S8 Plus grey – 5 740 000 сўм; Galaxy S8 Plus black, gold – 5 822 000 сўм; Samsung Galaxy Note туркуми – Galaxy Note 8 black, gold, blue – 6 519 000 сўм¹.

¹ <https://www.terabayt.uz/post/malika-da-samsung-smartfonlarining-somdagi-narxlari-2018-yil-12-yanvar>.

Энди тасаввур қилайлик, юқоридаги суммаларни қўшиб чиққанимизда йиғинди 51 832 200 сўмни ташкил қилмода. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 1 октябрдаги маълумотига асосан. Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолиси сони 2018 йил 1 октябрь ҳолатига 33 085,2 минг кишини ташкил этади¹. Ушбу аҳолидан 10 млн. нафари юқоридаги телефон эгалари деб тасаввур қилсак, ушбу ҳолатда мазкур аҳоли қўлида 518 322, млрд. сўмлик мулк йиғилган бўлади, энди уларга киберхужум қилиши натижасида мазкур телефонлардаги маълумотларга киберхужум қилаётган шахслар эга бўла олмаган бўлсаларда, аммо ушбу телефонларга кибер хужум натижасида аҳолининг 518 322, млрд. сўмлик мулкига зарар келтириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сонли Фармонида илова қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастурининг 14-бандига кўра, инновацион технологияларни қўллаш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг юқори сифати, тезкорлиги, очиклигини таъминлаш, аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини оширишга Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари 30 млрд. сўм маблағлари, давлат томонидан ногиронлиги бўлган шахсларга бепул тақдим этиладиган протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари турларини кўпайтириш ҳамда уларнинг тегишли стандартларини жорий қилиш учун эса 5,0 млрд. сўм давлат бюджети маблағлари йўналтириляётганлигига эътибор берадиган бўлсак, биргина телефон аппаратларига бўлган киберхужум натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти жуда катта талафот кўришлигига яна бир марта амин бўлишимиз мумкин.

Хўш. уларга қарши қандай қатъий курс чораларини кўришимиз мумкин, баъзи олимларнинг фикрича фойдаланиляётган ахборот технологиялари ёки коммуникацияларига кучли пароллар ўрнатиш, ходимларни ўқитиш, маълумотларни назорат қилиш, информацияни шифрлаш

¹ <https://aniq.uz/yangiliklar/uzbekiston-aholisi-soni-33-milliondan-oshdi>.

орқали киберхужумчилардан ҳимояланиш ва уларнинг талончиликларининг олдини олиш мумкин деб ҳисоблашадилар, фикримизча эса уларга қўшимча равишда аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишимиз керак деб ҳисоблаймиз, шу жумладан, киберхавфсизликни таъминлаш бўйича, кибертерроризмга қарши кураш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармон талаблари нуқтаи назаридан тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни ягона қонун ҳужжатларига бирлаштириш, бир-бирини такрорловчи нормалардан воз кечган ҳолда, барча ахборот хавфсизлигига оид қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқишимиз мақсадга мувофиқ. Бунда, жиноят қонунчилигимизга ҳам, мавжуд қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалардан келиб чиққан ҳолда, ахборот технологиялари ва коммуникация воситаларидан фойдаланиб ўзгалар мулкани киберхужумлар орқали талон-торож қилганлик ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритганлик ҳамда ўзгаларнинг ахборот технологиялари ва коммуникация воситалари ёки (ва) ундаги ахборотларни модификация қилиши орқали шахсларга зиён келтирганлик учун жавобгарликни қанчалик тез қонунчилигимизга киритсак шунчалик мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўлаймиз.

Юқоридаги фикрларимизга қўшимча равишда айтишимиз керакки, АҚШда ахборот технологиялари соҳасида жиноий жавобгарлик ҳақидаги қонун лойиҳаси 1977 йилдаёқ ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу қонун лойиҳаси асосида 1984 йилда компьютер жиноятлари учун жиноий жавобгарликни белгиловчи асосий қонун ҳужжати “Компьютер ва фирибгарлик тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, унда компьютердан нотўғри фойдаланиш ва компьютер фирибгарлиги аниқ белгилаб қўйилган. Хатто шундан сўнг, АҚШ жиноят қонунчилигида ахборот технологиялари ва коммуникациялари воситалари орқали жосуслик, ўзгалар ахборот технологиялари ва коммуникацияларига рухсатсиз кириш, қасддан ҳимояланган ахборот технологиялари ва коммуникациялари воситаларига киберхужум орқали шикаст етказиш, зарар келтириш, ўғрилиқ қилиш, таҳдид қилиш, талончилик, туҳмат қилиш, ҳақорат қилиш ва бошқа шу каби жиноятлар белгилаб қўйилган бўлса, кибержиноятчилар учун жарима ва қамоқ жазолари

тайинланишлиги аниқ жиноят қонунчилигида кўрсатиб қўйилган. Қолаверса, АҚШ Конгресси кибержиноятчиларга қарши қатъий жазо чораларини ва уларнинг ижтимоий хавф-хатарларини бошқа жиноятлар билан фарқловчи, алоҳида жиноят сифатида кўрсатувчи янги қонун “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш чорасини кўриб чиқди ва ушбу қонун ҳозирда қабул қилинган.

Мазкур Қонуннинг бир қисми иқтисодий жосусликка бағишланган бўлиб, Америка компанияларининг интеллектуал мулкани ўғирлаш учун жарималар миқдорини кўпайтишни назарда тутди. Ушбу айблов бўйича суд ҳукми 15 йилдан 20 йилгача этиб белгиланган.

Агар тажавузкор АҚШ телекоммуникация тармоғининг инфартузилмаси, электр тармоқлари, транспорт коммуникациялари, сувни бошқари тизимларининг компьютер тармоқларига ноқонуний кирса, у муддатидан олдин озод қилиниш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолда, 30 йилга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

Ушбу ҳолатда бизнинг қонунчилигимизда назар соладиган бўлсак, компьютер жиноятчилиги учун энг оғир жазонинг муддати 10 йилгача бўлган муддатда озодликдан маҳрум қилишни тақил этади, янги ХП¹ боб қоидаларида эса энг оғир санкция 5 йил озодликдан маҳрум қилишни ташкил этади, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 68-моддасига асосан, мазкур шахсларнинг амнистия акти билан жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги, ЖКнинг 76-моддасига кўра эса, амнистия акти ёки афв орқали жазодан озод қилиниши мумкинлиги, хатто ЖКнинг 79-моддасига кўра, судланганликни ҳам афв ёки амнистия орқали олиб ташлаш мумкинлиги юзасидан хулоса қилиб айтишимиз керакки, мўмай пул ишлаб олиб, энг оғир ахборот технологияси соҳасидаги жиноят ЖКнинг 278⁷-моддасида кўрсатилган телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш жиноятини содир этганлиги учун киберҳужум уюштирган кибержиноятчи 3 йилдан 5 йилгача бўлган муддатгача озодликдан маҳрум қилинганлиги ҳолатини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, ушбу жиноятчига жазо тайинлашда жиноят ишлари бўйича туман судьяси ЖКнинг 54-55, 57-57¹-моддаларини инобатга олиб, 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилган тақдирда ҳам жамиятга зарар келтирган мазкур шахс ЖКнинг 71-моддасининг 2-3-қисмларига кўра, айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан

жазодан озод қилиниши ёки ЖКнинг 73-моддасига кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниши ёхуд ҳеч бўлмаганда тайинланган жазонинг $\frac{1}{4}$ қисмини ўтаганидан сўнг ЖКнинг 74-моддасига кўра, жазони енгилроғи билан алмаштириши оқибатида 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган шахс бир йилдан сўнг озодликка чиқмоқда, энди битта ҳолатга эътиборимизни қаратсак, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикасининг маълумотига кўра, 2018 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида энг юқори ўртача ойлик иш ҳақини молиявий ва суғурта фаолияти соҳасидаги ташкилотлар ходимлари олишган бўлиб, уларнинг ўртача номинал иш ҳақи 3 млн. 213 минг сўмдан ортиқроқни ташкил этган бўлса, кейинги ўринни ахборот ва алоқа соҳаси ходимлари эгаллашган бўлиб, уларнинг ўртача номинал иш ҳақи 3 млн. 196 минг сўмга тенг бўлган¹. Демак, энг юқори иш ҳақининг номинал миқдорини 12 ойга кўпайтирсак, 38 556 000 сўмни ташкил қилмоқда, аммо киберхужум натижасида битта шахс бир йилда ҳеч бўлмаганда умуман даромад кўрмаган ҳолатни юқорида кўрганимиздек, 518 322, млрд. сўмлик зарар ва мазкур ўзининг пешона териси орқали ойлик иш ҳақига кун кўрувчи шахснинг бир йиллик даромадини таққослаб кўрайлик, ушбу ҳолатда мазкур сумма 13 443 355, 119 сўм нисбатида бўлишлигини инобатга оладиган бўлсак, амалдаги ахборот технологиялари ёки компьютер соҳаси орқали қилинаётган ҳужумлар натижасида келиб чиққан жиноятлар учун жавобгарлик ва жазо масалаларини қайтадан тўлиқ кўриб чиқиш фурсати бизнингча етиб келган. Мазкур ҳолатларни энди Буюк Британия мисолида кўриб чиқайлик, 1990 йилнинг август ойидан бошлаб Буюк Британияда “Компьютер зўравонлиги ҳақида”ги Қонун амалда бўлган бўлса, унинг биринчи хатбошисида “компьютер маълумотларига рухсатсиз кириш” ҳақида сўз юритилиб, унга кўра кўра ўзга шахснинг компьютер қурилмасида мавжуд дастур ёки маълумотни киришни хоҳлаб, ўзга шахснинг компютерида ҳар қандай функцияни амалга ошириши бу шахснинг қасддан қилинган ўзга шахснинг компютерига рухсатсиз кириш жиноятини келтириб чиқаради ва бунда компьютерга кирилганида дастур ёки маълумотлар ўзгартирилган ёки йўқ қилинганида ушбу ҳолат жиноят деб эътироф этилади, бунда маълумотлар кўчирилган ёки бошқа жойга ўтказилганидан

¹ <https://kun.uz/55496445>.

катъий назар у жиноят бўлишлиги белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу жиноятни содир этганлик учун жарима ёки 6 ойгача муддатгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Бизнинг жиноят қонунчилигимизда эса, ушбу ҳолат бўйича ушбу жиноят қачонки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса ушбу ҳолат жиноят жиноят деб топилади.

Юқоридаги фикрларимизга қўшимча равишда, айнан киберхужум натижасида келиб чиқаётган жиноятларни алоҳида ўхшаш моддаларга бирлаштириш ва янгитдан қабул қилиш таклифини берамиз, мисол учун Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг 28-боби “компьютер соҳасидаги жиноятлар” деб номланган алоҳида боб бўлиб, у битта модда, яъни ушбу кодекснинг 290-моддаси бўлиб, унда компьютернинг зарарли дастурий таъминотини яратиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлса¹, Германия Федератив Республикасининг Жиноят кодексининг 263а-моддасида “компьютер фирибгарлиги” деб номланган моддасида ўзининг ёки учинчи шахснинг компьютер технологиясидан фойдаланиши орқали ўзганинг мулкига ноқонуний эгалик қилиш, учинчи шахснинг мулкига зарар етказиш мақсадида компьютер маълумотларини қайта ишлаш, нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган дастурлар тузиш, маълумотларининг нотўғри қўлланилиши ёки таъсир ўтказиши учун 5 йилгача бўлган муддатгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган ёки 303а-303в-модда – компьютер саботажига деб номланиб, хорижий корхона, компания ёки давлат органи учун зарур бўлган маълумотларни қайта ишлаш учун, маълумотларни йўқотганлик учун, маълумотларни узтишни яроқсизлантирганлик учун 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган².

Юқоридагилар орқали хулоса қилиб шуни айтишимиз керакки, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларимизни тўлиқ қайтадан кўриб чиқишимиз натижасида мамлакатимизнинг иқтисодиётига зарар келтирувчи киберхужумлардан, айникса, ўзгалар мулкини киберхужумлар орқали талон-торож қилишдан

¹ <https://auca.kg/uploads>. Уголовный кодекс Кыргызской Республики. В редакции Законов КР от 21 сентября 1998 года № 124.

² <https://constitutions.ru/?p=5854>.

сақлаб қолишимиз мумкин. Шунингдек, худди Хитой Халқ Республикаси каби киберхавфсизлик стратегиясини қабул қилишимиз керак. Ха, Хитой ҳукумати интернетда хавфсизликни таъминлаш стратегиясини ишлаб чиққан бўлиб, Синьхуа агентлигининг маълумотига кўра, стратегия ХХР киберкенглик масалалари бошқармаси томонидан чоп этилган. Мазку ҳужжатга кўра, Хитой ҳукумати хавфсиз, очик, қонуний ҳамда тинч киберкўламга эришади. Бундан ташқари, ХХР ҳукумати кибермайдонда мамлакат миллий хавфсизлиги ва суверенитетини қатъий ҳимоя қилади - мамлакатнинг асосий ахборот инфратузилмасини ҳимоя қилади, интернетдаги кибертерроризм ва жиноят кўринишлари билан курашади. Манбага кўра, кибермайдонни бошқариш механизми яхшиланади, Хитой бу соҳада бошқа давлатлар билан ҳамкорликни янада ривожлантиради¹.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлигини таъминлаш, электрон рақамли имзодан фойдаланиш, ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича техник инфратузилмани янада ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мазкур стратегияни ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш вақти етиб келди. Мазкур стратегияни татбиқ қилиш натижасида бўлиши мумкин бўлган киберхужумларнинг олдини олиш чоралари кўрилади ва бу бўйича барча давлат органлари раҳбарларининг шахсий масъулияти ўрнатилиб, мамлакатнинг киберхавфсизлигини таъминлаш янги поғонага кўтарилади.

2.3-§. Телекоммуникация ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаш жиноятини квалификация қилишнинг ҳуқуқий ечимлари

Телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб ўзини ўзи ўлдириш

¹ <https://kun.uz/news/2016/12/27/hitoj-kiberhavfsizlik-strategiasini-takdim-etdi>.

даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаш жинояти ҳозирги кундаги энг глобал муаммолардан бири ҳисобланади.

Ахборот жиноятга ундаш ёки жиноят содир этилишига имконият яратади

Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилотининг (ЖССТ) расмий маълумотларига кўра 2000 йилда бутун жаҳонда 815 000 киши суицид қурбони бўлган бўлса, ўз жонига қасд қилиш ҳаракатларининг сони 5 млн. дан ортиб кетган¹.

Ушбу кўрсаткичлар бугунги кунда тобора ўсиб бораётганлигини Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти қайд этган ҳолда унинг статистик маълумотларига кўра, ҳозирда ҳар йили дунёда миллионга яқин киши ўз жонига қасд қилади. Ҳар бир суицид ўлим билан тугамаслиги ҳисобга олинса, реал вазият бундан 2-3 марта кўплигини тахмин қилиш мумкин. Суициднинг 800 га яқин кўринишлари мавжуд. Улардан, 9 - 41% – ноаниқ этиологияга эга; 19% – жазодан кўрқиш; 18% – рухий касалликлар; 18% – оилавий муаммолар; 6% – ҳиссиётлар; 3% – молиявий йўқотишлар; 1,4% – ҳаётдан тўйиш; 1,2% – турли касалликлар сабабидир.

Расмий маълумотларга қараганда жаҳонда ёшлар орасида ўзжонига қасд қилиш ўтган йигирма йил давомида икки баробарга ошган. 14-24 ёшда бўлган шахсларнинг 16 фоизи бу ҳолатни бошидан кечиради, унинг 6 фоизини ўғил болалар, 10 фоизини қиз болалар ташкил этади. Суицидиал ҳолатларнинг 90 фоизи психосоматик касалликларга чалинган шахслар томонидан, 10 фоизи бундай касалликларга чалинмаган шахслар томонидан амалга оширилади.

Баъзи мутахассислар ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг 90 фоизни ўзига эътиборни жалб қилиш билан изоҳлайдилар. Вояга етмаганлар томонидан суицидни амалга ошириш шахсий фожеа, табиий офатлар, умидсизлик, ўлим кўрқуви таъсирида кечади. Вояга етмаганларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини текшириш шуни кўрсатадики, аксарият суицидлар оиладаги келишмовчилик, ўқитувчилар, педагогларнинг кўполлиги, синфдошлари билан келишмовчилик, турли можаролар, атрофдагиларнинг эътиборсизлиги оқибатида юз беради. Кўп ҳолларда ёшлар ўз ташвишларига ота-оналари ва ўқитувчилари

¹Ғиёсов З.А., Махсумхонов Қ.А. Суицид ҳолатларининг суд-тиббий масалалари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий, 2006 й., – 6 б.

этиборини жалб қилиш мақсадида бу ишга журъат қиладилар ва бундай даҳшатли йўлни кўполлик, бефарқлик, инсофсизлик ва шафқатсизликка қарши исён деб кўрсатадилар. Бундай қадам табиатан таъсирчан ўсмирлар томонидан ўзини ёлғиз, кераксиз деб ҳис қилиш оқибатида турли стресслар таъсирида амалга оширилади¹.

Ҳозирги замонда қуролли курашларнинг ўрнини ахборот хуружи тобора эгаллаши натижасида бугунги кунда шу каби мудхиш ҳолатлар янада кўпаймоқда ва булар юқорида кўриб ўтган ҳолатларимизнинг деярли барчасида ўз аксини топмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда 1939-1945-йилларда бўлиб ўтган Иккинчи жаҳон уруши даврида, яъни 6 йил ичида бевосита жангларда 27.000.000 кишининг ёстиғи қуриган, бошқа талофатларни ҳам қўшганда 30.000.000 киши нобуд бўлган. Иккинчи жаҳон уруши ўзбек халқига ҳам беқиёс катта талофат келтириб, жанг майдонларида ярим миллионга яқин ўзбек ҳалок бўлиб, қолган ярим миллион ватанига қайтган².

Мазкур маълумотларни бекорга келтираётганимиз йўқ. Ҳозирда дунёда миллионга яқин киши ўз жонига қасд қилаётганлигини инобатга олсак, уни иккинчи жаҳон урушида ярим миллионга яқин ўзбек ҳалок бўлганлиги билан таққосласак, ушбу рақамлар биргина ўз жонига қасд қилиш ҳолати дунё ҳамжамияти муаммолари орасида алоҳида ўринда турганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаш жинойти янгиликми?

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш бошқа бир инсон томонидан атай қасддан ташкил этилган бўлса, бу ҳаётга қарши қаратилган жинойтдир. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш усуллари турлича бўлиши мумкин. Лекин уларнинг барчаси айбдорнинг жинойий мақсади билан боғлиқ бўлади. Бундай ҳолатлар, албатта, жазосиз қолдирилиши мумкин эмас.

¹Вояга етмаганлар ўртасида суицид ҳолатларнинг олдини олиш.Методик қўлланма./ Илмий-оммабоп нашр. Н.Тайлоқов. –Т.: “Камалак”нашриёти. 2017. – 72 б.

² Ҳ.Зиёев, Иккинчи жаҳон уруши ва ўзбеклар // –Т.: “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2003 йил 25-сони, – 1-2 б.

Ҳозирги кунда шахсни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ижтимоий хавфли жиноят, дея баҳоланиб, унга нисбатан МДХга аъзо барча давлатларнинг Жиноят кодексларида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Тадқиқотларимизда маълум бўлдики, Болгария Жиноят кодексининг 106, Япония Жиноят кодексининг 202, Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг 103, Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг 145-146, Молдова Республикаси Жиноят кодексининг 150, Озорбойжон Республикаси Жиноят кодексининг 125, Тожикистон Республикаси Жиноят кодексининг 109, Туркманистон Республикаси Жиноят кодексининг 106-моддалари айнан ушбу жиноятлар тавсифига бағишланган. Аммо эътибор бериб қарасак, дунё ҳамжамияти айнан телекоммуникация ва Интернет тармоғи орқали ўзини ўзи ўлдириш дажасига етказиш ёки ўзини ўзи ўлдириш жиноятлари ҳақида сўз юритилмаган ва ушбу ҳолатни улар жиноят қайси йўллар орқали содир этилган бўлса-да, унинг тамомланиши, яъни якуни бир хил бўлади, энг муҳими натижа бўлади, деб ҳисоблайди. Шу нуқтаи назаридан ҳам миллий қонунчилигимиз бошқа хорижий қонунчиликдан ажралиб туради.

2017 йил 13 июндаги ЎРҚ–436-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонунга асосан, Жиноят кодексининг 103-моддаси янги таҳрирда қабул қилиниб, унинг иккинчи қисми “г” бандига асосан, телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб шахсни кўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш ва Жиноят кодексининг 103¹-қўшимча прим-қўшимча модда қўшилиб, унинг иккинчи қисми “в” бандига асосан, яъни телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, яъни кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш, агар шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилганлик учун тегишинча етти йилдан ўн йилгача ва беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгилаб қўйилди.

Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда бир қатор, яъни Беларусь, Арманистон, Қирғизистон ва Туркменистон каби давлатларда ўз жонига қасд ёки суиқасд қилишга ундаш жиноятлари учун жавобгарлик белгиланганлиги маълум бўлди.

Юқоридаги ушбу ҳолат бўйича тўпланган маълумотлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг 2019 йил 7 мартдаги 30/21-19-570-сон хатига жавобан “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тақдим этилди.

Таклиф этилган таҳрир бўйича, дастлаб, “278⁸-модда. Компьютер орқали ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ёки ўзини ўзи ўлдиришга ундаш”, яъни компьютерлар, радиочастота спектри, алоқа, телекоммуникациялар, электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ), уларнинг тизими, тармоғи, воситалари, иншоотлари, охирги (терминал) асбоб-ускуналар, тармоқлараро уланишлар, махсус вирусли дастурлар ва бошқа асбоб-ускуналар ва қурилмалардан фойдаланган ҳолда шахсни қўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш ёки ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, яъни кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш, агар шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган бўлса,

—
энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) кўпчилик учун хавfli бўлган усулда;
- б) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавfli бўлган усулда;
- в) безорилик оқибатида;

г) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда;

д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

е) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;

ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ёки мансабдор шахс томонидан;

з) атрофдагилар учун хавфли усулда, —

ЭНГ кам ойлик иш ҳақининг юз баробаридан икки юз баробаригача жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилган ҳолда ёки (ва) уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

б) жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлса;

г) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб,

—
етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарар уч карра миқдоридан қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди.”, таҳририда баён этилган бўлса, кейинчалик ушбу таҳрир жиноят қонунчилигимиз шахсга қараб муносабатлар ривожланиб боришлигини инобатга олиб, ушбу тоифадаги жиноятларни бир умумий таҳрир остида, яъни ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали ўз ўзини ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш таҳририда баён қилиш таклиф этилди.

Амалдаги таҳрир бўйича жиноятларни квалификация қилишдан олдин, ушбу жиноятларни квалификация қилиш учун зарур бўлган баъзи тушунчалар хусусида сўз юритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

“Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонун ва у асосида қабул қилинган қонун ости ҳужжатларига асосан телекоммуникация тармоғи узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимиль турларини, маълумотлар узатиш ва ҳужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуи бўлса, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи эса, Маълумотлар узатиш тармоғи, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш қоидалари (2018 йил 10 июль, рўйхат рақами 3038)га асосан ягона адрес ва номлар маконидан фойдаланиладиган, шлюзлар ёрдамида бирлаштирилган, ягона TCP/IP протоколига мувофиқ ишлайдиган кўплаб тармоқлардан иборат глобал халқаро тармоқ (бошқариладиган тармоқлар бирлашмаси) ҳисобланади¹.

Хўш ушбу жиноятлар кимларга нисбатан содир этилади?

Ўз жонига қасд қилиш ҳаётининг қадрига етмаган, яшашни истамаган, атрофидагилардан норози шахснинг тушкунликда содир этган ҳаракатидир. Бунда инсон охириги дақиқагача яшашни истайди, бироқ бу туйғу унинг ўз жонига қасд қилишига монелик қила олмайди. Ўзини ўзи ўлдириш ҳолатининг сабабини аниқлаш — мураккаб масала. Кўпинча, бунга шахснинг турмуш тарзи, унга таъсир кўрсатган ташқи омиллар сабаб бўлади. Лекин индивидга боғлиқ бўлмаган бошқа жиҳатларни ҳам эътибордан соқит қилмаслик лозим. Дейлик, ижтимоий тармоқларга тобелик, уларга жуда ҳам ўрганиб қолишлик, хатто оиладаги нотинчликдан кутулиш учун ҳам у билан яқин муносабатда бўлиш каби омиллардан ҳам шахснинг ўзини ўзи ўлдиришига мойилликни келтириб чиқарувчи сабабларни қидириш мумкин.

Республикаimizда ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш учун жавобгарлик Жиноят кодексининг 103-моддасида кўзда тутилганлигини қайд этиб ўтдик, лекин бу борадаги жинояти бўйича баъзи бир масалалар ҳуқуқий тартибга солинмаган. Бунга мисол қилиб вояга етмаган ёки ўз ҳаракатларини англай олмайдиган ҳамда уларни бошқара олмайдиган шахслар иштирокида телекоммуникация ва Интернет тармоғидан

¹Маълумотлар узатиш тармоғи, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш қоидалари (2018 йил 10 июль, рўйхат рақами 3038) // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.07.2018 й., 10/18/3038/1490-сон.

фойдаланиб содир этилган ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ҳолатларини кўрсатиш мумкин. Шакл ва мазмуни бўйича қонуний бўлган ҳаракатлар натижасида ўзини ўзи ўлдириш ёки унга суиқасд қилиш содир этилган тақдирда, бу ҳаракатларни содир этган шахсга нисбатан ЖКнинг 103-моддаси татбиқ этилмайди, бу ўринда оддий ҳақоратлаш, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш бўйича ягона бир арзимас гаплар бу хил ҳаракатларнинг муттасил (бир неча бор) содир этилишини талаб қилувчи ЖКнинг 103-моддасида кўзда тутилган жиноят таркибини ташкил этмайди ва бундай ҳолларда жавобгарлик шахсга қарши жиноятлар учун жавобгарликни тақозо қилувчи Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича келиб чиқади.

Шунингдек, содир этилган жиноят бўйича асосланган ҳолда шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва унинг ҳаракатини тўғри квалификация қилиш учун жиноят таркибининг барча аломатлари ЖКнинг махсус бўлимидаги тегишли норма диспозициясига мос келиши лозим.

**Телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет
бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб ўзини ўзи
ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаш
жиноятининг квалификацияси**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 103- ва 103¹-моддаларида кўрсатилган телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаш жиноятларининг объекти инсон ҳаётининг хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

Объектив томондан жиноятлар телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб шахсни кўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш ёки кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш, агар шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш орқали содир этилади.

Объектив томонда кўрсатилган раҳмсиз муомала Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги

“Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 20-сон қарорида жабрланувчига нисбатан қўпол ва аёвсиз муносабатда бўлиб, унга жисмоний ёки рухий азоб етказиш (масалан, муттасил калтаклаш, озиқ-овқатдан, сувдан ва бошқалардан маҳрум этиш) ҳоллари деб тушунтириш берилади. Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда таҳқирлаш жабрланувчининг шаъни ва ғурурини бир неча марта таҳқирлаш, масалан, тухмат қилиш, ҳақоратлаш, таъқиб этиш ва ҳоказоларни назарда тутилади¹.

Шу ўринда иккала жиноятнинг фарқли томонлари ҳақида ҳам Олий суд Пленум қарори тушунтириш бериб ўтади, унга кўра, кўрқитиш, раҳмсиз муносабатда бўлиш ёки шахснинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш йўли билан содир этиладиган ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилишдан фарқли равишда ўзини ўзи ўлдиришга ундашда (ЖК 103-1-моддаси) айбдор кўндириш, алдаш ёки инсоннинг эркини синдирувчи бошқа йўл билан (масалан, тушкунликка солувчи ғоявий ташвиқот орқали) қасддан бошқа шахсда ўзини ўзи ўлдиришга нисбатан қатъиятни кўзғатади, агар ўзини ўзи ўлдириш ва шу даражага етказиш айбдор томонидан жабрланувчига нисбатан бошқа оғирроқ жиноят содир этилганлиги оқибатида юз берган бўлса, лекин ушбу жиноят таркиби бундай ҳаракатларни қамраб олмаса, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишдаги айбдорнинг ҳаракатлари қўшимча тавсифлашни талаб қилади, деб тушунтириш беради.

Субъектив томондан ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш эгри қасд ёки оқибатига нисбатан эҳтиётсизлик билан, ўзини ўзи ўлдиришга ундаш эса, қасддан содир этилади.

ЖК 103-моддасида назарда тутилган жиноят содир этилиши оқибатида қандайдир сабабларга кўра инсон ўлими келиб чиқмаган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатини ЖК 25-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди, чунки ЖК 103-моддаси нафақат ўзини ўзи ўлдириш, балки, ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш даражасига етказиш учун ҳам жавобгарликни назарда туттади.

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 20-сон “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори.

Жиноят кодексининг 103-1-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан ҳам ЖК 25-моддасини қўллаш талаб этилмайди, чунки мазкур жиноят шахс ўзини ўзи ўлдиришга ундалган пайдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Ушбу ҳолат хусусида ҳам олимлар турлича тушунтириш беришган, аксарият олимлар бундай жиноятнинг содир этилишида айб кўпинча эҳтиётсизлик ёки эгри қасд билан тавсифланади, дейдилар¹. Н.И.Коржанскийнинг фикрича, ушбу жиноят кўпинча бепарволик оқибатида содир этилади², Д.И.Элмурзаев эса, Россия Федерациясининг қонунчилигига асосан шахс қасддан таҳдид ва ғараз ниятда бўлган муносабати натижасида жабрланувчи ўзини ўзи ўлдиришга бўлган нуқтага олиб келиши жиноятчининг ўз ихтиёрида бўлганлиги сабабли ушбу жиноятни қасддан содир этилади, деб тушунтириш беради³, ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, А.Н.Прикмета ҳақиқатан ҳам ушбу жиноятларнинг субъектив томонини айбнинг қасддан содир этилгани ташкил этади деб таъкидлайди⁴, А.А.Цыркалюк эса, ушбу жиноятларнинг ҳам қасддан ҳам эҳтиётсизликдан содир этилиши ҳақида сўз юритади⁵, агар шахснинг ўзини ўзи ўлдириш ҳолатига қасд сабаб бўлса, бундай ҳаракат одам ўлдириш, деб квалификация қилинади дея сўз юритган ҳуқуқшунос олимлар С.Бородин, В.Кудрявцев⁶, А.Наумов, Б.Здравомыслов, И.Козаченко, З.Незнамов ушбу жиноятнинг субъектив томони бевосита эгри қасд билан таърифлайди, агар шахс қасддан жабрланувчини ўзини ўзи ўлдириш даражасига

¹Злыденко Д.С. Категории преступлений и их субъекты: Уголовно-правовые аспекты тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук.– Краснодар. 2003., – 52 с.

²Коржанский Н.И. Квалификаций преступлений против личности и собственности. –Волгоград, 1984., – 18 с.

³ Д.И.Элмурзаев. Уголовная ответственность за доведение до самоубийства тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –М.: 2004. – 24 с.

⁴ А.Н.Прикмета. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 29.

⁵А.А.Цыркалюк. Уголовная ответственность за доведение до самоубийства тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –Тамбов, 2011, – 10 с.

⁶Кудрявцев В. Л. Принуждение к даче показаний (состав преступления) как обстоятельство, исключающее допустимость доказательства. [Электронный ресурс] - монография СПб. Санкт-Петербургский институт (филиал) ВГУЮ (РПА Минюста России), 2018., –с.78.

етказса, унинг ҳаракатлари одам ўлдириш жинояти сифатида баҳоланади, деб таъкидлаб, бундай ҳаракат ўлимга сабаб бўладиган даражадаги жароҳат етказиш, захарлаш каби ҳаракатлардан фарқ қилмаслигини кўрсатишган¹. Бироқ, ушбу хулосага ҳуқуқшунос М.Мусаев тўлиқ қўшилиб бўлмаслигини, биринчидан, айбдор ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишда жабрланувчини бевосита ҳаётдан маҳрум қиладиган ҳаракатларни амалга оширмайди. Ҳаракатсизлик ҳолатларига йўл қўйган тақдирда ҳам, у шахсан ўзи бошқа инсонни ҳаётдан маҳрум қилмайди. Бундай вазиятда шахс ўзини ўзи ўлдиради. М.Журавлев, С.Никулин ва бошқа ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, ўзини ўзи ўлдиришда жабрланувчи ўз ҳаётига ўзи нуқта қўйган бўлиши лозим. Чунки ўзини ўзи ўлдириш жиноятининг одам ўлдириш жиноятдан принципиал фарқи ҳам айнан шундадир. Бундай қарашларни ҳуқуқшунос олимлар Ю.Ронжин ва Б.Волков қўллаб-қувватлаб, “...ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг одам ўлдиришдан фарқи, айбдор жабрланувчини ҳаётдан маҳрум қилмаслигидадир. Ҳаракатлари билан у жабрланувчи учун ўзини ўзи ўлдиришдан бошқа чора қолмайдиган вазиятни туғдирса-да, жабрланувчи ўзини ўзи ўлдирмасдан, айбдорнинг таҳқирларидан қочиш ва бошқа йўллар билан халос бўлиши мумкин”лигини таъкидлашган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг умумий қисм 20-моддасига келтирилган шарҳга кўра, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган қилмиш фақат Жиноят кодексининг махсус қисмида назарда тутилгандагина жиноят ҳисобланади². Жиноят кодексининг махсус қисми 103-моддасида бундай ҳолатнинг мавжуд эмаслиги сабабли айб қасддан қилинганлик учун белгиланади. Демак, айбдор ўз қилмишида қонунда кўрсатилган усуллардан фойдаланиб, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдиришга бўлган имкониятларини ва бунинг муқаррарлигини олдиндан билиб, буни ният қилса – тўғри қасд ёки била туриб, бефарқ қараб, бунинг оқибатларига йўл қўйса – эгри қасд ҳисобланади. Айтиш мумкинки, бундай жиноят субъектив томондан эҳтиётсизлик туфайли содир этилмайди.

¹Абдуллаев А.С. Уголовно-правовой и криминологический анализ надругательства над телами умерших и местами их захоронения тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук. –Махачкала. 2002., –с. 168.

²Тўхтамурод Рустам. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига шарҳ (Умумий қисм) // –Т.: Адолат, 2016 й., –б.68.

Айбнинг эҳтиётсизлик шакли, асосан, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг диспозициясида юклатилган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликда ифодаланади.

Баъзида ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишга ўхшаш, аслида, одам ўлдириш жиноятлар ҳам учраб туради. Масалан, шахс жисмоний ёки руҳий зўравонлик оқибатида ўзини ўзи ўлдириши ёки ўз жонига қасд қилиши мумкин. Бундай ҳолатларда жабрланувчининг ўз жонига қасд қилишида айбдорнинг ҳаракатида тўғри қасд мавжуд бўлса, бу одам ўлдириш ёки унга қасд қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим. Айбдор томонидан вояга етмаган ёки ўз ҳаракатларини англай олмайдиган ёхуд уларни бошқара олмайдиган шахсни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ҳам ҳудди шундай квалификация қилиниши лозим.

Кўпчилик ҳуқуқшунос олимларнинг масалага бундай ёндашуви бизга тўғридек кўринади. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли қарорида бундай одам ўлдириш (ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш) усули ҳақида аниқ тушунтириш берилмаган. Тергов ва суд амалиётини ўрганиш жараёнида эса, бундай ҳолатлар қасддан одам ўлдириш ёки унга суиқасд сифатида квалификация қилинган ҳолатлари аниқланмади.

Жиноят кодексининг 103-моддаси диспозициясида назарда тутилган ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишгина жиноят ҳисобланади. Демак, айбдор томонидан вояга етмаган ёки ўз ҳаракатларини англай олмайдиган ёхуд уларни бошқара олмайдиган шахсни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ҳолатини ЖКнинг 103-моддаси билан квалификация қилиб бўлмайди. Ҳозирги кунгача вояга етмаганлар ёки ақли норасо шахсларни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш муаммоси ўз ечимини топмаган. Бунинг асосий сабаби ушбу ҳолатнинг қонунчилик томонидан тартибга солилмаганидир¹.

Бизнинг фикримизча эса, Жиноят кодексининг 21-моддасига асосан ушбу Кодекс моддасида жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган вақт деб ҳисобланган бўлиб, уни содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиқ

¹ М.Мусаев, Ўз жонига қасд қилиш даражасига етказишунинг социологик ва жиноий-ҳуқуқий жиҳатлари // Ҳуқуқ ва бурч журналы // <http://huquqburch.uz/uz/view/450>.

хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади.

Ушбу Кодекс моддасида жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавфли оқибат юз берган вақт деб топилган қилмишлар тўғри ёки эгри қасддан содир этилган бўлиши мумкин.

Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан содир этилган деб топилади.

Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасддан содир этилган деб топилади.

Демак, Жиноят кодексининг 103-моддасида кўрсатилган шахсни кўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш ёки Жиноят кодексининг 103¹-моддасида кўрсатилган ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, яъни кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш, агар шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилишни телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилиши ҳолати фикримизча, иккала ҳолатда ҳам тўғри қасд билан амалга ошади.

Сабаби, биринчидан, телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган “Кўк кит”, “Китлар денгизи”, “Тинч уй”, “Бой хонимлар” каби номлар билан аталган ҳамда мақсади ўсмирларни ўз жонига қасд қилишга ундайдиган ўйинлар орқали айтишимиз мумкинки, бир тўда шахслар жабрланувчига зарар етказиши ва уларнинг ўлими вужудга келишини ҳар томонлама исташади ва буни амалга ошириш учун тинмай ҳаракат қилишади.

Ушбу ўйинлардан кўзланган мақсад ҳам шахснинг ҳаётига қарши қаратилган ижтимоий ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб, ушбу ҳолатда жиноят содир этган шахсни онгли равишда бунга йўл қўйиб берди, десак хатога йўл қўйган бўламиз, агарда онгли равишда йўл қўйиб берган бўлса ушбу ўйинлардан кўзланган асосий мақсад амалга ошмай қолади.

Иккинчидан, телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб эҳтиётсизлик орқали жиноят содир этиш фикримизча бу жиноят бўлмайди. Сабаби ушбу жиноят содир этилишининг асосий шарти мазкур банд бўйича қуйидаги сабаблар бўлиши керак: телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиши, ўзига тегишли маълумотларни телекоммуникация тармоқлари, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғига жойлаштириши ёки ушбу маълумотларни жиноят содир этишни қасд қилган шахсга ўз ихтиёрига кўра ёхуд ўзгача усуллар орқали бериши; бунинг натижасида тегишли маълумотларга эга бўлган жиноятчи албатта ушбу маълумотлардан фойдаланиши мумкинлиги орқали жабрланувчини кўрқитади ёки бошқа ғаразли мақсадларда фойдаланади. Натижаси эса жабрланувчига нисбатан салбий бўлишлигини биледи ва ундан онгли равишда фойдаланади. Натижада ушбу ҳолатда эҳтиётсизлик деган усул қўллаб бўлмайди.

Юқоридаги иккала ҳолатда ҳам фикримизча қачонки жиноят тўғри қасддан содир этилсагина уни жиноят деб топилиши мақсадга мувофиқ.

Агарда жиноят содир қилаётган шахс ўз жиноятини тўхтатиб, ушбу қилмишнинг жабрланувчиси бўлган шахсни қутқариш чораларини кўрса буни судлар ЖКнинг 26-моддасига кўра, жиноятдан ихтиёрий қайтиш деб баҳолашлари мақсадга мувофиқ.

Сабаби, фикримизча, агарда шу каби жиноятларга ушбу ҳолат бўйича тегишли тушунтириш берилса, мазкур ҳолатда бу каби қилмишларни содир этиш бошланган, аммо ижтимоий хавfli қилмишнинг давом этиши жабрланувчининг соғлиғи ва ҳаётига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда ижтимоий хавfli қилмиш содир этаётган шахснинг ташаббуси билан жиноятнинг давом этмасдан тугалланганлиги сабабли ушбу ҳолатни жиноятдан ихтиёрий қайтиш деб баҳолаш жоиздир.

Кўпчилик олимлар, ушбу жиноятларни эгри қасддан содир этилади, деб ўзларининг шахсий фикрларида қатъий туришлари мумкин.

Аммо битта ҳолат борки, буни инкор қилиб бўлмайди, яъни телекоммуникация ёки Интернет тармоғи орқали амалга оширилаётган мазкур жиноятлар дарҳол эмас, балки доимий равишда, аниқроқ айтганда, пастдан юқорига қараб, енгилдан

бошлаб, қийин кўрсатмаларгача бериш орқали содир этиш билан характерланади. Ушбу ижтимоий хавфли қилмишни жиноятчи била туриб хоҳлайди ва уни амалга ошириш учун қасддан ҳаракат қилади. Бу каби жиноятлар содир этилиши осон бўлиши учун жиноятчи телекоммуникация ёки Интернет тармоғи орқали шу каби жиноятлар усулларига ишонишга мойил бўлган шахсларни излайди. Энг ачинарлиси – жарбланувчиларнинг ўзлари айнан шу ўйинларни ўзлари истаб, танлашади ва ўйинда ўз хоҳишларига кўра иштирок этишлиги натижасида ушбу жиноят амалга оширилиши орқали, айтишимиз мумкинки, телекоммуникация ёки Интернет тармоғи орқали бу жиноятлар тўғри қасддан содир этилади.

Тўғри, ушбу жиноятлар бошқа усуллар орқали амалга оширилаётганида эгри қасд бўлади, биз буни инкор этаётганимиз йўқ, аммо телекоммуникация ёки Интернет тармоғи орқали ушбу жиноятлар содир этилган бўлса ушбу жиноятлар фикримизча, тўғри қасд орқали амалга оширилади.

Жиноят субъекти фақат 16 ёшга тўлган жисмоний ва ақли расо шахс, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш субъекти эса ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

Хизмат компьютери жиноят қуроли бўлиши натижасида иш берувчининг ҳуқуқлари кафолатлари

Шу ўринда Интернет кафелардаги, хизмат учун берилган, шахсий, умумий мулкдаги компьютерлар, телекоммуникация тармоғи, Интернет тармоғи орқали ушбу жиноятлар содир этилган вақтда жавобгарликнинг субъектига алоҳида тўхталиб ўтиш даркор.

Сабаби хизмат учун берилган ёки умумий мулкдаги компьютерлар ёхуд Интернет-кафелардаги компьютерлар фуқаролик ва оила қонунчилигига асосан жиноятчининг шахсий мулки бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-моддасига асосан, меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир. Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари бўлиб ҳисобланадилар.

Меҳнат кодексининг 185-моддасига кўра, меҳнат шартномасининг бир тарафи (иш берувчи ёки ходим) меҳнат соҳасидаги вазифаларни бажариши муносабати билан бошқа тарафга етказган зарарини ушбу Кодекс ва меҳнат тўғрисидаги бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ қоплайди.

Меҳнат шартномаси ёки унга қўшимча равишда тузилган ёзма шаклдаги келишувда, шунингдек жамоа шартномасида меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги аниқлаштириб қўйилиши мумкин. Бунда шартнома бўйича иш берувчининг ходим олдидаги жавобгарлиги ушбу Кодексда назарда тутилганидан кам, ходимнинг иш берувчи олдидаги жавобгарлиги эса назарда тутилганидан кўп бўлмаслиги керак.

Зарар етказилганидан кейин меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилинганлиги меҳнат шартномаси тарафларини моддий жавобгарликдан озод қилишга сабаб бўлмайди.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 186-моддасига асосан, меҳнат шартномасининг бир тарафи ўзининг ғайриҳуқуқий айбли ҳуққатвори (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) натижасида бошқа тарафга етказган зарари учун, башарти ушбу Кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, моддий жавобгар бўлади.

Тарафларнинг ҳар бири ўзига етказилган моддий зарарнинг миқдорини исботлаб бериши шарт.

Демак, юқоридагиларга асосан айтишимиз керакки, ходим агарда хизмат компьютеридан ёки бошқа телекоммуникация тармоғи ёхуд Интернет тармоғи орқали мазкур жиноятлардан бирини содир қилган бўлса, ходим тўлиқ моддий жавобгарликни ҳам ўз бўйнига олиши керак. Аммо Меҳнат кодексининг 202-моддасида фақатгина иш берувчининг мулкига етказилган зарар учун жавобгарлик белгиланган ҳолда, жиноят воситаси сифатида ушбу мулклардан фойдаланиш орқали жиноят содир этилиши натижасида иш берувчига келтирилган зарар учун жавобгарлик етарлича кўрсатиб берилмаганлиги ҳолати бўйича айтишимиз керакки, агарда ходим хизматдаги компьютери ёки телекоммуникация тармоғи ёхуд Интернет тармоғи орқали мазкур жиноятларни содир қилса ва ушбу мулклар жиноят воситаси сифатида олиб қўйилса, Жиноят процессуал кодекси 211-моддасининг биринчи қисми 1-бандига кўра, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлмаган мазкур

мол-мулк қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига, шунингдек меросхўрларига қайтариб берилади. Гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлмаган мол-мулкнинг қонуний эгалари, мулкдорлари ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари, худди шунингдек меросхўрлари аниқланмаган тақдирда, ушбу мол-мулк давлат даромадига ўтказилади.

Демак, хизматдаги мулклар кейинчалик ўз эгаларига қайтарилади, аммо масаланинг иккинчи томони бор, яъни иш берувчи ашёвий далил сифатида олиниб кейинчалик қайтариб берилган мулкларни мазкур муддатда фойдаланиши мумкинлиги бўйича олиши керак бўлган фойдани ололмай қолганлиги ва ушбу бой берилган фойдани ҳисоблашдаги муаммолар мавжудлиги орқали битта шахс ҳам моддий, ҳам меҳнат, ҳам фуқаровий, ҳам жинсий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ва бир қилмиш учун бир жазо тамойилининг етарлича амалга оширилмаслиги орқали, айтишимиз керакки, ушбу муносабатлар қонунчилигимизда кенгрок кўрсатиб берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, хизмат юзасидан берилган компьютер ёки телекоммуникация тармоқлари орқали жиноятни содир этган шахсларга жазо тайинлаш механизми бошқа шу каби жиноятлар учун жазо тайинлаш билан турлича бўлиши, аниқроғи, оғирроқ бўлиши керак. Зеро, жиноятчи ўз қилмишини амалга ошириши учун нафақат шароитга эга бўлади, балки кейинчалик жиноят изларини йўқотиш учун ҳам қулай имкониятга эга бўлиши нуқтаи назаридан ушбу қилмиш учун жазо оғирроқ малакаланиши мақсадга мувофиқ.

“Интернет-кафе”, “Компьютер клублари” ва бошқа ҳудудлардаги телекоммуникация тармоқлари ёки Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда мазкур жиноятларни содир қилган вақтида жавобгарлик масаласи қандай ҳал қилиниши керак? “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонунга асосан, Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация тармоқлари оммавий ёки хусусий мулкда бўлиши мумкин. Телекоммуникация тармоқларининг барча мулкдорлари тенг ҳуқуқларга эга ва қонунда қафолатланган тенг ҳимоядан фойдаланадилар¹.

¹“Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 219-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,

Фикримизча, телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланувчи истаган шахс мазкур ҳолатда ўз қилмишлари учун жавоб беришлари керак, телекоммуникация оператори ва телекоммуникация хизматлари провайдери ҳам ўз қилмиши учун, яъни ушбу жиноятлардан бирига ёки иккаласи учун шароит яратган ҳолда, ушбу жиноятнинг амалга оширилиши ҳақида билса ёки билиш имкониятига эга бўла туриб, бунга имконият яратиб берганлиги ҳолати бўйича улар жавоб беришлари ва уларга нисбатанр жавобгарлик ва жазо масалалари судлар томонидан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, шу ўринда айтишимиз керакки, телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланувчи амалдаги қонунчилигимиз бўйича ҳам жисмоний шахс, ҳам юридик шахс бўлиши мумкин, аммо юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласи Жиноят кодексининг 17-моддасига асосан ушбу ҳолатни инкор қилганлиги сабабли уларга нисбатан жавобгарлик масаласи хорижий тажрибага асосан қонунчилигимизга киритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу каби жиноятларнинг олидини олиш масаласида ҳам Республикамизда бир талай ижобий ишлар амалга оширилморқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги 175-сон қарори билан тасдиқланган “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасининг 15-бандига кўра, ўқувчи-ёшларнинг дарс ва тунги вақтларда “Интернет-кафе”лар ва “Компьютер клублари”да бўлиши, маънавий-ахлоқий бузуқликни тарғиб этувчи сайтларга кириши ҳолатларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича ваколатли ташкилотлар билан ҳамкорликда рейдлар ташкил этиш мақсадида 2012 йил сентябрдан бошлаб мунтазам равишда рейд ўтказиладиган манзилларни ҳамда дарс вақтида мактабга бормасдан “Интернет-кафе” ва “Компьютер клублари”да бемақсад юрган ўқувчиларни аниқлаш, уларни ўқишга қайтариш чораларини кўриш ҳамда рейд вақтида аниқланган салбий ҳолатлар бўйича

2004 й., 37-сон, 408-модда; 2005 й., 37-38-сон, 279-модда; 2006 й., 14-сон, 113-модда; 2007 й., 35-36-сон, 353-модда; 2011 й., 52-сон, 557-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 18-сон, 233-модда.

уларнинг раҳбарларига нисбатан қонунда белгиланган тартибда кескин чоралар кўрилмоқда¹.

Маълумки, Жиноят процессуал кодексининг 211-моддасига кўра, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши керак ва улар тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади. Гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлмаган мол-мулк қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига, шунингдек меросхўрларига қайтариб берилади.

Жиноят қуроли бўлган мулк умумий мулк бўлса масала қандай ҳал қилинади?

Фуқаролик кодексининг 216-моддасига кўра, икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган (улушли мулк) ёки бундай улушлар аниқлаб қўйилмаган (биргаликдаги мулк) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин. Умумий мулк бўлган мол-мулк улушларга бўлинади, қонунда бу мол-мулкнинг биргаликдаги мулкни ташкил этиши назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Умумий биргаликдаги мулк ўз вазифасини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган (бўлинмайдиган ашёлар) ёки қонунга кўра тақсимланиши мумкин бўлмаган мол-мулк икки ёки ундан ортиқ шахс мулкига ўтган пайтда вужудга келади.

Тақсимланадиган мол-мулкнинг умумий биргаликдаги мулклиги қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда вужудга келади. Биргаликдаги мулк иштирокчиларининг келишувига мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса — суднинг қарорига мувофиқ умумий мол-мулк бу шахсларнинг улушли мулки қилиб белгилаб қўйилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 217-моддасига кўра, агар улушли мулк иштирокчиларининг улушлари қонун асосида белгиланиши мумкин

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги 175-сон “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. // (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 25-сон, 273-модда; 2017 й., 37-сон, 996-модда, 38-сон, 1040-модда.

бўлмаса ҳамда унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан белгилаб қўйилган бўлмаса, улушлар тенг деб ҳисобланади.

Оила кодексининг 27-моддасига кўра, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажралишгандан кейин ҳам, шунингдек кредитор эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига ундирувни қаратиш учун умумий мол-мулкни бўлиш талаби билан арз қилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин. Умумий мол-мулкни бўлишда суд эр ва хотиннинг ҳар бирига мулкнинг қайси қисми берилиши лозимлигини аниқлайди. Эр (хотин)га унга қарашли улушдан ошиқ қийматга эга бўлган мол-мулк бериладиган ҳолларда, хотин (эр)га тегишли пул ёки ўзга компенсация белгиланиши мумкин. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни улар никоҳда турган даврда бўлинган тақдирда, эр ва хотин мол-мулкнинг бўлинмай қолган қисми, шунингдек эр ва хотин томонидан улар никоҳда турган даврда орттирилган мол-мулк кейинчалик уларнинг биргаликдаги умумий мулкни ташкил қилади.

Оила кодексининг 28-моддасига асосан эса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкдаги улушларини аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосан айтишимиз кераки, бизнинг қонунчилигимизда ҳам агарда умумий мулкдаги компьютер ёки телекоммуникация воситалари жиноят воситаси сифатида топиладиган бўлса ва эр-хотин ёки улушли мулк эгаларидан бири умумий мулкни талаб қилиш ҳолати билан судга мурожат этмаса ушбу ҳолатда мазкур мулкнинг мусодара қилиниши ҳолати етарлича кўрсатиб берилмаган.

Мазкур ҳолатда биз Жиноят процессуал кодексининг 211-моддасининг 1-қисми 1-бандига қўшимча равишда умумий мулк ҳолати бўйича мулкнинг қайтарилиши ва уларни жиноят воситаси деб топилиши ҳолати кўрсатиб ўтилиши ҳамда фуқаролик ва оила қонунчилигига умумий бўлинмас мулкни тақсимлаш, уни жиноят воситаси сифатида топиш ва уни кейинчалик ўз эгасига қайтариш, умумий мулкка мулкдорлардан бирининг ғайриқонуний қилмиши натижасида келтирилган зарар ва уни бартараф этиш тартиб-таомиллари белгилаб қўйилиши таклифини берамиз.

Юқоридаги ҳолатда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига қуйидаги қўшимча киритилиши таклифини берамиз.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексининг 211-моддасининг биринчи қисми 1-бандидаги “маҳкумга тегишли бўлмаган” деган сўзлардан сўнг “ёки умумий” сўзлари қўшилсин.

Хулоса ўрнида айтишимиз керакки, иккала ҳолатда ҳам шахсни қўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш ёки ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, яъни кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш, агар шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса ушбу жиноятларнинг объекти инсоннинг ҳаёти хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланса, объектив томони шахсни қўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш ёки ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, яъни кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш, агар шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб қилмишни содир этиш ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади ва унинг субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо шахсдир.

Агарда конунчилигимизга юридик шахснинг жавобгарлиги киритилса ушбу ҳолатда жавобгарлик субъекти нафақат 16 ёшга тўлган ақли расо шахс бўлади, балки телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланувчи юридик шахс ҳам жиноят субъекти бўла олади.

Маълумки, ушбу жиноятлар телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилади. Шу ўринда табиий бир савол туғилади, булардан

ташқари ҳолатлар бўйича ушбу жиноят содир этилса, мазкур ҳолатни жиноят деб бўладими?

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 4-моддасига асосан, содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади.

Жиноят кодексининг 9-моддасига кўра, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади. Кодекснинг 10-моддасига кўра, қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт.

Жиноят кодексининг 14-моддасига кўра, ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади.

Ушбу Кодекс билан кўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

Жиноят кодексининг 16-моддасига кўра, жиноят учун жавобгарлик — жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Демак, юқоридагиларга асосан хулоса қилишимиз мумкинки, телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан ташқари ҳолатда содир этилган қилмиш бизнинг қонунчилигимиз бўйича жиноят ҳисобланмайди ва бу бўйича содир этилган ҳолатни Жиноят кодексининг 103- ёки 103¹-моддалари бўйича квалификация қилиш нотўғри ва ғайриқонуний ҳисобланади. Мазкур ҳолатда суд жиноят деб топса, ушбу ҳолатда юқори суд инстанцияси ЖПКнинг 484- ва 488-моддаларига асосан биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилиши керак.

Аммо, масаланинг яна бир жиҳати бор, жиноятнинг объектив томонининг шартли талаблари бажарилмаган бўлса-да, ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган жавобгарлик масаласини адолатли ҳал қилиш лозим. Шу сабабдан ҳам мазкур муаммога учрамаслик

учун қонунчилигимизда “телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб” деган тушунчаларнинг ўрнига “ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали” деган тушунчани киритишимиз ва Жиноят кодексининг V бобида алоҳида “ахборот технологиялари ва коммуникациялари” деган тушунчага тўлиқ таъриф берилса мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Ҳулоса яқунида айтишимиз керакки, ижтимоий муносабатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартириш киритишни мажбур қиладиган ҳолатлар кўпаймасдан туриб, ушбу жиноятларнинг толдини олиш ва уларга йўл қўймаслик, ушбу жиноятларни тўхтатиш чораларини ўз вақтида кўриш учун амалдаги қонунчилигимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш асносида янги таҳрирда қабул қилинаётган жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги шу каби муаммоли ҳолатларнинг ечимини ўз ичига олса нур устига аъло нур бўлар эди. Зеро, шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги ўз қўлимизда.

2.4-§. Кибертерроризмга қарши курашиш: миллий, хорижий ва халқаро тажриба

Ҳозирги шиддат билан давом этаётган глобал замонни ахборот технологиясиз, айниқса, интернет тармоғисиз тасаввур этиб бўлмайди. Маълумки, ахборот дунёни бошқаради¹, ушбу ахборотдан эса, ҳар ким турлича фойдаланиши, хатто, ушбу ахборотдан ўзининг ёвуз мақсадларидан фойдаланишни режалаштирган бир гуруҳ кимсалар ҳам топилади.

Умуман олганда, мамлакатда ушбу ахборотдан мазкур шахслар ёвуз мақсадларда фойдаланилмаслигининг олдини олиш учун ҳар бир мамлакат комплекс равишда кибержиноятчиликка қарши курашадилар ва мамлакатда хавфсиз кибермаконни яратиш чораларини кўришга ҳаракат қилади.

¹ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтидан: А.Саттаров. Қачонлардир башорат тарзида айтилган “дунёни ахборот бошқаради”, деган гап бугун ҳақиқатга айланди. <http://uza.uz/oz/programs/25-years/achonlardir-bashorat-tarzida-aytilgan-dunyeni-akhborot-bosh--20-02-2018/>.

Кибертерроризмнинг шиддат билан ўсиб боришининг асосий сабабидан, энг аввало, террорчилар учун тезкор ва террористик ҳаракатлар учун жуда арзон усул ҳисобланади.

Биргина мисол, 2018 йилнинг якунларига кўра, Ўзбекистонда интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг сони 22.8 млн. га етган¹, мобил алоқалар сони эса, 22 млн. 800 мингга етган², шенингдек, Ўзбекистондан халқаро тармоқларга умумий уланиш тезлиги 104,1 Gbit /s. ни ташкил этган³.

Айни пайтда “UZ” миллий доменидан 66 мингдан ортиқ фаол домен бор. 2017-йилда Ўзбекистонда 53 мингга яқин фаол домен мавжуд бўлиб, 2018 йилда уларнинг сони 65 мингга етган⁴.

Ҳар бир фойдаланувчида Интернет хизматлари борлиги, уларнинг кибертерроризм қурбони бўлиши мумкинлигини англатади. UZCERT-Ахборот хавфсизлиги инцидентларига чора куриш хизматининг маълумотларига кўра, шунингдек, давлат органларининг ахборот тизимларида 2018 йил ва 2019 йил биринчи чорагида ахборот хавфсизлиги ҳодисалари мониторинги ўтказилганида 54.953.759 та ахборот хавфсизлиги бузилиши аниқланган. Улардан 2.502.353 тасининг хавфи юқори даража бўлган⁵.

Хавфсиз кибермаконни яратишдаги энг катта муаммолардан бири бу кибертерроризм ҳисобланади. Умуман олганда кибертерроризм нима?

Олим А.Темуров уни электрон усул, халқаро интернет тармоғи орқали амалга оширилаётган террористик жиноят деб

¹ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги сайти: <http://mitc.uz/ru/stat/7>.

² <http://uz.infocom.uz/2018/01/27/ozbekistonning-mobil-aloqa-abonentlari-soni-22-mln-800-mingga-yetdi/>.

³ <http://uz.infocom.uz/2018/01/27/ozbekistonda-internetdan-foydalanuvchilar-soni-20-milliondan-oshdi/>.

⁴ <https://uzcert.uz/blog/saidakbar/kiberbezopasnost-uzbekistana-v-tsifrakh-itogi-2018-goda/>.

⁵ С.Садиқов. Кибербезопасность Узбекистана в цифрах: итоги 2018 года. // <https://uzcert.uz/blog/saidakbar/kiberbezopasnost-uzbekistana-v-tsifrakh-itogi-2018-goda/>.

атаса¹, Л.Буранов кибертерроризмга террористик мақсадлар йўлида компьютер ва телекоммуникация технологиялари (асосан Интернет)дан фойдаланиш деб таъриф беради², бу борада В.С.Овчинский янада кенгроқ тушунтириш беришга ҳаракат қилган, жумладан, у кибертерроризм ва киберэкстремизм хусусида аниқроқ фактлар беришга ҳаракат қилган³.

Кибертерроризм хусусида Е.В.Старостиной ва Д.Б.Фролова тўхталиб, биринчи навбатда унинг ҳар қандай замонавий ахборот куролларидан фойдаланган ҳолда содир этилишини, ўзининг содир этилиш тактикаси, усулларига кўра, сиёсий терроризмдан фарқ қилишини таъкидлайдилар⁴, А.В.Соколов ва О.М.Степанюк ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали алоқа йўлларининг ишламай қолишига сабабчи бўлган ҳолда, ахборот фойдаланувчилари учун сунъий тўсиқларни келтириб чиқарадиган жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатадиган жиноятлар мажмуи сифатида тушунтириш беради⁵. Булардан ташқари, ушбу тушунча ва унинг моҳияти хусусида В.А.Васенин, В.А.Галатенко⁶, Ма Хуайдэ⁷, Р.Ф.Азизов¹, Г.Ибрагимова², Т.А.Полякова³,

¹ А.Темуров. Кибертерроризм нима? –Термиз. Сурхон тонги. 2019 йил 4 июлдаги сони. Интернетдаги манзили: <http://surxontongi.uz/kiberterrorizm-nima/>.

² <https://blog.xabar.uz/post/kiberjinoatchilikka-qarshi-kurashishda-internet-madaniyatning-a>. Л.Буранов. Кибержиноятчиликка қарши курашишда Интернет-маданиятнинг аҳамияти.

³ В.С.Овчинский. Криминология цифрового мира: учебник для магистратуры / В. С. Овчинский. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2018. – 352 с.

⁴ Е.В.Старостина, Д.Б.Фролов, Защита от компьютерных преступлений и кибертерроризма Вопросы и ответы. <http://kursak.net/kiberterrorizm-i-osobennosti-ego-proyavleniya/>.

⁵ А.В. Соколов. Информационное общество в виртуальной и социальной реальности. – СПб Алетейя, 2012. – 178 с.

⁶ В.А.Васенин, А.В.Галатенко. О проблемах информационной безопасности в сети Интернет. Глобальная информатизация и безопасность России / Материалы круглого стола «Глобальная информатизация и социальногуманитарные проблемы человека, культуры и общества». МГУ, октябрь 2000. – М., 2001. 199 с.

⁷ Ма Хуайдэ. Правовые гарантии обеспечения национальной безопасности в контексте Закона КНР «О национальной безопасности» // Вестник университета Ляочэн. 2016. № 2.

Л.П.Зверьянская⁴ ва бошқалар ҳам ушбу тушунчага таъриф беришга ҳаракат қилишган.

Кибертерроризм ёки киберэкстремизм деганда, баъзи олимлар баъзан одамлар ўлими, катта мулкый зарар етказилиши ёки бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар таҳдидини юзага келтирадиган ахборот тизимларини издан чиқариш ҳаракатлари (агар улар махсус ижтимоий хавфсизликни бузиш, аҳолини кўрқитиш ёхуд ҳокимият органларининг қарор қилишига таъсир кўрсатиш мақсадида содир этилган бўлса), шунингдек, ана шу мақсадларда мазкур ҳаракатларни содир этиш билан таҳдид қилиш тушунилиши ҳақида фикр юритади⁵.

Олим Д.Турдиева кибертерроризм аслида ахборот технологиялари ички фаолиятига ноқонуний аралашиш, компьютерда мавжуд дастурлар ёки маълумотларни мақсадли равишда йўқ қилиш, зарар келтириш, давлат органларининг муҳим қисмлари фаолиятини издан чиқариш билан бирга инсонлар ҳаётига хавф солиш, моддий зарар келтириш ёки оммавий кўрқитиш, ҳарбий низолар каби турли зарарли оқибатларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатдир деб атайди⁶.

Грузия Республикасида, кибертерроризм, яъни компьютер томонидан муҳофаза қилинадиган маълумотни қонунга хилоф раившда олиб қўйиш, уни ишлатиш ёки фойдаланиш орқали

¹ Р.Ф.Азизов Правовые аспекты функционирования сети Интернет в Китайской Народной Республике // Вестник Вологодского института права и экономики: преступление, наказание, исправление. 2015. № 1. –с.92-94.

² Г.Ибрагимова. Стратегия КНР в области управления Интернетом и обеспечения информационной безопасности // Индекс безопасности. 2013. Т. 19. № 1. –с. 169-184.

³ Т.А.Полякова. Базовые принципы правового обеспечения информационной безопасности // Труды Института государства и права РАН. 2016. № 3. – 18-40 с.

⁴ Л.П.Зверьянская. организационно-правовое обеспечение международной и национальной информационной безопасности: опыт Китайской Народной Республики. Труды Института государства и права РАН. 2017. – Т.12. №5.

⁵ Ф.Кадилов, М.Х.Джаматов. Кибертерроризм ва киберэкстремизм жиноятлари профилактикаси. Трансмиллий таҳдид сифатидаги терроризмга қарши кураш: Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 186 б.

⁶ Д.Турдиева. Кибертерроризм: миллий ва халқаро хавфсизликка таҳдид. 2018 й. <http://darakchi.uz/uz/44666>.

аҳолини кўрқитиш ва (ёки) ҳокимиятга таъсир кўрсатиш учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хавф-хатар сифатида тушунилади¹.

Фикримизча, бу тушунчага таъриф бериш “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни²дан келиб чиққан ҳолда берилиши лозим, умуман олганда, кибертерроризм терроризмнинг бир шакли бўлиб, у мамлакатда ўрнатилган киберхавфсизликни турли хил ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали бузган ёки уни четлаб ўтган ҳолда сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини кўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, мамлакатнинг жиноий қонунчилигида жавобгарлик назарда тутилган киберзўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлардир, деб таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Бир сўз билан айтганда, кибертерроризм бу ўз ва ўзга шахсларнинг манфаатини кўзлаган ҳолда махсус бузувчи дастурий воситалар орқали ахборот технологиялари ва коммуникациявоситаларини эгаллаб олиш ва турли хил дастурий вируслари ёрдамида Интернет жаҳон ахборот тармоғида теракт содир этиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғини ишдан чиқариш орқали терроризмни амалга ошириш назарда тутилади.

¹Грузия Жиноят кодекси. <https://matsne.gov.ge/ka/document/download/16426/143/ru/pdf>.

² Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги 167-II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 15-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда.

Бундай фикрга келишимизга сабаб шуки киберхужум фақатгина интернет орқали содир этилмайди, интернет киберхужум амалга оширилиши учун қулай восита ҳисобланади, аммо киберхужум интернетсиз ҳам амалга оширилиши мумкин, шу маънода ҳам бу тушунчага кенгроқ ва тўлиқ маънода қараш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мазкур атаманинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу атама илк мартаба 1980-йилларда АҚШдаги Хавфсизлик ва разведка институти (Institute for Security and Intelligence) катта илмий ходими Барри Коллин томонидан ишлатилган¹.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кибермаконни яратиш бўйича бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, киберхавфсизликни таъминлаш ва тармоқлар, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий қилишни таъминлаш бўйича комплекс чораларни амалга оширишда иштирок этиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишлари бири сифатида², Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси киберхавфсизликни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати устидан назорат, мониторинг олиб бориш, уни ўрганиш ва текшириш ваколатига эгаллиги белгиланган ҳолда³, киберхавфсизлик таълим йўналишида юқори малакали мутахассисларни халқаро стандартлар даражасида тайёрлашни таъминлаш бўйича Ўзбекистондаги Шарда

¹ Collin B. The Future of Cyberterrorism // Crime & Justice International Journal. 1997. Vol. 13. – P. 23-26.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5349-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.02.2018 й., 06/18/5349/0792-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4024-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисида”ги низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2018 й., 07/18/4024/2200-сон.

университети ташкил этилди¹, шунингдек, Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг виртуал маконда иштирокини фаоллаштириш концепцияси ишлаб чиқилган ҳолда, Ўзбекистоннинг тезкор “рақамли тараққиёти”, иқтисодиёти, ижтимоий, социал ва гуманитар соҳаларини бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигида ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш йўналишида киберхавфсизлик инфратузилмасини ривожлантириш зарурлиги белгилаб қўйилди².

Шунингдек, жорий йилнинг 14 июнь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши бўлиб ўтиб, унда Бишкек декларацияси қабул қилинди, аъзо мамлакатлар ўртасида турли соҳалардаги шерикликни ривожлантириш, ШХТнинг бошқа халқаро тузилмалар билан ҳамкорлигига доир 22 та ҳужжат имзоланди. Шу жумладан, Президентимизнинг таклифига мувофиқ, ШХТга аъзо мамлакатларнинг рақамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлиги концепцияси ҳамда Худудлараро ҳамкорликни ривожлантириш дастури қабул қилинди³.

Қолаверса, жорий йилнинг 15 июнь куни Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳридаги “Кўҳи Наврўз” саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокида қитъамизда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мамлакатлар ва халқлар фаровонлигини оширишга қаратилган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг “Хавфсиз ва янада раванқ топган минтақа сари ягона ёндашув” мавзусидаги навбатдаги саммити бўлиб ўтди⁴.

Аммо, бу билан биз тўлиқ мамлакатимизда хавфсиз кибермаконни яратиш бўлдиқ деб айта олмаймиз, сабаби энг катта

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПҚ–4278-сон “Ўзбекистонда Шарда университетини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.04.2019 й., 07/19/4278/2920-сон.

² Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги 622-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг виртуал маконда иштирокини фаоллаштириш Концепцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 09/18/622/1637-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтидан: <https://president.uz/uz/2663>.

⁴ Ўша таҳрир.

муаммо ичида кибертерроризм балоси турибди. Ушбу бало ўзининг кенг қамровлиги, келтирган зарарнинг кўплиги, жуда кўпчиликнинг, шу жумладан, давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг манфаатларига ҳам жуда катта путур етиши билан характерлидир. Хитой, АҚШ, Эстония, Украина, Голландия, Испания, Австрия, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда кибертерроризмга қарши курашиш бўйича алоҳида қонун қабул қилинган ёки қонунчилигига тегишли ўзгартириш киртилган. Мисол учун Хитой Халқ Республикасида “ХХРнинг давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонун 01.07.2015 йилда, “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонун 06.07.2015 йилда, “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун 2016 йилда қабул қилинган.

Ушбу қонунларга асосан, мамлакатда кибержиноятларга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, шунингдек, ушбу қонунлар кибертерроризмнинг олдини олиш чораларини ўзи ичига олган¹. Россия², Украина³, Грузия⁴, Қозоғистон⁵, Эстония⁶ қонунчилигида эса, аллақачон, ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг терроризмдаги ўрни аниқ кўрсатиб берилган. Масалан, Украинанинг 2018 йил 21 июндаги №2469-VIII-сон “Киберхавфсизликни таъминлашнинг

¹ Обзор к уголовного законодательства о борьбе с терроризмом и «Закона о борьбе с терроризмом» Китая» / Евразийский Научный Журнал, №5, 2016 (май). Цзан Цземэй https://chinalaw.center/administrative_law/china_state_security_law_2015_russian/ Е.Ю.Макарова, А.А. Василенко профилактика и борьба с кибертерроризмом в Китае. Китайский опыт в России. <https://core.ac.uk/download/pdf/155234277.pdf>.

² Федеральный закон России Федерации от 06.03.2006 № 35-ФЗ «О противодействии терроризму» // Собрание законодательства Российской Федерации, 2006, № 11, ст.1146; № 31, ст.3452; 2011, № 19, ст.2713.

³ Закон України від 5 жовтня 2017 року № 2163-VIII «Про основні засади забезпечення кібербезпеки України» / (Відомості Верховної Ради (ВВР), 2017, № 45, ст.403, 2018, № 31, ст.241. / <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/2163-19>.

⁴ Закон Грузии от 27 июня 2007 года № 5071-вс «О борьбе с терроризмом» // <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/21796/9/ru/pdf>.

⁵ Закон Республики Казахстан от 13 июля 1999 года № 416 «О противодействии терроризму» // «Казахстанская правда» от 30.07.99 г. № 182-183; (Ведомости Парламента РК), 1999 г., № 19, ст. 649.

⁶ Küberturvalisuse seadus Vastu võetud 09.05.2018 // <https://www.riigiteataja.ee/akt/122052018001/>

асосий тамойиллари тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасига асосан, кибертерроризм киберфазода ёки ундан фойдаланган ҳолда террористик фаолиятни амалга оширишга қаратилган фаолиятдир¹. Аммо, Ўзбекистонда “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонун мавжуд эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур масала бўйича алоҳида қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Мазкур ҳолат бўйича 57564-s/19, 57573-s/19, 57577-s/19, 57541-s/19, 57542-s/19, 57549-s/19, 57559-s/19, 57562-s/19, 57547-s/19, 57546-s/19, 57556-s/19, 23/1110-s/19-сон электрон мурожаатлар орқали мазкур таклифлар ваколатли барча органларга юборилди.

Буюк Британиянинг 2000 йилдаги “Терроризм тўғрисида”ги қонунда компьютер, унинг тизимига ёки тармоғига ноқонуний кириб уларга жиддий зарар етказган ҳолда ёки ушбу компьютер маълумотларидан фойдаланган ҳолда оммавий тартибзликни келтириб чиқариш террористик ҳаракатларга тенглаштирилади, шунингдек, бунга ўхшаш қоида Франция Жиноят кодексининг 421¹-моддасида “Информатик соҳасидаги ҳаракатлар билан боғлиқ террористик ҳаракатлар” деб баҳоланади². Бундан ташқари, Арманистон Республикаси Жиноят кодексининг 389-моддасига асосан кибертерроризм халқаро терроризм сифатида алоҳида битта моддада кўрсатилган³, Грузия Жиноят кодексининг 324¹-моддасига асосан, кибертерроризм, яъни компьютер томонидан муҳофаза қилинадиган маълумотни қонунга хилоф раившда олиб қўйиш, уни ишлатиш ёки фойдаланиш орқали аҳолини кўрқитиш ва (ёки) ҳокимиятга таъсир кўрсатиш жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хавфни келтириб чиқариш, 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади, ушбу модданинг иккинчи қисмига асосан, ушбу ҳаракатлар натижасида одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабабчи бўлса, 12 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан

¹ Закон України від 5 жовтня 2017 року N 2163-VIII «Про основні засади забезпечення кібербезпеки України» / (Відомості Верховної Ради (ВВР), 2017, № 45, ст.403, 2018, № 31, ст.241.

² А.Расулев. Противодействие кибертерроризму: международно-правовые и уголовно-правовые аспекты. – Т.: ТДЮУ нашриёти, Юридик фанлар Ахборотномаси илмий-амалий ҳуқуқий журнал, 2018. – 93 с.

³ Арманистон жиноят кодекси // <https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/ru/am/am012ru.pdf>.

жазоланади¹, шунингдек, Франция Жиноят кодексининг 421-1-моддасига асосан, информатика соҳасидаги террористик ҳаракатлар учун², Украинада эса, террорчиларга террористик фаолиятни амалга оширишга кўмаклашганлик учун жавобгарлик белгиланган³.

Ўзбекистон жиноят кодексида кибертерроризм учун жавобгарлик белгиланмаган⁴.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 4-моддасига асосан, Содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади. Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмайд туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас⁵. Шунингдек, Жиноят кодексининг

¹ Грузия Жиноят кодекси // <https://matsne.gov.ge/ka/document/download/16426/143/ru/pdf>.

² Франция Жиноят кодекси. <https://constitutions.ru/?p=5859>.

³ Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-III (с изменениями и дополнениями по состоянию на 25.04.2019 г. //Опубликован: «Ведомости Верховной Рады Украины» от 29.06.2001 г. № 25-26. – 256 с.

⁴ А.Расулев. Противодействие кибертерроризму: международно-правовые и уголовно-правовые аспекты. –Т.: ТДЮУ нашриёти, Юридик фанлар Ахборотномаси илмий-амалий ҳуқуқий журнали, 2018. –95 с.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда,

10-моддасига асосан, қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасиг Жиноят-процессуал кодексининг 11-моддасига асосан, Судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Шунингдек, ЖПК 83-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, қачонки унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса қуйидаги ҳолларда айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, ЖПКнинг 333-моддасига асосан, ушбу Кодекс 83-моддасининг 2-бандида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради¹.

№ 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда).

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-

Шу муносабат билан, кибертерроризм тушунчаси ва механизми “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонунда, шунингдек, Жиноят кодексида қуйидаги таҳрирда киритилиши мақсадга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддаси қуйидаги таҳрирдаги тўртинчи-бешинчи қисмлар билан тўлдирилсин ҳамда тўртинчи қисм олтинчи қисм деб ҳисоблансин:

“Мамлакатда ўрнатилган киберхавфсизликни турли хил ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали бузган ёки уни четлаб ўтган ҳолда, сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб ифвогарликлар қилишга, аҳолини кўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, мамлакатнинг жиноий қонунчилигида жавобгарлик назарда тутилган киберзўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки шундай ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд ўзгача таҳдид қилиш орқали кибертерроризмни амалга ошириш ёки унга суиқасд қилиш, –ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) одам ўлишига;

б) кўп ва жуда кўп миқдорда зарар келиб чиқишига;

в) бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, –

ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш

ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.”.

модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар). 333-модда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 155-3-моддаси (155³-модда) иккинчи қисми диспозицияси қуйидаги таҳрирдаги “г” банд билан тўлдирилсин:

“г) кибертерроризм орқали содир этилган бўлса”.

Ушбу ҳолат бўйича таклифлар 54500-s/19, 54501-s/19, 54509-s/19, 54497-s/19, 54488-s/19, 54492-s/19, 23/1033-s/19-сонли электрон мурожаатлар ваколатли барча органларга юборилган.

Олим А.Расулев ҳам ушбу фикрларга ўхшаш фикрларни берган. Аммо, у “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунда ушбу тушунча киритилиши ва Жиноят кодексига кибертерроризм алоҳида битта модда сифатида киритилиши таклифини беради¹.

Умуман олганда, кибертерроризмдан ҳимояланиш учун нима қилиш керак?

Аввало, замонавий технология ва етук кадрлар билан таъминланишимиз зарур. Бу борада эса, қонунчилигимизда қуйидагилар қайта кўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўларди. Хусусан, шу пайтга қадар мамлакатимизда, кибертерроризмдан ҳимояланиш бўйича стратегия ишлаб чиқилмаган, ваҳоланки, дунёда кибержиноятчилик тобора хавфли тусиб олиб, кунига 200 мингдан ортиқ содир этилмоқда, натижада жисмоний ва юридик шахсларга 500 млрд.га яқин мулкый зарар етказилмоқда², биргина мисол, 2016 йилда Juniper Research томонидан ўтказилган тадқиқотда, 2019 йилга келиб, компьютер жиноятчилигидан етказиладиган зарар 2,1 трлн долл. ортиб кетиши мумкинлиги³ ва ҳар ойда содир этилаётган жиноятлар 10-15% га ортиб бораётганлиги⁴ шунини изоҳлайдики, бу балога қарши аниқ тактик

¹ А.Расулев. Противодействие кибертерроризму: международно-правовые и уголовно-правовые аспекты. –Т.: ТДЮУ нашриёти, Юридик фанлар Ахборотномаси илмий-амалий ҳуқуқий журнали, 2018. –с.92-96.

² Warren G. Kruse, Jay G. Heiser (2002).Computer forensics: incident response essentials. Addison-Wesley. – p.392.

³ Steve Morgan (January 17, 2016). “Cyber Crime Costs Projected To Reach \$2 Trillion by 2019”. Forbes. Retrieved September 22.2016.

⁴ Ҳ.Р.Очилов. Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик. Монография // – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2017. –б.22.

режалар, яъни стратегия ишлаб чиқилиши ва бу бўйича амалий чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Ҳозир кунда мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида барча ҳужжатлар айланиши қуйидаги ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириб келинмоқда.

Ҳужжатларни кўриб чиқиш, ижро этиш ва сақлаш юзасидан назоратни кучайтириш, ахборотларнинг қоғоз ва электрон манбалардаги оқимини мақбуллаштириш, ҳужжатларни киритиш, кўриб чиқиш, таҳлил қилиш ва сақлаш учун ягона ахборот маконини яратиш, ахборот айирбошлашнинг ҳимояланганлигини таъминлаш, қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати билан давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратида, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона ҳимояланган электрон почта, яъни “Е-Хат” ҳимояланган ягона корпоратив электрон почта ва электрон ҳужжат айланиши тизими, яъни «Е-Нижат» тизимини жорий этилиши, шунингдек 2012 йил 1 январдан бошлаб улар ўртасида электрон ахборот айирбошланиши таъминланган¹.

Вазирлик ва идораларнинг ўзларида эса, ҳужжатлар айланиши “germes”, “portal” ва бошқа ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармонининг ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда “UZINFOCOM давлат ахборот хизматларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ билан биргаликда

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 майдаги 126-сон “Вазирлар маҳкамасининг ижро этувчи аппаратида, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона ҳимояланган электрон почтани ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 18-сон, 181-модда.

2019 йил 1 январдан бошлаб Интернет жаҳон ахборот тармоғида пилот лойиҳаси сифатида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz) синов тариқасида ишга туширилди¹. Ҳозирги вақтда барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали, яъни “regulation.gov.uz” сайтига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилиши лозим². Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги “Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф–5017-сон фармойишига мувофиқ вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими, яъни “е-ижро”га уланиши таъминланган³. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, яъни “lex.uz” сайти норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбадир⁴.

Юқоридаги дастурларнинг биронтаси бир-бири билан ўзаро боғланмаган. Бу тизимнинг камчилиги ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 апрелдаги 284-сон “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.04.2019 й., 09/19/284/2911-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2018 й., 07/18/3666/1073-сон, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ–3962-сон “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизоми янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.10.2018 й., 07/18/3962/2004-сон.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги 160-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–342-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 333-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар).

Айнан шу хатолик орқали бутун бир дастурий таъминотга хужум уюштириш мумкин. Мазкур хужум натижасида шахс, жамият, давлат манфаатларига жудда катта миқдорда зарар келтириш мумкин. Инсонларнинг тақдири тубдан ўзгариб кетиши мумкин. Давлатнинг халқаро майдондаги обрўси тушиб кетиши мумкин.

Ушбу муаммоларнинг олдини олиш учун нима қилиш зарур? Фикримизча, мамлакатимизда яғо киберхавфсизлик бўйча стратегия ва концепция ишлаб чиқилиши ва у ижро этилиши лозим. Мисол учун, Украина Президентининг 2016 йил 15 мартдаги 96/2016-сон Фармони билан Украина киберхавфсизлик стратегияси тасдиқланган¹. Шу каби стратегиялар АКШ², Эстония³, Литва⁴, Испания⁵, Германия⁶, Словакия⁷, Япония⁸, Швейцария¹, Норвегия²,

¹ Указ Президента України №96/2016 «Про рішення Ради національної безпеки і оборони України від 27 січня 2016 року «Про Стратегію кібербезпеки України» // <https://www.president.gov.ua/documents/962016-19836>.

² International strategy for cyberspace. May 2011. // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/international_strategy_for_cyberspace_US.pdf.

³ 2014–2017 Cyber Security Strategy https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Estonia_Cyber_security_Strategy.pdf. // <https://constitutions.ru/?p=11234>.

⁴ Government of the Republic of Lithuania Resolution no 796 of 29 June 2011 on the approval of the programme for the development of electronic information security (cyber-security) for 2011–2019 // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Lithuania_Cyber_Security_Strategy.pdf/.

⁵ Estrategia de Ciberseguridad Nacional // <https://www.dsn.gob.es/es/estrategias-publicaciones/estrategias/estrategia-ciberseguridad-nacional>.

⁶ Cyber Security Strategy for Germany // <https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Germancybersecuritystrategy20111.pdf>.

⁷ National Strategy for Information Security in the Slovak Republic // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Slovakia_National_Strategy_for_ISEC.pdf.

⁸ Information Security Strategy for Protecting the Nation May 11, 2010 Information Security Policy Council. // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/New_Strategy_English_Japan.pdf.

Янги Зеландия³, Хиндистон⁴, Австралия⁵, ЖАР⁶, Канада⁷, Финландия⁸, Австрия⁹, Руминия¹⁰, Полша¹¹, Франция¹², Чехия¹³, Нидерландия¹⁴, Люксембург¹⁵ ва бошқа давлатларда қабул

¹ National strategy for Switzerland's protection against cyber risks 19 June 2012. // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Switzerlands_Cyber_Security_strategy.pdf.

² Cyber Security Strategy for Norway // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Norway_Cyber_Security_StrategyNO.pdf.

³ https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/India_Cyber_Security_Strategy.pdf

⁴ https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/India_Cyber_Security_Strategy.pdf.

⁵ Cyber Security Strategy. // <https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/AGCyberSecurityStrategyforwebsite.pdf>.

⁶ Government Gazette Staatskoerant Republic of South Africa. // <https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/southafricanccss.pdf>.

⁷ Canada's Cyber Security Strategy For a stronger and more prosperous Canada. // <https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/canadaNCSS.pdf>.

⁸ Finland's Cybe security Strategy. // <https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/FinlandsCyberSecurityStrategy.pdf>.

⁹ National ICT Security Strategy Austria. // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Austria_Cyber_Security_strategy.pdf.

¹⁰ Strategia de securitate cibernetică a României. // <https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/ronccss.pdf>.

¹¹ Rządowy program ochrony cyberprzestrzeni Rzeczypospolitej polskiej na lata 2011-2016. // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Poland_Cyber_Security_Strategy.pdf.

¹² French national digital security strategy. // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/France_Cyber_Security_Strategy.pdf.

¹³ National cyber security strategy of the Czech Republic for the period from 2015 to 2020. // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/CzechRepublic_Cyber_Security_Strategy.pdf.

¹⁴ The National Cyber Security Strategy. // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Netherlands_Cyber_Security_strategy.pdf.

¹⁵ National cybersecurity strategy II. // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Luxembourg_Cyber_Security_strategy.pdf.

Кибертерроризмга қарши курашиш бўйича халқаро амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, куйидаги ҳолатларга гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Ҳаккерлар ҳужумларидан ҳимоя қилиш учун барча мезонларга жавоб берувчи ягона мамлакат Сингапур ҳисобланади. Кейинга ўнталикка эса АҚШ (2-ўрин), Малайзия (3-ўрин), Уммон (4-ўрин), Эстония (5-ўрин), Маврикий (6-ўрин), Австралия (7-ўрин), Грузия ва Франция (8-ўрин), Канада (9-ўрин), Россия (10-ўрин) киради, Ўзбекистон эса, ушбу рўйхатда 41 ўринни эгаллайди¹.

Британиянинг Comparitech тадқиқот компаниясининг тадқиқоти бўйича эса, киберхавфсизлик даражаси бўйича 60 та давлатлар рейтинги Япония етакчилик қилган ва охириги ўринни эса Жазоир эгаллаган. Рўйхатда Ўзбекистон 56-ўринни эгаллаган. Давлатларнинг рейтингдаги ўрнига 7 та мезон, жумладан зарарли дастурий таъминот билан зарарланган мобил қурилмалар ва компьютерлар улуши, пулларни ўғирлаш мақсадида амалга оширилган хакерлик ҳужумлари сони, у ёки бу давлатнинг хакерлик ҳужумларига тайёрланганлиги, тегишли қонунчилик мавжудлиги кабилар таъсир қилган. Ҳар бир давлат 0 дан 100 баллгача тўплаши мумкин бўлган, бунда тўпланган балл қанчалик кам бўлса, давлат кибертаҳдидлардан шунчалик яхши ҳимояланган ҳисобланади. Якуний жадвалга кўра, Япония 8,8 балл тўплаган. 2- ва 3-ўринларни Франция ва Италия эгаллаган. Ушбу давлатлар мос равишда 10,6 ва 11,2 балл тўплаган. Энг яхши давлатлар ўнталигига Дания, АҚШ, Ирландия, Швеция, Буюк Британия, Нидерландия ва Сингапур киритилган. Рейтингнинг охириги ўринни эгаллаган Жазоир 55,8 балл тўплаган. Ўзбекистон 50,5 балл билан 56-ўриндан жой олган. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатларидан рейтингга киритилган ягона давлат бўлган. Шунингдек, алоҳида мезонлар бўйича етакчи ёки қоқ давлатлар ҳам эълон қилинган. Мисол учун, Бангладешда мобил телефонларнинг зарарли дастурлар билан зарарлангани улуши энг юқорилиги, энг кўп компьютерлар зарарлангани Жазоирда қайд қилинган. Пул ўғирлаш мақсадида хакерлик ҳужумларига энг кўп Германия учраган. Киберҳужумларга энг

¹ БМТнинг 2017 йилги глобал киберхавфсизлик индекси. <https://rus.delfi.ee/daily/estonia/estoniya-priznana-pyatoj-samoj-kiberbezopasnoj-stranoj-v-mire?id=78814562>. // https://www.itu.int/dms_pub/itu-d/opb/str/D-STR-GCI.01-2017-PDF-E.pdf.

яхши тайёрланган давлат сифатида Сингапур, энг кам тайёрланган давлат сифатида эса Вьетнам эътироф этилган. Шунингдек, киберхавфсизлик соҳасидаги замонавий талабларга Франция, Хитой, Россия ва Германия қонунчилиги энг яхши жавоб бериши қайд қилинган¹.

Аммо, мамлакатимизда ҳозирда кибертерроризмга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқадиган ва амалга оширадиган ваколатли орган белгиланмаган ва бу “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунда ҳам кўзда тутилмаган.

Ушбу ваколат Австралияда Мудофаа вазирлиги, Белгияда Хавфсизлик масалалари бўйича вазирлик қўмитаси, Бразилияда Ахборот хавфсизлиги масаласи бўйича қўмита, Канадада Канаданинг компьютер тармоқлари учун фавқулодда ёрдам маркази, Эстонияда Иқтисодиёт ва алоқа вазирлиги, Финляндияда транспорт ва алоқа вазирлиги, Францияда Бош вазир Администрацияси таркибидаги миллий мудофаа бош қотибияти ва Ахборот тизими хавфсизлиги миллий агентлиги, Германияда ахборот хавфсизлиги федерал агентлиги, Венгрияда информатика ва алоқа вазирлиги, Ҳиндистонда Миллий Ахборот Кенгаши, Италияда Ички ишлар вазирлиги, Японияда Вазирлар Маҳкамасининг Қотибияти, Корея Республикасида барча давлат органлари ва уларнинг таркибига кирувчи органлар, Малайзияда менежментни замонавийлаштириш ва режалаштириш бошқармаси, Голландияда Қироллик ва ички ишлар вазирлиги, Янги Зеландияда инфраструктураларни танқидий ҳимоялаш маркази, Норвегияда фуқаролик мудофааси ва инқирозни режалаштириш бошқармаси, Полшада Фан ва олий таълим вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги ва маъмуриятлари, Сингапурда Ахборот тармоғи хавфсизлиги ва алоқа бошқармаси, Испанияда Саноат, туризм ва савдо вазирлиги, Бош бошқарма вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Буюк Британияда Вазирлар Маҳкамасининг таркибига кирувчи киберхавфсизлик бошқармаси, шунингдек, Швейцария, Швецияда кибертерроризмга оид масалалар билан бутун бир тизимдаги ташкилотлар шуғулланишади².

Хўш, кибержиноятчиликка қарши чет мамлакатлар қандай кураш олиб борадилар? Масалан, Венгрия Республикасида, давлат

¹ Замин.уз. сайтидан: Киберхавфсизлик даражаси бўйича энг яхши давлатлар рейтингида Ўзбекистон нечанчи ўринда? <https://news-life.ru/186880644/>.

² Ўша таҳрир. – 35-45 б.

ва хусусий шерикчилик фонди киберхавфсизликни таъминлаш бўйича маблағларни тизимли ажратади ва кибертерроризмга қарши курашиш бўйича Венгрияда CERT-Vengriya фавқулодда миллий тезкор жавоб гуруҳлари шакллантирилган¹. Ҳиндистон Республикасида эса, кибертерроризмга қарши курашиш учун Ҳиндистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Кенгаши Котибиятининг таркибий қисми саналган 21 нафар аъзодан иборат Ҳиндистон Миллий Ахборот Кенгаши ташкил этилган². Италияда Ички ишлар вазирлиги ҳамда Инновация ва технология вазирлиги кибертерроризмга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгиланган. Шунингдек, Италияда полициянинг почта хизмати ташкил этилган ҳамда у миллий ва минтақавий даражада компьютер жиноятларига тезкор жавоб қайтариш марказларини назорат қилади. Италиянинг танқидий инфратузилмаси экспертлари Ассоциацияси эса, давлат ва хусусий секторнинг киберхавфсизлиги бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб туради³. Юқоридагилар орқали айтишимиз керакки, мамлакатимизда айнан кибертерроризмга қарши курашиш бўйича ваколатли орган белгиланиши ва бу бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вақти етиб келди. Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш оқали аҳолининг оғирини енгил қилишнинг энг самарали йўлларида бири бу халқаро ҳужжатлар орқали давлатнинг норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш ҳисобланади. Кибертерроризмга қарши курашиш бўйича халқаро ҳужжатлар ичида “Кибержиноятчилик тўғрисида”ги Конвенция⁴ алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу конвенция 2001 йил 23 ноябрда Будапештда Европа Иттифоқи аъзоси бўлган давлатлар томонидан имзоланган. У 48 моддадан иборат⁵.

Ушбу Конвенция қоидалари учта асосий масалани тартибга солишга қаратилган:

Компьютер ахбороти соҳасидаги жиноятларни таснифлашда уларни жинойий-ҳуқуқий жиҳатдан яқинлаштириш;

¹ Ўша таҳрир. – 39.

² Ўша таҳрир. – 40 б.

³ Ўша таҳрир. – 39 б.

⁴ http://www.europarl.europa.eu/meetdocs/2014_2019/documents/libe/dv/7_conv_budapest/7_conv_budapest_en.pdf.

⁵ Ўша таҳрир.

Бундай жиноятларни тергов қилиш жараёнида далилларни тўплашни таъминлашга қаратилган миллий процессуал чоратadbирларни яқинлаштириш;

Хориждан туриб содир этилган бундай қилмишларни очишга қаратилган далилларни йиғишда жинойий-процессуал муносабатлардла халқаро ҳамкорилкни ўрнатиш¹.

Конвенция иштирокчи давлатларнинг қонунчилигида кибержиноятлар бўйича жинойий-процессуал қоидалар ягона бўлишини таклиф қилади. Конвенцияга асосан, кибержиноятларнинг объекти ишлаб чиқариш, йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, қидириш, узатиш, тарқатиш ва бошқа функцияларни амалга оширувчи, истемол бўйича ахборот жараёнларини амалга оширишга ихтисослашган компьютер техникаси ёки унинг қисми, тизими ва тармоқлари оид ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Обьектив томондан ушбу жиноятлар яхлит, бут, ўзга шахс учун сир маълумотлар ва тизимни бузиш орқали, компьютер билан, компьютер қисми, контент билан, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бузиш орқали содир этилади. Ушбу жиноятнинг субъекти юқорида кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширган истаган шахс бўлиши мумкин. Конвенцияда назарда тутилган барча жиноятлар фақат қасддан содир этилган тақдирда жавобгарликка сабаб бўлади².

Ҳақиқатан ҳам ушбу жиноятлар трансмиллий халқаро жиноятлар сирасига киради³. Мазкур жиноятлар чегара танламайди, улар учун давлатлар, халқаро аҳамиятсиз⁴. Кибержиноятчилик жумладан, кибертерроризм тегишли жабрланувчига тўғридан-тўғри ёки билвосита ўз таъсирини

¹ А.Г.Волеводз Конвенция о киберпреступности: новации правового регулирования / А.Г. Волеводз // Правовые вопросы связи. – 2007. – № 2. – с. 17-25.

² Ўша таҳрир –17-25 с.

³ Диссертационные исследования международная конвенция о киберпреступности / Гусейн Магомед оглы наджафи, докторант Института философии, социологии и права Национальной академии наук Азербайджана Научная специальность: 12.00.08 — уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право. <http://naukarus.com/mezhdunarodnaya-konventsiya-o-kiberprestupnosti>.

⁴ А.М.Доронин. Уголовная ответственность за неправомерный доступ к компьютерной информации: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: 2003. – 8 с.

кўрсатиши мумкин¹. Киберпреступность, включая кибертерроризм, может прямо или косвенно повлиять на жертву². Шунга кўра, мазкур конвенция иштирокчи давлатларнинг ҳар бири учун индивидуал ушбу жиноятларга қарши курашиш курашиш чоратадбирлар рўйхатини тақдим қилган³. Мазкур жиноят ўзининг кенг қамровлиги ва узокдан туриб бошқарилиши ва жуда катта миқдорда зарар келтириши мумкинлиги билан характерлидир, шу маънода ушбу жиноят билан курашиш учун давлатлар халқаро муносабатларда ўзаро яқин ҳамкорлик қилишлари мақсадга мувофиқ. Юртбошимиз таъбири билан айтсак, бугун хавфсизликни таъминлаш бўйича мувофиқлашган сиёсат юритиш, мамлакатларимизнинг барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар шакллантириш муҳим⁴.

Ҳар бир инсон халқаро умумэътироф этилган ҳужжатларда кўрсатилган ҳуқуқлар ва эркинликлар тўла-тўқис рўёбга чиқадиган ижтимоий ва халқаро тартиб бўлиши ҳуқуқига эгадир. Ўз навбатида, ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг рўёбга чиқишда шундай чеклашларга мубтало бўлиши мумкинки, булар қонун томонидан белгилаб қўйилиши ҳамда бундан муддао – бошқаларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари зарур даражада тан олиниш ва ҳурмат қилиниши ҳамда ахлоқ- одобнинг адолатли талаблари ижтимоий тартиб ҳамда демократик жамиятдаги бугунги фаровонликнинг адолатли талаблари қондирилган бўлсин⁵.

¹ Ю.В.Гаврилин. Преступления в сфере информационных технологий: Часть автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: 2000. <http://www.dissercat.com/content/rassledovanie-nepravomernogo-dostupa-k-kompyuternoi-informatsii>.

² Ю.В.Гаврилин. Преступления в сфере информационных технологий: Часть автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. –М.: 2000. <http://www.dissercat.com/content/rassledovanie-nepravomernogo-dostupa-k-kompyuternoi-informatsii>.

³ Конвенция о киберпреступности: на защите вас и ваших прав: <http://hub.coe.int/ru/octopus-conference-20121/>.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтидан: <https://president.uz/uz/2662>.

⁵ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси / 1948 йил, 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 217 А (III) кўрсатмаси орқали қабул қилинган ва эълон қилинган. 28-29-модда. https://unicode.org/udhr/d/udhr_uzn_cyrl.txt.

Ушбу талабнинг бажарилмаслиги натижасида инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етади. Шунинг илобатга олган ҳолда, кибертерроризм балосини бартараф этиш нафақат давлатнинг, балки инсонларнинг, жамиятнинг келажаги учун ҳам зарурдир. Кибертерроризм билан курашишда энг самарали йўллардан бири, чет мамлакатлар билан ўзаро ушбу соҳа бўйича ҳамкорликни ўрнатиш ва амалий чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобланади. Зеро ушбу жиноятнинг қамрови жуда кенг бўлиши мумкин, аммо кибертеррорист барибир қайси бир ҳудуддан туриб бўлса ҳам, ўзининг манфур қилимишларини содир этишга уринади. Шунга кўра, халқаро ҳамкорлик қилаётган давлатларнинг жиноят қонунчилиги ўхшаш бўлиши жуда муҳим. Ўхшашлик эса, албатта, халқаро ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Имплементация бўйича олинган мажбуриятларнинг давлат томонидан бажирилишининг мажбурийлиги имплементациянинг нечоғлик аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади¹. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур конвенция қоидаларини жиноят қонунчилигимизга имплементация қилиш вақти етиб келди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг терроризмга қарши конвенцияси (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) Ўзбекистон томонидан 2011 йил 16 декабрда ратификация қилинган бўлиб², ушбу конвенцияда ҳам, кибертеррористик ҳаракатлар бўйича бирон бир аниқ кўрсатма мавжуд эмаслиги сабабли ҳам ушбу Будепешт конвенциясини ратификация қилиш мақсадга мувофиқдир.

Кибертерроризмга қарши курашишнинг самарали усуллари билан бири бу тарғибот ва ташвиот ишлари ҳисобланади. Шу маънода, айти глобаллашув шароитида терроризм хавфи ва у келтираётган таҳдидлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида тарғибот ишлари олиб борилмас экан, бу борада кутилган натижага эришиш мушкул. Ахборот майдони ривожланиб, тобора тўйиниб бораётган, аммо уни етказишда ҳам мазмунан, ҳам шаклан, устуворлик қилаётган ҳозирги даврда ОАВ экстремизм ва терроризм кўлидаги кучли курулға айланиб қолмоқда. Тўғри, ОАВ

¹ М.Рахимова. Халқаро ҳуқуқ. –Т.: Akademiya нашриёти. 2005. – 20 б.

² Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 16 декабрдаги ЎРҚ–309-сон “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг терроризмга қарши конвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш тўғрисида”ги Қонуни // “Халқ сўзи”, 2011 йил 17 декабрь / “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2011 йил, 50-сон, 511-модда.

ўз ҳолича террорчилик хуружининг “самарадорлигини” англаган ҳолда ташкил этадиган тизим ҳисобланмайди. Аммо аксарият ҳолларда бунга кўмаклашмоқда, дейиш мумкин¹.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кибертерроризмга қарши тарҳибот ва ташқибот олиб боришнинг ягона механизми ишлаб чиқилмаган, ўйлашимизча, кибертерроризмга қарши курашиш учун ҳар йили Давлат дастури қабул қилиниб, бу бўйича ишлар ягона стратегик йўналишда амалга оширилса ва бунда тарҳибот ва ташқибот масалалари ҳам бир йўла амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўларди. Бу борада ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур².

Фикримизча, тарҳиботнинг қуйидаги самарали йўллари мавжуд:

“смс-хабарнома” тизими орқали кибертерроризмнинг салбий оқибатларидан халқни огоҳликка ундаш;

ОАВ орқали кибертеррористик ҳужумларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш;

“Оила-боғча-мактаб-олий ўқув юрти-олий ўқув юритидан кейинги давр” тизимини ишлаб чиқиш;

Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш бўйича махсус дастурлар орқали аҳолини ўқитиш.

“смс-хабарнома”, ҳақиқатан ҳам бу тизим ҳозирги кунда ўзининг кенг қамровлиги ва аҳолини огоҳликка чақириш бўйича тезкорлиги билан ажралиб туради, юқорида таъкидланганидек, 20 млн. ошиқроқ ўзбекистонликнинг мобил алоқалари мавжуд ва улар бемалол интернет хизматларидан фойдаланиши мумкинлигини инобатга олсак, ҳақиқатан ҳам ушбу усул орқали аҳолини огоҳликка чақириш самарали эканлигини ҳис қилишимиз мумкин.

ОАВ орқали кибертеррористик ҳужумларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришда бугунги кунда энг катта ўл кўяётган камчилигимиз, танланган махсус лавҳа (дастур)нинг уни кўрувчи, эшитувчи аҳоли ёшига мутаносиб қилиб берилмаслидадир. Биргина мисол, ҳали кўрмаган ва бу бўйича

¹ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари / Масъул муҳаррир А. Т. Очилдиев. – Т., 2008. – б. 145.

² Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтидан: <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.

тасаввурга ҳам эга бўлмаган ҳамда бунга вақти ҳам йўқ бўлмаган кибертеррористик ҳаракатларни кўрганидан кейин ёш бола нима қилиши керак, унинг ақлий ва жисмоний фаолияти кундан кун ривожланмоқда ва ушбу берилган маълумотларни унинг мияси ахборот сифатида қабул қилиши ва ушбу ахборотдан фойдаланишга бўлган боланинг психологик ҳолати натижасида ушбу усул ўзининг аҳамиятини йўқотиши мумкин. Шу маънода, ОАВда тегишли лавҳани тайёрланиб, у ефирга узатилган вақтда аҳолининг ёшини инобатга олиб, лавҳа кўрсатилиши вақтларини ҳамда унда кўрсатилган ҳолатларнинг таъсирини ОАВ назарда тутишлари зарур.

“Оила-боғча-мактаб-олий ўқув юрти-олий ўқув юритидан кейинги давр” тизимининг самарали жиҳати шундаки, ҳозирги кунда ҳали боғчага бормаётган кўпчилик болалар ҳам алоқа воситаларидан бемалол фойдаланишни билишади, шунингдек, мактабда ўқиётган боланинг кўлида ҳам алоқа воситаси ва у бемалол ундан фойдаланишни билади. Бу эса, кибертеррорчилар учун айна мудда ҳисобланади. Халқимизда “қуш уясидагини қилади” деган нақл ор, бу бекорга эмас. Ҳақиқатан ҳам оиладан бошлаб боланинг кўлига тутқазилган ахборот технологияси ёки коммуникацияси ва унинг эгасининг кибертеррористик ҳужумлар қурбонига айланишининг олдини олиш чоралари ота-она томонидан доимий равишда назорат қилиниб борилса, ушбу алоқа воситасидан бола фойдали мақсадларда фойдаланиши мумкин.

Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш бўйича махсус дастурлар орқали аҳолини ўқитиш юзасидан информатика ва ҳуқуқ дарсликлари бўйича махсус боблар боғчадан торитб ўқитиб борилса, ҳам мамлакатимиз учун керакли кибертерроризмга қарши курашадиган кадрлар сони кўпаярди ҳам бу бўйича мамлакат аҳолисининг ва давлатнинг кибертерроризмга қарши курашиш бўйича махсус ҳимоя дастури амалга ошган бўларди.

Зеро, киберэкстремист ва кибертеррорчилар компьютер тармоқлари (асосан Интернет) орқали турли салбий омилларни тарғиб қилишади. Бу эса, жамиятнинг барқарор ривожланишида катта хавф туғдиради ва жамият аъзоларининг маънавий-маърифий онгига салбий таъсир қилади. Чунки, бугунги кунда дунё аҳолисининг 82 фоизи, ёшларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида Интернет тармоғига мурожаат қилишмоқда. Масалан,

“Ислом халифалиги”ни қайта тиклаш ва ислом шариатини амалга татбиқ этишни мақсад қилган “ИШИД” ҳам ўз режаларини амалга оширишда Интернетдан фаол фойдаланмоқда¹. Интернет орқали келаётган хабарларга нисбатан аҳолининг ҳуқуқий онги баланд бўлса ва ушбу ҳужумларга бемалол кураша оладиган давлатнинг кадрлари бўлса, бу мамлакатга нисбатан бўлаётган ҳужумларнинг барчаси самарасиз бўлиб, давлатнинг бу йўналишда халқаро майдондаги обрўси юқори поғонага кўтарилар эди.

Кибертерроризм, интернетсиз ҳам амалга оширилиши мумкин, биргина мисол, АҚШда кибертерроризм билан курашиш энг биринчи муаммо ҳисобланади. АҚШда “Эшелон” деб аталмиш электрон хавфсизлик тизимига кирувчи, АҚШ разведкаси назорат қиладиган АҚШ, Канада, Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия давлатларини бирлаштирган электрон хавфсизлик занжир мавжуд.

Ушбу тизимга кибертеррорчилар интернет тармоғисиз электрон бўлмаган телекоммуникация воситаларидан фойдаланишган ҳолда киберҳужум уюштиришган.

Жиноятчилар ўзларининг хабарларини эса криптографик ёки қисқартириш усуллари билан яширишган ва “Эшелон” тизимидаги алгоритм четлаб ўтилиб, тизим аввал ўчирилган, сўнг ҳужум амалга оширилган, ваҳоланки, “Эшелон” мазкур давлатларнинг барча электрон воситаларини назорат қийиб турган².

Умуман олганда, мамлакатимизда кибертерроризмнинг олдини олиш учун яқдиллик билан кенг кўламли ишлар амалга оширилмас экан, кибертеррористик ҳужумларнинг хавфи ошиб бораверади ва бу эса мамлакатимизнинг иқтисодий базасига жуда катта зарарни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабдан ҳам юқорида қайда этилган таклифларнинг амалий ижросини таъминлаш орқаси халқимизни кибертеррористик балодан сақлаш чоралари амалга оширилиши мумкин. Зеро, халқ тотувлигини таъминлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи зарур.

¹ Ф.Кадиров, М.Х.Джаматов. Кибертерроризм ва киберэкстремизм жиноятлари профилактикаси. Трансмиллий таҳдид сифатидаги терроризмга қарши кураш: Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – б.188.

² М.М.Самчук. Кибертерроризм и особенности его проявления. <http://kursak.net/kiberterrorizm-i-osobennosti-ego-proyavleniya/>© kursak.net.

2.5-§. Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи киберхавфнинг олдини олишнинг замонавий тенденциялари

Ҳар бир мамлакатнинг келажаги ёшларнинг қўлида бўлиб, шу жиҳатдан бўлса керак, мамлакатимизда болаларнинг саломатлиги жамият фаровонлигини, келажагини белгилашини инобатга олган ҳолда, ёшларнинг соғлиғини асрашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болаларнинг соғлиғини сақлашда уларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилишимиз жуда муҳимдир.

Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин¹. Биргина мисол, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясинининг ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат орган бўлиб, унинг маълумотларига кўра, жорий 2019 йилнинг 1 январь кунидан бошлаб 26 июнь кунига қадар агентлик томонидан мазкур қонун асосида ўтказилган мониторингда болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи 815 та ҳолат аниқланган ва бу кўрсаткич ўтган 2018 йилда 897 тани ташкил этган². Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшларимиз ташкил этишлигини инобатга олсак, бу жуда катта хавф ҳисобланади³.

¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият–енгилмас куч. – Т.: Маънавият. 2008. – 83 б.

² Муаллифнинг сўровига жавобан юборилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясинининг ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги 2019 йил 2 июлдаги 14/2-2187-сон хати.

³ Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 13 б.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) расмий маълумотларига кўра, 2000 йилда бутун жаҳонда 815.000 киши суицид қурбони бўлган бўлса, ўз жонига қасд қилиш ҳаракатларининг сони 5 млн. дан ортиб кетган¹ ва унинг статистик маълумотларига кўра, ҳозирда ҳар йили дунёда миллионга яқин киши ўз жонига қасд қилади. Ҳар бир суицид ўлим билан тугамаслиги ҳисобга олинса, реал вазият бундан 2-3 марта кўплигини тахмин қилиш мумкин. Суициднинг 800 га яқин кўринишлари мавжуд. Улардан, 9 - 41% – ноаниқ этиологияга эга;

19% – жазодан қўрқиш; 18% – руҳий касалликлар; 18% – оилавий муаммолар; 6% – ҳиссиётлар; 3% – молиявий йўқотишлар; 1,4% – ҳаётдан тўйиш; 1,2% – турли касалликлар сабаблидир. Расмий маълумотларга қараганда жаҳонда ёшлар орасида ўз жонига қасд қилиш ўтган йигирма йил давомида икки баробарга ошган. 14-24 ёшда бўлган шахсларнинг 16 фоизи бу ҳолатни бошидан кечиради, унинг 6 фоизини ўғил болалар, 10 фоизини қиз болалар ташкил этади. Суицидиал ҳолатларнинг 90 фоизи психосоматик касалликларга чалинган шахслар томонидан, 10 фоизи бундай касалликларга чалинмаган шахслар томонидан амалга оширилади. Баъзи мутахассислар ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг 90 фоизини ўзига эътиборни жалб қилиш билан изоҳлайдилар. Вояга етмаганлар томонидан суицидни амалга ошириш шахсий фожеа, табиий офатлар, умидсизлик, ўлим кўрқуви таъсирида кечади. Вояга етмаганларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини текшириш шуни кўрсатадики, аксарият суицидлар оиладаги келишмовчилик, ўқитувчилар, педагогларнинг қўполлиги, синфдошлари билан келишмовчилик, турли можаролар, атрофдагиларнинг эътиборсизлиги оқибатида юз беради. Кўп ҳолларда ёшлар ўз ташвишларига ота-оналари ва ўқитувчилари эътиборини жалб қилиш мақсадида бу ишга журъат қиладилар ҳамда бундай даҳшатли йўлни қўполлик, бефарқлик, инсофсизлик ва шафқатсизликка қарши исён деб кўрсатадилар. Бундай қадам табиатан таъсирчан ўсмирлар томонидан ўзини ёлғиз, кераксиз деб

¹Ғиёсов З.А., Махсумхонов Қ.А. Суицид ҳолатларининг суд-тиббий масалалари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий, 2006 й., – 6 б.

ҳис қилиш оқибатида турли стресслар таъсирида амалга оширилади¹.

Мазкур стресслардан қутилиш мақсадида ушбу ўсмирлар мавжуд муаммолардан чалғишга, ўзига утопия излашни бошлашади, утопияни эса, уларнинг кўпчилиги интернетдаги турли хил ўйинлар орқали олишади. Бу эса, ёшларнинг келажагини барбод қилишни ва шу орқали мамлакатимизнинг ривожланишга тўсиқ бўлишни режалаштирган бир гуруҳ манфур кимсалар учун жуда қулай восита ҳисобланади.

Ҳозирда интернет орқали “Кўк кит”, “Китлар денгизи”, “Тинч уй”, “Бой хонимлар” каби номлар билан аталган ҳамда мақсади ўсмирларни ўз жонига қасд қилишга ундайдиган, шунингдек, “Mordhau”, “Sniper Elite V2 Remastered”, “Anno 1800”, “Rage 2”, “Total War: Three kingdoms”, “World War Z”, “A Plague Tale: Innocence”, “Nightmare Reaper”, “Dead or school”, “Plants vs. Zombies”, “Counter Strike”, “Халк” ва бошқа ўсмирларнинг руҳиятида урушни тарғиб қилувчи ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи ўйинлар кенг тарқалмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистонда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан биргина “Кўк кит” ўйинининг 15-босқичига етиб келган – 5 нафар ўқувчининг ҳаёти сақлаб қолинган².

Савол туғилади, ушбу ўйинга ўсмирлар қандай боғланиб қолишди, наҳотки, “Соат тонги 4.20 да мени уйғот ва ўйинни ўйнашга таклиф қил”, “Тинч уй. Мени фақат ўша ерда кутишади”, “Китлар уйи. Мен фақат у ерда бошпана топаман”, “Тез орада ўзим томонимдан ўлдириламан” – каби ушбу ўйиннинг буйруқ ва топшириқлари ҳисобланган хитоблар³ мазмуни ҳақида ўсмирлар етарлича тушунчага эга эмас бўлиши мумкин, аммо, фикримизча, юқоридаги барча ўсмирлар ушбу ўйинларнинг салбий оқибатларга

¹Вояга етмаганлар ўртасида суицид ҳолатларнинг олдини олиш.Методик қўлланма./ Илмий-оммабоп нашр. Н.Тайлоқов. –Т.: “Камалак”нашриёти. 2017. –72 б.

² Ш. Тўхташев. Ўзбекистонда ўзини ўлдиришга ундаганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда // http://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/22691/?sphrase_id=2877897.

³ Ф.Отаханов. “Кўк кит” ўйини. Iqbol Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий нашри. <https://www.iqbol.uz/uz/bolalar-b-rcha-i/item/585-kuk-kit-ujini.html>.

олиб келиниши ҳақида оилада, мактабда, кўча-кўйда эшитишган ва хатто уларни онгли равишда биладилар, билиб туриб, англаган ҳолда оиладаги ёки бошқа муҳитдаги ўзаро салбий ҳолатлардан қутилиш, енгилтаклик оқибатида ушбу ўйинга боғланиб қолишган ва унинг жабрдийдасига айланишган. Ушбу сўзларни биринчи Президентимиз И.Каримов сўзлари билан тушунтирганимизда, бугунги кунда дунёда кибержиноятчилик, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий инфор­мацион таъсир ўтказиш каби халқаро хавфсизликка нисбатан илгари кўрилмаган хавфхатарларнинг авж олаётганига етарли баҳо бермасдан, уларнинг олдини олмасдан, бепарво бўлиб яшаш мутлақо мумкин эмас¹. Шу жиҳатдан ҳам, ушбу ўйин қулига айланиб қолаётганлигини те­варак-атрофидаги шахслар қанчалик даражада билишган, аммо масаланинг айнан нимада эканлигини тушунмасликлари, яъни лоқайдликлари оқибатида юқоридаги салбий ҳолатлар ҳали ҳамон рўй бермоқда.

Шу муносабат билан бўлса керак Олий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Қонуничилик палатасига “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилди ва 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ–436-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонун² қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига 103¹-модда (ўзини ўзи ўлдиришга ундаш) киритилиши билан бир қаторда, 103-модда

¹ И.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан ватан ҳимоячиларига байрам табриги. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2013. Т.21. – 157-158 б.

² “Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонун // –Т.: “Халқ сўзи” газетасининг 2017 йил 14 июндаги 117 (6811)-сони, 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ–436-сон. 11-модда.

(ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш) янги таҳрирда баён қилинди.

Аммо бу билан бу соҳада муаммолар тўлиқ бартараф этилгани йўқ. Ҳали ҳамон муаммолар талайгина, хўш ушбу муаммолар билан курашиш учун нима қилиш керак, нима қилсак, ушбу муаммолар минимал ҳолатга келади. О.Қиличбоевнинг фикрича, болаларнинг соғлиғини зарарли ахборотдан ҳимоялашда уларнинг ёши жуда муҳим аҳамиятга эга¹. Шунинг учун ҳам, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига кўра, ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини белгилаш ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ва (ёки) тарқатувчилар томонидан, шу жумладан экспертларни жалб этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш бошлангунига қадар амалга оширилади. Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи экспертни ёки экспертларни жалб этган ҳолда белгиланган тақдирда, ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини белгилаш билан боғлиқ хизматларнинг ҳақини тўлаш ва харажатларнинг ўрнини қоплаш ушбу хизматларга буюртма берган ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ёки тарқатувчилар ҳисобидан амалга оширилади. Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи уни болаларнинг қуйидаги ёш тоифаларидан бирига киритиш йўли билан амалга оширилади:

етти ёшга тўлмаган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси “0+” ёзувини акс эттириши керак);

етти ёшга тўлган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси “7+” ёзувини акс эттириши керак);

ўн икки ёшга тўлган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси “12+” ёзувини акс эттириши керак);

ўн олти ёшга тўлган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси “16+” ёзувини акс эттириши керак);

¹ О.Қиличбоев. Болаларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилайлик / “Fan, ta’lim, madaniyat va biznesda Internet va axborot-kutubxona resurslari”, Xalqaro konferensiya materiallari “Central Asia. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2018. – 290-293 б.

болалар учун тақиқланган ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси “18+” ёзувини акс эттириши керак).

Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга оширишда:

унинг мавзуси, жанри, мазмуни ва бадиий беагаи;

муайян ёш тоифасидаги болалар томонидан ундаги ахборотнинг идрок этилиш хусусиятлари;

ундаги ахборотнинг болалар соғлиғига зарар етказиш эҳтимоли баҳоланади.

Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи тўғрисидаги маълумотлар ушбу маҳсулотга ахборот маҳсулоти ёшга оид таснифининг тегишли белгисини жойлаштириш учун асос бўлади.

Хўш, амалда ушбу қоидалар тўлиқ ижро этиляптими, фикримизча, ҳа, аммо ҳали ҳамон оилаларимизда фарзандларимизнинг тарбиясида ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамияти қандай бўлиши зарурлигини кўпчилик ота-оналаримиз унутиб қўйишмоқда. Жумладан, алоқа воситаси сифатида берилган телефон воситасидан болаларнинг тўғри мақсадларда фойдаланишлиги етарлича назорат қилинмаяпти. Натижада, маълумотларга кўра, ўтган 2018 йилда 39 минг 132 нафар шахс жиноят содир этилган бўлса, шундан 13 минг 423 нафари ёки 34,3 фоизи вояга етмаганлар ва ёшлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткични вилоятлар мисолида кўрадикан бўлсак, Фарғонада 34,5 фоиз, Сирдарёда 34,1 фоиз, Қашқадарёда 32,3 фоиз, Тошкент вилоятида 36,4 фоиз, Сурхондарёда 34 фоиз ва Тошкент шаҳрида 39,4 фоизни ташкил этмоқда¹.

Хўш, вояга етмаганларнинг жиноятлари бундай кўрсаткичларда бўлишига сабаблардан бири нима? Фикримизча, ота-оналар ўз фарзандларининг тарбиясига етарлича эътибор қаратишмаяпти, фалсафада муҳит онгни парчалайди деган қонуният мавжуд, шунга кўра, етарлича тарбияланмаган болаларнинг хатти-ҳаракатлари деб, соғлом оилада тарбия кўрган болалар ахлоқсиз муҳитга ўзлари хоҳлаб ёки хоҳламай кириб қолиши натижасида бугунги кунда вояга етмаганлар жинояти ҳали ҳамон мамлакатимизда юқори кўрсаткичларда турибди. Тўғри,

¹ <https://uz24.uz/society/voyaga-etmaganlar-grtasida-zhinoyat-sodir-etish-keskin-kamaydi>.

2019-йил I-чораги якуни бўйича Тошкентда жинойтчилик ўртача 35 фоизга камайган, хусусан: жамоат жойларида – 40 фоизга; талончиликлар – 47,3 фоизга; ўғриликлар – 46,2 фоизга; фирибгарликлар – 38,9 фоизга; безорилик – 30,5 фоизга. Лекин ҳали ҳамон жинойтлар, айниқса вояга етмаганлар жинойти содир этилмоқда ва уларнинг сони кундан-кунга кўпаймоқда.

Оддийгина бир ҳолатни кўриб ўтайлик, болаларнинг онгида оқ ва қорани тўлиқ ажратиш ҳисси бирданига шаклланмайди, шунинг учун ҳам болалар ўзича дўст деб ўйлаган болаларнинг ёки ўзлари кўрган ҳамда кўштирноқ ичида “қаҳрамон” деб кўрсатилган шахсларга ўхшашга ҳаракат қилиши оқибатида билиб-билмай турли хил манфур кимсаларнинг таъсирига тушиб қолиши оқибатида улар боулаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотлар мавжуд бўлган Интернет ўйинлари, турли хил ахлоқсиз кино, кўрсатув, телешоуларга боғланиб қолишмоқда.

Абдулла Авлоний: “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур”, Фитрат эса, “Гарчи ҳар бир инсон бешиқдан то қабргача илм олиш қобилиятига эга бўлса-да, лекин уни болалиқдан тарбиялаш таъсирлироқ ва жуда муҳимдир”, деган эди. Агарда барча ота-оналар ушбу тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаган ҳолда, болаларнинг тарбия муҳитига масъулият билан қарашганида, фикримизча, жинойтлар сони жуда паст кўрсаткичларда турган бўларди. Ушбу сўзларимизни Пайғамбаримиз сўзлари билан таъкидлайдиган бўлсак, пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в бундай марҳамат қилганлар: “Болаларингизга одоб беринглар ва одобларини чиройли қилинглар”. Ҳақиқатдан ҳам, фарзандларнинг гўзал одоб билан безанганлиги Яратган наздида муҳим фазилатдир. Ушбу ҳадисни идрок этган ҳолда, ҳар бир ота-ота ўз дилбандининг хулқ-атвори, маънавиятига чуқур эътибор қаратиши, тарбиясини доимо назорат қилиб бориши мақсадга мувофиқдир¹. Биргина мисол, кўча-кўйда ҳаммамиз гувоҳ бўлаётган баъзи ҳолатлар бундай бир неча йиллар олдин умуман бошқача эди, жумладан, оддийгина телевизор кўришнинг ҳам ўз одоби бор эди, ҳозирчи юқорида таъкидлаган қонунимизда аниқ болаларнинг ёшига қараб ахборот маҳсулотининг ёш чегараси белгиланиб, улар амалда ижро

¹ Д.Солиҳов. Ё ҳаёт, ё мамот масаласи. <http://muslim.uz/index.php/rus/maqolalar/item/2309>.

қилинаётган бўлса-да, ёш бола ўзининг ёшига тўғри келмайдиган кўрсатувларни ота-онасининг олдида кўришмоқда, бунга эса, ота-она йўл қўйиб беришмоқда, баъзи ҳолларда ота-оналар ўзларининг лоқайдлигини тўлиқ намаён этишмоқда, хусусий телеканалларда кўрган ахборот маҳсулотлари орқали болалар кўштирноқ ичидаги “қаҳрамон” дея тавсиф этилган шахсларга ўхшайман деб, хатто яқинларини ҳам турли хил тиғли қуроллар ёрдамида керак бўлса ўзлари хоҳлаб ўлдириш даражасига қадар боришмоқда. Интернетнинг борлиги бир томондан яхши, аммо иккинчи томондан ҳозирда Интернет кафеларда ўтирган болаларнинг хулқ-атвори, уларнинг оғзидан чиқаётган ҳақоратомуз сўзларни эшитиб қулоғимиз жунбушга келмоқда, кечагина катталарга ҳурмат кичикларга иззатда бўлишни ўргатган ўқитувчисини энди келиб, ўша ўқитувчининг тарбиясини олган ўқувчининг ўзи тан жараҳати етказмоқда, тарбияга чақирган устозларни эса, ота-оналар турли хил маъмурий ва жиноий жавобгарликгача тортишга боришмоқда, кечагина қанчадан қанча орзулар билан мактабга қадам қўйган ёшгина мурғак қизлар бугунги кунга келиб, ўзларининг танасини сотишмоқда, 9 ой-у 9 кун қорнида кўтариб, қанча азоблар билан катта қилган онани, у қариганида улғайган ахлоқсиз фарзанд келиннинг ёки бошқа шахсларнинг гапига кириб, ўз онасини уйдан ҳайдаб чиқармоқда ёки қариялар уйига олиб бориб қўймоқда, маҳалладаги жонкуяр шахслар ўз маҳалладошининг фарзандини тўғри йўлга солганлиги учун одобсиз боланинг ахлоқсиз ота-онасининг душманига айланиб қолишмоқда, фарзанд улғаб ота-онасини роҳат-фароғатда яшашини таъминлаш ўрнига, ахлоқсиз порнографик муҳсулотлардан баҳраманд бўлиб, ишсиз иссиққина уйда дам олмоқда.

Хўш, шуми ўзбекнинг келажаги? Фикримизча, олдингига қараганда ҳозирда кучлироқ тарбия муҳитини яратмасак, кейинги 10 йилликда бизнинг шунча даврлардан буён Шарқ халқаларига тегишли бўлган алоҳида хислатларимиз йўқолиб кетиш хавфи бор. Биргина мисол, ok.ru сайтининг “BBC Uzbek” гуруппасига 192.390 ўзбекистонлик аъзо ҳисобланади, унинг хабар беришига кўра, ҳамма билган хонанда Муниса Ризаеванинг яқинда бўлиб ўтган Москвадаги концертида “Жасмина транс” номини олган, турли хил сайтларда “Жасмина Раҳимова” таҳаллуси билан каналларни бошқараётган асли ўзбекистонлик бўлган, мақсади интернет орқали мўмайгина пул топишни кўзлаб ҳаракат қилаётган

ушбу шахсни кўриш учун концертнинг илк кунда 500 ортик ўзбекистонлик ушбу концертга келган, хатто хонанда М.Ризаеванинг ўзи ҳам концертдаги зал тўлишига ушбу шахснинг сабабчи эканлигини таъкидлаган, энг ачинарлиси, ушбу шахснинг ҳаракатларига ушбу хонанданинг ўзи хайрихоҳлигини яширгани йўқ¹. Бундан ачинарлиси, иккиси ҳам ўзбек.

Мазкур сўзлар орқали кимнидир, ёмонлашдан ва кимгадир тўхмат қилишдан йироқ бўлган ҳолатда айтишимиз керакки, интернет олами орқали таралаётган ахборотлар натижасида ушбу “Жасмина транс” номини олган, интернет орқали ҳақоратомуз гапларини эшитиб, асли ўзбекистонликни бир кўриш иштиёқида, ўзича “демакратия” номини юқорига баралла кўтариб, интернет орқали келаётган вайронкор ғояларни ўзида қамраб олган ғоялар билан ўзбекистонликлар қуролланишмоқда. Масала шундаки, ота-онасининг аҳволи шундай бўлган одамларнинг фарзандлари, қандай бўлади? Қандай хулоса қилиш ҳар бир инсоннинг ўзига ҳавола, аммо шу ўринда айтиб ўтишимиз жоизки, бугунги кунда дунёда кибержиноятчилик, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий информацион таъсир ўтказиш каби халқаро хавфсизликка нисбатан илгари кўрилмаган хавф-хатарларнинг авж олаётганига етарли баҳо бермасдан, уларнинг олдини олмасдан, бепарво бўлиб яшаш мутлақо мумкин эмас². Шундай экан, қандай огоҳ бўлишимиз, қандай фарзандларимизга тарбия беришимиз, фарзандларимизга қандай ўрнатилган бўлишимиз ўз кулимизда.

Ҳуқуқий томондан олиб қарасак, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ва у асосида қабул қилинган қонун ҳужжатларига асосан, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлиги белгиланган.

Аммо, уларнинг қандай жавобгар бўлишлиги жиноят қонунчилигимизда аниқ белгиланмаган ва амалиётда турли хил

¹ <https://ok.ru/bbcuzbek/topic/67660701070753>.

² И.А.Каримов. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни катъият билан давом эттириш йўлида / Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан ватан ҳимоячиларига байрам табриги. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2013. Т.21. – 157-158 б.

моддалар билан жавобгарликка тортиш ЖКнинг 4, 10, 14, 16-моддаларига хилоф ҳисобланади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам ёшларга бўлган эътиборни янги кўринишга олиб келиш, мамлакатнинг келажагини мустаҳкам қилиш¹ мақсадида жиноят қонунчилигимизга болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш вақти етиб келди.

Майли, ўзича демакратия деб тараннум этаётган биз юқорида таъкидлаган шахслар билганларини қилишсин, аммо ўсиб келаётган ёш авлодга ўзининг зўмбиларча бўлган хулқ-атвори орқали таъсир кўрсатишмасин.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори² ижросини таъминлаш ҳамда жиноят қонунчилигимизда болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни тарқатилишининг олдини олиш мақсадида алоҳида қуйидаги таҳрирда жиноий жавобгарлик белгилашни тақлиф қиламиз.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг

¹ <https://www.youtube.com/watch?v=uuFgYjfd9mA>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.

Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар) қуйидаги мазмундаги 278⁷-модда билан тўлдирилсин:

“278⁷. Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни тарқатиш

Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни тарқатиш, яъни компьютерлар, радиочастота спектри, алоқа, телекоммуникациялар, электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ), уларнинг тизими, тармоғи, воситалари, иншоотлари, охириги (терминал) асбоб-ускуналар, тармоқлараро уланишлар, махсус вирусли дастурлар ва бошқа асбоб-ускуналар ва қурилмалардан фойдаланган ҳолда болаларнинг соғлиғига анча миқдорда зарар етказиш, —

Энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) кўпчилик учун хавfli бўлган усулда;
- б) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавfli бўлган усулда;
- в) безорилик оқибатида;
- г) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда;
- д) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;
- е) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;

ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ёки мансабдор шахс томонидан;

з) атрофдагилар учун хавфли усулда, —

ЭНГ кам ойлик иш ҳақининг юз баробаридан икки юз баробаригача жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилган ҳолда ёки (ва) уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилдан етти йилгача озодлоикдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

в) жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлса;

г) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;

д) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, —етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди.”.

Бунга ўхшаш жавобгарилкларлар Франция жиноят кодексининг

227²²-моддасида¹, Арманистон Ресубликаси жиноят кодексининг 279-моддасида², Тожикистон Республикаси жиноят кодексининг 208-моддасида³, Туркманистон Республикаси жиноят кодексининг

¹ Франция жиноят кодексининг 227-22-моддаси // <https://constitutions.ru/?p=5859>.

² Арманистон Ресубликаси жиноят кодексининг 279-моддаси // https://www.legislationline.org/download/action/download/id/8237/file/Armenia_CC_am2016_ru.pdf.

³ Тожикистон Республикаси жиноят кодексининг 208-моддаси // Ахбори Маджлиси Оли Республики Таджикистан 1998 г., №9, ст. 68, ст. 69, №22, ст. 306; 1999 г., №12, ст. 316; 2001 г., №4, ст. 149, ст. 167; 2002 г., №11, ст. 675, ст. 750; 2003 г., №8, ст. 456, ст. 468; 2004 г., №5, ст. 346, №7, ст. 452, ст. 453;

123-моддасида¹, Беларуссия Республикаси жиноят кодексининг 343¹-моддасида², Қозоғистон Республикаси жиноят кодексининг 137-моддасида³, Модова Республикаси жиноят кодексининг 104-моддасида⁴, Озорбойжон Республикаси жиноят кодексининг 170-2-3-, 171-171-1-2-3-моддаларида⁵, Руминия Республикаси жиноят кодексининг 238-моддасида⁶ мустаҳкамлаб кўйилган.

Маълумки, депутатларимиз томонидан “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилганида манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳам аҳолининг 1385 та таклифларини инобатаг олган ҳолда, Германия, Италия, Франция, Буюк Британия, Литванинг,

2005 г., №3, ст. 126, №7, ст. 399, №12, ст. 640; 2007 г., №7, ст. 665; 2008 г., №1, ч. 1, ст. 3, №6, ст. 444, ст. 447, №10, ст. 803, №12, ч. 1, ст. 986, №12, ч. 2, ст. 992; 2009 г., №3, ст. 80, №7-8, ст. 501; 2010 г., №3, ст. 155, №7, ст. 550; 2011 г., №3, ст. 161, №7-8, ст. 605; 2012 г., №4, ст. 258, №7, ст. 694; 2013 г., №6, ст. 403, ст. 404, №11, ст. 785, №12, ст. 881; 2014 г., №3, ст. 141, №7, ч. 1, ст. 385, ст. 386; 2015 г., №3, ст. 198, ст. 199, №11, ст. 949, №12, ч. 1, ст. 1107; 2016 г., №3, ст. 127, №5, ст. 355, ст. 356, №7, ст. 608, ст. 609, №11, ст. 874, №11, ст. 875; Законы РТ от 24.02.2017 г., №1379 от 24.02.2017 г., №1380.

¹ Туркманистон Республикаси жиноят кодексининг 123-моддаси. // Ведомости Меджлиса Туркменистана, 2010 г., №2, ст. 28, №4, ст. 72; 2011 г., №1, ст. 20, №3, ст. 55; 2012 г., №3, ст. 66; 2013 г., №4, ст. 77; 2014 г., №1, ст. 44, №2, ст. 77, №4, ст. 145; 2015 г., №1, ст. 9, №4, ст. 144; 2016 г., №2, ст. 98, №4, ст. 163; 2017 г., №1, ст. 29, №2, ст. 75, №3, ст. 106, №4, ст. 167; 2018 г., №2, ст. 35,

² Беларуссия Республикаси жиноят кодексининг 3431-моддаси // <http://xn----ctbcgviccvibf9bq8k.xn--90ais/>.

³ Қозоғистон Республикаси жиноят кодексининг 137-моддаси // Ведомости Парламента Республики Казахстан, 2014 г., № 13-I, 13-II, ст. 83; № 21, ст. 122; 2015 г., № 16, ст. 79; № 21-III, ст. 137; № 22-I, ст. 140; № 22-III, ст. 149; № 22-V, ст. 156; № 22-VI, ст. 159; 2016 г., № 7-II, ст. 55; № 8-II, ст. 67; № 12, ст. 87; № 23, ст. 118; № 24, ст. 126; 2017 г., № 8, ст. 16; № 9, ст. 21; № 14, ст. 50; № 16, ст. 56; № 22-III, ст. 109; № 23-III, ст. 111; № 24, ст. 115; 2018 г., № 1, ст. 2; № 14, ст. 44; № 15, ст. 46; № 16, ст. 56; № 23, ст. 88, 91; № 24, ст. 94; 2019 г., № 2, ст. 6.

⁴ Модова Республикаси жиноят кодексининг 104-моддаси. <http://lex.justice.md/ru/331268/>.

⁵ Озорбойжон Республикаси жиноят кодексининг 170-2-3-, 171-171-1-2-3-моддалари // http://continent-online.com/Document/?doc_id=30420353#pos=350;-42.

⁶ Руминия Республикаси жиноят кодексининг 238-моддаси // <http://ugolovnykodeks.ru/2011/11/ugolovnyj-kodeks-rumynii/>.

шунингдек АҚШ, Япония ва бошқа давлатларнинг шу соҳадаги тажрибаси ҳам эътиборга олинган ҳолда қабул қилиниши масаласи ижобий ҳал қилинган эди¹.

Шу жиҳатдан ҳам мазкур қонуннинг ижроси амалда тўлиқ ижро қилиниши зарурлигини инобатга олган ҳолда, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонундан келиб чиқиб, юқоридаги таклифлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Жиноят кодексида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш вақти етиб келди.

Юқорида тақдим этилган таклифларга қўшимча равишда “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддаси амалда тўлиқ ижро этилиши таъминлаш мақсадида “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12¹-моддасига мувофиқ веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайтлардан ва (ёки) саҳифаларидан фойдаланиш махсус ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан қуйидаги ҳолларда чекланиши мумкинлигидан фойдаланган ҳолда², Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифаларидан фойдаланишни чеклаш тартиби тўғрисида”ги низом³га асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий веб-

сайтидан: http://parliament.gov.uz/uz/events/chamber/22970/?sphrase_id=1731480.

² Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

³ Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи веб-сайтидан ва (ёки)

мурожаатлари бўйича олиб борилаётган ташкилий масалаларни янада кенгайтириш, бунда жисмоний ва юридик шахслар ҳар бир веб сайтдан фойдаланилаётганида, қуйида келтирилган болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотлар манбаиси (линк)ни тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича марказига юбориш бўйича тизим ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўларди. Биргина мисол Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигининг ўзида 2 млн.дан ортиқ мурожаатлар келиб тушган¹ бўлиб, уларнинг кўпчилик қисми, айнан қуйида келтирилган мазмундаги ахборотларни тарқатилишини бартараф қилиш бўйича бўлиб, улар то Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази томонидан кўриб чиқилгунига қадар бўлган муддатда қанчадан қанча болаларнинг соғлиғига зарар етказмоқда. Шунга кўра, таклифларимизни амалда ижро қилиш бўйича зарур ишлар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўларди:

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш;

уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш;

давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш;

веб-сайт саҳифаларидан фойдаланишни чеклаш тартиби тўғрисида”ги низом // Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 йил, 9-сон, 223-модда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги расмий веб сайидан: http://www.mitc.uz/uz/pages/reports_of_ministry.

миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзгатувчи, шунингдек, фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралаштишга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш;

гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

порнографияни тарғиб қилиш;

қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этиш.

Хўш, таклиф қай тариқа амалга оширилади?

Ҳар бир фойдаланувчи ҳар қандай веб-сайтга кирган вақтида юқорида кўрсатилган тақиқланган маълумотларни кўрса, худди барча сайтларда мавжуд бўлган хато камчиликларни кўрсангиз компьютер орқали бўлса Ctrl+alt+enter кетма-кетлиги ёрдамида ёки шунга ўхшаш кетма-кетлик орқали веб-сайт манбаси-линкини фойдаланувчи Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича марказининг веб-сайтига тўғридан-тўғри хабар берадиган тизим ишлаб чиқилиши керак, шунингдек, бунда ахборот юборган шахснинг шахсига тегишли маълумотлар сир сақланишлиги ҳамда бу жавобгарликни аниқлаштирилишида аҳамиятсиз эканлиги белгилаб қўйилиши лозим. Чунки, агарда биз бундай қонидани киритмасак, истаган фойдаланувчи ўзи кўриб турган, зарарли ахборот ҳақида тегишли органларга хабар беришдан ўзларини соқит қилишга ҳаракат қиладилар, натижада, ҳозирги муаммолар ҳозирга ҳолатда қолиб кетаверади.

Шу сабабли ҳам лоқайдларни ҳам огоҳликка чақириш бўйич юқорида келтирилган таклиф ҳам қулай, ҳам фойдаланувчиларнинг шахсий дахлсизлиги кафолатидир.

Юқоридаги ҳолатни мактаб ўқувчилари мисолида кўриб ўтсак, ҳозирда республикамизда 9 691 та мактаб бўлиб, унинг 5 821.861 нафар ўқувчиси бор¹лигини инобатга олсак ва юқорида ўз вақтида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотлар ҳақида

¹ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий веб сайтидан: <https://www.uzedu.uz/Xtv/BarchasiPage/67?tp=86>.

ваколатли органларни хабар қилмаслик натижасида 6 млн. га яқин болаларнинг тарбиясида зарарли ғоявий бўшлиқлар пайдо бўлишлигини ҳамда 2019 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг сони 33375,8 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан буён 120,3 минг кишига ёки 0,4% га кўпайган¹лигини инобатга олсак, мамлакат аҳолисининг салкам олтидан бир қисми зарарли ахборот натижасида, болаларнинг мияси захарланишлигига ҳамда улар ўз навбатида бошқа шахсларга ҳам таъсир кўрсатиши мумкинлигига яна бир бор амин бўлишимиз қийин эмас.

Юқоридаги мисол, биргина мактаб ўқувчисининг зарарли ахборотдан қурбони бўлишлигига оид бўлиб, агарда ёши юқори бўлган аҳоли қатламли орасида юқоридаги кузатувларимизни амалга оширсак, деярли бутун бир аҳоли зарарли ахборот қурбони бўлиш хавфи йўқ эмаслигига яна бир бор гувоҳ бўламиз.

Маълумки, ҳозирги кунга қадар тарқатилиши чекланган ахборотлар тоифаси белгиланган ҳолда, қандай ахборотлар, мисол учун фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи ахборотларга қандай ахборотлар киритилиши бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилмаган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифаси орқали тарқатилаётган ахборотларнинг тоифаси маълум бир мезонларга кўра ажратилиши ҳамда ушбу мезонлар аниқ белгилаб қўйилиши, шунингдек, судлар ва ўзга шахслар ушбу ахборотдан далил сифатида фойдалана олишлари учун Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-П-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда) 12¹-моддасидаги тоифаланган тарқатилиши чекланган ахборотлар келиб чиқишига кўра маълум бир мезонларга ажратилиши зарур.

Шунга кўра, ушбу қонуннинг 12¹-моддасида кўрсатилган Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини,

¹ <https://uztag.info/uz/news/zbekiston-a-olisining-soni-120-mingdan-ziyedga-k-paydi>.

худудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш, давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи, шунингдек фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл кўювчи ахборотни тарқатиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш, порнографияни тарғиб қилиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этишга оид ахборотлар мазкур тоифага киришлари учун маълум бир шартлар ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясига асосан¹, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмлари жорий этилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон худудида бола ҳуқуқлари генезиси, эволюцияси ва унинг истиқболлари хусусида тадқиқот олиб борган Д.Каримова болаларнинг соғлиғи ва руҳиятига зарар етказувчи ахборотларнинг манбалари ўрганилиб, бундай ахборотларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унинг кўринишлари классификация қилган ва болалар учун ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида жаҳон тажрибаси ўрганилиб, амалий аҳамиятга молик тавсиялар ишлаб чиққан².

Ҳақиқатан ҳам, келажагимиз мевалари бўлган болаларнинг соғлиғига ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай ахборот квалификацияланиши ва унинг нечоғлик бола онгига таъсир кўрсатиши ҳар бир оилада инobatга олинган ҳолда, фарзанд тарбияси амалга оширилиши керак.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон.

² Д.Каримова. Ўзбекистон худудида бола ҳуқуқлари генезиси, эволюцияси ва унинг истиқболлари. 12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи докторлик диссертацияси автореферати. – Т.: 2017. –17-18 б.

Умуман олганда, хулоса ўрнида айтишимиз керакки, болаларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборотлар хилма-хил бўлиб, уларнинг қанчалик даражада салбий таъсир кўрсатиши ота-оналаримиз томонидан назоратга олинishi жуда муҳим аҳамиятга эги. Фикримизча, ҳозирги пайтга мамлакатимизда никоҳдан ажратиш, вояга етмаганлар жиноятчилиги ва ишсизликнинг кўпайиб боришига бевосита ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг бола тарбиясида ўз вақтида нотўғри ўрин тутиши оқибатида вужудга келмоқда.

Тўғри, ҳозирда ҳамма болаларда, алоқа воситаси бўлмаслиги мумкин, аммо ҳамманинг уйда телевидениядан фойдаланиш имконияти мавжуд, ундан олинаётган ҳар хил боланинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлар бора-бора боланинг онгини емириб бориши оқибатида, боланинг, шу жумладан барчанинг ўз муҳити шаклланиб бормоқда. Ушбу муҳитнинг қанчалик даражада соғлом бўлишлиги эса сиз-у бизга боғлиқ.

“Болалар соғлиғини ҳимоялаш ва уларнинг ўсишини таъминлаш ҳақида”ги 1990 йил 30 сентябрда қабул қилинган Умумжаҳон Декларациянинг 18-моддасида “Жамиятнинг барча муассасалари, ота-она ва бошқа васийларнинг болаларини оила шароитида боқиш ва уларга ғамхурлик кўрсатиш билан боғлиқ бўлган уринишларни ҳурмат қилишлари ва қўллаб-қувватлашлари зарур”, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25-моддасида “ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлик ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, кассалик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга”, – деб кўрсатилган¹.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. Муаллифлар жамоаси: А.Х.Саидов (Кириш сўзи, биринчи боб); М.Т. Турғунов (иккинчи ва олтинчи боб, параграф 6.4. Фазилов О.); А.А.Матчанов (еттинчи ва ўнинчи боб); Ш.Ф.Ғойибназаров (бешинчи боб, параграф 5.4. Т.Т.Саидов); Л.Ф.Исхакова (учинчи боб ва тўртинчи боб У.Ш.Нурбоев билан ҳаммуаллифликда); А.Т.Ниёзов (саккизинчи боб); У.Т.Таджибаев (тўққизинчи боб); А.А.Саидов (ўн биринчи

Зўш, бундай зарур саломатлик қай тариқа амалга ошади, аввало, соғлом турмуш турзи орқали, бундай шароит яратиб бериш эса, ҳар бир ота-онанинг бурчидир. Ҳар бир ота-она ўзининг ота-онадек номга эга эканлигини унутмаслиги ҳам қарз ҳам фарздир. Зеро, келажак, улар тарбия қилаётган фарзандларникидир.

боб); И.Т. Турғунов (ўн иккинчи боб). Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор А.Х. Саидов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2012. – 25 б.

Хулоса

Мамлакатимизда хавфсиз кибермаконни яратиш бўйича монографияда таъкидланган ижобий ишларнинг давоми сифатида айтишимиз керакки, мазкур ишлар фақатгина халқ манфаати учун амалга оширилмоқда. Халқимизнинг хавфсиз кибермаконда яшаши ва ўзларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини тўла рўёбга чиқариш учун ҳозирги кунда ислохотлар янада жадаллашмоқда. Биргина мисол, Ахборот ва аоммавий коммуникациялар агентлигининг 2019 йил 2 июлдаги 14/2-2187-сон хатига асосан, жорий 2019 йилнинг 1 январь кунидан бошлаб 26 июнь кунига қадар агентлик томонидан “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун асосида ўтказилган мониторингда болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи 815 та ҳолат аниқланган, бу кўрсаткич эса ўтган 2018 йилда 897 та ташкил этган ҳолда, бу борадаги ислохотлар ва амалий натижалар янада юқориламоқда.

Умуман олганда, хавфсиз кибермаконни яратишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг ўрни қандай? Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва аоммавий коммуникациялар агентлигининг 2019 йил 2 июлдаги 14/2-2187-сон хатига асосан, ахборот хавсизлиги ва киберхавфсизлик фарқланади ҳамда ахборот хавфсизлигининг мақсади барча йўналишларда ахборотни конфидициаллик, яхлитлик ва фойдалана олишлик ҳолатини таъминлашдан иборат. Ўз навбатида киберхавфсизлик бу фақат кибермаконда хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган стратегиялар, хавфсизликни таъминлаш тамойиллари ва кафолатлари ҳамда инсон ресурслари орқали амалга ошириладиган чора-тадбирлар ва воситалар мажмуидир. Ҳақиқатан халқаро амалиётга назар ташласак, киберхавфсизликни таъминлаш орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Маълумки, чора-тадбирлар ўз-ўзидан амалга ошмайди, унинг учун аввало, мақсад бўлиши, мақсадни амалга ошириш учун аниқ вазифалар бўлиши ҳамда вазифаларни амалга ошириш учун эса аниқ режа бўлиши ҳамда ушбу режани амалга ошириш учун эса, барча давлат органларидан ташқари, халқимизнинг ҳам амалий ёрдами керак бўлади. Халқимиздан талаб қилинадиган амалий ёрдам, фақатгина ўзаларининг мулки бўлган ахборот

технологиялари ва коммуникацияларини асраш ва муҳофаза қилиш бўйича аниқ вазифаларни амалга оширишдир. Агарда ҳар ким ўзининг мулкани асрашнинг самарали йўлларида фойдаланса, мамлакатимиз ҳам хавфсиз кибермакон яратилган давлатлар рейтингида юқори ўринларга табиий равишда кўтарилар эди. Бунинг учун эса, нима қилиш керак, буни йўли осон, ҳар бир ахборот технологияси ва коммуникацияларининг хавфсизлигини сақлаш бўйича ҳозирда Интернет жаҳон ахборот тармоғида маълумотлар жойлаштирилган, биргина мисол, Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг 2019 йил 13 июндаги А-700-17-сонли жавоб хатига асосан, Ўзбекистон Республикасининг O'z Dst ISO/IEC 27 000 серияли стандартлари яратилган бўлиб, бу ҳақда stt.uz сайтига кириш орқали маълумот олиш мумкин, шунингдек, мазкур инспекциянинг 2019 йил 24 июндаги А700/1-17-сонли хатига асосан, ҳозирда Республикамиз фойдаланувчиларнинг миллий Интернет сегментидаги ахборот хавфсизлигидаги хавфлар даражасини тушириш мақсадида UZCERT–Ахборот хавфсизлиги инцидентларига чора кўриш хизмати жорий этилган ва мамлакатимизда киберхавфсизлик бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида мазкур хизматнинг расмий веб-сайти (<https://uzcert.uz/>) олиш мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган техник кўрсатмаларни жуда кўплаб топсак бўлади, аммо барча ҳаракатларимизга қарамасдан киберхужум натижасида мулкимиз яроқсиз аҳволга келиб қолди, ушбу ҳолатда айбдор шахсларнинг жавобгарлиги қандай бўлади деган масала ҳозирги кунга қадар очиқ қолмоқда?

Шу сабабдан ҳам мазкур монографиянинг ҳар бир параграфида муаллиф томонидан ҳар бир кибержиноятчиликнинг турлари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари хусусида аниқ фактлар келтирилган ҳолда, ушбу муаммоли ҳолатларни ҳуқуқий томондан ечиш учун асосли таклифлар тақдим этилган.

Мазкур таклифларнинг барчаси киберхавфсизликни таъминлаш бўйича зарур ишларни амалга оширишга ваколатли давлат органларига юборилган бўлиб, ушбу таклифлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳозирги кунда Ўзбекистон

Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идоралараро комиссияси томонидан жиноят ва жиноят процессуал кодексининг янги таҳрири ишлаб чиқилмоқда.

Мазкур комиссиянинг ишчи гуруҳида муаллиф жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигимизда кибержиноятчилик ва унга қарши курашишнинг муаммолари ҳамда киберхавфсизликни таъминлаш истиқболлари бўйича ўзининг таклифлари билан иштирок этмоқда.

Мамлакатимизда хавфсиз кибермаконни яратиш учун стратегия, давлат дастури, концепция, йўл-харитаси, алоҳида қонун, жиний жавобгарлик, халқаро ҳамкорликни янада жадаллаштириш мақсадида киберхавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро ҳужжатларга, жумладан Будапешт конвенциясига қўшилиш, қонунчилигимизда кибермакон, киберхавфсизлик, кибержиноятчилик, киберҳужум, кибертерроризм, киберзўравонлик, киберэкстремизм, кибержиноятчи, кибертеррорист, кибергуруҳ, кибермолиялаштириш, киберстратегия, кибердастур каби тушунчаларнинг моҳияти белгилаб қўйилишини таклиф этган ҳолда, мамлакатимизда хавфсиз кибермаконни яратишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилиб, уни амалда тўлиқ ижро қилиш бўйича аниқ чоралар амалга оширилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин, юқорида кўрсатилган топшириқларни ҳам амалга оширдик дейлик, бу бизга нима беради? Халқимизга унинг нима нафи бор?

Мазкур саволга оддийгина қилиб жавоб беришимиз учун таримизда ўзимиз гувоҳ бўлган битта ҳолатни кўриб ўтайлик. Чет эллик инвестор Ўзбекистонга инвестиция киритиш учун олдин, нима қилади, аввало Ўзбекистоннинг қонунчилигини ўрганади ва ушбу қонунчиликнинг ўзига фойдали ҳамда зарар жихатларини таққослайди. Манфаатли бўлса, инвестиция киритади. Киберхавфсизлик ҳам шундай, кибержиноятчи Ўзбекистонга киберҳужум қилиш учун олдин, мамлакат ахборот технологияси ва коммуникациясининг техник томондан хавфсизлигини текширганидан кейин, ўзи томонидан режалаштирилган ижтимоий хавфли қилмишни амалга ошириш натижасида жавобгарлик бу мамлакатнинг қонунчилигида белгиланган ёки белгиланмаганлигини, агарда белгиланган бўлса, унинг қай тариқа белгиланганлигини кўриб, ҳамма томонлама фойда кўрса, ўзининг

манфур қилмишини Ўзбекистонда амалга ошириш учун уриниб кўради. Биргина мисол, жиноятчиликка қарши тизимли асосда олиб борилаётган ишлар натижасида Ўзбекистонда 2018 йилда 3 минг 205 та маҳаллада биронта ҳам жиноят содир этилмади¹. Коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган тизимли ишлар натижасида Transparency International компаниясининг маълумотларига кўра, 180 та мамлакат ичида Ўзбекистон 2018 йилда 158 ўринни эгаллаган². Жиноятчиликка қарши тизимли асосда курашиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасинг 2019 йил 13 майдаги 01/1-01-19-504-сонли хатига асосан, биргина, 2016 йилда ЖКнинг 168-моддасига кўра, 10.236 та жиноят иши қўзғатилган бўлса, бу рақамлар 2019 йилнинг биринчи чорагида 708 тани ташкил этган, 1992 йилда ЖКнинг 169-моддасига кўра, 23.853 та жиноят иши қўзғатилган бўлса, бу 2019 йилнинг биринчи чорагида 831 тани ташкил қилмоқда, 1994 йилда ЖКнинг 103-моддасига асосан, 137 та жиноят иши қўзғатилган, 2018-2019 йилларда эса, мазкур жиноят кодексининг моддаси бўйича биронта жиноят иши қўзғатилмаган.

Хулоса ўрнида айтишимиз керакки, одамлар тинч яшаши учун бутун мамлакатимизда жиноятдан холи муҳит яратишимиз шарт³. Бунинг эса, ҳар биримиз ҳаракат қилишимиз, огоҳ бўлишимиз, атрофда бўлаётган жараёнларда бир-биримизга нисбатан ўзаро масъулият ҳиссини туйган ҳолда, буни ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимиз ва ишимизни шу асосда ташкил этишимиз шарт.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтидан: <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.

² <https://gtmarket.ru/ratings/corruption-perceptions-index/info>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтидан: <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Расмий манбалар

1. И.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан ватан ҳимоячиларига байрам табриги. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2013. Т.21. – 157-158 б.
2. И.А.Каримов. Юксак маънавият–енгилмас куч. – Т.: Маънавият. 2008. – 83 б.
3. И.А.Каримов. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида / Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан ватан ҳимоячиларига байрам табриги. –Т.: “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2013. Т.21. –157-158 б.
4. Ш.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 13 б.
5. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. 10, 13 ва 15-б.
6. Ш.М. Мирзиёев. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2018 йил 8 декабрь.
7. Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтидан: <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтидан: <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги 1060-ХП-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-

модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-

моддалар, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар.

4. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда.

5. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги 822-І-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 4, 157-модда; 2007 йил, № 9, 414-модда; 2011 йил, № 12/2, 366-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги 160-

II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-342-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 333-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар).

7. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги 167-II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 15-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 439-II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 2-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

10. “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 12-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 439-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 16 декабрдаги ЎРҚ–309-сон “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг терроризмга қарши конвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш тўғрисида”ги Қонуни // “Халқ сўзи”, 2011 йил 17 декабрь / “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2011 йил, 50-сон, 511-модда.

12. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 18-сон, 201-модда.

13. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 1-сон, 2-модда.

14. “Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонун // –Т.: “Халқ сўзи” газетасининг 2017 йил 14 июндаги 117 (6811)-сони, 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ–436-сон. 11-модда.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 17 ноябрдаги 2120-III-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисида”ги қарори.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 йил, 03/18/471/1022-сон.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5185-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 37-сон, 979-модда.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5349-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.02.2018 й., 06/18/5349/0792-сон.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Идоралараро коллегияларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 августдаги ПФ–5527-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2018 йил, 06/18/5527/1802-сон.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувиغا рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5598-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2018 йил, 06/18/5598/2313-сон.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 2 февралдаги ПҚ–2752-сон Қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 5-сон, 62-модда.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ–2883-сон Қарорига 1-илова қилинган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 15-сон, 247-модда.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ–3416-сон қарорига 3-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тўғрисида”ги низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.11.2017 йил, 07/17/3416/0338-сон.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2018 й., 07/18/3666/1073-сон, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ–3962-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.10.2018 й., 07/18/3962/2004-сон.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4024-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисида”ги Низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2018 й., 07/18/4024/2200-сон.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда Шарда университетини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 10 апрелдаги ПҚ–4278-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.04.2019 й., 07/19/4278/2920-сон.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 23 апрелдаги ПҚ–4297-сон қарори // ҚХММБ, 24.04.2019 й., 07/19/4297/3002-сон.

31. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида” 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 3-сон, 17-модда.

32. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 ноябрдаги 555-сон қарорига 2-илова билан тасдиқланган “Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 47-сон, 486-модда.

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 28 июндаги 132-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 25-26-сон, 265-модда;

34. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар маҳкамасининг ижро этувчи аппаратида, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона ҳимояланган электрон почтани ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2011 йил 4

майдаги 126-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 18-сон, 181-модда.

35. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги “Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 228-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 32-33-сон, 336-модда.

36. Вазирлар Маҳкамасининг “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 19 июндаги 175-сон қарори. // (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 25-сон, 273-модда; 2017 й., 37-сон, 996-модда, 38-сон, 1040-модда.

37. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 декабрдаги 1038-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисида”ги Низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2018 йил, 09/18/1038/0508-сон.

38. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисида”ги Низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.05.2018 йил, 09/18/318/1108-сон.

39. Вазирлар Маҳкамасининг “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини амалга ошириш бўйича босқичма-босқич чора-тадбирлар ва ягона технологик ёндашувни ташкил қилиш тўғрисида” 2018 йил 7 майдаги 343-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2018 йил, 09/18/343/1203-сон.

40. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахслар ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.09.2018 й., 09/18/725/1874-сон; 31.12.2018 й., 09/18/1066/2428-сон.

41. Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари

миллий базаси, 23.10.2018 й., 09/18/841/2081-сон, 04.06.2019 й., 09/19/457/3235-сон, 28.06.2019 й., 09/19/532/3344-сон.

42. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги 622-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг виртуал маконда иштирокини фаоллаштириш Концепцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 09/18/622/1637-сон.

43. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифаларидан фойдаланишни чеклаш тартиби тўғрисида”ги низом // Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 йил, 9-сон, 223-модда.

44. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида”ги низом // Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 42-модда.

45. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 апрелдаги 284-сон “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишининг ягона электрон тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.04.2019 й., 09/19/284/2911-сон.

46. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2013 йил 28 ноябрдаги 62-мх, 52 ва 109-сон қарори (рўйхат рақами 2541, 2013 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 701-модда) билан тасдиқланган Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги низом. (рўй.: 2541, 26.12.2013 й.). // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 701-модда; 2016 й., 18-сон, 206-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.03.2018 й., 10/18/2541-2/0886-сон.

47. Маълумотлар узатиш тармоғи, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш қоидалари (2018 йил 10 июль, рўйхат рақами 3038) // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.07.2018 й., 10/18/3038/1490-сон.

48. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 20-сон “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори.

III. Халқаро ва хорижий ҳужжатлар

1. Convention on cybercrime. Budapest, 23.XI.2001.
http://www.europarl.europa.eu/meetdocs/2014_2019/documents/libe/dv/7_conv_budapest/7_conv_budapest_en.pdf.

2. Беларуссия жиноят кодекси. <http://xn----ctbcgfviccvibf9bq8k.xn--90ais/>.

3. Уголовный кодекс Дании.
<https://www.retsinformation.dk/Forms/R0710.aspx?id=152827#Kap28>.

4. Уголовный кодекс Германии с изменениями от 28 декабря 2003 года. <http://lexetius.com/StGB/263a>.

5. Уголовный кодекс Эстонии.
<http://www.hot.ee/almanach/kriminaalseadustik.html>.

6. Уголовный кодекс Италии.
<http://www.altalex.com/?idnot=36653>.

7. Уголовный кодекс Китайской Народной Республики.
<http://constitutions.ru/archives/403>.

8. Уголовный кодекс Нидерландов.
http://wetten.overheid.nl/BWBR0001854/TweedeBoek/TitelV/Artikel138ab/geldigheidsdatum_29-09-2013.

9. Польша Республикаси Жиноят кодексидан // <http://law.edu.ru/norm/norm.asp?normID=1246817>.

10. Уголовный кодекс Украины // <http://zakon1.rada.gov.ua/cgi-bin/laws/main.cgi?nreg=2341-14&p=1214905443606898>.

11. Уголовный кодекс Республики Корея // <http://www.crime.vl.ru/index.php?p=1324&more=1>.

12. Уголовный кодекс Испании // http://noticias.juridicas.com/base_datos/Penal/lo10-1995.12t13.html#a278.

13. Уголовный кодекс Финляндии // <http://www.finlex.fi/en/la/ki/kaannokset/1889/en18890039.pdf>.

14. Уголовный кодекс Швейцарии // <http://law.edu.ru/norm/norm.asp?normID=1241950&subID=100098712,100098714,100098872,100099140,100099172#text>.

15. Уголовный кодекс Австрии // <http://www.gesetze-im-internet.de/stgb/>.

16. Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-III // Закон Украины от 18 сентября 2019 года № 101-IX «О внесении изменений в Уголовный кодекс Украины и Уголовно-процессуальный кодекс Украины относительно уменьшения давления на бизнес». http://continent-online.com/Document/?doc_id=30418109&doc_id2=33038103&show_di2=1#sub_id=1007115675&sel_link=1007115675.

17. Уголовный кодекс Грузии // https://www.legislationline.org/download/id/8250/file/Georgia_CC_1999_am2019_ru.pdf.

18. Уголовный Кодекс Кыргызской Республики // https://www.legislationline.org/download/id/8264/file/Kyrgyzstan_CC_2016_am2019_ru.pdf.

19. Уголовный кодекс Республики Беларусь от 9 июля 1999 г. № 275-3. <http://xn----ctbcgfviccvibf9bq8k.xn--90ais/>.

20. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики (Утвержден Законом Азербайджанской Республики от 30 декабря 1999 г. № 787-IQ) (Вступил в силу с 1 сентября 2000 года согласно Закону Азербайджанской Республики от 26 мая 2000 г. № 886-IQ // [https://www.legislationline.org/download/id/8305/file/Azerbaijan Criminal Code am 2018 ru.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8305/file/Azerbaijan_Criminal_Code_am_2018_ru.pdf)).

21. Уголовный Кодекс Кыргызской Республики // https://www.legislationline.org/download/id/8264/file/Kyrgyzstan_CC_2016_am2019_ru.pdf.

22. Уголовный Кодекс Республики Беларусь от 9 июля 1999 г. № 275-3 // Закон Республики Беларусь от 9 января 2019 г. № 171-З (Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь, 18.01.2019, 2/2609) // https://www.legislationline.org/download/id/8314/file/Belarus_CC_1999_am2019_ru.pdf.

23. Уголовный кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года (Ведомости Парламента Республики Казахстан, 2014 г., № 13-I, 13-II, ст. 83; № 21, ст. 122; 2015 г., № 16, ст. 79; № 21-III, ст. 137; № 22-I, ст. 140; № 22-III, ст. 149; № 22-V, ст. 156; № 22-VI, ст. 159; 2016 г., № 7-II, ст. 55; № 8-II, ст. 67; № 12, ст. 87; № 23, ст. 118; № 24, ст. 126; 2017 г., № 8, ст. 16; № 9, ст. 21; № 14, ст. 50; № 16, ст. 56; № 22-III, ст. 109; № 23-III, ст. 111; № 24, ст. 115; 2018 г., № 1, ст. 2; № 14, ст. 44; № 15, ст. 46; № 16, ст. 56; № 23, ст. 88, 91; № 24, ст. 94; 2019 г., № 2, ст. 6; № 7, ст. 36; № 8, ст. 45. Источник: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=33499976#pos=50;-50.

24. Уголовный Кодекс Республики Молдова // https://www.legislationline.org/download/id/8276/file/Moldova_CC_2002_am2018_ru.pdf.

25. Уголовный кодекс Сингапура. Источник: [http://ru.knowledgr.com/03504979/%D0%A3%D0%B3%D0%BE%D0%BB%D0%BE%D0%B2%D0%BD%D1%8B%D0%B9%D0%9A%D0%BE%D0%B4%D0%B5%D0%BA%D1%81\(%D0%A1%D0%B8%D0%BD%D0%B3%D0%B0%D0%BF%D1%83%D1%80\)](http://ru.knowledgr.com/03504979/%D0%A3%D0%B3%D0%BE%D0%BB%D0%BE%D0%B2%D0%BD%D1%8B%D0%B9%D0%9A%D0%BE%D0%B4%D0%B5%D0%BA%D1%81(%D0%A1%D0%B8%D0%BD%D0%B3%D0%B0%D0%BF%D1%83%D1%80)).

26. Уголовный кодекс Республики Эстония // https://www.legislationline.org/download/id/6462/file/Estonia_CC_as_of_2002_ru.pdf.

27. Россия Федерацияси жиноят кодекси. (Уголовный кодекс Российской Федерации) <https://ppt.ru/kodeks.phtml?kodeks=20>.

28. Германия Федератив Республикаси жиноят кодекси. (Уголовный кодекс ФРГ) <https://constitutions.ru/?p=5854>

29. Люксембург жиноят кодекси. (Уголовный кодекс Великого Герцогства Люксембурга) // <http://legilux.public.lu/eli/etat/légicode/penal/20181101>.

30. Белеруссия жиноят кодекси. <http://xn----ctbcgfviccvibf9bq8k.xn--90ais/>.

31. Уголовный кодекс Дании // <https://www.retsinformation.dk/Forms/R0710.aspx?id=152827#Kap28>.

32. Уголовный кодекс Германии с изменениями от 28 декабря 2003 года. <http://lexetius.com/StGB/263a>.

33. Уголовный кодекс Эстонии // <http://www.hot.ee/almanach/kriminaalseadustik.html>.

34. Уголовный кодекс Италии // <http://www.altalex.com/?idnot=36653>.

35. Уголовный кодекс Китайской Народной Республики. <http://constitutions.ru/archives/403>.

36. Уголовный кодекс Нидерландов. http://wetten.overheid.nl/BWBR0001854/TweedeBoek/TitelV/Artikel138ab/geldigheidsdatum_29-09-2013.

37. Польша Республикаси Жиноят кодексидан: <http://law.edu.ru/norm/norm.asp?normID=1246817>.

38. Уголовный кодекс Украины // <http://zakon1.rada.gov.ua/cgi-bin/laws/main.cgi?nreg=2341-14&p=1214905443606898>.

39. Уголовный кодекс Республики Корея. <http://www.crime.vl.ru/index.php?p=1324&more=1>.

40. Уголовный кодекс Испании // http://noticias.juridicas.com/base_datos/Penal/lo10-1995.l2t13.html#a278.
41. Уголовный кодекс Финляндии // <http://www.finlex.fi/en/laki/kaannokset/1889/en18890039.pdf>.
42. Уголовный кодекс Швейцарии // <http://law.edu.ru/norm/norm.asp?normID=1241950&subID=100098712,100098714,100098872,100099140,100099172#text>.
43. Уголовный кодекс Австрии // <http://www.gesetze-im-internet.de/stgb/>.
44. Арманистон жиноят кодекси // <https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/ru/am/am012ru.pdf>.
45. Грузия Жиноят кодекси. <https://matsne.gov.ge/ka/document/download/16426/143/ru/pdf>.
46. Франция Жиноят кодекси. <https://constitutions.ru/?p=5859>.
47. Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-III (с изменениями и дополнениями по состоянию на 25.04.2019 г. //Опубликован: «Ведомости Верховной Рады Украины» от 29.06.2001 г. № 25-26. – 256 с.
48. Указ Президента України №96/2016 «Про рішення Ради національної безпеки і оборони України від 27 січня 2016 року «Про Стратегію кібербезпеки України» // <https://www.president.gov.ua/documents/962016-19836>.
49. Inter national strategy for cyberspace. May 2011. // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/international_strategy_for_cyberspace_US.pdf.
50. 2014–2017 Cyber Security Strategy https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Estonia_Cyber_security_Strategy.pdf. // <https://constitutions.ru/?p=11234>.
51. Government of the Republic of Lithuania Resolution no 796 of 29 June 2011 on the approval of the programme for the development of electronic information security (cyber-security) for 2011–2019 // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Lithuania_Cyber_Security_Strategy.pdf/.
52. Estrategia de Ciberseguridad Nacional // <https://www.dsn.gob.es/es/estrategias-publicaciones/estrategias/estrategia-ciberseguridad-nacional>.

53. Cyber Security Strategy for Germany // <https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Germancybersecuritystrategy20111.pdf>.
54. National Strategy for Information Security in the Slovak Republic // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Slovakia_National_Strategy_for_ISEC.pdf.
55. Information Security Strategy for Protecting the Nation May 11, 2010 Information Security Policy Council. // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/New_Strategy_English_Japan.pdf.
56. National strategy for Switzerland's protection against cyber risks 19 June 2012. // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Switzerlands_Cyber_Security_strategy.pdf.
57. Cyber Security Strategy for Norway // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Norway_Cyber_Security_StrategyNO.pdf.
58. https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/India_Cyber_Security_Strategy.pdf
59. https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/India_Cyber_Security_Strategy.pdf.
60. Cyber Security Strategy. // <https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/AGCyberSecurityStrategyforwebsite.pdf>.
61. Government Gazette Staatskoerant Republic of South Africa. // <https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/southafricanncss.pdf>.
62. Canada's Cyber Security Strategy For a stronger and more prosperous Canada. // <https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/canadaNCSS.pdf>.
63. Finland's Cybe security Strategy. // <https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/FinlandsCyberSecurityStrategy.pdf>.
64. National ICT Security Strategy Austria. // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Austria_Cyber_Security_strategy.pdf.
65. Strategia de securitate cibernetică a României. // <https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/roncss.pdf>.

66. Rządowy program ochrony cyberprzestrzeni Rzeczypospolitej polskiej na lata 2011-2016. // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Poland_Cyber_Security_Strategy.pdf.

67. French national digital security strategy. // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/France_Cyber_Security_Strategy.pdf.

68. National cyber security strategy of the Czech Republic for the period from 2015 to 2020. // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/CzechRepublic_Cyber_Security_Strategy.pdf.

69. The National Cyber Security Strategy. // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Netherlands_Cyber_Security_strategy.pdf.

70. National cybersecurity strategy II. // https://www.enisa.europa.eu/topics/national-cyber-security-strategies/ncss-map/Luxembourg_Cyber_Security_strategy.pdf.

71. Франция жиноят кодексининг 22722-моддаси // <https://constitutions.ru/?p=5859>.

72. Арманистон Ресбликаси жиноят кодексининг 279-моддаси // https://www.legislationline.org/download/action/download/id/8237/file/Armenia_CC_am2016_ru.pdf.

73. Тожикистон Республикаси жиноят кодексининг 208-моддаси // Ахбори Маджлиси Оли Республикаси Таджикистан 1998 г., №9, ст. 68, ст. 69, №22, ст. 306; 1999 г., №12, ст. 316; 2001 г., №4, ст. 149, ст. 167; 2002 г., №11, ст. 675, ст. 750; 2003 г., №8, ст. 456, ст. 468; 2004 г., №5, ст. 346, №7, ст. 452, ст. 453; 2005 г., №3, ст. 126, №7, ст. 399, №12, ст. 640; 2007 г., №7, ст. 665; 2008 г., №1, ч. 1, ст. 3, №6, ст. 444, ст. 447, №10, ст. 803, №12, ч. 1, ст. 986, №12, ч. 2, ст. 992; 2009 г., №3, ст. 80, №7-8, ст. 501; 2010 г., №3, ст. 155, №7, ст. 550; 2011 г., №3, ст. 161, №7-8, ст. 605; 2012 г., №4, ст. 258, №7, ст. 694; 2013 г., №6, ст. 403, ст. 404, №11, ст. 785, №12, ст. 881; 2014 г., №3, ст. 141, №7, ч. 1, ст. 385, ст. 386; 2015 г., №3, ст. 198, ст. 199, №11, ст. 949, №12, ч. 1, ст. 1107; 2016 г., №3, ст. 127, №5, ст. 355, ст. 356, №7, ст. 608, ст. 609, №11, ст. 874, №11, ст. 875; Законы РТ от 24.02.2017 г., №1379 от 24.02.2017 г., №1380.

74. Туркманистон Республикаси жиноят кодексининг 123-моддаси. // Ведомости Меджлиса Туркменистана, 2010 г., №2, ст.

28, №4, ст. 72; 2011 г., №1, ст. 20, №3, ст. 55; 2012 г., №3, ст. 66; 2013 г., №4, ст. 77; 2014 г., №1, ст. 44, №2, ст. 77, №4, ст. 145; 2015 г., №1, ст. 9, №4, ст. 144; 2016 г., №2, ст. 98, №4, ст. 163; 2017 г., №1, ст. 29, №2, ст. 75, №3, ст. 106, №4, ст. 167; 2018 г., №2, ст. 35,

75. Беларусь Республикаси жиноят кодексининг 3431-моддаси // <http://xn----ctbcgfvicevibf9bq8k.xn--90ais/>.

76. Қозоғистон Республикаси жиноят кодексининг 137-моддаси // Ведомости Парламента Республики Казахстан, 2014 г., № 13-I, 13-II, ст. 83; № 21, ст. 122; 2015 г., № 16, ст. 79; № 21-III, ст. 137; № 22-I, ст. 140; № 22-III, ст. 149; № 22-V, ст. 156; № 22-VI, ст. 159; 2016 г., № 7-II, ст. 55; № 8-II, ст. 67; № 12, ст. 87; № 23, ст. 118; № 24, ст. 126; 2017 г., № 8, ст. 16; № 9, ст. 21; № 14, ст. 50; № 16, ст. 56; № 22-III, ст. 109; № 23-III, ст. 111; № 24, ст. 115; 2018 г., № 1, ст. 2; № 14, ст. 44; № 15, ст. 46; № 16, ст. 56; № 23, ст. 88, 91; № 24, ст. 94; 2019 г., № 2, ст. 6.

77. Молдова Республикаси жиноят кодексининг 104-моддаси. <http://lex.justice.md/ru/331268/>.

78. Озорбойжон Республикаси жиноят кодексининг 170-2-3-, 171-171-1-2-3-моддалари // http://continent-online.com/Document/?doc_id=30420353#pos=350;-42.

79. Руминия Республикаси жиноят кодексининг 238-моддаси // <http://ugolovnykodeks.ru/2011/11/ugolovnyj-kodeks-rumynii/>.

80. Россия Федерацияси жиноят кодекси. (Уголовный кодекс Российской Федерации) <https://ppt.ru/kodeks.phtml?kodeks=20>.

81. Германия Федератив Республикаси жиноят кодекси. (Уголовный кодекс ФРГ) <https://constitutions.ru/?p=5854>.

82. Люксембург жиноят кодекси. (Уголовный кодекс Великого Герцогства Люксембурга). <http://legilux.public.lu/eli/etat/leg/code/penal/20181101>.

83. Федеральный закон России Федерации от 06.03.2006 № 35-ФЗ «О противодействии терроризму» // Собрание законодательства Российской Федерации, 2006, № 11, ст.1146; № 31, ст.3452; 2011, № 19, ст.2713.

84. Закон України від 5 жовтня 2017 року № 2163-VIII «Про основні засади забезпечення кібербезпеки України» / (Відомості Верховної Ради (ВВР), 2017, № 45, ст.403, 2018, № 31, ст.241. / <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/2163-19>.

85. Закон Грузии от 27 июня 2007 года № 5071-вс «О борьбе с терроризмом» // <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/21796/9/ru/pdf>.

86. Закон Республики Казахстан от 13 июля 1999 года № 416 «О противодействии терроризму» // «Казахстанская правда» от 30.07.99 г. № 182-183; (Ведомости Парламента РК), 1999 г., № 19, ст. 649.

87. Закон України від 5 жовтня 2017 року N 2163-VIII «Про основні засади забезпечення кібербезпеки України» / (Відомості Верховної Ради (ВВР), 2017, № 45, ст.403, 2018, № 31, ст.241.

88. <https://ausa.kg/uploads>. Уголовный кодекс Кыргызской Республики. В редакции Законов КР от 21 сентября 1998 года № 124.

89. Конвенция о киберпреступности: на защите вас и ваших прав: <http://hub.coe.int/ru/octopus-conference-20121/>.

90. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси / 1948 йил, 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 217 А (III) кўрсатмаси орқали қабул қилинган ва эълон қилинган. 28-29-модда.

https://unicode.org/udhr/d/udhr_uzn_cyrl.txt.

IV. Адабиётлар

1. Х.Тухмуродов. Виртуаль оламнинг таълим ва тарбияжараёнига салбий ва ижобий таъсири. “Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили” мавзусидаги XIV Республика илмий-амалий конференция материаллари. III қисм. 2017 йил 27 май. – Самарқанд. 2017. –167 б.

2. L.Kochkina. Definition of the concept “cybercrime”. Selected types of cybercrime // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2017. №3 (17). –с 2.

3. Т.Н.Бородкина, А.В.Павлюк. Киберпреступления: понятие, содержание и меры противодействия. Социально-политические науки. № 1. 2018. –135- 137 с.

4. И.М.Рассолов. Право и Интернет. Теоретические проблемы. – М.: Изд-во НОРМА, 2003. –251-253 с.

5. Ш.Толмасов. Глобал макондаги кибержиноятчилик. <http://uz.denemetr.com/docs/768/index-29121-1.html>.

6. В.А.Дуленко. Использование высоких технологий криминальной средой. Борьба с преступлениями в сфере компьютерной информации: учебное пособие. Уфа, 2007. – с. 27.
7. И.Г.Чекунов. Киберпреступность: понятие и классификация // Российский следователь. 2012. № 2. 37-44 с.
8. В.А.Номоконов/ Киберпреступность, как новая криминальная угроза / В.А. Номоконов, Т.Л. Тропина // Криминология. Вчера. Сегодня. Завтра. 2012. №1 (24). – с. 47.
9. И.В. Романов. Понятие киберпреступлений и его значение для расследования // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2016. №5 (13). –106 с.
10. Третий пермский конгресс ученых-юристов : материалы междунар. науч.-практ. конф. Пермь, 12 окт. 2012 г. / отв. ред. О.А. Кузнецова. – Пермь : Перм. гос. нац. иссл. ун-т, 2012. – 289 с.
11. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Муаллифлар жамоаси: Д.М.Амиров, А.Ю.Атаджанов, Д.Ю.Атаджанов, Д.А.Ибрагимов, З.Ё.Раҳимжонов, С.С.Саидхўжаев. –Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси нашриёти, 2010. –107 б.
12. Д.Е. Добринская. Киберпространство: территория современной жизни. –М.: научный журнал Московского государственного университета. 2018. Т. 24. № 1. – 59 с.
13. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Муаллифлар жамоаси: Д.М.Амиров, А.Ю.Атаджанов, Д.Ю.Атаджанов, Д.А.Ибрагимов, З.Ё.Раҳимжонов, С.С.Саидхўжаев. –Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси нашриёти, 2010. –56 б.
14. Д.Кашани. Британец, который сбил Либерию в автономном режиме с помощью кибер-атаки. ВВС маълумоти, <https://www.bbc.com/news/uk-46840461>.
15. А.Ксения. Киберпреступность как угроза современному информационному обществу. –Таганрог. 2015. 2 с. Источник: <https://nsportal.ru/ap/library/nauchno-tehnicheskoe-tvorchestvo/2018/11/17/kiberprestupnost-kak-ugroza-sovremennomu-0>.
16. Ахборот хавфсизлиги. Ўқув кўлланма. Муаллифлар жамоаси: С.М.Гафуров, А.Ганиев, О.Ш.Узоқов, Ҳ.С.Эгамбердиев. – Т.: Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети нашриёти. 2017. – 33 б.

17. А.С.Якубов. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении: предпосылки, реальность, перспективы. – Т.: 1996. –95 с.

18. Муаллифлар жамоаси. А.С.Якубов, Р.Кабулов, З.С.Зарипов, М.М.Қодиров, Қ.Мирзажанов, Б.А.Миренский, Ю.С.Пулатов, А.А.Отажанов. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. // –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 91 б.

19. А.Норов. Ахборот хавфсизлиги – давр талаби. – Қарши. Қашқадарё газетаси. 25.07.2019 // <http://qashqadaryogz.uz/oz/read/akhborot-khavfsizligi-davr-talabi>.

20. Д.С.Злыденко. Категории преступлений и их субъекты: Уголовно-правовые аспекты тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук.– Краснодар. 2003., –52 с.

21. Н.И.Коржанский. Квалификаций преступлений против личности и собственности. – Волгоград, 1984., –с.18.

22. А.Н.Прикмета. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 29.

23. А.А.Цыркалюк. Уголовная ответственность за доведение до самоубийства тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –Тамбов, 2011, –10 с.

24. М.В.Арзамасцев. К вопросу об уголовно-правовой классификации киберпреступлений. –М.: Уголовное право. Актуальные вопросы права и отраслевых наук: 1(3)/2017. –с. 12.

25. А.С.Абдуллаев. Уголовно-правовой и криминологический анализ надругательства над телами умерших и местами их захоронения тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук. – Махачкала. 2002., –с. 168.

26. Э.Харина. Киберпреступления: уголовно–правовой и криминалистический аспект. – М.: Вестник университета имени О.Е. Кутафина, №5. 2017. –169 с.

27. И.Глотина. Киберпреступность: основные проявления и экономические последствия. –М.: Вопросы экономики и права. № 8. 2014. –12 с.

28. А.Г.Волеводз. Конвенция о киберпреступности: новации правового регулирования. –М.: Правовые вопросы связи. 2007. № 2. – 17-25 с.

29. Н.Лимож, М.Косович. Киберпреступления: особенности совершения и предупреждения. <http://bii.by/tx.dll?d=301093>.

30. А.Н.Прикмета. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 30 с.

31. А.Г.Волеводз. Противодействие компьютерным преступлениям: правовые основы международного сотрудничества. – М.: ООО “Издательство “Юрлитинформ”, 2001. – 57, 60 с.

32. В.И.Робул. К вопросу о проблемах расследования киберпреступлений. // Научное сообщество студентов: Междисциплинарные исследования: сб. ст. по мат. LVI междунар. студ. науч.-практ. конф. № 21(56). URL: [https://sibac.info/archive/meghdis/21\(56\).pdf](https://sibac.info/archive/meghdis/21(56).pdf).

33. М.А.Назыков. Борьба российской федерации против киберпреступности на национальном и международном уровне. Направление 41.04.04 – «Международные отношения» Основная образовательная программа магистратуры «Мировая политика». – Санкт-Петербург. 2018. – с.18.

34. Муаллифлар жамоаси: А.С.Якубов, Р.Кабулов, З.С.Зарипов, М.М.Қодиров, Қ.Мирзажанов, Б.А.Миренский, Ю.С.Пулатов. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълимнинг 380000 – “Ҳуқуқ” соҳаси 5380100 – “Юриспруденуия” йўналиши бўйича дарслик сифатида рухсат берилган. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2009. – 111 б.

35. А.Н.Прикмета. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 30 с.

36. А.Г.Волеводз. Противодействие компьютерным преступлениям: правовые основы международного сотрудничества. – М.: ООО “Издательство “Юрлитинформ”, 2001. – 57, 60 с.

37. Тер-Акопов, А. А. Преступление и проблемы нефизической причинности в уголовном праве: монография [Текст] / А. А. Тер-Акопов. – М.: «Юркнига», 2003. – 480 с.

38. М.В.Арзамасцев. К вопросу об уголовно-правовой классификации киберпреступлений. – М.: Уголовное право. Актуальные вопросы права и отраслевых наук: 1(3)/2017. –с. 12.

39. А.Н.Прикмета. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 30 с.

40. И.Г.Чекунов. Криминологическое и уголовно-правовое обеспечение предупреждения киберпреступности: автореферат дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08. –М, 2013. – 7 с.

41. А.Т.Тўхтабоев. Миллий иқтисодиёт ривожига етук мутахассис кадрларга боғлиқ. Миллий товарлар рақобатбардошлигини оширишда замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш. Республика илмий-амалий анжумани илмий мақола ва тезислари тўплами (2018 йил, 27 ноябрь). –Т.: Фан ва технологиялар, 2018. – 27 б.

42. Д.Н.Карпова. Киберпреступность: глобальная проблема и ее решение. – М.: Власть. 2014. (№8). –46 с.

43. В.С.Харламов. Теория и практика противодействия преступному насилию в семье (системное криминологическое и уголовно-правовое исследование). Специальность 12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Санкт- Петербург. 2019. –721 с.

44. У.В.Зинина. Преступления в сфере компьютерной информации в российском и зарубежном уголовном праве. Специальность 12.00.08 – уголовное право и криминология: уголовно-исполнительное право. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата юридических наук. – М.: 2007. – 13-14 с.

45. Я.А.Попыева. Криминалистическое исследование средств совершения компьютерных преступлений. Бакалаврская работа. – Томск. 2016. – 40 с.

46. М.А.Ефремова. Уголовно-правовая охрана информационной безопасности. Специальность: 12.00.08 – «Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное

право». Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – М.: 2017. –365 с.

47. А.Э.Побегайло. Борьба с киберпреступностью: учебное пособие. – М.: Университет прокуратуры Российской Федерации, 2018. –13 с.

48. М.А.Простосердов. Экономические преступления, совершаемые в киберпространстве, и меры противодействия им Специальность 12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовноисполнительное право Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: 2016. –36 с.

49. Ю.М.Батулин. Право и политика в компьютерном круге. –М.: место издания Наука Москва, 1987. –111 с.

50. Т.М.Лопатина. Криминологические и уголовно-правовые основы противодействия компьютерной преступности: автореф. дис. ... докт.юрид.наук: – М.: 2006. –30-31 с;

51. Р.И.Дремлюга. Интернет-преступность. дис. ... канд. юрид. наук. – Владивосток. 2007. – 143 с.

52. М.А.Зубова. Компьютерная информация как объект уголовно-правовой охраны. Специальность: 12.00.08 – уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Казань. 2008. –25 с.

53. Т.Лопатина. Криминологические и уголовно-правовые основы противодействия компьютерной преступности. Тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, доктор юридических наук. – М.: 2006. – 418 с.

54. М.А.Простосердов. Экономические преступления, совершаемые в киберпространстве, и меры противодействия им Специальность 12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовноисполнительное право Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. –М.: 2016. – 190-191 с.

– Х.Тухмуродов. Виртуаль оламнинг таълим ва тарбияжараёнига салбий ва ижобий таъсири. “Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили” мавзусидаги XIV Республика илмий-амалий конференция материаллари. III қисм. 2017 йил 27 май. Самарқанд. 2017. –167 б.

55. L.Kochkina. Definition of the concept “cybercrime”. Selected types of cybercrime // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2017. №3 (17). –с 2.

56. Т.Н.Бородкина, А.В.Павлюк. Киберпреступления: понятие, содержание и меры противодействия. Социально-политические науки. № 1. 2018. –135- 137 с.

57. И.М.Рассолов. Право и Интернет. Теоретические проблемы. –М.: Изд-во НОРМА, 2003. –251-253 с.

58. В.А.Номоконов/ Киберпреступность, как новая криминальная угроза / В.А. Номоконов, Т.Л. Тропина // Криминология. Вчера. Сегодня. Завтра. 2012. №1 (24). – с. 47.

59. Третий пермский конгресс ученых-юристов : материалы междунар. науч.-практ. конф. Пермь, 12 окт. 2012 г. / отв. ред. О.А. Кузнецова. – Пермь : Перм. гос. нац. иссл. ун-т, 2012. – 289 с.

60. М.М.Самчук. Кибертерроризм и особенности его проявления. <http://kursak.net/kiberterrorizm-i-osobennosti-ego-proyavleniya/>© kursak.net.

61. А.В.Федоров. Информационная безопасность в мировом политическом процессе. – М.: МГИМО-Университет, 2006. – 11 с.

62. Тропина Т.Л. Киберпреступность: понятие, состояние, уголовно-правовые меры борьбы: дис. ...канд. юрид. наук: 12.00.08. Владивосток, 2005.–36-38 с.

63. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Муаллифлар жамоаси: Д.М.Амиров, А.Ю.Атаджанов, Д.Ю.Атаджанов, Д.А.Ибрагимов, З.Ё.Раҳимжонов, С.С.Саидхўжаев. –Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси нашриёти, 2010. –107 б.

64. Д.Е. Добринская. Киберпространство: территория современной жизни. –М.: научный журнал Московского государственного университета. 2018. Т. 24. № 1. – 59 с.

65. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Муаллифлар жамоаси: Д.М.Амиров, А.Ю.Атаджанов, Д.Ю.Атаджанов, Д.А.Ибрагимов, З.Ё.Раҳимжонов, С.С.Саидхўжаев. –Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси нашриёти, 2010. –56 б.

66. Ахборот хавфсизлиги. Ўқув кўлланма. Муаллифлар жамоаси: С.М.Гафуров, А.Ганиев, О.Ш.Узоқов, Ҳ.С.Эгамбердиев. – Т.: Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети нашриёти. 2017. –33 б.

67. Д.С.Злыденко. Категории преступлений и их субъекты: Уголовно-правовые аспекты тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук.– Краснодар. 2003., –52 с.

68. Н.И.Коржанский. Квалификаций преступлений против личности и собственности. – Волгоград, 1984., –с.18.

69. Д.И.Элмурзаев. Уголовная ответственность за доведение до самоубийства тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –М.: 2004. –24 с.

70. А.А.Цыркалюк. Уголовная ответственность за доведение до самоубийства тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –Тамбов, 2011, –10 с.

71. Абдуллаев А.С. Уголовно-правовой и криминологический анализ надругательства над телами умерших и местами их захоронения тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук. –Махачкала. 2002., –с. 168.

72. Э.Харина. Киберпреступления: уголовно–правовой и криминалистический аспект. –М.: Вестник университета имени О.Е. Кутафина, №5. 2017. –169 с.

73. И.Глотина. Киберпреступность: основные проявления и экономические последствия. –М.: Вопросы экономики и права. № 8. 2014. –12 с.

74. А.Г.Волеводз. Конвенция о киберпреступности: новации правового регулирования. –М.: Правовые вопросы связи. 2007. № 2. – 17-25 с.

75. А.Г.Волеводз. Противодействие компьютерным преступлениям: правовые основы международного сотрудничества. – М.: ООО “Издательство “Юрлитинформ”, 2001. – 57, 60 с.

76. И.Г.Чекунов. Криминологическое и уголовно-правовое обеспечение предупреждения киберпреступности: автореферат дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08. –М, 2013. –с.7.

77. Қурбонов И. Қурилишни бошқаришда кибермакон ва киберхавфсизлик аҳамияти // Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили: XIV Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Самарқанд: СамДАҚИ, 2017. 112-б.

78. А.С.Алпеев. Терминология безопасности: кибербезопасность, информационная безопасность // Вопросы кибербезопасности. 2014. – №5. – С. 39-42.

79. А.Т.Тўхтабоев. Миллий иктисодиёт ривожити етук мутахассис кадрларга боғлиқ. Миллий товарлар рақобатбардошлигини оширишда замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш. Республика илмий-амалий анжумани илмий мақола ва тезислари тўплами (2018 йил, 27 ноябрь). –Т.: Фан ва технологиялар, 2018. – 27 б.

80. Д.Н.Карпова. Киберпреступность: глобальная проблема и ее решение. – М.: Власть. 2014. (№8). –46 с.

81. В.С.Харламов. Теория и практика противодействия преступному насилию в семье (системное криминологическое и уголовно-правовое исследование). Специальность 12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Санкт- Петербург. 2019. –721 с.

82. У.В.Зинина. Преступления в сфере компьютерной информации в российском и зарубежном уголовном праве. Специальность 12.00.08 – уголовное право и криминология: уголовно-исполнительное право. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата юридических наук. – М.: 2007. – 13-14 с.

83. Я.А.Попыева. Криминалистическое исследование средств совершения компьютерных преступлений. Бакалаврская работа. – Томск. 2016. – 40 с.

84. М.А.Ефремова. Уголовно-правовая охрана информационной безопасности. Специальность: 12.00.08 – «Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право». Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – М.: 2017. –365 с.

85. А.Э.Побегайло. Борьба с киберпреступностью: учебное пособие. – М.: Университет прокуратуры Российской Федерации, 2018. –13 с.

86. М.А.Простосердов. Экономические преступления, совершаемые в киберпространстве, и меры противодействия им Специальность 12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовноисполнительное право Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: 2016. –36 с.

87. Ю.М.Батурин. Право и политика в компьютерном круге. –М.: место издания Наука Москва, 1987. –111 с.

88. Т.М.Лопатина. Криминологические и уголовно-правовые основы противодействия компьютерной преступности: автореф. дис. ... докт.юрид.наук: – М.: 2006. –30-31 с;

89. Р.И.Дремлюга. Интернет-преступность. дис. ... канд. юрид. наук. – Владивосток. 2007. – 143 с.

90. М.А.Зубова. Компьютерная информация как объект уголовно-правовой охраны. Специальность: 12.00.08 – уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Казань. 2008. –25 с.

91. Т.Лопатина. Криминологические и уголовно-правовые основы противодействия компьютерной преступности. Тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, доктор юридических наук. – М.: 2006. – 418 с.

92. Акбаров Д.Е. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг криптографик усуллари ва уларнинг қўлланишлари. Тошкент. ”Ўзбекистон маркаси “, 2009. – б.432.

93. П.Ю. Летников. Уголовная ответственность за подделку, изготовление или сбыт поддельных документов, государственных наград, штампов, печатей, бланков тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –Красноярск, 2009. – 16 с.

94. В.В.Омельянович. Расследование подделки, изготовления или сбыта поддельных документов, государственных наград, штампов, печатей, бланков тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.09, 2011. – Омск.: –20 с.

95. Д.А.Мозговая Расследование подлога документов тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.12, — М.:2013. – 21-22 с.

96. А.Н.Ватутин. Подделка денег, ценных бумаг и иных платежных документов: уголовно-правовые и криминологические аспекты тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, – Ростов-на-Дону, 2006. – 15 с.

97. Ж.А.Бойцова. К вопросу об уголовной ответственности за подделку, изготовление или сбыт поддельных документов, государственных наград, штампов, печатей, бланков по законодательству ряда европейских стран, –Москва, Вестник Московского университета МВД России, 2015. № 5. – 67 с.

98. Ҳ.Р.Очилов. Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик. // 12.00.08 - Жинойт ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жинойти-жроия ҳуқуқи ихтисослиги Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. –Т.: 2017. –5 б.

99. С.Ш.Утемуратова. Криминология фанидан (маъруза матни). –279 б.

100.Н.И.Норбўтаев. Ахборот хуружи: мақсадлари, воситалари, шакллари. Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган битирув малакавий иши. –Т.: 2014. –33 б.

101.Ф.Мўминов, Ш.Баротов ва бошқ. Очиқ ахборот тизимларида ахборотпсихологик хавфсизлик. Дарслик. – Т.: Фан ва технология. 2013. – 60 б.

102.Р.И.Дремлюга, А.И.Коробеев, А.В.Федоров. Кибертерроризм в Китае: уголовно-правовые и криминологические аспекты. Всероссийский криминологический журнал. 2017. Т. 11, № 3. – 607-614 с.

103.Ғиёсов З.А., Махсумхонов Қ.А. Суицид ҳолатларининг суд-тиббий масалалари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий, 2006 й., 6-бет.

104.Вояга етмаганлар ўртасида суицид ҳолатларнинг олдини олиш.Методик қўлланма./ Илмий-оммабоп нашр. Н.Тайлоқов. –Т.: “Камалак”нашриёти. 2017. – 72 б.

105.Ҳ.Зиёев, Иккинчи жаҳон уруши ва ўзбеклар // –Т.: “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2003 й., 25-сон, –1,2 б.

106.Злыденко Д.С. Категории преступлений и их субъекты: Уголовно-правовые аспектытема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук.– Краснодар. 2003., – 52 с.

107.Коржанский Н.И. Квалификаций преступлений против личности и собственности. –Волгоград, 1984., – 18 с.

108.Д.И.Элмурзаев. Уголовная ответственность за доведение до самоубийства тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –М.: 2004. – 24 с.

109.А.Н.Прикмета. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 29.

110. А.А.Цыркалюк. Уголовная ответственность за доведение до самоубийства тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –Тамбов, 2011, – 10 с.

111. Кудрявцев В. Л. Принуждение к даче показаний (состав преступления) как обстоятельство, исключающее допустимость доказательства. [Электронный ресурс] - монография СПб. Санкт-Петербургский институт (филиал) ВГУЮ (РПА Минюста России), 2018., –с.78.

112. А.С.Абдуллаев. Уголовно-правовой и криминологический анализ надругательства над телами умерших и местами их захоронения тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук. –Махачкала. 2002., –с. 168.

113. Тўхтамурод Рустам. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига шарх (Умумий қисм) // –Т.: Адолат, 2016 й., – б.68.

114. В.С.Овчинский. Криминология цифрового мира: учебник для магистратуры / В. С. Овчинский. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2018. – 352 с.

115. Е.В.Старостина, Д.Б.Фролов, Защита от компьютерных преступлений и кибертерроризма Вопросы и ответы. <http://kursak.net/kiberterrorizm-i-osobennosti-ego-proyavleniya/>.

116. А.В.Соколов. Информационное общество в виртуальной и социальной реальности. – СПб Алетейя, 2012. 178 с.

117. В.А.Васенин, А.В.Галатенко. О проблемах информационной безопасности в сети Интернет. Глобальная информатизация и безопасность России / Материалы круглого стола «Глобальная информатизация и социально-гуманитарные проблемы человека, культуры и общества». МГУ, октябрь 2000. – М.:, 2001. – 199 с.

118. Ма Хуайдэ. Правовые гарантии обеспечения национальной безопасности в контексте Закона КНР «О национальной безопасности» // Вестник университета Ляочэн. 2016. № 2.

119. Р.Ф.Азизов Правовые аспекты функционирования сети Интернет в Китайской Народной Республике // Вестник Вологодского института права и экономики: преступление, наказание, исправление. 2015. № 1. –с.92-94.

120. Г.Ибрагимова. Стратегия КНР в области управления Интернетом и обеспечения информационной безопасности // Индекс безопасности. 2013. Т. 19. № 1. –с. 169-184.

121. Т.А.Полякова. Базовые принципы правового обеспечения информационной безопасности // Труды Института государства и права РАН. 2016. № 3. –18-40 с.

122.Л.П.Зверьянская. организационно-правовое обеспечение международной и национальной информационной безопасности: опыт Китайской Народной Республики. Труды Института государства и права РАН. 2017. Т.12. №5.

123.Ф.Кадиров, М.Х.Джаматов. Кибертерроризм ва киберэкстремизм жиноятлари профилактикаси. Трансмиллий тахдид сифатидаги терроризмга қарши кураш: Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 186 б.

124.Collin B. The Future of Cyberterrorism // Crime & Justice International Journal. 1997. Vol. 13. – P. 23–26.

125.А.Расулев. Противодействие кибертерроризму: международно-правовые и уголовно-правовые аспекты. –Т.: ТДЮУ нашриёти, Юридик фанлар Ахборотномаси илмий-амалий ҳуқуқий журнали, 2018. –с.92-96.

126.Warren G. Kruse, Jay G. Heiser (2002).Computer forensics: incident response essentials. Addison-Wesley. – p.392.

127.Steve Morgan (January 17, 2016). “Cyber Crime Costs Projected To Reach \$2 Trillion by 2019”. Forbes. Retrieved September 22.2016.

128.Ҳ.Р.Очилов. Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик. Монография // – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2017. –б.22.

129.А.М.Доронин. Уголовная ответственность за неправомерный доступ к компьютерной информации: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2003. –с. 8.

130.Ғиёсов З.А., Махсумхонов Қ.А. Суицид ҳолатларининг суд-тиббий масалалари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий, 2006 й., – 6 б.

131.М.А.Простосердов. Экономические преступления, совершаемые в киберпространстве, и меры противодействия им Специальность 12.00.08 - уголовное право и криминология;

уголовноисполнительное право Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. –М.: 2016. – 190-191 с.

132.Д.Каримова. Ўзбекистон ҳудудида бола ҳуқуқлари генезиси, эволюцияси ва унинг истиқболлари. 12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи докторлик диссертацияси автореферати. –Т.: 2017. –17-18 б.

133.Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. Муаллифлар жамоаси: А.Х.Саидов (Кириш сўзи, биринчи боб); М.Т. Турғунов (иккинчи ва олтинчи боб, параграф 6.4. Фазилов О.); А.А.Матчанов (еттинчи ва ўнинчи боб); Ш.Ғ.Ғойибназаров (бешинчи боб, параграф 5.4. Т.Т.Саидов); Л.Ф.Исхакова (учинчи боб ва тўртинчи боб У.Ш.Нурбоев билан ҳаммуаллифликда); А.Т.Ниёзов (саккизинчи боб); У.Т.Таджибаев (тўққизинчи боб); А.А.Саидов (ўн биринчи боб); И.Т. Турғунов (ўн иккинчи боб). Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор А.Х. Саидов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2012. – 25 б.

134.А.Г.Волеводз Конвенция о киберпреступности: новации правового регулирования / А.Г. Волеводз // Правовые вопросы связи. – 2007. – № 2. – с. 17-25.

135.О.Қиличбоев. Болаларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилайлик / “Fan, ta`lim, madaniyat va biznesda Internet va axborot-kutubxona resurslari”, Xalqaro konferensiya materiallari “Central Asia. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2018. –б.290-293.

136.А.В.Федоров. Информационная безопасность в мировом политическом процессе. – М.: МГИМО-Университет, 2006. – 11 с.

137.Тропина Т.Л. Киберпреступность: понятие, состояние, уголовно-правовые меры борьбы: дис....канд. юрид. наук: 12.00.08. Владивосток, 2005.–36-38 с.

138.И.В. Романов. Понятие киберпреступлений и его значение для расследования // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2016. №5 (13). –106 с.

139.Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари / Масъул муҳаррир А. Т. Очилдиев. – Т., 2008. – б. 145.

V. Интернет манбалари

1. Interpress.uz веб-сайтидан: Киберхужумлардан кўрилаётган зарар ортиб бормоқда. <http://interpress.uz/archives/4170>.
2. Daryo.uz веб сайтидан: <https://daryo.uz/k/2017/05/25/wannacry-virusi-yordamida-uyushtirilgan-ommaviy-kiberhujum-keltirgan-zarar-miqdori-1-mlrd-dollardan-oshdi/>.
3. Tass.ru веб сайтидан: <https://tass.ru/mezhdunarodnaya-panorama/4279741>.
4. С.Турсунов. Киберхужумлар: янги замоннинг янги таҳдидлари. <http://mahalladosh.uz/post?id=6134#>.
5. Uzbekistan2035.uz веб сайтидан: <http://uzbekistan2035.uz/coments/>.
6. С.Садиков. Кибербезопасность Узбекистана в цифрах: итоги 2018 года. // <https://uzcert.uz/blog/saidakbar/kiberbezopasnost-uzbekistana-v-tsifrakh-itogi-2018-goda/>.
7. Ф.Отаханов. “Кўк кит” ўйини. Iqbol Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий нашри. <https://www.iqbol.uz/uz/bolalar-b-rcha-i/item/585-kuk-kit-ujini.html>.
8. В.И.Робул. К вопросу о проблемах расследования киберпреступлений. // Научное сообщество студентов: Междисциплинарные исследования: сб. ст. по мат. LVI междунар. студ. науч.-практ. конф. № 21(56). URL: [https://sibac.info/archive/meghdis/21\(56\).pdf](https://sibac.info/archive/meghdis/21(56).pdf).
9. Муаллифнинг сўровига жавобан юборилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ҳузуридаги Ахборот ва аоммавий коммуникациялар агентлиги 2019 йил 2 июлдаги 14/2-2187-сон хати.
10. Urist.one веб сайтидан: Киберпреступление. <https://urist.one/dolzhnostnye-prestupleniya/kiberprestupnost/kiberprestuplenie.html>.
11. Ю.В.Гаврилин. Преступления в сфере информационных технологий: Часть автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: 2000. <http://www.dissercat.com/content/rassledovanie-nepravomernogo-dostupa-k-kompyuternoii-informatsii>.
12. М.М.Самчук. Кибертерроризм и особенности его проявления. <http://kursak.net/kiberterrorizm-i-osobennosti-ego-proyavleniya/> © kursak.net.

13. Elcomrevue.ru веб сайтидан: Киберпреступность — определение, классификация интернет угроз. Источник: <http://elcomrevue.ru/kibeoprestupnost-что-это/>.

14. Sh.Shayakubov. “Dinshunoslik” fanidan o‘quv-uslubiy majmua. – T.: TMI, 2018. –111 b. / И.Саифназаров, М.Хужаев. “Кибермакон”да дин никобидаги “киберхужум”лар тахдиди. www.bukhari.uz/ http://fikir.uz/blog/vatanparvar/kibermakon_da-dini_obidagi-kiber_uzhum_lar-ta_didi.html.

15. Sys-team-admin.ru веб сайтидан: Киберпреступления: понятие, виды и методы защиты. <https://sys-team-admin.ru/stati/bezopasnost/170-kiberprestupnost-ponyatie-vidy-i-metody-zashchity.html>.

16. Д.И.Элмурзаев. Уголовная ответственность за доведение до самоубийства тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, – М.: 2004. – 24 с.

17. Характеристика киберпреступлений против банковской деятельности в законодательстве Азербайджанской Республики. Евразийский юридической журнал. № 6 (85) 2015. <http://www.eurasiainace.ru/naunye-stati/item/914-kharakteristika-kiberprestuplenij-protiv-bankovskoj-deyatelnosti-v-zakonodatelstve-azerbajdzhanskoj-respubliki.html>.

18. Daryo.uz веб сайтидан: <https://daryo.uz/k/2017/05/25/wannacry-virusi-yordamida-uyushtirilgan-ommaviy-kiberhujum-keltirgan-zarar-miqdori-1-mlrd-dollardan-oshdi/>.

19. С.Садиков. Кибербезопасность Узбекистана в цифрах: итоги 2018 года. // <https://uzcert.uz/blog/saidakbar/kiberbezopasnost-uzbekistana-v-tsifrakh-itogi-2018-goda/>.

20. Муаллифнинг сўровига жавобан юборилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги 2019 йил 2 июлдаги 14/2-2187-сон хати.

21. Информационный ресурс «Ciec.org». Reno vs. ACLU, 117 S.Ct. 2329 (1997) (casebook at 932-53). Электронный ресурс] // [URL:http://ciec.org/SC_appeal/opinion.shtml](http://ciec.org/SC_appeal/opinion.shtml).

22. Interpress.uz веб-сайтидан: Киберхужумлардан кўрилаётган зарар ортиб бормоқда. <http://interpress.uz/archives/4170>.

23. С.Турсунов. Киберхужумлар: янги замоннинг янги тахдидлари. <http://mahalladosh.uz/post?id=6134#>.

24. Ш.Толмасов. Глобал макондаги кибержиноятчилик. <http://uz.denemetr.com/docs/768/index-29121-1.html>.

25. Urist.one веб сайтидан: Киберпреступление. <https://urist.one/dolzhnostnye-prestupleniya/kiberprestupnost/kiberprestuplenie.html>.

26. Elcomrevue.ru веб сайтидан: Киберпреступность — определение, классификация интернет угроз. Источник: <http://elcomrevue.ru/kibeoprestupnost-cto-eto/>.

27. Sh.Shayakubov. “Dinshunoslik” fanidan o‘quv-uslubiy majmua. – T.: TMI, 2018. –111 b. / И.Саифназаров, М.Хужаев. “Кибермакон”да дин ниқобидаги “киберхужум”лар таҳдиди. www.bukhari.uz/ http://fikr.uz/blog/vatanparvar/kibermakon_da-din-ni_obidagi-kiber_uzhum_lar-ta_didi.html.

28. Sys-team-admin.ru веб сайтидан: Киберпреступления: понятие, виды и методы защиты. <https://sys-team-admin.ru/stati/bezopasnost/170-kiberprestupnost-ponyatie-vidy-i-metody-zashchity.html>.

29. Д.Кашани. Британец, который сбил Либерию в автономном режиме с помощью кибер-атаки. BBC маълумоти, <https://www.bbc.com/news/uk-46840461>.

30. А.Ксения. Киберпреступность как угроза современному информационному обществу. –Таганрог. 2015. 2 с. Источник: <https://nsportal.ru/ap/library/nauchno-tehnicheskoe-tvorchestvo/2018/11/17/kiberprestupnost-kak-ugroza-sovremennomu-0>.

31. Ш. Тўхташев. Ўзбекистонда ўзини ўлдиришга ундаганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда // http://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/22691/?sphrase_id=2877897.

32. А.Норов. Ахборот хавфсизлиги – давр талаби. – Қарши. Қашқадарё газетаси. 25.07.2019 й: <http://qashqadaryogz.uz/oz/read/akhborot-khavfsizligi-davr-talabi>.

33. Н.Лимож, М.Косович. Киберпреступления: особенности совершения и предупреждения. <http://bii.by/tx.dll?d=301093>.

34. Convention on cybercrime. Budapest, 23.XI.2001. http://www.europarl.europa.eu/meetdocs/2014_2019/documents/libe/dv/7_conv_budapest_/7_conv_budapest_en.pdf.

35. Нестеров А.В. О категории пространства. –М., НИУ ВШЭ, 2015. – 12 с. // www.hse.ru.

36. <https://www.xabar.uz/agd>.

37. <https://www.terabayt.uz/post>.

38. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази бўлими бошлиғи Л.Бўронов Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш фонди томонидан ўтказилган семинар-тренингда маълумот берган.

39. <http://www.xabar.uz/tehnologiya>.

40. <https://kun.uz/news/2017/11/20/kiberuzumga>.

41. <http://www.xabar.uz/tehnologiya>.

42. <https://www.xabar.uz/969>.

43. <https://kun.uz/news/2018/09/17/markazij-bank>.

44. Информационный ресурс «Ciec.org». Reno vs. ACLU, 117 S.Ct. 2329 (1997) (casebook at 932-53). Электронный ресурс] // URL:http://ciec.org/SC_appeal/opinion.shtml.

45. unicon.uz/uploads/6YF5w23.Sobirova_D.doc. Д.Т. Собирова. Мавжуд электрон рақамли имзо алгоритмларининг қиёсий таҳлили.

46. Жиззах вилоят жиноят ишлари бўйича вилоят судининг судьяси Ш.Худаяров. Хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш ва уларни қалбакилаштириш, сотиш, улардан фойдаланиш жинояти тушунчаси // <https://jizzaxovozi.uz/huquq/652-uzhzhatar-shtamplar-murlar-blankalar-tayerlash-va-ularni-albakilashtirish-sotish-ulardan-foydalanish-zhinoiyati-tushunchasi.html>.

47. ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори // ЕХХТ қалбаки хужжатлар ва улардан фойдаланувчи шахсларни аниқлаш бўйича инструкторларни тайёрлов курсини ўтказмоқда // <https://www.osce.org/uz/project-coordinator-in-uzbekistan/322216>.

48. <http://jamiyatgzt.uz/cr/2017/04/03/kiber-jinoyatchilik-tahlil-tahdid-va-himoya/#>. Ш.Саттаров. Кибержиноятчилик: таҳлил, таҳдид ва химоя. –Т.: Жамият газетаси. 2017 йил 3 ноябрдаги сони.

49. <https://www.terabayt.uz/post/dmitriy-medvedev-kiberjinoyatchilik-rossiya-iqtisodiyotiga-juda-katta-zarar-keltirmoqda>.

50. www.tsul.uz. (From the Internet site: www.tsul.uz).

51. <https://sputniknews-uz.com/analytics/20181019/9751618/Putin-Ozbekiston-va-Rossiya-birinchi-mintaqalararo-forumi-yakunlari.html>.

52. <https://ictnews.uz/uz/biz-bilan-alo-a/>.

53. <https://www.loc.gov/law/help/fighting-extremism/china.php>.
54. <https://www.terabayt.uz/post/malika-da-samsung-smartfonlarining-somdagi-narxlari-2018-yil-12-yanvar>.
55. <https://aniq.uz/yangiliklar/uzbekiston-aholisi-soni-33-milliondan-oshdi>.
56. <https://kun.uz/55496445>.
57. <https://constitutions.ru/?p=5854>.
58. <https://kun.uz/news/2016/12/27/hitoj-kiberhavfsizlik-strategiasini-takdim-etdi>.
59. М.Мусаев, Ўз жонига қасд қилиш даражасига етказишунинг социологик ва жиноий-ҳуқуқий жиҳатлари// Ҳуқук ва бурч журнали. <http://huquqburch.uz/uz/view/450>.
60. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтидан: А.Саттаров. Қачонлардир башорат тарзида айтилган “дунёни ахборот бошқаради”, деган гап бугун ҳақиқатга айланди. <http://uza.uz/oz/programs/25-years/achonlardir-bashorat-tarzida-aytilgan-dunyeni-akhborot-bosh--20-02-2018/>.
61. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги сайти: <http://mitc.uz/ru/stat/7>.
62. <http://uz.infocom.uz/2018/01/27/ozbekistonning-mobil-aloqa-abonentlari-soni-22-mln-800-mingga-yetdi/>.
63. <http://uz.infocom.uz/2018/01/27/ozbekistonda-internetdan-foydalanuvchilar-soni-20-milliondan-oshdi/>.
64. <https://uzcert.uz/blog/saidakbar/kiberbezopasnost-uzbekistana-v-tsifrakh-itogi-2018-goda/>.
65. С.Садиков. Кибербезопасность Узбекистана в цифрах: итоги 2018 года. // <https://uzcert.uz/blog/saidakbar/kiberbezopasnost-uzbekistana-v-tsifrakh-itogi-2018-goda/>.
66. А.Темуров. Кибертерроризм нима? –Термиз. Сурхон тонги. 2019 йил 4 июлдаги сони. Интернетдаги манзили: <http://surxontongi.uz/kiberterrorizm-nima/>.
67. Л.Буранов. Кибержиноятчиликка қарши курашишда Интернет-маданиятнинг аҳамияти // <https://blog.xabar.uz/post/kiberjinoatchilik-ka-qarshi-kurashishda-internet-madaniyatning-a>.
68. Д.Турдиева. Кибертерроризм: миллий ва халқаро хавфсизликка таҳдид. 2018 й. <http://darakchi.uz/uz/44666>.

69. Грузия Жиноят кодекси. <https://matsne.gov.ge/ka/document/download/16426/143/ru/pdf>.

70. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтидан: <https://president.uz/uz/2663>.

71. Обзор к уголовного законодательства о борьбе с терроризмом и «Закона о борьбе с терроризмом» Китая» / Евразийский Научный Журнал, №5, 2016 (май). Цзан Цземэй https://chinalaw.center/administrative_law/china_state_security_law_2015_russian/ / Е.Ю.Макарова, А.А. Василенко профилактика и борьба с кибертерроризмом в Китае. Китайский опыт в России. <https://core.ac.uk/download/pdf/155234277.pdf>.

72. Küberturvalisuse seadus Vastu võetud 09.05.2018 // <https://www.riigiteataja.ee/akt/122052018001/>

73. БМТнинг 2017 йилги глобал киберхавфсизлик индекси. <https://rus.delfi.ee/daily/estonia/estoniya-priznana-pyatoj-samoj-kiberbezopasnoj-stranoj-v-mire?id=78814562>. // https://www.itu.int/dms_pub/itu-d/opb/str/D-STR-GCI.01-2017-PDF-E.pdf.

74. Замин.уз. сайтидан: Киберхавфсизлик даражаси бўйича энг яхши давлатлар рейтингда Ўзбекистон нечанчи ўринда? <https://news-life.ru/186880644/>.

75. http://www.europarl.europa.eu/meetdocs/2014_2019/documents/libe/dv/7_conv_budapest_/7_conv_budapest_en.pdf.

76. Диссертационные исследования международная конвенция о киберпреступности / Гусейн Магомед оглы наджафи, докторант Института философии, социологии и права Национальной академии наук Азербайджана Научная специальность: 12.00.08 — уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право. <http://naukarus.com/mezhdunarodnaya-konventsiya-o-kiberprestupnosti>.

77. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтидан: <https://president.uz/uz/2662>.

78. М.Рахимова. Халқаро ҳуқуқ. –Т.: Akademiya нашриёти. 2005. –20 б.

79. М.М.Самчук. Кибертерроризм и особенности его проявления. <http://kursak.net/kiberterrorizm-i-osobennosti-ego-proyavleniya/>© kursak.net.

80. Муаллифнинг сўровига жавобан юборилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг хузуридаги

Ахборот ва аоммавий коммуникациялар агентлиги 2019 йил 2 июлдаги 14/2-2187-сон хати.

81. Вояга етмаганлар ўртасида суицид ҳолатларнинг олдини олиш.Методик қўлланма./ Илмий-оммабоп нашр. Н.Тайлоқов. –Т.: “Камалак”нашриёти. 2017. –72 б.

82. Ф.Отаханов. “Кўк кит” ўйини. Iqbol Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий наشري. <https://www.iqbol.uz/uz/bolalar-b-rcha-i/item/585-kuk-kit-ujini.html>.

83. <https://uz24.uz/society/voyaga-etmaganlar-grtasida-zhinoyat-sodir-etish-keskin-kamaydi>.

84. Д.Солиҳов. Ё ҳаёт, ё мамот масаласи. <http://muslim.uz/index.php/rus/maqolalar/item/2309>.

85. <https://ok.ru/bbcuzbek/topic/67660701070753>.

86. <https://www.youtube.com/watch?v=uuFgYjfd9mA>.

87. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтидан: http://parliament.gov.uz/uz/events/chamber/22970/?sphrase_id=1731480.

88. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги расмий веб сайидан: http://www.mitc.uz/uz/pages/reports_of_ministry.

89. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий веб сайтидан: <https://www.uzedu.uz/Xtv/BarchasiPage/67?tp=86>.

90. <https://uztag.info/uz/news/zbekiston-a-olisining-soni-120-mingdan-ziyedga-k-paydi>.

91. <https://gtmarket.ru/ratings/corruption-perceptions-index/info>.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**Кибержиноятчиликка қарши курашишни янада
такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон
Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш
ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Қонунчилик палатаси
томонидан 2019 йил “___”
“_____”да қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил
“___” “_____”да
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг [Жиноят кодексига](#) (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012

йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 103-моддасининг иккинчи қисми “г” банди чиқариб ташлансин.

2) 103¹-моддасининг иккинчи қисми “в” банди чиқариб ташлансин.

3) куйидаги мазмундаги 103²-модда билан тўлдирилсин:

“103²-модда. Компьютер орқали ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ёки ўзини ўзи ўлдиришга ундаш

Компьютер орқали ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ёки ўзини ўзи ўлдиришга ундаш. яъни компьютерлар, радиочастота спектри, алоқа, телекоммуникациялар, электрон ҳисоблаш машиналари (ЭХМ), уларнинг тизими, тармоғи, воситалари, иншоотлари, охирги (терминал) асбоб-ускуналар, тармоқлараро уланишлар, махсус вирусли дастурлар ва бошқа асбоб-ускуналар ва қурилмалардан фойдаланган ҳолда шахсни қўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш ёки ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, яъни кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш, агар шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган бўлса,

—
Энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўпчилик учун хавфли бўлган усулда;

б) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда;

в) безорилик оқибатида;

г) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда;

д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
е) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;
ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ёки мансабдор шахс томонидан;

з) атрофдагилар учун хавфли усулда, —

Энг кам ойлик иш ҳақининг юз баробаридан икки юз баробаригача жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилган ҳолда ёки (ва) уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилдан етти йилгача озодлоикдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

б) жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлса;

г) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, —

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди.”

4) 155-модда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

“Мамлакатда ўрнатилган киберхавфсизликни турли хил ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали бузган ёки уни четлаб ўтган ҳолда, сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни

мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб ифвогарликлар қилишга, аҳолини кўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, мамлакатнинг жиноий қонунчилигида жавобгарлик назарда тутилган киберзўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки шундай ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд ўзгача таҳдид қилиш орқали кибертерроризмни амалга ошириш ёки унга суиқасд қилиш, –ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) одам ўлишига;
б) кўп ва жуда кўп миқдорда зарар келиб чиқишига;
в) бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, – ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.”;

тўртинчи қисм олтинчи қисм деб ҳисоблансин.

5) 167-моддасининг учинчи қисми “Г” банди чиқариб ташлансин.

6) 168-моддасининг иккинчи қисми “В” банди чиқариб ташлансин.

7) 169-моддасининг учинчи қисми, “Б” банди чиқариб ташлансин.

8) қуйидаги мазмундаги 169¹-модда билан тўлдирилсин:

“169¹-модда. Компьютер орқали ўзгалар мулкани талон-торож қилиш

Компьютер орқали ўзгалар мулкани талон-торож қилиш, яъни компьютерлар, алоқа, телекоммуникациялар, электрон ҳисоблаш машиналари (ЭХМ), уларнинг тизими, тармоғи, воситалари, иншоотлари, охирги (терминал) асбоб-ускуналар, тармоқлараро уланишлар, махсус вирусли дастурлар ва бошқа асбоб-ускуналар ва қурилмалар орқали фойдаланиши, сақлаши, тарқатиши орқали, қолаверса, радичастота спектридан фойдаланган ҳолда ўзга шахснинг мулкани қонунга хилоф равишда қасддан нобуд қилиш, ўзга шахснинг мулкани ва мулкый ҳуқуқларини қонунга хилоф равишда эгаллаш, уларнинг қонуний мулкый ҳуқуқларига тўсқинлик қилиш ёхуд чеклаш —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) анча миқдорда зарар етишига сабаб бўлса;
- б) ўғрилиқ ёки фирибгарлик йўли билан;
- в) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда;
- г) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;
- д) қалбаки ҳужжатдан фойдаланган ҳолда;
- е) айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсга ёки вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган, —

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- г) ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан;
- д) талончилик йўли билан;
- е) безорилик оқибатида;
- ж) тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса;
- з) уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда, —

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) босқинчилик орқали содир этилган бўлса;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;
- г) бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида;
- д) кўпчилик учун хавфли бўлган усулда;
- е) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;
- ж) жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлса, —
- з) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

к) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда;

л) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ёки мансабдор шахс томонидан;

м) жуда кўп миқдорда, —

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди.”.

9) қуйидаги мазмундаги 228²-модда билан тўлдирилсин:

“228²-модда. Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатларни тайёрлаш ва фойдланиш қоидаларини бузиш

Ғаразғўйлик ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб ўзга шахсга тегишли электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, ўтказиш ёки ундан фойдаланиш, шунингдек уни қалбакилаштириш —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб,

—

уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

г) оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

10) XX¹-бобнинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“XX¹-боб Ахборот технологиялари ва коммуникациялари, шунингдек киберхавфсизлик соҳасидаги жиноятлар”.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. Мирзиёев

Ахборот ва киберхавфсизликка оид қонун ҳужжатлари РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган 512-ХП-сон “Алоқа тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 3, 159-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда) алоқа тармоқларини ташкил қилишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий асосларини, алоқа шохобчаларини барпо этиш ва улардан фойдаланишда, алоқа хизмати кўрсатишда мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва фуқароларнинг алоқа воситаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ва бошқариш соҳасидаги ҳуқуқлари ва вазифаларини, шунингдек берилган ҳуқуқларни бузганлик ва вазифаларини бажармаганлик учун жавобгарлик чораларини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган 848-ХП-сон “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 232-модда) давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмалар, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий тузилмалари ва фуқароларининг республика ҳудудидаги ҳамда унинг ташқарисидаги фаолиятининг барча турларида давлат сирларини сақлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

10-модда. Давлат сирларини сақлаш борасидаги бурч, уларни ошкор этганлик ёки қонунга хилоф равишда махфийлаштирганлик учун жавобгарлик – Давлат сирларини сақлаш – бундай сирларга эга бўлган барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг мансабдор шахслари ва фуқароларининг бурчи. Давлат сирларидан фойдаланиш билан боғлиқ бирон-бир ишлар бундай сирларни сақлаш юзасидан чоралар кўрилганидан кейингина амалга оширилади. Давлат сирларини сақлаш бўйича масъулият давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг

раҳбарлари зиммасига юклатилади. Давлат сирларини ошкор этганлик, бундай сирлар ифодаланган ҳужжатлар ва буюмларни йўқотганлик учун ёки ахборотларни қонунга ҳилоф равишда махфийлаштирганлик учун айбдорлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган 1002-ХП-сон “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 46-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари: маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг (бундан буён матнда “маҳсулот” деб юритилади) аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан; маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлигини ва бир-бирига мос келишини таъминлашдан; фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек аҳолининг ҳамда халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда маҳсулот сифатини ҳамда рақобат қила олиш имконини оширишдан; барча турдаги ресурслар тежалишига кўмаклашишдан, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашдан; ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишдан; табиий ва техноген фалокатлар ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавф-хатарини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлашдан; истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ҳамда сифати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлашдан; мудофаа қобилятини ва сафарбарлик тайёрлигини таъминлашдан; ўлчовларнинг ягона birlikда бўлишини таъминлашдан иборатдир.

10-модда. Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик – Ушбу Қонун қоидалари бузилишида айбдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек давлат бошқарув органларининг мансабдор шахслари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

4. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган 1060–ХП-сон “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий

ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 136-модда) ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини яратиш, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

9-модда. ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқи ҳамда уларни рўйхатдан ўтказиш – Реестрга киритилган маълумотлар токи акси исботланмагунга қадар тўғри деб ҳисобланади. Кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун талабнома берувчи жавобгар бўлади.

15-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши – Ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳуқуқларига тааллуқли ушбу Қонун талабларининг жисмоний ёки юридик шахс томонидан бажарилмаслиги муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ўзганинг номи билан чиқариш ёхуд ундан ғайриқонуний равишда нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

5. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХП-сон Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси:

46-модда. Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш – Тиббий ёки тижорат сирларини, ёзишма ва бошқа хабарлар, нотариал ҳаракатлар, банк операциялари ва жамғармалар сирларини, худди шунингдек фуқарога, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига маънавий ёхуд моддий зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни ошкор этиш, башарти ушбу Кодекснинг 461-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлмаса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

151-модда. Рухсатсиз радиоузаткич шохобчаси ўрнатиш ва (ёки) ундан фойдаланиш, шунингдек абонентлик қурилмасини электр алоқа тармоқларига улаш – Қувватидан қатъи назар радиоузаткич шохобчасини рухсатсиз ўрнатиш ва (ёки) ундан фойдаланиш—

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Абонентлик қурилмасини рўйхатдан ўтказмай ёки рухсатсиз электр алоқа тармоқларига улаш —

абонентлик қурилмасини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

152-модда. Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш тартибини бузиш – Радиоэлектрон воситалар ёки юқори частотали қурилмаларни лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ва улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини, радиоайирбошлаш ва радиочастоталардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, радионурланишнинг техник регламентлари ёки давлат стандартлари, нормалари ва белгиланган тартибда ўрнатилган параметрларига риоя этмаслик, —

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Радиоэлектрон воситалари ёки юқори частотали қурилмаларни тайёрлаш, олиш, сотиш ёки ўзгага доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш учун бериш тартибини бузиш —

радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

153-модда. Алоқа хизматининг сифатига доир нормалар ва давлат стандартларини бузиш – Алоқа хизматининг сифатига доир нормалар ва давлат стандартларини, давлат алоқа тармоғи билан

боғланадиган симли электр алоқа воситаларининг, радионурланишларининг параметрларини бузиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

154-модда. Алоқа йўллари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш – Алоқа йўллари ва иншоотларини, шунингдек алоқа йўли ва кабель иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш —

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, —

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

155-модда. Ахборотдан фойдаланиш қоидаларини бузиш – Ахборот тизимидан фойдаланиш мақсадида унга рухсатсиз кириб олишда ифодаланган ахборот ва ахборот тизимларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ахборот тизимларининг ишини бузишга олиб келган худди шундай ҳуқуқбузарлик, худди шунингдек кириш чекланган ахборот тизимларини ахборот-ҳисоблаш тармоқларига улаш чоғида тегишли ҳимоя чораларини кўрмаганлик —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот тизимларини халқаро ахборот тармоқларига қонунга хилоф равишда улаш, бу тармоқларга тегишли ҳимоя чораларини кўрмасдан уланиш, худди шунингдек улардан маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзганинг электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастури ёки маълумотлар базасини ўз номидан чиқариш ёхуд қонунга хилоф равишда ундан нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

155¹-модда. Компьютер тизимидан фойдаланиш қоидаларини бузиш – Компьютер тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган шахснинг ушбу тизимдан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузиши компьютер ахборотининг йўқ қилиб юборилишига, тўсиб қўйилишига, модификациялаштирилишига, компьютер ускунаси ишлашининг бузилишига сабаб бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик ўта муҳим ахборот мавжуд бўлган компьютер тизимидан фойдаланиш вақтида содир этилса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

155²-модда. Телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш – Телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда —

ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

156-модда. Автомат телефонларни шикастлантириш – Автомат телефонларни шикастлантириш —

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

6. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси:

143-модда. Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш – Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини қасддан бузиш, шундай

ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

149-модда. Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш – Тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш —

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

162-модда. Давлат сирларини ошкор қилиш – Давлат сирларини ошкор қилиш ёки ўзгага бериш, яъни давлат сири, ҳарбий сир ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларнинг, бу маълумотлар ишониб топширилган ёки хизмати ёхуд касб фаолияти юзасидан улардан хабардор бўлган шахс томонидан ошкор қилиниши, башарти, бу қилмишда давлатга хоинлик аломатлари бўлмаса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

163-модда. Давлат сири ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш – Ҳужжатларнинг, шунингдек ашё ёки моддаларнинг, агар улар ҳақидаги маълумот давлат сири ёки ҳарбий сирни ифодаласа, хизмат ёки касб фаолияти юзасидан ишониб топширилган шахс томонидан йўқотилиши, башарти, бу йўқотиш ана шу ҳужжатлар, ашё ёки моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш натижасида рўй берган бўлса, —

бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

244¹-модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоёиш этиш – Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоёиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш —

Энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, туҳматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоёиш этиш —

Энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

- а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан;
- б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;
- в) диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб;
- г) оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —

Беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

244⁵-модда. Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш – Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотларни нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёки оммавий ахборот воситалари, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

263-модда. Темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўллари яроқсиз ҳолатга келтириш – Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспорти воситалари, алоқа йўллари, улардаги иншоотлар, сигнализация қурилмалари, алоқа ёки бошқа транспорт ускуналари қасддан бузиш, уларга шикаст етказиш ёхуд уларни бошқа усулда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат одам ўлишига сабаб бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

278-модда 3-қисм. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш – Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, уни кўпайтириш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

Энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

XX¹ боб. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар

278¹-модда. Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш – Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, яъни белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, —

Энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

Энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

278²-модда. Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш – Компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлса, —

Энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;
- г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

Энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

278³-модда. Компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш – Ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш —

Энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;
- г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

Энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

278⁴-модда. Компьютер ахборотини модификациялаштириш – Компьютер ахборотини модификациялаштириш, яъни компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равишда ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек била туриб унга ёлғон ахборотни киритиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, —

бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

278⁵-модда. Компьютер саботажи – Ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш (компьютер саботаж) —

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, —

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

278⁶-модда. Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш – Компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатиш —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

278⁷-модда. Телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш – Ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) хизмат мавқеидан фойдаланиб;
- г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

7. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 400–I-сон “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 108-модда) ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

13-модда. Ахборот олиш ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик – Ахборот олиш ҳуқуқининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

8. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган 725–I-сон “Радиочастота спектри тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 16-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда) радиочастота спектрини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиди.

2-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

радиочастоталар (радиотўлқинлар) — белгилар, сигналларни, ёзма матнни, тасвирлар ва товушларни узатиш ёки қабул қилиш мақсадида фазода сунъий тўлқин ўтказгичсиз тарқатиладиган, шартли равишда уч минг гигагерцдан камроқ қилиб қабул қилинган частотали электромагнит тўлқинлар;

радиочастота спектри — шартли равишда уч минг гигагерцдан камроқ қилиб қабул қилинган ораликдаги радиочастоталар тўплами;

радиоэлектрон воситалар — радиотўлқинларни тарқатиш ва (ёки) қабул қилиш учун мўлжалланган техник қурилмалар ёки тизимлар;

юқори частотали қурилмалар — радиочастоталар энергиясини sanoat, илмий, тиббий, маиший ёки бошқа мақсадларда ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш учун мўлжалланган ускуналар ёки асбоблар, улардан радиотўлқинларни тарқатиш ёки қабул қилиш мақсадида фойдаланиш бундан мустасно;

радиочастоталар полосаси — радиочастота спектрининг муайян шароитларда радиоэлектрон воситалар ёки юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш учун мўлжалланган қисми;

Ўзбекистон Республикаси радиочастоталарни тақсимлаш жадвали — ҳар хил турдаги радиохизматлар ўртасида тақсимланган радиочастоталар полосалари рўйхати;

радиоҳалақитлар — радиоалоқа тизимида қабул чоғида бир ёки бир нечта тўлқин тарқатишлар келтириб чиқарган, ахборот сифатининг ёмонлашуви, хатоликлар бўлиши ёки ахборот йўқолишида намоён бўладиган электромагнит энергиясининг таъсири;

индустириал радиоҳалақитлар — радиотўлқинларни узатиш учун мўлжалланмаган техник воситалар томонидан вужудга келадиган радиочастота спектри диапазонидаги электромагнит тарқатишлар;

электромагнит мослашув — радиоэлектрон воситаларнинг уларга радиохалақитлар таъсир этиб турган бир вақтнинг ўзида мавжуд ишлатиш шароитларида талаб даражасидаги сифат билан ишлай олиш қобилияти;

радиочастота спектридан фойдаланувчи — радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни ишлатиш учун радиочастота органининг рухсатномасига эга бўлган юридик ёхуд жисмоний шахс;

радиочастота бериш — радиочастота органи томонидан бериладиган тегишли рухсатномада кўрсатиладиган аниқ радиочастота;

радиочастота спектрининг мониторинги — радиочастота спектри ҳолатини кузатиш, ундан фойдаланишни баҳолаш, радиочастота спектри тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш учун мўлжалланган ташкилий-техник тадбирлар мажмуи.

21-модда. Радиочастота спектри тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Радиочастота спектри тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

9. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган 822–I-сон “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 4, 157-модда; 2007 йил, № 9, 414-модда) телекоммуникацияларни яратиш, ишлатиш ва ривожлантириш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

2-модда. Асосий тушунчалар – Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

телекоммуникациялар — сигналлар, белгилар, матнлар, тасвирлар, товушлар ёки ахборотнинг бошқа турларини ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимларидан фойдаланган ҳолда узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш;

телекоммуникациялар тармоғи — узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимиль турларини, маълумотлар узатиш ва ҳужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва

радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуи;

телекоммуникация воситалари — электрмагнит ёки оптик сигналларни ҳосил қилиш, узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш, коммутация қилиш ҳамда уларни бошқариш имконини берувчи техник қурилмалар, асбоб-ускуналар, иншоотлар ва тизимлар;

телекоммуникация иншоотлари — телекоммуникация тармоқлари ва воситаларининг ишлаши ҳамда улардан фойдаланишни таъминловчи бинолар, қурилмалар, телекоммуникация линиялари, мосламалар, таянчлар, мачталар ва бошқа иншоотлар;

охирги (терминал) асбоб-ускуналар — телекоммуникациялар тармоқлари билан ўзаро боғланадиган, телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган ёки қабул қилинадиган сигналларни ҳосил қилиш, ўзгартириш, қайта ишлаш учун мўлжалланган телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланувчиларнинг техник воситалари;

тармоқлараро уланишлар — телекоммуникация тармоқларининг ўзаро технологик ҳамкорлиги бўлиб, у турли телекоммуникациялар операторларининг фойдаланувчилар ўртасида ахборотни узатиш ва қабул қилишни таъминлайди;

телекоммуникация оператори — мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида телекоммуникациялар тармоғига эга бўлган, унинг ишлаши, ривожланишини таъминловчи ва телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи юридик шахс;

телекоммуникация хизматлари провайдерлари — фойдаланувчиларга операторлар тармоғи орқали тижорат асосида телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи юридик шахс;

телекоммуникациялар хизматлари — оператор ва провайдернинг сигналлар ҳамда бошқа ахборот турларини телекоммуникация тармоқлари орқали қабул қилиш, узатиш, қайта ишлашга доир фаолияти маҳсули;

рақамлаш тизими — операторлар, провайдерлар ва фойдаланувчиларнинг охирги (терминал) асбоб-ускуналари ўртасида рақамларни тақсимлаш ва уларга рақам (рақамлар ёки белгилар комбинациясини) бериш тартиби;

рақамлаш режаси — операторлар, провайдерлар ва фойдаланувчиларнинг охириги (терминал) асбоб-ускуналари ўртасидаги аниқ рақамларнинг берилиши;

телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланувчи — телекоммуникациялар хизматларининг истеъмолчиси ҳисобланган юридик ёки жисмоний шахс;

универсал хизматлар — умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари орқали барча фойдаланувчиларга кўрсатиладиган белгиланган сифатдаги мажбурий хизматлар тўплами (фойдаланувчиларнинг бу тармоқдан фойдаланишини таъминлаш, маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари, телеграммалар жўнатиш ва бошқалар).

домен номи — ахборот ресурсига ёки ахборот тизимига берилган, уларни Интернет жаҳон ахборот тармоғида идентификациялаш учун хизмат қиладиган ноёб ном;

домен номлари тизими — Интернет жаҳон ахборот тармоғида домен номларини бериш, рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби;

телекоммуникациялар тармоқларини аттестациядан ўтказиш — телекоммуникациялар тармоқлари ҳимояланганлик ҳолатининг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги давлат стандартлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлашга қаратилган ташкилий-техник тадбирлар мажмуи.

28-модда. Телекоммуникациялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик — Телекоммуникациялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

10. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган 167-II-сон “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 15-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 310-модда) терроризмга қарши кураш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари шахс, жамият ва давлатнинг терроризмдан хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг

суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлайди.

28-модда. Террорчилик фаолиятида иштирок этганлик учун жавобгарлик – Террорчилик фаолиятида иштирок этаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади. Шахс террорчилик фаолиятида иштирок этишдан ўз ихтиёри билан қайтган, бу ҳақда тегишли давлат органларига хабар берган ҳамда оғир оқибатлар юзага келишининг ва террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 26-моддасига мувофиқ шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатса, шунингдек жиноий оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаган ҳолда, шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олса, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жавобгарликни истисно қилади. Жиноятни охирига етказишдан ихтиёрий қайтган шахс, агар амалда содир этган қилмишида бошқа жиноят таркибининг барча аломатлари бўлса, Жиноят кодекси бўйича жавобгарликка тортилади.

29-модда. Террорчилик фаолияти учун ташкилотнинг жавобгарлиги – Ташкилот суднинг қарори асосида террорчилик ташкилоти деб топилади ва тугатилади. Террорчилик ташкилоти деб топилган ташкилот тугатилганда унга тегишли мол-мулк мусодара этилади ҳамда давлат мулкига ўтказилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатга олинган халқаро ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) Ўзбекистон Республикасининг суди томонидан террорчилик ташкилоти деб топилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мазкур ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) фаолияти тақиқланади ва бу ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) тугатилади, унга (унинг бўлинмасига, филиалига, ваколатхонасига) тегишли, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган мол-мулк мусодара этилади ва давлат мулкига ўтказилади.

30-модда. Етказилган зарар учун жавобгарликдан озод этиш – Террорчиликка қарши операцияда иштирок этаётган ҳарбий хизматчилар, мутахассислар ва бошқа шахслар бундай операция ўтказилаётганда мажбуран зарар етказганлик учун жавобгарликдан озод этилади.

31-модда. Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик – Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган 218-П-сон “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 87-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда) интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилади:

2-модда. Асосий тушунчалар – Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

интеграл микросхема — электрон вазифаларни бажаришга мўлжалланган тугал ёки оралик шаклдаги микроэлектрон буюм бўлиб, ундаги элементларнинг ҳеч бўлмаганда бири фаол ҳисобланади, буюмдаги боғланишларнинг айримлари ёки барчаси бу буюм тайёрланган жисмлар таркибида ва (ёки) сиртида узвий шакл топган бўлади;

интеграл микросхема топологияси — интеграл микросхема элементларининг ва улар ўртасидаги боғланишлар мажмуининг моддий жисмда қайд этилган фазовий-геометрик жойлашуви;

ҳуқуқ эгаси — интеграл микросхема топологиясининг муаллифи, унинг меросхўри, шунингдек интеграл микросхема топологиясидан фойдаланиш мулкый ҳуқуқларини қонунга ёки шартномага асосан олган ва уларга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

21-модда. Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик – Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

12. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган 439–П-сон “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 2-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда) ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларига риоя этилишини, ҳар кимнинг

ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини, шунингдек ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлайди.

16-модда. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик – Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

13. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган 530–II-сон “Банк сирини тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 144-модда) банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олиш, сақлаш, муҳофаза қилиш, эълон қилиш ва тақдим этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

18-модда. Банк сирини тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик – Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган шахснинг бу маълумотларни ноқонуний равишда ошкор қилганлиги ёхуд улардан ноқонуний фойдаланганлиги ҳамда банк мижозига (вакилига) зарар етказганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

14. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган 560–II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда)нинг мақсади ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. 3-модда. Асосий тушунчалар – Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **ахборотлаштириш** — юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни; **ахборот ресурси** — ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси; **ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдори** — ахборот ресурсларига ёки ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс; **ахборот**

ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг эгаси — қонун билан ёки ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборот ресурсларига ёхуд ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс; **ахборот технологияси** — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар; **ахборот тизими** — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари. **блогер** — Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа хусусиятга эга ахборотни жойлаштирувчи, шу жумладан ахборотдан фойдаланувчилар томонидан ушбу ахборотни муҳокама қилиш учун жойлаштирувчи жисмоний шахс. **4-модда. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати** – Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган. **Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:** ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланилишини таъминлаш; давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш; халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш; давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш; ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш; ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш; дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш; тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароит яратиш; кадрлар

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш.

5-модда. Ахборотлаштириш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш – Ахборотлаштириш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у махсус ваколат берган орган амалга оширади.

6-модда. Махсус ваколатли орган – Махсус ваколатли орган: давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ишларини ташкил этади ва мувофиқлаштиради; ахборотлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқади; давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари яратилишига кўмаклашади; ахборотлаштириш соҳасидаги стандартлар, нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқади; ахборот тизимлари ва ахборот технологияларининг техника воситалари ҳамда хизматларини сертификатлаштириш ишларини ташкил этади; юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз ахборот ресурслари ҳамда ахборот тизимлари муҳофаза этилишини таъминлаш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради; ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини ривожлантиришга кўмаклашади; ахборотлаштириш соҳасида маркетинг тадқиқотлари ва мониторингни ташкил этади; ахборот ресурсларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини амалга оширади; Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб ахборот хавфсизлигини ҳамда ахборот тизимларидан устувор фойдаланилишини таъминлайди; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

7-модда. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режими – Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режими қуйидагиларни белгиловчи нормалар билан аниқланади: ахборотни хужжатлаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва ахборот тизимларини яратиш тартибини; ахборот ресурсларига ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқини; ахборот ресурсларининг улардан эркин фойдаланиш даражаси бўйича тоифасини; ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш тартибини; ахборот тизимларининг тармоқлараро уланиши тартибини.

15. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган 562–II-сон “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 12-модда) электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. **3-модда. Асосий тушунчалар** – Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **электрон рақамли имзо** — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо; **электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити** — электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги; **электрон рақамли имзонинг очик калити** — электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги; **электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш** — электрон рақамли имзонинг электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига тегишлилиги ва электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлиги текширилгандаги ижобий натижа; **электрон ҳужжат** — электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот.

22-модда. Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик – Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

16. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган 611–II-сон “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни (“Халқ сўзи”, 2004 й., 106 (3381)-сон; ЎР ҚХТ, 2004 й., 20 (104)-сон, 230-модда) электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. **4-модда.** Электрон ҳужжат айланиши – Электрон ҳужжат айланиши электрон ҳужжатларни ахборот тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнлари йиғиндисидан иборат бўлади. Электрон ҳужжат айланишидан битимлар

тузиш (шу жумладан шартномалар тузиш), ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотни узатишда фойдаланиш мумкин. **5-модда. Электрон ҳужжат** – Электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир. Электрон ҳужжат техника воситаларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилади, ишлов берилади ва сақланади. Электрон ҳужжат электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг мазкур ҳужжатни идрок этиш имкониятини инобатга олган ҳолда яратилиши керак. **19-модда. Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик** – Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

17. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–30-сон “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни (“Халқ сўзи”, 2006 й., 66 (3865)-сон; ЎР ҚХТ, 2006 й., 14-сон, 112-модда) автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

11-модда. Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

18. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги 541-І-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январда қабул қилинган ЎРҚ-78-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 1, 4-модда) оммавий ахборот воситаларининг фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

40-модда. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Бош муҳаррир, шунингдек журналист оммавий ахборот воситаларида ҳақиқатга мос келмайдиган материалларни тарқатганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлмайди:

агар бу маълумотлар расмий хабарлардан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ёки расмий статистика ҳисоботлари маълумотларидан ёхуд ахборот агентликлари ёки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг матбуот хизматлари, шунингдек уларнинг расмий веб-сайтлари орқали олинган бўлса;

агар бу маълумотлар олдиндан ёзиб олинмасдан эфирга бериладиган муаллифлик чиқишларида мавжуд бўлса ёки чиқишларнинг сўзма-сўз такрорланиши (стенография, аудио-, видеоёзуви) бўлса.

19. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–211-сон “Почта алоқаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни (“Халқ сўзи”, 2009 й., 81(4744)-сон; ЎР ҚХТ, 2009 й., 17-сон, 209-модда почта алоқасининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

16-модда. Ёзишмаларнинг, почта ва курьерлик жўнатмаларининг сирини – Ёзишмаларнинг, почта ва курьерлик жўнатмаларининг сирини сақлаш мақсадида почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг:

бошқа шахсга почта, курьерлик жўнатмалари, пул маблағларининг почта ўтказмалари ҳақидаги маълумотларни, шунингдек фойдаланувчиларнинг манзиллари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;

почта ва курьерлик жўнатмасини очиши ёки очмаган ҳолда уларнинг мазмунига (жойланмасига) доир маълумотларни билиб олиши;

почта ва курьерлик жўнатмаларининг мазмуни (жойланмаси) тўғрисида бошқа шахсни хабардор қилиши тақиқланади, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

28-модда. Почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчиларнинг жавобгарлиги – Почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчилар почта алоқаси хизматларининг бошқа фойдаланувчиларига, почта алоқаси операторлари ёки провайдерларига

етказилган, жўнатилиши тақиқланган предметлар ва моддаларни почта ва курьерлик жўнатмаларига жойлаш натижасида ёки улар лозим даражада ўралмаганлиги натижасида юзага келган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

29-модда. Қалбаки почта тўловининг давлат белгиларини тайёрлаганлик, сотганлик учун жавобгарлик – Қалбаки почта тўловининг давлат белгиларини сотиш мақсадида тайёрлаганликда ёки сотганликда, шунингдек била туриб, франкирлаш машиналарининг қалбакилаштирилган тамға изларидан фойдаланганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

32-модда. Почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик – Почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

20. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 12 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–374-сон “Тижорат сирини тўғрисида”ги Қонуни (“Халқ сўзи”, 2014 й., 177 (6107)-сон; ЎР ҚХТ, 2014 й., 37-сон, 463-модда) тижорат сирини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

тижорат сирини — учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иқтисодиёт соҳаларида ҳамда бошқа соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот бўлиб, ушбу ахборот мулкдори унинг махфийлигини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни кўради; **тижорат сирининг махфийлиги** — тижорат сирининг тарқалиб кетиши, ошкор этилиши ва ундан рухсатсиз фойдаланилиши хавфсизлиги таъминланганлиги ҳолати; **конфидент** — тижорат сирини унинг мулкдори билан тузилган шартнома асосида эгаллик қилишга ва фойдаланишга олган юридик ёки жисмоний шахс;

Тижорат сирини қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ўз мулкдори учун ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эга бўлиши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳаммага маълум ёки ҳамма учун очиқ бўлмаслиги;

унинг махфийлиги муҳофаза қилиш чора-тадбирлари билан таъминланган бўлиши;

давлат сирлари ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сир белгиларига эга бўлмаслиги.

Тижорат сирининг мазмуни ва ҳажми унинг мулкдори томонидан белгиланади.

16-модда. Тижорат сирини тақдим этишда унинг махфийлигини таъминлаш – Давлат органлари ўзларига тижорат сирининг мулкдори ёки конфидент томонидан тақдим этилган тижорат сирининг махфийлигини таъминловчи шарт-шароитлар яратиши шарт. Давлат органларининг ходимлари хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан ўзларига маълум бўлиб қолган тижорат сирини ошкор этишга ёки бошқа шахсларга, шу жумладан давлат органларига топширишга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, шунингдек ундан ғаразли ёки бошқа шахсий мақсадларда фойдаланишга ҳақли эмас. **19-модда. Тижорат сирини тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик** – Тижорат сирини тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

21. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган “Электрон тижорат тўғрисида”ги 613-П-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 22 майда қабул қилинган ЎРҚ-385-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 5, 178-модда) электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

3-модда. Электрон тижорат – Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага (бундан буён матнда электрон тижоратдаги шартнома деб юритилади) мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси электрон тижоратдир.

20-модда. Электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик – Электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

22. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–395-сон “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни (“Народное слово”, 2015 й., 237 (6420)-сон; ЎР ҚХТ, 2015 й., 49-сон, 611-модда) электрон ҳукумат соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

3-модда. Асосий тушунчалар – Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

электрон ҳукумат — давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими;

давлат хизмати — ариза берувчиларнинг сўровларига кўра амалга ошириладиган, давлат органларининг вазифаларини бажариш бўйича улар томонидан кўрсатиладиган хизмат. Агар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат хизматлари кўрсатиш функциялари бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилган бўлса, улар ҳам давлат хизматини кўрсатишлари мумкин;

сўров — ариза берувчининг давлат хизмати кўрсатилиши тўғрисида давлат органларига юбориладиган талаби;

ариза берувчи — давлат органига сўров билан мурожаат этган жисмоний ёки юридик шахс;

идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш — давлат органлари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари воситасида маълумотлар алмашиш;

электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари — ҳар бир жисмоний ва юридик шахсга, кадастр ва кўчмас мулк объектларига, географик ва бошқа объектларга бериладиган, уларни электрон ҳукуматда идентификациялаш имконини берувчи ноёб кодлар;

электрон давлат хизматининг регламенти — электрон давлат хизмати кўрсатишга доир тартибни ва талабларни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат;

электрон давлат хизмати — ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда кўрсатиладиган давлат хизмати.

32-модда. Электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик – Электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

23. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–444-сон “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 508-модда) болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

4-модда. Асосий тушунчалар – Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ахборот маҳсулоти — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айланиш учун мўлжалланган оммавий ахборот воситалари маҳсулоти, босма маҳсулот, ҳар қандай турдаги ташувчилардаги аудиовизуал маҳсулот, дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда тарқатиладиган, телекоммуникация тармоқларига, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириладиган ахборот, компьютер ўйинлари, шунингдек томошабоп тадбирлар воситасида тарқатиладиган ахборот;

ахборот маҳсулотининг айланиши — ахборот маҳсулотини тақдим этиш ва (ёки) тарқатиш, шу жумладан уни сотиш (шу жумладан обуна бўйича тарқатиш), ижарага, прокатга бериш, ахборот-кутубхона муассасалари фондларидан тарқатиш, бериш, оммавий намойиш қилиш, оммавий ижро этиш (шу жумладан эфир ёки кабель узатуви, томошабоп тадбирлар воситасида), телекоммуникация тармоқларига, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш;

ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи — ахборот маҳсулотини унинг мавзусини, жанрини, мазмунини ва бадиий беаганини, муайян ёш тоифасидаги болалар томонидан ундаги ахборотни қабул қилиш хусусиятларини, унинг таркибидаги ахборотнинг болалар соғлиғига зарар етказиш эҳтимолини инобатга олган ҳолда, болаларнинг ёш тоифалари бўйича тақсимлаш;

ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси — ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифасининг график ва (ёки) матнли белгиси;

болалар — ўн саккиз ёшга тўлмаган (вояга етмаган) шахслар;

болаларнинг соғлиғи — болаларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан соғломлик ҳолати;

болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот — болалар ўртасида тарқатилиши ушбу Қонунга мувофиқ тақиқланган ёки чекланган ахборот маҳсулоти;

эксперт — ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш ва эксперт хулосасини бериш ёки ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга ошириш учун махсус ваколатли давлат органида аккредитациядан ўтган шахс.

24-модда. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик – Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

24. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январда қабул қилинган ЎРҚ-458-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 3-модда) 38-бандига асосан, мамлакат сафарбарлик тайёргарлигининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

сафарбарлик тайёргарлиги ва сафарбарлик соҳасидаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, шунингдек кўп укладли иқтисодиёт шароитида мулк шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигини белгилаш;

мамлакат иқтисодиётининг сафарбарлик режасини шакллантириш;

ҳарбий ва фуқаролар учун мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи (таъмирловчи) ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ҳамда жойлаштиришга доир асосли қарорлар ва режаларни, давлатнинг моддий захираларини, фуқаро муҳофазаси объектлари ва мол-мулкини жамлаш нормативларини, шунингдек алоҳида даврда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг барқарор фаолият кўрсатишига доир кўрсаткичлар ишланмаларини ишлаб чиқиш;

корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига алоҳида даврда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича сафарбарлик топшириқларини белгилаш;

иқтисодиётни бошқариш тизимининг алоҳида даврда барқарор фаолият кўрсатишга шайлигини таъминлаш;

уруш даврида иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатишини ва аҳолининг ҳаёт фаолиятини таъминлайдиган давлат инфратузилма объектларини ривожлантириш;

уруш даврида Қуролли Кучларга топшириш учун ёки мамлакат иқтисодиёти манфаатларини кўзлаб фойдаланиш учун мўлжалланган махсус тузилмалар ва муассасаларни ташкил этиш ҳамда шай ҳолатда сақлаб туриш;

давлат захираларида моддий бойликлар захираларини шакллантириш;

молия ва солиқ тизимларининг уруш даврида фаолият кўрсатишга шайлигини таъминлаш;

Қуролли Кучларнинг сафарбар ҳолда ёйилишини ва зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга шай ҳолатга келтирилишини ҳар томонлама таъминлаш.

25. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–471-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 219-модда) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг фаолиятини тартибга солади.

40-модда. Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги маълумотларни ҳимоя қилиш – Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги, давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланишига ижозат берилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари уларни ошкор этганлик учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

46-модда. Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик – Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” 2002 йил 30 майдаги ПФ–3080-сон Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тугатилсин ҳамда унинг негизда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ташкил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ҳамда умумий фойдаланишдаги телекоммуникация ва почта тармоқларининг ишлашини таъминлайдиган хўжалик юритувчи субъектларнинг “Ўзбекистон почтаси” давлат-акциядорлик компаниясини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқулланган. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклатилган:

маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон-телеграф ва почта алоқасини, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқларини вужудга келтириш, уларнинг фаолияти ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

почта алоқаси ва телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни йўналтириш ҳамда бошқаришни такомиллаштириш, маркетинг тадқиқотлари ва мониторингни ташкил қилиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, бу соҳада рақобат муҳитини яратиш ва ривожлантириш;

телекоммуникация тизимлари ҳамда технологияларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга хорижий сармояларни жалб этиш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш;

телекоммуникация технологияларини яратиш, жорий этиш ва фойдаланиш бўйича ягона шартлар ҳамда талабларни тасдиқлаш, шунингдек мазкур шартлар ва талабларга риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир чоратadbирларни амалга ошириш, миллий телекоммуникация тармоғи фаолиятининг ахборот соҳасидаги хавфсизлигини таъминлаш.

Замонавий ишончли ва хавфсиз миллий маълумотлар ахборот базаларини яратиш компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг замонавий тизимларини жорий этишнинг биринчи галдаги энг муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ишчи органи этиб Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги белгилаб қўйилди.

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш –

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида юқори мувофиқлаштирувчи орган тузилди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги этиб қайта ташкил этилди

Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бюджетдан ташқари жамғармасининг номи Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси деб ўзгартирилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон

Фармонига асосан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 5.1.-банди билан ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлардан бири этиб белгиланди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 2 августдаги ПФ–4459-сон Фармонига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди билан келишилган ҳолда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқланди. Судларнинг таркибий тузилмасида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил қилинди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” 2015 йил 4 февралдаги ПФ–4702-сон Фармонига асосан, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкил қилинган ва Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг барча мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси этиб белгиланган.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5349-сон Фармонига асосан, киберхавфсизликни таъминлаш бўйича комплекс чораларни амалга оширишда иштирок этиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 13 декабрдаги ПФ–5598-сон Фармонига асосан, қуйидагилар белгилаб қўйилди:

“Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш рақамли иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) электрон ҳукумат соҳасидаги ҳамда давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этишда ваколатли орган ҳисобланади, ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъулдир;

Агентликнинг электрон ҳукумат соҳасида, шунингдек, давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этиш бўйича ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари ижросини таъминлаш республиканинг барча вазирликлари, идоралари ва ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади;

давлат бошқарувида ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларини яратиш ва жорий этиш бўйича лойиҳалар, шунингдек, бундай лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Агентликда экспертизадан ўтказилиши шарт; Агентлик рақамли иқтисодиётни жорий этиш бўйича вазифаларни амалга ошириш доирасида халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлар билан бевосита ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳуқуқига эга.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 14 майдаги ПФ–5717-сон Фармонига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) томонидан “UZINFOCOM” давлат ахборот хизматларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда тизим оператори деб аталади) “Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш” автоматлаштирилган ахборот тизимининг (кейинги ўринларда ахборот тизими деб аталади) жорий этилиши, узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш, янада модернизация қилиниши ва ахборот хавфсизлиги учун масъул бўлган тизим оператори этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2005 йил 2 июндаги ПҚ–91-сон қарорига асосан, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича бош олий ўқув муассасаси этиб белгиланган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2005 йил 8 июлдаги ПҚ–117-сон қарорига асосан, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида махсус ваколатли орган этиб тайинланди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ–191-сон қарорига асосан, Мамлакат мактаблари, академик лицейлари, коллежлари, олий таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ҳамда бошқа илмий-таълим ва маданий-маърифий муассасаларини халқаро ахборот тармоқларига, шу жумладан Интернет тармоғига улаш фақат “ZiyoNET” тармоғи орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Республикадаги турли тузилмалар томонидан маълумотлар узатиш тармоқларида ташкил этилаётган таълим ва ёшларга мўлжалланган ахборот ресурсларини ягона “ZiyoNET” ахборот тармоғига бирлаштирилди ва тизимлаштирилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 3 апрелдаги ПҚ–614-сон қарорига асосан, давлат сирларидан иборат бўлган маълумотлар баён этилган ахборот; давлат ташкилотларининг мулки ҳисобланган махфий ахборот; ташкилотлар томонидан товарлар ва хизматларни давлат ташкилотлари эҳтиёжлари учун етказиб беришда уларнинг идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, махфий ахборотини криптографик муҳофаза қилишда фойдаланиладиган ахборотни криптографик муҳофаза қилиш

воситалари, шу жумладан хорижда ишлаб чиқарилган воситалари мажбурий равишда сертификатлаштирилиши шарт эканлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати – ахборотни криптографик муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ва маҳсулотлар (хизматлар)ни сертификатлашни таъминловчи ваколатли орган эканлиги белгилаб қўйилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 21 мартдаги ПҚ–1730-сон қарорига асосан, Миллий ахборот тизимининг ахборот хавфсизлигини, унинг ахборот тизимлари ва ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлаш ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгилаб қўйилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 20 сентябрдаги ПҚ–2042-сон қарорига асосан, қуйидагилар белгилаб қўйилди: Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри software.uz Интернет-порталида жойлаштирилган дастурий маҳсулотлар ва ишлаб чиқувчиларнинг миллий каталоги негизида яратилади; Миллий реестр электрон шаклда он-лайн режимда юритилади; ўз дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва сотишдан олинган даромадлари улар сотган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар Миллий реестрга ихтиёрий ва бепул асосда киритилади; Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестрини шакллантириш, юритиш ва янада ривожлантириш вазифалари Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади. Ҳозирги кунда ушбу software.uz дастурий маҳсулотлар ва ишлаб чиқувчиларнинг миллий каталогида 296 та ташкилот ва 1745 та дастурий таъминот мавжуд. Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тузилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Радиочастота спектрини бошқаришни ташкил қилиш ва фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида” 2013 йил 22 октябрдаги ПҚ–2053-сон қарорига асосан, Радиочастоталар

бўйича Республика кенгашининг таркиби, радиочастоталар бўйича Республика кенгаши тўғрисидаги низом тасдиқланган. Шунингдек, Радиочастоталар бўйича Республика кенгаши ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек радиочастота спектри фойдаланувчилари томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланишлиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси тугатилиб, радиочастоталар бўйича Республика кенгаши ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги радиочастоталар бўйича Республика кенгашининг ишчи органи ҳисобланишлиги белгилаб қўйилди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мобил алоқа миллий оператори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 12 февралдаги ПҚ–2126-сон қарорига асосан, ахборот хавфсизлиги талабларини ҳисобга олган ҳолда кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларининг ишончли ва барқарор фаолият юритишини таъминлаш мобил алоқа миллий операторининг асосий вазифаси ва йўналишларидан бири этиб белгиланди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишга хорижий инвестицияларни жалб этиш тўғрисида” 2014 йил 19 сентябрдаги ПҚ–2237-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан “LG CNS Co., Ltd” (Корея Республикаси) компанияси ўртасида 2014 йил 17 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасида “Электрон ҳукумат” тизими ва иқтисодиётнинг реал сектори учун ахборот тизимлари ҳамда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш бўйича “LG CNS Uzbekistan” қўшма корхонасини ташкил этиш юзасидан ўзаро англашув тўғрисидаги Меморандум имзоланган.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарорига асосан, Давлат хизматлари марказлари, шунингдек давлат хизматларини кўрсатадиган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва ишчилари зиммасига

давлат хизматларини кўрсатишда инфор­мацион хавфсизлик талабларига риоя этиш бўйича шахсий масъулият юкланди.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги тўғрисидаги низом” 2017 йил 27 июндаги ПҚ–3150-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ягона миллий ахборот тизимини яратиш, жорий этиш ва эксплуатация қилиш соҳасида Ягона миллий ахборот тизимининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўришлиги белгилаб қўйилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” 2017 йил 28 июлдаги ПҚ–3160-сон қарорига асосан, Ёшларда ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш Республика Маънавият ва маърифат марказининг вазифаси ҳисобланади. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини бирлаштириш йўли билан уларнинг негизида Республика Маънавият ва маърифат марказини қайта ташкил этилган.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 29 августдаги ПҚ–3245-сон қарорига асосан, Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор ташкил этилган.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 14 сентябрдаги ПҚ–3274-сон қарорига асосан, ўқувчиларда ахборот хавфсизлиги кўникмалари мактаб давридан бошлаб шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилди.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 19 февралдаги ПҚ–3549-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида Ахборот хавфсизлиги бошқармаси ва унинг таркибида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўлими тузилди.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Идоравий ахборот тизимларини жадал интеграциялаштириш ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 18 апрелдаги ПҚ–3673-сон қарорига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ягона интеграторнинг маълумотларни қайта ишлаш марказларини ташкил этилди ва унга давлат органлари ва ташкилотлари маълумотлар базаларидаги барча ахборотларни хавфсиз сақлаш ва барча ахборот тизимларининг барқарор ишлашни таъминлаш юкланган. Ягона интеграторнинг хавфсиз фаолият юритиши, ташқи ва ички таҳдидлар, хакерлик ҳужумларидан, шу жумладан инфратузилма объектларини ҳимоя қилиш соҳасида — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан таъминланиши белгилаб қўйилди. Телефон сўзлашувларининг хавфсизлиги ва назоратини таъминлаш имконини берадиган ҳукумат мобил алоқа тизими; ҳайдовчилик гувоҳномасидан ташқари, паспортлар, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар ва шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг мавжуд тизими ўрнига (республика ичида) ҳар бир фуқаронинг ягона идентификация рақами, унинг шахсий маълумотларини ўзида жамлаган ва давлат хизматларидан фойдаланишда шахсни аниқлаш учун ишлатилувчи идентификация карталари (ID-карталар) тизими; амалдаги давлат рақамларини халқаро намунадаги рақамларга алмаштириш, тегишли маълумотларни автомобиль эгаларининг идентификация карталари (ID-карталари)га киритган ҳолда транспорт воситалари учун қоғоз ҳужжатларни бекор қилишни назарда тутувчи транспорт воситаларини ҳисобга олиш тизими жорий этилди.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-

тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3832-сон қарорига асосан, “блокчейн” технологиялари жорий этиладиган аниқ фаолият соҳалари манфаатдор вазирлик ва идораларнинг таклифлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан белгиланади; рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни ва “блокчейн” технологияларини жорий этишни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида мажбурий тартибда экспертизадан ўтказилиши лозим; крипто-активлар айланмаси махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади; юридик ва жисмоний шахсларнинг крипто-активлар айланмаси билан боғлиқ операциялари, жумладан норезидентлар томонидан амалга ошириладиган операциялар солиқ солинадиган объект ҳисобланмайди, мазкур операциялар юзасидан олинган даромадлар эса солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ солинадиган базага киритилмайди; крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензия олган шахслар томонидан ўтказиладиган крипто-активлар айланмаси билан боғлиқ валюта операцияларига валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари татбиқ этилмайди. 2018 йил 1 октябрдан крипто-активлар айланмаси соҳасидаги, жумладан крипто-активлар савдоси бўйича крипто-биржалар яратиш фаолияти лицензияланиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган этиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ–3962-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирига (Содиқов) — “Ijro.gov.uz” тизими ва “Jamoadfikri.uz” порталининг такомиллаштирилиши, узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий асосда чоралар кўриб борилиши учун шахсий жавобгарлик юкланди. “Ijro.gov.uz”

тизимда ахборот хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қошидаги “Unicon.uz” давлат унитар корхонасига юкланди. “Ijro.gov.uz” тизимининг фойдаланувчилари “Ijro.gov.uz” тизимида ишлаганда ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар бўлишлиги белгилаб қўйилган.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4024-сон қарорига асосан, умумий штат бирлиги 198 нафар, шу жумладан ҳудудий бўлинмаларда — 110 нафар бўлган Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Давлат инспекцияси); давлат унитар корхонаси шаклида Техник кўмаклашиш маркази (кейинги ўринларда — Марказ); Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига кўмаклашиш маркази ташкил этилган. Марказ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ва Давлат инспекцияси Марказнинг таъсисчиси ҳисобланишлиги ва унинг вазифалари этиб қуйидагилар белгилаб қўйилди. Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: ахборот хавфсизлигига ҳозирги вақтдаги таҳдидлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тўплаш, давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларига ноқонуний кириб олиш ҳолатларининг олдини олишни таъминлайдиган самарали ташкилий ва дастурий-техник ечимларни тезкор қабул қилиш бўйича тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш; қонун бузувчиларни, ахборотлар маконидаги рухсатсиз ёхуд бузувчи ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланиладиган методлар ва воситаларни таҳлил қилиш, идентификациялашда телекоммуникациялар тармоқларининг операторлари ва провайдерлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш; ахборотлаштириш объектларида (давлат сирлари бундан мустасно) аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотларни, ахборот-коммуникация технологиялари, телекоммуникация жиҳозлари ва бошқа техник воситаларни аттестация,

экспертиза ва сертификациядан ўтказиш; давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ва ресурслари ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўмаклашиш; давлат ахборот тизимлари ва ресурслари, шунингдек, Интернет тармоғи миллий сегментининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; Интернетнинг миллий фойдаланувчиларини Интернет тармоғи миллий сегментида ахборот хавфсизлигига пайдо бўлаётган таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек, ахборотларни ҳимоя қилиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш. Ахборот соҳасида ягона давлат сиёсати рўёбга чиқарилишининг самарадорлигини ошириш, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги назорат тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказини тугатилган.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4024-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисида”ги низомга асосан, Давлат инспекцияси давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, бошқа ташкилотлар ва идораларда киберхавфсизликни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати устидан назорат, мониторинг олиб бориш, уни ўрганиш ва текшириш ваколатига эга эканлиги белгилаб қўйилди.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 2 февралдаги ПҚ–4151-сон қарорига асосан, Республика ахборот хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш ҳамда ахборот соҳасидаги хатар ва таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб равишда курашиш чораларини кўриш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг асосий вазифаларидан бири

этиб белгиланди. Шунга кўра, ахборот хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш ҳамда ахборот соҳасидаги хатар ва таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб равишда курашиш чораларини кўриш борасида Агентлик оммавий ахборот воситалари томонидан ишлаб чиқариш ва нашр қилиш, телеканал, радиоканал, теледастур ва радиодастурлар намойиши, шунингдек, ахборот-телекоммуникация тармоқлари, жумладан, Интернет тармоғи орқали ахборот тарқатиш жараёнига болаларни уларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи маълумотлардан ҳимоя қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилишини мониторинг қилади; фуқароларнинг ахборот тизимида мавжуд бўлган шахсий сирлар ва шахсий маълумотлар махфийлигининг сақланишига бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашади; аҳолини турли ахборот таҳдидларидан самарали ҳимоялаш мақсадида мамлакатда ва хорижда ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги муҳим воқеаларни ёритиш бўйича фаолиятни ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради; мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни фаол ва сифатли ёритиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, унинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш масалаларида оммавий ахборот воситаларига кўмаклашади; Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати ҳақида аҳолига ва дунё жамоатчилигига ишончли маълумотни ўз вақтида, сифатли ва холис етказиш учун миллий оммавий ахборот воситаларининг халқаро ахборот маконида қатнашишига ва ўз имкониятларини кенгайтиришига ёрдам беради; Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тўғрисидаги низом тасдиқланди.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПҚ–4328-сон қарорига асосан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУКнинг кўшимча вазифалари этиб “Электрон ҳукумат” тизимини ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш доирасида лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш; иқтисодиётнинг турли тармоқларида “ақлли” ва бошқа истиқболли технологияларни, шунингдек, катта

ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш технологияларини жорий этишнинг концептуал ва услубий асосини шакллантириш; жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ “Электрон ҳукумат” тизимининг ривожланиш даражасини тавсифловчи статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва ҳисобга олиш тизимини юритиш; тадқиқотлар ўтказиш ва иқтисодиёт тармоқларини ахборотлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг ягона технологик сиёсатини таъминлаш; “Электрон ҳукумат” тизимининг инфратузилмасини, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталини ва давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божлари ва йиғимлар суммаси ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизимини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида янада ривожлантиришни таъминлаш; лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштиришга йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари, беғараз техник кўмаклашиш маблағлари (грантлар), халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари имтиёзли кредитларининг самарали ишлатилиши устидан мониторинг олиб боришда ваколатли органларга кўмаклашиш этиб белгиланди. “Электрон ҳукумат” тизими ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш доирасида идоралараро ва идоравий ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотлар яратиш ва жорий этиш бўйича лойиҳалар ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги бошқа лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланган. Мазкур Низом давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан “Электрон ҳукумат” тизими ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурлари доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида амалга ошириладиган идоралараро ва идоравий ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш ҳамда бошқа лойиҳаларни комплекс экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш, шунингдек амалга оширишни мувофиқлаштириш ва лойиҳадан кейинги мониторинг тартибини белгилайди.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 22 майдаги ПҚ–4329-сон қарорига асосан, қуйидагилар белгилаб қўйилган: телекоммуникация тармоқлари,

қурилмалари, воситалари ва объектлари, операторлар ва провайдерларнинг мобил алоқа базавий станциялари, шу жумладан ижарага берувчиларнинг ҳудудларида ижара асосида ўрнатилган станциялар мулкчилик шаклидан қатъи назар, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари ҳисобланади; муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари, шу жумладан кабель каналлацияси, паст токли кабель шахталари, телекоммуникация қурилмаларини ўрнатиш учун майдонлар ва инфратузилмалар билан таъминланмаган жамоат, саноат, турар-жой, маъмурий бинолар ва иншоотларни қуриш ҳамда фойдаланишга қабул қилишга йўл қўйилмайди, лойиҳа-смета ҳужжатлари 2019 йил 1 июлгача тасдиқланган бинолар ва иншоотлар бундан мустасно; телекоммуникация объектларини кўчириш, қайта ўрнатиш, шунингдек, уларнинг фаолиятига учинчи шахслар томонидан ҳар қандай аралаштириш юзага келган муаммоларни ҳал этишнинг бошқа имкониятлари мавжуд бўлмаган ҳоллардагина ҳамда фақат мазкур объектларнинг эгаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Бунда телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг телекоммуникация объектларини кўчириш ёки қайта ўрнатиш, уларни созлаш ишларини амалга ошириш бўйича харажатлари мазкур ўзгаришларнинг ташаббускори томонидан тўлиқ ҳажмда қопланади; бинода яшовчилардан телекоммуникация хизматларини тақдим этишга ариза мавжуд бўлганда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари телекоммуникация операторлари ва провайдерларига бино ичида телекоммуникация тармоқларини паст токли кабель шахталари, телекоммуникация қурилмаларини ўрнатиш учун майдонлар ва инфратузилмадан беғараз асосда фойдаланган ҳолда ўтказишни рад этишга ёки тўсқинлик қилишга ҳақли эмаслар, мобил алоқа база станцияларини ўрнатиш бундан мустасно.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ–4502-сон қарорига асосан, “ЯММТ” ИДАКдан самарали ва ишончли фойдаланиш, иш берувчилар ва ходимлар шахсий маълумотларининг ахборот хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаш ушбу Дирекциянинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида “ЯММТ” ИДАК – “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексини бошқариш дирекцияси ташкил этилди.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 сентябрдаги ПҚ–4464-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг давлат муассасаси шаклидаги Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилди. Марказнинг асосий вазифалари қуйидагилар этиб белгиланди: автоматлаштирилган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини яратиш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, қурилиш соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш; “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимини юритиш ва қўллаб-қувватлаш; Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ахборот хавфсизлигига таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш ва унга қарши курашиш, ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этилишининг назоратини ва мониторингини амалга ошириш, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича техник инфратузилмани жорий этиш ва ривожлантириш; ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қурилиш соҳасида иштирок этувчи идоралар ходимларининг билим ва кўникмасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш; турли ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ягона серверини ташкил қилиш, юритиш ва ривожлантириш.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ–4699-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш соҳасидаги ваколатли орган ҳисобланади ва рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш доирасида ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш бўйича давлат органлари ва ташкилотларнинг лойиҳалари ва техник ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини мажбурий экспертизадан ўтказди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида крипто-активлар ва блокчейн технологиясини жорий этиш бўйича ваколатлар сақлаб қолиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Идоралараро ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш тўғрисида” 1998 йил 10 апрелдаги 150-сон қарорига асосан, Ташқи иқтисодий фаолиятнинг идоралараро ахборот-компьютер тармоғи ташкил этилиши лойиҳасига мувофиқ ахборотнинг идоралараро айирбошланишини, шунингдек Интернет тармоғида ишлашни таъминловчи ахборот-компьютер тизими ўрнатилган ва фойдаланишга топширилган. Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти томонидан Ўзбекистондаги БМТ Ваколатхонаси ва Жаҳон банкининг Ваколатхонаси билан биргаликда ташқи иқтисодий фаолиятнинг идоралараро ахборот-компьютер тармоғи ташкил этилиши лойиҳаси ишлаб чиқилган.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 1998 йил 15 майдаги 210-сон қарорига асосан, телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари тасдиқланган.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сон қарори билан тасдиқланган Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларига асосан, Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилишнинг мазкур қоидалари (кейинги ўринларда қоидалар деб аталади) Ўзбекистон Республикасида алоқа, радиолаштириш ва сигнализация линияларининг муҳофаза қилинадиган ҳудудида қуриш, сақлаш ва фойдаланиш тартибини белгилайди ва Қоидаларнинг амал қилиши барча линияларга, уларнинг кимга қарашлилиги ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, жорий этилади. Шунга кўра, мазкур қоидаларнинг талабларини бузган шахслар жавобгарликка тортиладилар ва етказилган зарарни қонунчиликда белгиланган тартибда қоплайдилар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 1998 йил 10 июлдаги 293-сон қарорига асосан, Идоралараро мувофиқлаштириш комиссияси тўғрисидаги низом, Давлат рўйхатидан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш), телерадиодастурларни

шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш билан шуғулланиш фаолиятига лицензиялар бериш учун ҳужжатларни қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Радиоэлектрон воситаларни ва юқори частотали қурилмаларни сотиб олиш (бериш), лойиҳалаштириш, қуриш (ўрнатиш), фойдаланиш, сотиш ва уларни чет эллардан олиб келиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган. Идоралараро мувофиқлаштириш комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Махсус алоқа хизмати орқали ахборот бехатарлиги таъминланиши ва давлат бошқаруви органлари ҳамда, мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг, шу жумладан, хорижий хўжалик юритувчи субъектларнинг телевидение ва радио дастурларини шакллантириш ва тарқатиш, телекоммуникациялар тармоқларидан фойдаланган ҳолда маълумотлар узатиш ва телевидение ва радиоэшиттириш радиочастота спектридан оқилона фойдаланиш бўйича фаолиятларини мувофиқлаштирилиши белгилаб қўйилди. Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссияси ташкил этилган. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги “UzPAK” маълумотларни узатиш давлат тармоғини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш корхонасининг маълумотларни узатиш республика тармоғи базасида Ўзбекистон Республикаси Маълумотлар узатиш миллий тармоғи ташкил этилган.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Маълумотлар узатиш миллий тармоғини ташкил этиш ва жаҳон ахборот тармоқларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида” 1999 йил 5 февралдаги 52-сон қарорига асосан, Маълумотларни узатиш миллий тармоғидан, шу жумладан, Интернетдан фойдаланиш ва уни ривожлантириш миллий оператори (провайдер) функциялари “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга давъат қилувчи ахборотлар тарқатилишига, уруш, зулм ва порнографияни тарғиб қилишга, диний ва миллий низоларни кўзғашга, инсоннинг шаъни ва кадр-қимматини поймол қилишга ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари билан тарқатилиши тақиқланган бошқа ахборотларнинг тарқатилишига йўл қўймаслик миллий оператор (провайдер) сифатида “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва

иктисодий ҳаёти тўғрисидаги ахборотларни Интернет тармоғига тарқатишни мувофиқлаштириш функцияси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига, Ташқи ишлар вазирлигига юкланган.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Операторлар (провайдерлар) ва абонентлар бўлган вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ахборотларни узатиш-қабул қилиш (айирбошлаш)да мазкур низомга қатъий амал қилиши белгилаб қўйилди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан, Хужжатлаштирилган ахборот — идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлари бўлган материал манбаида қайд этилган ахборот. **Махфий ахборот** — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш чекланган, давлат сирларига мансуб ахборот мавжуд бўлмаган ҳужжатлаштирилган ахборот; **Оммавий ахборот** — омма учун мўлжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот, матбуот, аудио, аудиовизуал ҳамда бошқа хабарлар ва материаллар. **Ахборот ресурслари** — ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборотлар, маълумотлар банклари, маълумотлар базаси. **Ахборот тизими** — ахборотларни йиғиш, сақлаш, излаш, ишлаш ва улардан фойдаланиш имконини берувчи ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг ташкилий тартибга солинган йиғиндиси. **Ахборот маҳсулотлари (маҳсулот)** — фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқ тайёрланган ва фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган ёки қўлланиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот. **Ахборот хизматлари** — фойдаланувчиларни ахборот маҳсулотлари билан таъминловчи субъектлар (мулкдорлар ва мулк эгалари)нинг ҳаракатлари. **Ахборот**

ресурслари ёки ахборот тизимлари эгаси — ахборот ресурслари ёки ахборот тизимларига эгалик қилишни, улардан фойдаланишни ва уларни тасарруф этишни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахслар. **Ахборотдан, ахборот айирбошлаш воситаларидан (кейинги ўринларда фойдаланувчи деб аталади) фойдаланувчи (истеъмолчи)** — ўзига зарур бўлган ахборот маҳсулотларини ёки халқаро ахборот айирбошлаш воситаларидан фойдаланиш имкониятларини олиш учун мулкдорга ёки мулк эгасига мурожаат қилувчи ва ундан фойдаланувчи субъект. **Ахборот жараёнлари** — ахборот тайёрлаш, тўплаш, қайта ишлаш, жамғариш, сақлаш, қидириш, тарқатиш ва фойдаланиш жараёнлари. **Ахборот айирбошлаш** — ахборот маҳсулотларини узатиш ва уларни олиш, шунингдек, ахборот хизматлари кўрсатиш. **Ахборот айирбошлаш воситалари** — ахборот айирбошлашда фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва алоқа тармоқлари. **Ахборот соҳаси (мухити)** — субъектларнинг ахборот тайёрлаш, айта ишлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган фаолият соҳаси. **Ахборот хавфсизлиги** — ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлиги ҳолати. Фойдаланиш чекланган ахборот мавжуд бўлган давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун мўлжалланган ахборот тизимлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ мажбурий аттестациядан ўтказилиши кераклиги ва ахборот айирбошлаш воситалари таркибига ахборот ресурсларидан фойдаланишнинг алоҳида қоидалари белгиланган давлат ахборот тизимлари, тармоқларини улаш ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ аттестациядан ўтказилгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида” 2001 йил 17 августдаги 344-сон қарорига асосан, Олий ўқув юртларида ахборот хавфсизлиги мутахассисликлари бўйича таълим олаётган талабалари стипендияларининг базавий миқдорлари белгилаб қўйилди ва унга асосан бир ойда битта талабага 549 906 сўм миқдорда стипендия берилди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарорига асосан, ҳар чоракда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг жаҳонда ва

мамлакатимиздаги тенденциялари, ушбу соҳадаги замонавий халқаро стандартлар тўғрисида ахборотлар ва шарҳлар тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интеграторининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳрида вояга етмаганлар қаровсизлиги ва улар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида” 2002 йил 26 августдаги 301-сон қарорига асосан, ташкил этилган Марказ вояга етмаганлар ўртасида қаровсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини амалга оширувчи, уларга тарбиявий таъсир кўрсатувчи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига жойлаштириш учун жўнатиладиган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштириш учун бошқа давлатларнинг шундай муассасаларидан келтириладиган вояга етмаганларни қабул қилувчи муассаса ҳисобланишлиги белгилаб қўйилди. 1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасига қарашли Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази тугатилиб, унинг негизида Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тасарруфидаги Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ташкил этилди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида” 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарорига асосан, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан чет эл ҳамда мамлакатимиз компьютер ва ахборот компаниялари билан биргаликда Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази ташкил этилди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент ахборот технологиялари университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2002 йил 7 ноябрдаги 385-сон қарорига асосан, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети республиканинг алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича базавий олий таълим муассасаси ҳисобланишлиги белгилаб қўйилди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2004 йил 24 ноябрдаги 555-сон қарорига асосан, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг марказининг хулосалари: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ахборот хизматлари соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш, лицензиялар беришни рад этиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки уларни бекор қилиш, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳномалар бериш ҳақида қарорлар қабул қилиниши учун; Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги органларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва мансабдор шахслар томонидан ахборот соҳасида йўл қўйилган камчиликларни ҳамда қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишларини бартараф этиши тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериши учун асос ҳисобланади. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тузилмасида ходимларнинг энг кўп сони 89 нафардан иборат бўлган “Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил қилинди. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланди: миллий ахборот макони ва оммавий коммуникациялар воситалари фаолиятининг, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, йўлдош тизимлар, Интернетнинг глобал тармоғи, ахборотни узатиш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситаларининг ҳамда матбаа маҳсулотларининг тизимли мониторингини олиб бориш; оммавий коммуникация воситаларида тарқатиладиган ахборот материаллари мазмунининг ахборот муҳитида шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишни, фуқароларнинг ижтимоий онгига бузғунчи салбий ахборот-руҳий таъсирнинг олдини олишга, миллий-маданий анъаналарни сақлаб қолиш ва уларнинг узвийлигини таъминлашга йўналтирилган республика қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқиш; мамлакатимизнинг оммавий ахборот ва коммуникация воситалари самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни аниқлаш, миллий ахборот бозорининг ҳар томонлама

ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир таклифларни ишлаб чиқиш; оммавий коммуникациялар соҳасида хизматлар кўрсатувчи субъектлар фаолияти мониторинги натижалари бўйича умумлаштириш ҳамда қонун ҳужжатлари талабларининг аниқланган бузилишлари бўйича тавсиялар, огоҳлантиришлар ва хулосалар бериш; янги технологиялар жорий этилишига қараб оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг тизимини такомиллаштириш, ахборот ресурсларини, ахборотни узатиш ва тарқатиш тизимлари ва воситаларини шакллантириш; қонун ҳужжатларини, ахборот соҳасида норматив-ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибани, замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда оммавий коммуникация воситаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва малакали кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд Интернет тармоғи Реестрини юритиш; Қонунчиликка мувофиқ, ишчи орган сифатида ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасида комплекс экспертиза ўтказилишини ташкил этиш.

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 20 декабрдаги 592-сон қарорига асосан, қуйидагилар белгилаб қўйилди: радиочастоталарни тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибдаги лицензиялар бериш учун танловларни ташкил этиш ва ўтказиш Ахборот фаолияти ҳамда маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссияга юкланади; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, таъсис ҳужжатларида оммавий ахборот воситалари соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш назарда тутилган юридик шахслар танловда иштирок этиш учун қўйилади; мазкур қарор чиққунга қадар берилган лицензиялар асосида телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) соҳасида фаолиятни амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектлар кўрсатиб ўтилган лицензиялар муддати тамом бўлгандан кейин танловда умумий асосларда қатнашадилар; телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастоталарни бериш юзасидан танлов ўтказиш ва унинг яқунлари тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Асосий фаолияти давлат теле ва радиодастурларни тузиш ва

тарқатиш (трансляция қилиш) ҳисобланган ёки устав фондида мулкнинг давлат улуши камида 50 фоизни ташкил этадиган корхоналарга радиочастоталар бериш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензияларни бериш танловдан ташқари асосда амалга оширилади; 2005 йил 1 февралдан бошлаб радиочастоталарни тақсимлаш ҳамда телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар бериш танлов асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрдаги 592-сон қарори билан тасдиқланган “Радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар бериш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан, радиочастоталарни беришга ва телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар олишга танлов ўтказиш (кейинги ўринларда танлов деб юритилади) тартибини белгилайди. Танлов Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш ва юқори сифатли телерадиоэшиттиришларни ташкил этиш мақсадида ўтказилади.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида”ги низомга асосан, Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом ва Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг фаолият юритиши тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

17. Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида” 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарорига асосан, Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом ва Давлат органларининг ахборот тизимларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди ва ушбу Низомда қуйидагилар белгилаб қўйилди:

Ахборотни ҳужжатлаштириш ахборотни давлат ахборот ресурсларига киритишнинг мажбурий шарти ҳисобланади; давлат ахборот ресурслари ахборот хавфсизлиги ахборотни муҳофаза қилишнинг комплекс ташкилий-техник чора-тадбирлари ва дастурий-аппарат воситаларини ўз ичига олувчи тизим билан таъминланиши керак; давлат сирлари ҳамда махфий ахборотга тегишли деб ҳисобланган давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва уларга хизмат кўрсатиш ишлари уларни шакллантириш, улардан фойдаланилиши ва уларнинг қўллаб-қувватланиши учун масъул бўлган давлат органлари томонидан бажарилиши керак; зарурият бўлганда, махфий ахборотга эга бўлган давлат ахборот ресурсларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш учун белгиланган тартибда юридик шахсларни жалб этишга йўл қўйилади; давлат ахборот ресурсларини муҳофаза қилишнинг дастурий-аппарат воситалари: ахборот хавфсизлигига таҳдидни аниқлаш ва унинг олдини олишни; шакллантириш, фойдаланиш, ишлаш, бериш ва сақлашда маълумотларнинг яхлитлигини; рухсат берилмаган эркин фойдаланишдан муҳофаза қилишни, ахборот ресурсларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни; маълумотларни захиралаштириш ва тиклаш тизимини; ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимининг яхлитлиги ва иш қобилияти назорат қилинишини таъминлаши керак; давлат ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимида фойдаланиладиган ахборотни муҳофаза қилишнинг дастурий-техник воситалари лицензияли ва сертификатлаштирилган бўлиши керак; юридик ва жисмоний шахслар давлат ахборот ресурсларини шакллантиришда ва улардан фойдаланишда давлат ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлашга мажбур. Давлат ахборот ресурслари таркибига киритиш учун ахборотни ҳужжатлаштириш тартиби алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги махсус ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланишлиги кўрсатиб қўйилди.

18. Вазирлар Маҳкамасининг “Ziynet” ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида” 2005 йил 28 декабрдаги 282-сон қарорига асосан, “ZiyoNET” тармоғи ахборот ресурсларини яратиш, ривожлантириш ва жамлаш дастури; Мамлакат мактаблари, академик лицейлари, коллежлари, олий ўқув юртлари, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ва бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларни “ZiyoNET” тармоғига улаш режа-

жадвали; Ахборот ресурсларини яратиш, экспертизадан ўтказиш ва “ZiyoNET” тармоғининг технологик майдончасида жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

19. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2006 йил 20 февралдаги 27-сон қарорига асосан, Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхати тасдиқланди.

20. Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида беғараз кўмакни жалб этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2006 йил 8 ноябрдаги 232-сон қарорига асосан, Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида беғараз кўмакни жалб этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

21. Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий коммуникациялар соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб боришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 28 июндаги 132-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикасида босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган ва ушбу Низом босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) томонидан тизимли мониторинг олиб бориш тартибини Марказ ҳамда Ахборот ва коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссиясининг (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари деб юритилади) билан ўзаро ҳамкорлик қилиши тартибини белгилайди.

22. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарорига асосан, Интерактив давлат хизматлари реестрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига юкланган.

23. Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2007 йил 21 ноябрдаги 242-сон қарорига асосан, ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом тасдиқланди ва ушбу Низомга мувофиқ, Ахборотнинг криптографик ҳимояси соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилиши; қуйидагиларнинг: давлат сири бўлган маълумотларга эга бўлган ахборотнинг; эгаси давлат ташкилотлари бўлган махфий ахборотнинг; идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, ташкилотлар томонидан давлат ташкилотлари учун товарлар етказиб беришда ва хизматлар кўрсатишда улардаги махфий ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолияти лицензияланиши; Электрон ҳужжатда электрон рақамли имзо яратилишини ва электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланишини таъминлайдиган электрон рақамли имзо воситалари қисмини қўлланиш билан боғлиқ бўлган фаолият лицензияланмаслиги белгилаб қўйилди.

24. Вазирлар Маҳкамасининг “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портални янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 17 декабрдаги 259-сон қарорига асосан, Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали харажатларини молиялаштириш, моддий-техник таъминлаш ва унга хизмат кўрсатиш тасдиқланган смета доирасида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

вазирлигининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилиши белгилаб қўйилади.

25. Вазирлар Маҳкамасининг “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисида” 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарорига асосан, Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахборотлар рўйхати; Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига жойлаштириш учун давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ахборотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом; Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига жойлаштириш учун Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати таркибий бўлинмалари томонидан ахборотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган.

26. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи аппаратида, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона ҳимояланган электрон почтани ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2011 йил 4 майдаги 126-сон қарорига асосан, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати билан давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида ягона ҳимояланган электрон почтага ва электрон ҳужжат айланиши тизимига босқичма-босқич ўтиш ва улардан фойдаланиш тадбирлари режаси, шунингдек уни амалга ошириш Схемаси тасдиқланди. Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратида, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона ҳимояланган электрон почта ва электрон ҳужжат айланиши тизими жорий этилди ва 2012 йил 1 январдан бошлаб улар ўртасида электрон ахборот айирбошланишини таъминланди.

27. Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 5 августдаги 228-сон қарорига асосан, Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси ташкил этилди ва Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази Комиссиянинг ишчи органи этиб

белгиланди. Комиссиянинг вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси таркиби ва Комиссия тўғрисидаги низом тасдиқланди: миллий ахборот макони ва оммавий коммуникация воситалари фаолияти, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, йўлдош тизимлар, Интернетнинг глобал тармоғи, ахборотни узатиш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситалари, шунингдек босма маҳсулотлар мониторинги натижаларини кўриб чиқиш; Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази томонидан тақдим этиладиган мониторинг материалларини оммавий коммуникация воситаларида тарқатиладиган ахборот материалларининг ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга, фуқароларнинг ижтимоий онгига бузғунчи салбий ахборот-руҳий таъсирнинг олдини олишга, миллий-маданий анъаналар ва меросни сақлаб қолиш ва уларнинг узвийлигини таъминлашга йўналтирилган республика қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш; оммавий коммуникациялар соҳасида хизматлар кўрсатувчи субъектлар фаолиятида қонунчилик талабларининг аниқланган бузилишлари бўйича хулосаларни тайёрлаш ва тегишли давлат органларига тақдим этиш; миллий оммавий коммуникация воситаларининг самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни аниқлаш; оммавий коммуникациялар соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

28. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг малакаси ва кўникмаларини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда уларни ишда компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида” 2011 йил 27 октябрдаги 289-сон қарорига асосан, 2012 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар: Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг ишда компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари; Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини компьютер саводхонлигининг минимал даражаси бўйича талабларга мувофиқлиги юзасидан аттестациядан

ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом; Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг компьютер саводхонлигининг минимал даражаси бўйича талабларга мувофиқлиги юзасидан аттестациядан ўтказиладиган ходимларининг лавозимлари рўйхати тасдиқланди.

29. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ахборот ресурсларини муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 8 июлдаги ПҚ–1572-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2011 йил 7 ноябрдаги 296-сон қарорига асосан, ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш ишларини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги Низом ва Махфий ахборотлар сирасига киритилган маълумотлар рўйхати тасдиқланди ҳамда мазкур Низомга асосан, **Ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш — ахборотлаштириш объектлари ҳимояланганлиги ҳақиқий ҳолатининг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги давлат стандартларига ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлашга йўналтирилган ташкилий-техник тадбирлар комплекси эканлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, ушбу низом билан ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлик юзасидан ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш ишларини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза ва ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлик юзасидан ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш ишларини амалга ошириш учун рухсатнома шакли намунаси тасдиқлаб қўйилди. Ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш ишларини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби белгилаб қўйилди.**

30. Вазирлар Маҳкамасининг “Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 1 февралдаги 24-сон қарорига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги компьютерлаштириш марказлари негизида “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхоналарининг вазифалари: замонавий халқаро тенденциялар ва минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мувофиқ жойларда компьютерлаштириш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва

амалга ошириш; ахборот ресурсларини юритиш ва янгилаш, минтақаларда ташкил этилган ва ташкил этиладиган давлат ахборот ресурсларини ва ахборот тизимларини рўйхатдан ўтказишга кўмаклашиш; Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг веб-порталларини доимий равишда янгилаб бориш, интерактив давлат хизматлари, шу жумладан “бир дарча” тамойили бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш; минтақада ахборот-коммуникация технологияларининг ҳолатини ва уларни ривожлантириш истиқболларини доимий равишда таҳлил қилиш ва унинг натижалари асосида мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш. Уларга юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхоналари телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга оширадilar. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги компьютерлаштириш марказлари негизида “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхоналари ташкил этилди. Янгидан ташкил этилаётган “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхоналари фаолиятига норматив-методик раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

31. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг Давлат каталоги тўғрисида”ги низомга асосан, давлат каталоги ахборот хавфсизлиги таъминланган ва барча зарур ҳимоя чоралари кўрилган ҳолда, электрон шаклда юритилади ҳамда ҳар йилнинг якунида ўзгартиришлар киритилгандан сўнг маълумотлар қоғозга кўчирилади, муқоваланади, ип билан тикилади, муҳрланади ва “Ўзархив” агентлигида сақланишлиги белгилаб қўйилди.

32. Вазирлар Маҳкамасининг “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 10 декабрдаги 346-сон қарорига асосан, судлар тизимида ахборот хавфсизлигини, ҳужжатларнинг хавфсиз айланишини таъминлаш судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг

асосий вазифаларидан бири деб белгиланди ва ушбу вазифани амалга ошириш учун судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастури тасдиқланди.

33. Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасини янада ривожлантириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш тўғрисида” 2012 йил 19 декабрдаги 356-сон қарорига асосан, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низом, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви аппарати тузилмаси, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси Кенгаши таркиби тасдиқланди. Жамғарма ҳисоб рақамларида жамланган маблағлардан ахборот ва почта хавфсизлиги, телекоммуникация тармоқлари тизимини, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилиш технологияларини жорий этишни, замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ ахборот ва почта хавфсизлигини таъминлаш бўйича техник инфратузилмани ривожлантиришни амалга ошириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси Кенгаши ташкил этилди.

34. Вазирлар Маҳкамасининг “Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 30 декабрдаги 378-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида, шу жумладан “бир дарча” режимида фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилди.

35. Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни ва Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг штатдаги ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш

ҳақида” 2013 йил 25 январдаги 18-сон қарорига асосан, Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг штатдаги ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Намунавий низом тасдиқланган ва ушбу низомга асосан ахборот хавфсизлигини таъминлаш замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун устама ҳақ белгилаш мезонларидан бири эканлиги белгилаб қўйилди.

36. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон қарорига асосан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини рейтингли баҳолаш тизими 2014 йил 1 январдан бошлаб жорий этилиши белгилаб қўйилди. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини рейтингли баҳолаш тизими тузилмаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини рейтингли баҳолашни амалга ошириш схемаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талаблар тасдиқланган. Веб-сайтга хавфсиз киришни тақдим этиш (махфий ахборотни узатишни ёки пулли хизматлар кўрсатишни назарда тутувчи сайтлар учун) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талаблардан бири сифатида белгилаб қўйилди.

37. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича малакасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2014 йил 27 мартдаги 73-сон қарорига асосан, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича малакасини оширадиган олий ўқув юртлари рўйхати тасдиқланган.

38. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2014 йил 23 апрелдаги 102-сон қарорига асосан, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди ва ушбу Низом ахборот-коммуникация технологияларини давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини, шунингдек NIS.UZ тизимига тақдим этиладиган ахборотнинг сифати ва ишончилигини ўрганишни амалга ошириш тартибини белгилайди.

39. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг идоралараро ахборот ҳамкорлиги тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 13 майдаги 120-сон қарорига асосан, давлат хизматлари, шакллари ва бланкалари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом ва Давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг идоралараро ахборот ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат хизматлари, шакллари ва бланкалари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш юзасидан масъул идора этиб белгиланди. Юқоридаги низом билан Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими оператори – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги унинг узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлиги учун жавоб беришлиги белгилаб қўйилди.

40. Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатдан ўтказиш марказлари фаолиятини янада тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2015 йил 15 июлдаги 190-сон қарорига асосан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлайдиган электрон рақамли имзо сертификатини бериш электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатдан ўтказиш маркази —Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ

қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

41. Вазирлар Маҳкамасининг “Очиқ маълумотлар тақдим этилиши ҳисобга олинган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 7 августдаги 232-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар портали тўғрисидаги низом тасдиқланди ва давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида жойлаштириладиган ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва ишончлилиги учун шахсан жавоб беришлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз расмий веб-сайтларида ва Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида эълон қилинадиган очиқ маълумотлар тўпламлари ўз вақтида янгиланишини таъминлашлари белгилаб қўйилди. Жисмоний ва юридик шахсларга машинада ўқиладиган форматдаги ахборотдан кўп маротаба, эркин ва бепул фойдаланиш имконини берувчи Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида Очиқ маълумотлар портали ишга туширилди ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталини шакллантириш ва ривожлантириш учун масъул орган этиб белгиланди.

42. Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарорига асосан, “Электрон ҳукумат” тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом ва “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими тўғрисидаги низом тасдиқланган. Ушбу Низом “Электрон ҳукумат” тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини (кейинги ўринларда марказий маълумотлар базалари деб юритилади) шакллантириш, долзарблаштириш, юритиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди. Ушбу низомга асосан, Марказий

маълумотлар базаларини юритиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан амалга оширилади. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги белгиланган тартибда марказий маълумотлар базаларидаги ахборотнинг сақланишини ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилишини таъминлайди. Шунингдек, Идентификациялаш ягона тизимининг ишлаши Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан амалга оширилади ва белгиланган тартибда фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари сақланиши ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради.

43. Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида” 2016 йил 3 июндаги 188-сон қарорига асосан, Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали тўғрисидаги низом ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интеграторининг Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат порталини ахборот билан таъминлаш ва ривожлантириш гуруҳининг ташкилий тузилмаси тасдиқланди. Мазкур Низом Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда давлат органлари деб аталади) фаолиятини кенг ёритиш, шунингдек давлат органлари фаолиятига оид очиқ маълумотларни эълон қилиш, фуқароларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятига ва давлат бошқарувига жалб этилиши ҳолатини ҳамда электрон давлат хизматлари тақдим этилишини таъминлаш мақсадида Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини (кейинги ўринларда Портал деб аталади) ва унинг доирасида фаолият юритувчи бошқа ахборот ресурсларини (веб-сайтларни) яратиш, ривожлантириш, тизимли қўллаб-қувватлаш ва ахборот билан таъминлаш бўйича умумий талабларни белгилайди.

44. Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 12 августдаги 262-сон қарорига

асосан, Идоралараро тармоқ орқали ўзаро электрон ҳамкорликни амалга оширишда ахборот хавфсизлигини ва маълумотлар ҳимоя қилинишини таъминлаш “Ўзбектелеком” АКнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди. Шунингдек, 2017 йил 1 январдан бошлаб электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларининг идоравий ва идоралараро ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ҳамда электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик Идоралараро тармоқ орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Ушбу қарор билан Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига биринчи навбатда уланадиган электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхати тасдиқланган. Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларининг идоравий ва идоралараро ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ҳамда электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш учун Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи ташкил этилди ва унинг оператори этиб “Ўзбектелеком” АК белгиланди.

45. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда рўйхатдан ўтказувчи органлар ва ваколатли ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги регламентига асосан, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими фойдаланувчисининг ахборот хавфсизлиги рўйхатдан ўтказувчи органлар ва ваколатли ташкилотлар дастурий-аппарат таъминоти чоралари билан амалга оширилиши, рўйхатдан ўтказувчи органлар ва ваколатли ташкилотлар қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу Регламент талабларини инобатга олган ҳолда, ушбу қоидалар бузилишининг олдини олиш ва бузилганлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи Ахборот хавфсизлиги ҳамда тизимдан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши белгилаб қўйилди.

46. Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарорига асосан, Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича малака талаблари тасдиқланиб, унга кўра, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари

битирувчиларига қўйиладиган малака талаблари қуйидагича белгилаб қўйилди:

1. Ахборотларни излаш ва электрон воситаларда йиғиш компетенцияси

A1

Информатика фани ва унинг ривожланиш тарихини билади; компьютерни тўғри ишга туширади ва ўчира олади; компьютерда ишлашда хавфсизлик қоидалари ва гигиена талабларига риоя этади; компьютернинг асосий қурилмалари ва уларнинг вазифаларини билади, улардан фойдалана олади; ахборот манбаларидан турли кўринишдаги ахборотларни излаб топади ва йиға олади; операцион тизимнинг элементларидан фойдалана олади. Содда график муҳаррири ва унинг имкониятларини билади; излаб топилган график ахборотларни сақлайди ва фойдалана олади; матн муҳаррири ва процессори фарқини, уларнинг имкониятларини билади, излаб топилган матнли ахборотларни сақлайди ва фойдалана олади; матн процессорининг белги, сўз, сатр, хатбоши, матн, блок, саҳифа тартиб рақами каби тушунчаларини билади, амалда қўллай олади.

A1+

Ахборотларни кодлашга доир содда мисоллар келтира олади, амалий машқларни бажара олади; компьютернинг асосий ва қўшимча қурилмалари ҳамда уларнинг вазифаларини билади, улардан фойдалана олади; матн процессорининг саҳифада устунлар, гипермуружаат, колонтитул, экранни суратга олиш каби имкониятларини амалда қўллай олади.

A2

Ахборотлар устида бажариладиган амалларга оид вазифаларни бажара олади; ахборотга оид ўлчов бирликларини билади; компьютер техникаси ва воситаларининг ривожланиш тарихи, тараққиёт даврлари ва авлодларини билади; ахборот технологияларининг ички ва ташқи омиллари, мультимедиа технологиялари ҳақида билимга эга бўлади; электрон манбаларидан турли кўринишдаги ахборотларни излаб топади ва компьютерда йиға олади; Интернетда ишлашни таъминловчи дастурлар ва уларнинг имкониятларини билади; тақдимот тайёрлаш ва лойиҳалашни билади; электрон почта ва ахборотларни ҳимоя қилиш имкониятларидан фойдалана олади; компьютерларнинг арифметик ва мантиқий асосларини билади ва уларга оид содда амалий масалаларни еча олади; турли санок тизимларида содда амалий масалалар еча олади; электрон жадвалларда турли ахборотларни сақлай олади.

A2+

Ахборотларни кодлаш ва декодлашга оид амалларни бажара олади; ахборот ўлчов бирликларига оид масалаларни ҳал эта олади; компьютерларнинг арифметик ва мантиқий асосларига оид амалий масалаларни ҳал эта олади; турли санок тизимларида амалий масалалар еча олади.

B1

Ахборот ресурсларидан мақсадли излаш ва саралаш вазифаларини бажара олади; ахборотларни архивлаш дастурлари имкониятларини билади, амалиётда қўллай олади; ахборотлашган жамият, ахборот системалари ҳақида тасаввурга эга бўлади; мультимедиа тизимлари ҳақида билимга эга бўлади, амалиётда қўллай олади; график объектлар ва уларни компьютерда тасвирлаш усуллари, компьютер графикаси ва унинг турлари ҳақида билимга эга бўлади; тасвирларни график ускуналар ёрдамида тўплашни билади, амалиётда қўллай олади; маълумотлар омборини яратиш ва бошқаришда қўлланиладиган дастурлар ҳақида билимга эга бўлади; касбий соҳаларда қўлланиладиган амалий дастурлар ҳақида билимга эга бўлади.

B1+

Ахборотга оид моделлар, техник воситалар ва ахборот ресурслари ҳақида мисоллар келтира олади; замонавий дастурлаш тиллари ва уларнинг таснифини билади; ўзининг соҳасига йўналтирилган амалий дастурлар имкониятлари ҳақида билимга эга бўлади ва улардан фойдалана олади. 2. Ахборотларни электрон воситаларда қайта ишлаш ва сақлаш компетенцияси

A1

Содда график муҳаррирда содда чизма ва расмлар ҳосил қила олади; график муҳаррир имкониятларидан фойдаланиб амаллар бажара олади; матн процессорида шрифт, хатбоши ва саҳифа форматларидан фойдалана олади; матн кўринишидаги ахборотларни матн муҳаррири ва процессорига киритишни, таҳрир қилишни ва сақлашни бажара олади; матн процессорида ҳужжатга расмлар, чизмалар, жадваллар, формулалар жойлаштира олади ва форматлай олади; матн процессори ёрдамида ижодий ишлар ва содда ҳужжатларни тайёрлай олади.

A1+

Содда график муҳаррири ёрдамида мураккаб бўлмаган расм ва тасвирлар чиза олади, улар устида график муҳаррир имкониятларидан фойдаланиб амаллар бажара олади; матн процессорида саҳифага

устунлар, гипермуурожаат, диаграмма, колонтитул, ёзув, экран суратини жойлаштира олади, уларни тахрир қилиш ва форматлаш имкониятларини қўллай олади.

A2

Операцион тизим ёки махсус дастурлар ёрдамида файлларни архивлай олади; тақдимот слайдларини ҳосил қилади, уларга мультимедиа элементларини татбиқ эта олади; электрон жадвалларда электрон жадвал имкониятларидан фойдаланиб ҳужжатлар ҳосил қила олади; электрон жадвал элементлари устида форматлаш амалларини бажара олади; электрон жадвалларда маълумотлар омбори ва диаграммалар ҳосил қилиб, турли амалларни бажара олади; электрон жадваллар функцияларидан фойдаланиб содда ҳисоблашларни бажара олади; ахборот ҳажми, узатиш тезлиги билан боғлиқ масалаларни, ахборотларни қайта ишлашни мустақил бажара олади; компьютерда масалалар ечиш босқичларига оид содда амалий масалаларни ҳал эта олади; турли масалаларни ечишга оид алгоритмлар туза олади; дастурлаш тилларидан бирида масалаларни ечишга доир содда дастурлар туза олади; медиа-саводхонлик билимига эга бўлади; электрон почта, Интернет ва бошқа ресурслардан олинган ахборотларни тахрир қила олади; Web-саҳифа кўринишида содда ахборот ресурсларини тайёрлай олади.

A2+

Электрон жадвал функцияларидан фойдаланиб математик, физик ва иқтисодий йўналишларда ҳисоблашни ва мантиқий масалаларни ҳал эта олади; таркибий Web-саҳифа кўринишида ахборот ресурсларини тайёрлай олади; дастурлаш технологияси имкониятларидан фойдаланиб содда дастурий таъминот ҳосил қила олади.

B1

Компьютерларнинг арифметик ва мантиқий асосларига оид амалий масалаларни ҳал эта олади; турли мавзуларда мультимедиа имкониятлари қўллаб, тақдимотларни мустақил равишда тайёрлай олади; растрли график муҳаррир ёрдамида расм ва фотосуратларни қайта ишлай олади; турли кўринишдаги ахборотларни мос дастурий таъминот ёрдамида тасвирлаш, сақлаш, қайта ишлаш вазифаларини мустақил ҳал эта олади; оммавий, таълимий ахборот ресурсларидан фойдалана олади, уларни керакли кўринишга келтириш учун қайта ишлашга оид амалларни бажара олади; компьютер вируслари ва ахборот хавфсизлиги муаммоларини ҳал эта олади; web-сайт кўринишидаги ахборотларни қайта ишлай олади; махсус амалий

дастурлар ёрдамида маълумотлар омбори ва сўровлар ҳосил қила олади ва ҳисоботлар тайёрлай олади; турли масалаларни ечишга оид алгоритмлар туза олади; объектга йўналтирилган дастурлаш тилларидан бирида масалаларни ечишга доир дастурлар туза олади.

B1+

Растрли ва векторли график муҳаррир ёрдамида тасвирларни қайта ишлай олади; махсус амалий дастурлар ёрдамида маълумотлар омбори, сўровлар ва шакллар ҳосил қила олади, ҳисоботлар ва содда макрослар тайёрлай олади; амалий дастурий таъминот ва дастурлаш тили имкониятларидан фойдаланиб мультимедиали ресурс тайёрлай олади.

3. Ахборотларни электрон воситалар орқали узатиш компетенцияси

A1

Ахборот ташувчи воситалар ёрдамида ахборотларни узатиш имкониятларидан фойдалана олади.

A1+

Махсус дастур ёки усул ёрдамида локал тармоқ орқали турли шаклда сақланган ахборотларни узата олади.

A2

Ахборот ўлчов бирликлари ва узатиш тезлиги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда узатиладиган ва олинладиган ахборотлар ҳажмини ҳисоблай олади; электрон почта орқали ахборот узата олади ва қабул қила олади; ахборот узатиш ва қабул қилишда одоб-ахлоқ меъёрлари, ахборот хавфсизлиги, медиа-саводхонлик талабларига риоя қилади.

A2+

Ахборот ўлчов бирликлари ва узатиш тезлиги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда узатиладиган ва олинладиган ахборотлар ҳажмини кичрайтириш имкониятларидан фойдалана олади.

B1

Ахборотни узатишнинг энг самарали усулларини амалда қўллай олади; ахборот узатишда Интернет ва унинг хизматларидан самарали фойдалана олади; ахборот хавфсизлигини таъминлайдиган усуллардан фойдаланиб ахборот узата олади; матн ва жадвал процессорлари, тақдимот дастурлари ёрдамида ҳужжатларни почта орқали узата олади.

B1+

Ахборот алмашишнинг дастурий таъминотини сошлаш асосида электрон тармоқлар имкониятларидан фойдалана олади; матн ва жадвал

процессорлари, такдимот дастурлари ёрдамида хужжатларни ахборот ресурси сифатида сайтга жойлаштира олади.

47. Вазирлар Маҳкамасининг “Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 августдаги 625-сон қарорига асосан, 2017-2019 йилларда Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни ривожлантириш бўйича комплекс дастур тасдиқланди.

48. Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича “Mirzo Ulugbek Innovation Center” инновация маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 15 августдаги 631-сон қарорига асосан, Тошкент шаҳридаги Инха университети муассислигида масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича “Mirzo Ulugbek Innovation Center” инновация маркази дирекциясини (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) ташкил этилган ва “Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича “Mirzo Ulugbek Innovation Center” инновация маркази тўғрисида”ги низом тасдиқланган. Ушбу Низом Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича “Mirzo Ulugbek Innovation Center” инновация маркази фаолиятини ташкил қилиш тартибини, асосий йўналишларини, юридик шахсларни унинг резидентлари сифатида рўйхатга олишни, резидентлар учун солиқ ва божхона имтиёзларини, махсус валюта режимини қўллашни, шунингдек, резидентлар билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича ходимлар томонидан солиқ имтиёзларининг қўлланилиши тартибини белгилайди. Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича “Mirzo Ulugbek Innovation Center” инновация маркази (кейинги ўринларда Инновация маркази деб аталади) — Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида экстерриториаллик принципи асосида, ахборот технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг максимал даражада қулай шароитларини яратиш учун республиканинг бутун ҳудудида Инновация маркази резидентларини жойлаштирган ҳолда тузилган ташкилот.

49. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низом тасдиқланиб, Ягона порталда давлат хизматларига бўлган энг кўп талабни баҳолаш натижасида аниқланган энг кўп талаб қилинадиган давлат хизматлари жорий этилиши ва тадбиркорлик субъектлари давлат хизматларини кўрсатувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда давлат органлари деб аталади) билан шартнома асосида талабгор электрон давлат хизматларини Ягона порталда ва расмий веб-сайтларда жорий этишда иштирок этишлигиб белгилаб қўйилди. Шунга кўра, “Ўзинфоком” марказига қуйидаги қўшимча вазифалар юкланди: Ягона портални техник қўллаб-қувватлашни таъминлаш; Ягона портал орқали электрон давлат хизматлари кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш; Ягона порталда электрон давлат хизматларини жорий қилишда давлат органларига методологик ва техник ёрдам кўрсатиш; Ягона порталнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш; Ягона портал фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш, кўрсатиладиган электрон давлат хизматларининг рўйхатини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш. Бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг (кейинги ўринларда Ягона портал деб аталади) янги версияси ишга туширилди. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ягона порталда жорий этиш мақсадида давлат хизматларига бўлган талабни баҳолаш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди; Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш “Ўзинфоком” маркази (кейинги ўринларда “Ўзинфоком” маркази деб аталади) Ягона порталда электрон давлат хизматларини жорий этиш ва техник қўллаб-қувватлаш бўйича Ягона интегратор ҳисобланишлиги белгилаб қўйилди.

50. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 17 октябрдаги 838-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот

хавфсизлигини таъминлаш маркази Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) этиб қайта ташкил этилди. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгиланди: ахборот хавфсизлигига ҳозирги вақтдаги таҳдидлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тўплаш, давлат органлари ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларига ноқонуний кириб олиш ҳолатларининг олдини олишни таъминлайдиган самарали ташкилий ва дастурий-техник ечимларни оператив қабул қилиш бўйича тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш; ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш; қонун бузувчиларни таҳлил қилиш, идентификациялашда, ахборотлар маконидаги рухсатсиз ёхуд бузувчи ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланиладиган методлар ва воситаларни таҳлил қилишда телекоммуникациялар тармоқларининг операторлари ва провайдерлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш; амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш; давлат органларига ахборот тизимлари ва ресурслари ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўмаклашиш; давлат ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларининг, шунингдек Интернет тармоғи миллий сегментининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; Интернетнинг миллий фойдаланувчиларини Интернет тармоғи миллий сегментида ахборот хавфсизлигига пайдо бўлаётган таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек ахборотларни муҳофаза қилиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш; Жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш тизимини тўлақонли ташкил этиш мақсадида “Хавфсиз шаҳар” ягона аппарат-дастурий комплексини ички ишлар органлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ахборот тизимлари ҳамда “Электрон ҳуқумат” тизимларига интеграция қилиниши шарти билан яратиш; “Хавфсиз шаҳар” ягона аппарат-дастурий комплексини яратиш ва кейинчалик уни бутун республика ҳудуди бўйича жорий этиш концепциясини ишлаб чиқиш; жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш соҳасида фаолиятнинг

самарадорлиги ва тезкорлигини ошириш учун ягона навбатчи-диспетчерлик хизмати ва маълумотларни қайта ишлаш марказларини ташкил этиш; манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда янги технологиялардан фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш соҳасида тегишли қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат стандартлари ҳамда қоидаларни ишлаб чиқиш; белгиланган вазифаларга мувофиқ ахборот хавфсизлиги ва жамоат ҳуқуқ-тартиботини профилактика қилиш ва таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни ташкил қилиш.

51. Вазирлар Маҳкамасининг “Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация хизматлари сифатини янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 7 мартдаги 185-сон қарорига асосан, Қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги учун молиявий санкциялар (жарималар)ни ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган ва 2018 йил 1 июндан бошлаб амалга киритилиши белгилаб қўйилган. Молиявий санкциялар (жарималар)ни ҳисоблаш учун идоравий статистика ҳисоботи маълумотлари, бирламчи статистика маълумотлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг тақдим этган ахборотлари, хизматларнинг сифат кўрсаткичларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларидан олинган маълумотлар, шунингдек, Инспекция томонидан белгиланган тартибда аниқланган қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги ҳолатлари асос бўлиб ҳисобланишлиги ва Молиявий санкциялар (жарималар) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) томонидан техник параметрлар, техник фойдаланиш қоидалари, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари воситаларининг ишлаши, шунингдек, хизмат кўрсатиш сифати бузилганлиги учун кўрсаткичларнинг ягона тизими бўйича ҳисобланишлиги белгилаб қўйилган. Шунга кўра, ушбу низом билан Молиявий санкциялар (жарималар)ни ҳисоблаш ва тўлаш схемаси ва молиявий санкциялар (жарималар) миқдорлари тасдиқланган ҳолда, у Ўзбекистон

Республикасида амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига мувофиқ равишда ҳисобланишлиги белгилаб қўйилди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта ва эҳтиётсизлик туфайли содир этилган, шунингдек, зарар етказишга олиб келмайдиган қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларни жавобгарликка тортиш уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш билан чекланади. Ушбу ҳолатда хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий санкциялар (жарималар) қўлланмайди. Хўжалик юритувчи субъектнинг охириги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлган молиявий санкциялар (жарималар)ни ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида тўловларни ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имконини берган ҳолда амалга оширилади. Қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатиладиган хизматлар сифатини бузилганлиги учун молиявий санкциялар (жарималар)ни ҳисоблаш: хўжалик юритувчи субъектларни абонентлар (мижозлар)га алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация хизматлари кўрсатилмаганлиги ёки улар сифатининг пастлиги учун қонунчиликка мувофиқ улар томонидан етказилган зарарни қоплаш ёки тўловни қайта ҳисоб-китоб қилишдан; мансабдор шахсларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликдан озод қилмайди.

Қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талабларини ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини бузилганлиги учун молиявий санкциялар (жарималар) МИҚДОРЛАРИ

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Молиявий санкциялар (жарималар) миқдори (ЭНГ кам ойлик иш ҳақи миқдorigа нисбатан баравар)
1. Почта алоқаси		
1.1.	Ўтказмалар суммаларининг корхонанинг айби билан камомади ва ўғирланиши, ҳар бир ҳолат учун	11
1.2.	Корхона айби билан почта, курьерлик жўнатмалари йўқолиши, жойланмаларининг камомади, бузилиши (шикастланиши), ҳар бир ҳолат учун	10
1.3.	Ёзма хат-хабарларнинг жўнатувчидан олувчигача ўтишида назорат муддатларининг бузилиши, ҳар бир ҳолат учун	0,1
1.4.	Посилкалар ўтишида назорат муддатларининг бузилиши, ҳар бир ҳолат учун	0,5
2. Магистрал ва зонаичи алоқа тармоқларининг узатиш линиялари, каналлари, трактлари		
2.1.	Телефон каналларининг тўхталиш давомийлиги (шу жумладан, асосий рақамли канал (АРК)нинг тонал частотали каналлари, Е1 оқимлари), канал-соатларда, алоқа линиялари турлари бўйича 1000 км учун, чорак давомида ҳисоблаганда	1
2.2.	Радиореле ва оптик-толали алоқа линиялари орқали ташкил этилган телевизион каналлар шикастланишларининг давомийлиги, 100 км	0,1

	линиялар учун минутларда, чорак давомида, ҳар бир минут учун	
2.3.	Режадан ташқари ўлчашлар, станция шикастланишлари ва электр таъминоти қурилмаларининг шикастланишлари сабабли келиб чиққан тўхталишлар давомийлиги, чорак давомида, 100 та ишлатилаётган телефон каналлари учун канал-соатларда (шу жумладан, АРК тонал частотали каналлари, Е1, IP оқимлари)	0,5
3. Маҳаллий (шаҳар, қишлоқ) телефон алоқаси		
3.1.	Носозликларни назорат муддатларидан ортиқ муддатларда бартараф этиш вақти, ҳар бир 1000 телефон-соат учун	0,2
4. Кабель, эфир-кабель телеэшиттириш		
4.1.	Теледастурларни трансляция/ретрансляция қилувчи кабель/эфир-кабель телевидение студияси техник воситалари тўхталишлари давомийлиги, ҳар бир 1000 та абонент нуқта-минут учун	1
4.2.	Кабель эшиттириш тармоғидаги техник воситаларнинг корхона айби билан бўлган тўхталишлари давомийлиги, ҳар бир 500 та абонент нуқта-минут учун	0,1
5. Телевидение		
5.1.	Қуйидаги қувватлардаги телевизион узатгичларнинг корхона айби билан тўхталишлари давомийлиги, ҳар бир минут учун:	
	1 Вт дан 100 Вт гача;	0,05
	100 Вт дан ортиқ;	0,5
	шу жумладан норматив муддатлардан ортиқ.	1
5.2.	Қуйидаги қувватлардаги телевизион узатгичларнинг корхона айби билан белгиланган техник нормалардан оғишлари давомийлиги, ҳар бир минут учун:	
	1 Вт дан 100 Вт гача;	0,025
	100 Вт дан ортиқ;	0,25
	шу жумладан норматив муддатлардан ортиқ.	0,5
5.3.	Корхона айби билан рақамли пакетдаги	0,05

	телеканал ишлашидаги тўхталишлар давомийлиги (тарқатиш ёки телерадиоэшиттириш субъекти), ҳар бир минут учун	
5.4.	Корхона айби билан рақамли пакетдаги телеканалнинг белгиланган техник нормалардан оғишлари давомийлиги (тарқатиш ёки телерадиоэшиттириш субъекти), ҳар бир минут учун	0,01
6. Йўлдош алоқаси		
6.1.	Йўлдош алоқасининг қабул қилувчи ва қабул қилувчи-узатувчи ер усти станциялари ишидаги узилишлар, ҳар бир минут учун:	
	а) телевизион узатувчи ер усти станцияси;	1
	б) телевизион қабул қилувчи ер усти станцияси;	0,01
	в) телефон алоқанинг қабул қилувчи-узатувчи ер усти станцияси.	0,1
6.2.	Йўлдош алоқасининг қабул қилувчи-узатувчи ер усти станциялари ишида белгиланган техник нормалардан оғишлар, ҳар бир минут учун:	
	а) телевизион узатувчи ер усти станцияси;	0,5
	б) телевизион қабул қилувчи ер усти станцияси;	0,005
	в) телефон алоқанинг қабул қилувчи-узатувчи ер усти станцияси.	0,05
7. Радиоэшиттириш		
7.1.	Қуйидаги қувватлардаги радиоэшиттириш узатгичлари ишида корхона айби билан тўхталишлар давомийлиги, ҳар бир минут учун:	
	1 Вт дан 100 Вт гача;	0,05
	100 Вт дан ортиқ;	0,5
	шу жумладан норматив муддатлардан ортиқ.	1
7.2.	Қуйидаги қувватлардаги радиоэшиттириш узатгичлари ишида белгиланган техник нормалардан корхона айби билан бўлган оғишлар давомийлиги, ҳар бир минут учун:	
	1 Вт дан 100 Вт гача;	0,025
	100 Вт дан ортиқ;	0,25
	шу жумладан норматив муддатлардан ортиқ.	0,5

8. Радиоалоқа ва мобил алоқа тармоқлари

8.1.	Мобил алоқа тармоқларида қабул қилувчи-узатувчи радио модулларнинг ишида корхона айби билан бўлган тўхталишлар давомийлиги, чорак давомида, 1000 соат ишлаши учун минутларда	0,05
8.2.	Тармоқнинг алоҳида участкаларида ускуна шикастланишларининг нормативдан ортиқ вақтда бартараф этилиши, ҳар бир минут учун	0,1
8.3.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ўрнатилган уланишнинг абонент ташаббуси билан бўлмаган узилиш билан тугалланган чақирувлар улуши (Call drop rate), чорак давомида, ўрнатилган уланишнинг абонент ташаббуси билан бўлмаган узилиш билан тугалланган ҳар бир 100 та чақирув учун, нормативдан ортиқ вақтда	0,1
8.4.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича умумий чақирувлар сонидан муваффақиятсиз чақирувлар улуши (Call unsuccessful rate), чорак давомида, ҳар бир 100 та муваффақиятсиз чақирув учун, нормативдан ортиқ вақтда	0,5
8.5.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича маълумотларни пакетли узатиш хизматидан фойдалана олиш коэффиценти, чорак давомида, ҳар бир нормативдан ортиқ ҳолат учун	0,5
8.6.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича уланишни ўрнатиш вақтида нормативларга жавоб бермайдиган чақирувлар улуши, чорак давомида, ҳар бир нормативдан ортиқ ҳолат учун	0,1
8.7.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича пакетларни коммутациялаш орқали маълумотларни узатишда ўрнатилган уланиш вақтининг коэффиценти, чорак давомида, ҳар бир нормативдан ортиқ ҳолат учун	0,1

8.8.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича маълумотлар узатиш хизматининг узилиш коэффиценти, чорак давомида, ҳар бир нормативдан ортиқ ҳолат учун	0,1
8.9.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича нутқни узатиш сифати нормативларига жавоб бермайдиган чақирувлар улуши, чорак давомида, ҳар бир нормативдан ортиқ ҳолат учун	1,0
8.10.	Мобил алоқа тармоғи учун маълумотлар узатиш тезлигининг ўртача қийматига риоя қилмаслик, чорак давомида, ҳар бир нормативдан ортиқ ҳолат учун	0,1
9. Даврий босма нашрлар		
9.1.	Истеъмолчиларга обуна даврий босма нашрларни етказиб бериш муддатларининг корхона айби билан бузилиши, ҳар бир нусха учун	0,05
10. Маълумотлар узатиш тармоқлари		
10.1.	Белгиланган маълумотлар узатиш тезлигига мувофиқ хизматлар кўрсатиш сифатининг корхона айби билан бузилиши аниқланган ҳолатлар сони, ҳар бир ҳолат учун	0,5
10.2.	Оператор ва провайдерга боғлиқ бўлган сабабларга кўра маълумотлар узатиш ускунасининг нормативдан ортиқ тўхталиши давомийлиги, чорак давомида, ҳар бир минут учун	0,1
10.3.	Корхона айби билан маълумотлар узатиш тармоғига нормативдан ортиқ муддатларда фойдаланишни тиклаш вақти, ҳар бир тўлиқ соат учун	0,01
11. Халқаро коммутация марказларини четлаб ўтиб, халқаро овозли трафикни рухсатсиз ўтказиш		
11.1.	Қонунга хилоф равишда халқаро сўзлашувларни амалга оширишда фойдаланилган ҳар бир аниқланган абонент рақами учун	70

12. Телекоммуникация тармоқларини техник эксплуатация қилиш		
12.1.	Авария, узилишлар, тўхталишларга олиб келган телекоммуникация тармоқлари ва линия-кабель иншоотларини техник эксплуатация қилиш қоидаларининг бузилиши, ҳар бир ҳолат учун	1
13. Телекоммуникация операторлари ва провайдерлари томонидан кўрсатилувчи ахборот-маълумот хизматлари		
13.1.	Телефон орқали техник қўллаб-қувватлаш хизматидан фойдаланиш коэффициенти пасайиши, чоракда, ўрнатилган нормативнинг ҳар бир бузилиш ҳолати учун	0,01
13.2.	Ахборот-маълумот хизматлари операторининг белгиланган нормадаги вақтдан ортиқ жавоб бериш вақти, ҳар бир ҳолат учун	0,01
14. Статистика ҳисоботи		
14.1.	Белгиланган тартибда идоравий статистика ҳисоботларини тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки ишончли бўлмаган маълумотларни тақдим этиш, ҳар бир ҳолат учун	10

52. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 1 майдаги 318-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисидаги низом; Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция тўғрисидаги низом; Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекциянинг ҳамда ҳудудий инспекцияларнинг тузилмалари тасдиқланди. Вазирликнинг вазифалари куйидагилар этиб белгиланди: ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ва ахборот-

коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш; тармоқлар, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларини жорий этиш, шахсий ва биометрик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича технологияларнинг қўлланишини тартибга солишда иштирок этиш соҳасида: Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлигини таъминлаш, электрон рақамли имзодан фойдаланиш, ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича техник инфратузилмани янада ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; телекоммуникация ва почта алоқаси, телерадиоэшиттириш тармоқлари, ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари, шу жумладан “Электрон ҳукумат” тизимининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, замонавий талаблардан келиб чиқиб, ахборот хавфсизлиги таҳдидларидан ҳимоя қилиш самарали воситалари ва методларини жорий қилиш, тезкор-қидирув чора-тадбирлари тизимларини жорий қилиш, шунингдек, улардан давлат, Ўзбекистон Республикаси мудофааси ва миллий хавфсизлиги манфаатларида ва фавқулодда вазиятлар шароитларида устувор фойдаланиш; Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизлигини, телекоммуникациялар ва почта алоқаси, ахборотлаштириш соҳасидаги ўта муҳим ва тоифалаштирилган объектларнинг узлуксиз ва хавфсиз ишлашини таъминлаш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг техник кучлари ва воситаларидан фойдаланиб, табиий фалокатлар оқибатларини тугатиш бўйича давлат дастурини, чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситаларини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, амалга ошириш, таъмирлаш, жорий қилиш ва фойдаланиш ишларида иштирок этиш; Ўзбекистон Республикаси ахборот маконидаги рухсатсиз киришга уринишлар ва компьютер вирус ҳужумлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш ва жавоб қайтариш методлари ва воситаларидан фойдаланиб, бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғининг миллий сегментидаги веб-сайтларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизмини амалга ошириш; телекоммуникациялар, электрон ҳукумат, почта алоқаси, ахборотлаштириш ва радиочастоталар спектри соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг мониторингини ўтказиш, уларни аниқлаш ва тўхтатиш қисмида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро

ишлаш; ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлиги таҳдидларини аниқлаш ва уларга қарши курашиш, ахборот-коммуникация технологияларидан жиноий, разведка ва террористик мақсадларда фойдаланиш билан курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш ва жорий қилиш йўли билан ушбу мақсадларда фойдаланиш ҳолатларини тўхтатиш; ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таҳдидлари тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, керакли ахборотни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдим этиш; ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, лойиҳа, қидирув ва технологик ишланмаларни ташкил қилиш ва ўтказиш; телекоммуникация тармоқларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича операторлар ва провайдерларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш; электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида белгиланган тартибда давлат томонидан тартибга солишни амалга ошириш; электрон рақамли имзо очиқ калитларининг инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида стратегик устуворликларни шакллантириш ва амалга ошириш; давлат органлари учун махсус дастурий маҳсулотларнинг мажбурий экспертизаси ўтказилишини ташкил қилиш; давлат органлари учун Миллий ахборот тизими доирасида янгидан ишлаб чиқиладиган ёки харид қилинадиган махсус дастурий маҳсулотларнинг мажбурий дастлабки экспертизасини ўтказиш; қимматли қўғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан биргаликда электрон ёзувларнинг ҳисобга олиш регистрларида сақланишини таъминлаш. телекоммуникация, почта алоқаси, телерадиоэшиттириш тармоқлари, ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг самарали воситалари ва усулларини жорий қилиш, тезкор-қидирув чора-тадбирлар тизимларини жорий қилиш, шунингдек, улардан Ўзбекистон Республикасининг давлат, мудофаа ва миллий хавфсизлик манфаатларида ҳамда фавқулодда вазиятлар шароитларида устувор тарзда фойдаланиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш; телекоммуникациялар, телерадиоэшиттириш, радиочастоталар спектридан фойдаланиш, почта алоқаси, ахборотлаштириш, электрон ҳукумат, электрон рақамли имзодан ва радиочастоталар спектридан фойдаланиш, ахборот хавфсизлиги, телерадиоэшиттириш соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи, барча

вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш; ахборот технологиялари ва коммуникациялари, ахборотлаштириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш, электрон рақамли имзодан ва радиочастоталар спектридан фойдаланиш, телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш; электрон ҳукумат, ахборотлаштириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасига инвестициялар жалб қилинишини таъминлаш. Вазирлик ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги давлат бошқарув органи ҳисобланишлиги белгилаб қўйилди. Инспекция вазифалари қуйидагилар: хўжалик юритувчи субъектлар томонидан, телекоммуникациялар, почта алоқаси, телерадиоэшиттириш, ахборот тизимлари тармоқларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ишларининг бажарилиши юзасидан ўз ваколати доирасида назоратни ташкил этиш; алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, ахборот хавфсизлиги ҳамда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги йўналишлар бўйича тегишли таълим муассасаларида, шунингдек, республика ваколатли органларининг ихтисослашган ўқув юртларида Инспекция ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, деб белгилаб қўйилди.

53. Вазирлар Маҳкамасининг “Бутунжаҳон Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарорига асосан, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12¹-моддасига мувофиқ веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайтлардан ва (ёки) саҳифаларидан фойдаланиш махсус ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан қуйидаги ҳолларда чекланиши мумкин: Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш; уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш; давлат сирини бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш; миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи, шунингдек, фуқароларнинг шаъни ва

кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашшига йўл қўювчи ахборотни тарқатиш; гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш; порнографияни тарғиб қилиш; қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этиш. Инспекция алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш ва муаллифлик ҳуқуқлари соҳасида фонограммалар, аудиовизуал асарлар, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар тарқатилишида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органи ҳисобланишлиги белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифаларидан фойдаланишни чеклаш тартиби тўғрисидаги низом ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифаларидан фойдаланишни чеклаш схемаси тасдиқланган. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи Реестрини шакллантирувчи ва юритувчи ваколатли орган этиб белгиланган. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотга (кейинги ўринларда тақиқланган ахборот деб аталади) эга бутунжаҳон Интернет тармоғи веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифаларидан (кейинги ўринларда Интернет тармоғи ахборот ресурслари деб аталади) фойдаланишни чеклаш тартибини белгилайди ва Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш мумкин бўлган барча Интернет тармоғи ахборот ресурсларига татбиқ этилади. Тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи ахборот ресурсларини аниқлаш мақсадида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда Интернет тармоғи ресурсларининг мониторинги юритилади.

54. Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларнинг ҳудудий манзилли рўйхатларини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни

тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 12 октябрдаги 821-сон қарорига асосан, Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларнинг ҳудудий манзилли рўйхатларини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган. Ушбу Низом белгиланган тартибда тасдиқланадиган устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатлари доирасида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳудудларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган лойиҳаларни шакллантириш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

55. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 октябрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган Интеграциялашган тариф” интерактив хизматининг ахборотини ўз вақтида янгилаб бориш ва унинг узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича технологик йўриқномага асосан, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси “Интеграциялашган тариф” интерактив хизматининг узлуксиз ишлашини ва ахборот хавфсизлигини таъминлайди.

56. Вазирлар Маҳкамасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 22 октябрдаги 848-сон қарорига асосан, Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифларини аниқлаш мезонлари ҳамда уни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида низом; Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи томонидан экспертларни аккредитация қилиш тартиби тўғрисида низом; Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга доир маъмурий ва ташкилий чора-тадбирлар, дастурий-аппарат ва техника воситаларига доир талабларни белгилаш тўғрисида низом тасдиқланди. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш ва ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини аниқлаш бўйича махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланди.

57. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 848-сон қарори билан тасдиқланган “Ахборот маҳсулотининг ёшга

оид таснифларини аниқлаш мезонлари ҳамда уни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан, болаларнинг ахборот хавфсизлиги — болаларнинг жисмоний, рухий, маънавий ҳамда ахлоқий ривожланишига ахборот орқали зарар етказилиш хавфидан холи, ҳимояланганлик ҳолати; **болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот** — болалар ўртасида тарқатилиши Қонунга мувофиқ равишда тақиқланган ёки чекланган ахборот маҳсулоти; порнография хусусиятига эга бўлган ахборот — бадиий қимматга эга бўлмаган ва илмий, тиббий ёки ўқув мақсадлари учун мўлжалланмаган, одам жинсий аъзоларининг ёхуд одам томонидан ҳақиқатда, хусусан, ғайритабиий усулда содир этилаётган ёки шунга ўхшатишган жинсий алоқанинг тавсифини ёхуд фото, видео ёки бошқа тасвирини ўз ичига олган материаллар ва буюмлар. Мазкур низом ахборот маҳсулотини ёшга оид таснифлаш мезонлари ва уни амалга ошириш тартиби, ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифалари, болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот таснифи, ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини белгилаш, Ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгисини жойлаштириш (маркалаш), ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш тартиби, ёшга оид таснифнинг ва ахборот маҳсулоти экспертизасининг ҳуқуқий оқибатлари белгилаб қўйилди.

58. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 848-сон қарори билан тасдиқланган “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи томонидан экспертларни аккредитация қилиш тартиби тўғрисида”ги низом болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи томонидан экспертларни аккредитация қилишнинг ягона тартибини, шунингдек, болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот маҳсулотларини ёшга оид таснифлаш учун жалб этиладиган экспертлар Реестрини юритиш қоидаларини белгилайди.

59. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 848-сон қарори билан тасдиқланган “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга доир маъмурий ва ташкилий чора-тадбирлар, дастурий-аппарат ва техника воситаларига доир талабларни белгилаш тўғрисида”ги низом “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ болалар ўртасида тарқатилиши

тақиқланган ёки болаларнинг ёшга оид тоифалари бўйича таснифланган ахборотни ўз ичига олган ахборот маҳсулотининг айланишида маъмурий ва ташкилий чора-тадбирлар, дастурий-аппарат ва техника воситаларига доир талабларни ўрнатиш тартибини белгилайди. Маркаланмаган ахборот маҳсулоти — ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифа белгиси бўлмаган ахборот маҳсулоти.

60. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 3 февралдаги 82-сон қарорига асосан, Телекоммуникациялар, IT-технологиялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари котибияти тузилмаси тасдиқланди.

61. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларининг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, уларнинг тўлиқ қамраб олиниш механизмларини солиқ маъмуриятчилиги жараёнига маълумотларни тўлиқ йиғиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш орқали такомиллаштириш соҳасида: ахборот хавфсизлиги таъминланишини ҳисобга олган ҳолда, барча солиқ тўловчилар ва солиқ тушумлари бўйича солиқ органларининг ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурс базасини яратади; солиқ ахборотларини қабул қилиб олиш, қайта ишлаш, узатиш ва сақлаш жараёнларини автоматлаштириш чораларини кўради; давлат солиқ хизмати органларида, ахборот хавфсизлигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, ягона ахборот, дастурий-техник ва телекоммуникация тизими жорий этилишини ташкил қилади.

62. Вазирлар Маҳкамасининг “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 15 июлдаги 589-сон қарорига асосан, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган. Ушбу Низом Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш, юридик шахсларни резидент сифатида рўйхатдан

ўтказиш, шунингдек, истиқболли стартап-лойиҳаларни танлаб олиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

63. Вазирлар Маҳкамасининг “Инвестиция лойиҳаларини назорат ва мониторинг қилиш соҳасида ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 22 июлдаги 616-сон қарорига асосан, “Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш” автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш регламенти тасдиқланган.

64. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 сентябрдаги 778-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида”ги низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил телефонлар ҳамда мобил алоқа модулига эга қурилмаларни (кейин ўринларда мобил қурилмалар деб аталади) рўйхатга олиш тартибини белгилайди. Тизимнинг узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш Тизим оператори — мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олувчи, Тизимнинг мунтазам ишлашини ва такомиллаштирилишини таъминловчи юридик шахснинг мажбурияти ҳисобланади.

65. Вазирлар Маҳкамасининг “Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 21 октябрдаги 888-сон қарорига асосан, 2019-2021 йилларда Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни янада ривожлантириш бўйича комплекс дастур тасдиқланди.

66. Вазирлар Маҳкамасининг “Андижон вилоятида аҳоли, шу жумладан ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 ноябрдаги 921-сон қарорига асосан, Андижон вилояти туман (шаҳар)ларида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекциясининг таркибий бўлинмаси шаклида рақамли технологиялар ўқув марказларини (кейинги ўринларда марказлар деб аталади) ташкил қилиш; Андижон вилояти умумтаълим мактабларида компьютер технологиялари,

компьютер ўйинлари ва киберспорт бўйича тўғаракларни (кейинги ўринларда тўғараклар деб аталади) белгиланган тартибда ташкил этиш тўғрисидаги таклифлар маъқулланди.

67. Вазирлар Маҳкамасининг “ZiyoNET” тармоғи ахборот ресурсларининг ягона реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 28 ноябрдаги 955-сон қарорига асосан, “ZiyoNET” тармоғи ахборот ресурсларининг ягона реестри тўғрисида”ги низом тасдиқланган. Мазкур Низом “ZiyoNET” тармоғи ахборот ресурсларининг ягона реестрини (кейинги ўринларда Ягона реестр деб аталади) шакллантириш ва юритиш, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар таълими муассасалари (касб-хунар мактаблари, касб-хунар коллежлари, техникумлар), олий таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, ахборот-кутубхона муассасалари, музейлар ва бошқа таълим, илмий ҳамда маданий-маърифий ташкилотларнинг (кейинги ўринларда фойдаланувчилар деб аталади) ундан фойдаланиш тартибини белгилайди.

68. Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” 2020 йил 24 июндаги 407-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув” лойиҳасини (кейинги ўринларда — лойиҳа) босқичма-босқич амалиётга жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўзғатиш, кўриб чиқиш ва баённома тузишга ваколатли органлар, судлар ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, шунингдек, бошқа ташкилотларнинг электрон ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграциялаштириш; маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш юритишда фойдаланиладиган процессуал ҳужжатларнинг ягона электрон базасини шакллантириш; маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни юритишда ортиқча босқичларни бекор қилиш ва муддатларни қисқартириш орқали иш юритиш тартибини соддалаштириш; автоматлаштирилган дактилоскопик таққослаш тизими, шахсни идентификация қилишнинг автоматлаштирилган тизими ҳамда Биометрик паспорт тизимини модернизация қилиш.

Планшет ёрдамида баённомаларни расмийлаштириш ушбу қурилмалар билан таъминланган органлар (мансабдор шахслар) томонидан ва соддалаштирилган тартибда ишни ҳал қилиш эса барча ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

69. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги айрим ташкилотларнинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 25 июндаги 409-сон қарорига асосан, Марказларнинг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда: а) “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг функциялари этиб қуйидагилар белгиланган: электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини амалга оширишда ягона технологик ёндашувни таъминлаш, шу жумладан лойиҳавий-техник ҳужжатларни комплекс экспертизадан ўтказиш; ахборот технологияларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва электрон давлат хизматларини жорий этишни таҳлил қилиш орқали давлат органлари ва ташкилотларида рақамли ривожланишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш; рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича давлат органлари ва ташкилотларга услубий-амалий ёрдам кўрсатиш; давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомининг идоралараро ягона электрон тизимини, идоралараро ахборот тизимларини, манбалар ва бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этиш; электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт соҳасидаги лойиҳаларни самарали амалга ошириш учун норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш; электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш босқичларини мувофиқлаштириш, шунингдек давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида ахборот технологияларининг жорий этилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш; электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт соҳасидаги лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича мақсадли индикаторлар ва самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш; электрон ҳукумат инфратузилмасини янада ривожлантиришни таъминлаш, шу жумладан Ягона интерактив давлат хизматлари портали, давлат хизматлари ва бошқа электрон ҳукумат ахборот тизимлари хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божи ва йиғимлар миқдорини ҳисобга олишнинг ягона биллинг тизимини ривожлантириш; б) “Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази” давлат муассасасининг функциялари этиб қуйидагилар

белгиланган: ҳар томонлама таҳлилий ва амалий тадқиқотлар асосида рақамлаштириш жараёнларининг ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт тармоқларига таъсирини баҳолаш ҳамда келгусида мамлакат иқтисодиётининг рақамли трансформациясини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; давлат органлари ва иқтисодиёт тармоқлари фаолиятида рақамли иқтисодиётни кенг жорий этишда юзага келадиган муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечимлари бўйича ҳар томонлама асосланган таклифлар тайёрлаш; экспертлар ҳамжамияти билан биргаликда давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятига рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳаларидаги янги йўналиш ва замонавий технологияларни чуқур ўрганиш орқали кенг жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматнинг ривожланганлик даражаси бўйича етакчи мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда уларни давлат органлари, ташкилотлар ва иқтисодиёт тармоқларига татбиқ этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш; “ақлли” ва бошқа истиқболли технологияларни, шунингдек иқтисодиётнинг турли соҳаларида катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш технологияларини жорий қилишнинг концептуал ва услубий асосларини шакллантириш; рақамли технологияларни жорий этишнинг устувор йўналишлари бўйича илмий-техник ва тадқиқот фаолиятини амалга оширишга асосланган электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш.

Идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасида телеграф алоқаси хизмати кўрсатиш қоидалари (08.04.1996 й., №233) Ўзбекистон Республикасида телеграф алоқаси хизмати кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. “Телекоммуникация тармоқларини умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоқларига улаш тартиби тўғрисида”ги низом (12.12.1997 й. № 377) Телекоммуникация тармоқларини умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоқларига улаш тартибини белгилайди.

3. “Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоқлари операторларининг ўзаро ташкилий-техникавий ҳамкорлиги тартиби тўғрисида”ги вақтинчалик низом (15.12.1997 й. № 378) умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоқлари операторларининг ўзаро ташкилий-техникавий ҳамкорлиги тартибини белгилайди.

4. Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғи операторлари ўртасида биргаликда кўрсатилган хизматлар ва тармоқ ресурслари учун ўзаро ҳисоб-китоб юритишнинг асосий қоидалари (04.01.2000 й. № 863-сон) умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғи операторлари ўртасида биргаликда кўрсатилган хизматлар ва тармоқ ресурслари учун ўзаро ҳисоб-китоб юритиш тартибини белгилайди.

5. “Телекоммуникация хизматлари тарифларини шакллантириш ва тартибга солиш тартиби тўғрисида”ги низом (18.08.2000 й. № 959) Телекоммуникация хизматлари тарифларини шакллантириш ва тартибга солиш тартибини белгилайди.

6. “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида”ги йўриқнома (09.07.2001 й. № 1047) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тартибини белгилайди.

7. “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига оид норматив ҳужжатни амалга киритиш тўғрисида”ги низом (28.01.2003 й. № 1211-сон) фавқулодда вазиятлар ҳавфи ёки уларнинг юзага келишида аҳолига хабарлаш сигналларини узатиш тартибини,

шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фавқулодда вазиятларда, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) идоралари, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Телерадиокомпания, эшиттириш тизимларининг объектларига хизмат кўрсатувчи телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг, мулкчилик шаклидан ва идоравий тегишлилигидан қатъи назар, ўзаро муносабатлари тартибини белгилайди.

8. Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари (15.03.2004 й. № 1323-сон) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида телекоммуникация операторлари, телекоммуникация хизматлари провайдерлари ва телекоммуникация алоқаси хизматларидан фойдаланувчилар ўртасидаги телефон алоқа хизматларини кўрсатиш муносабатларини тартибга солади.

9. “Жамоат фойдаланиш жойларида интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тартиби тўғрисида”ги низом (30.07.2004 й. № 1393-сон) жамоат фойдаланиш жойларида интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тартибини белгилайди.

10. “Ўзбекистон Республикасининг берилган радиочастоталарини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги низом (06.08.2004 й. № 1397-сон) Ўзбекистон Республикасининг берилган радиочастоталарини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тартибини белгилайди.

11. “Алоқа соҳасида ахборот-маълумот хизматларини кўрсатиш тўғрисида”ги низом (23.09.2004 й. № 1412-сон) алоқа соҳасида ахборот-маълумот хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.

12. “Радиочастота спектри мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низом (23.09.2004 й. № 1413-сон) радиочастота спектри мониторингини амалга ошириш тартибини белгилайди.

13. “Маълумотларни узатиш тармоқларида интернет-провайдерларнинг тармоқлараро ўзаро ҳамкорлигини тартибга солиш тартиби тўғрисида”ги Низом (18.11.2004 й. № 1423-сон) маълумотларни узатиш тармоқларида интернет-провайдерларнинг тармоқлараро ўзаро ҳамкорлигини тартибга солади.

14. “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги низом (07.12.2005 й. № 1531) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситаларидан фойдаланишни тартибга солади.

15. “Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низом (14.02.2006 й. № 1545-сон) Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

16. “Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги низом (13.03.2006 й. № 1552) Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

17. “Берилган радиочастоталар тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва сақлаш тартиби тўғрисида”ги низом (03.04.2006 й. № 1557-сон) берилган радиочастоталар тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва сақлаш тартибини белгилайди.

18. “Ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом (04.04.2006 й. 1558-сон) ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилайди.

19. “Давлат органлари ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом (21.12.2006 й. № 1646-сон) давлат органлари ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилайди.

20. Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қоидалари (13.02.2008 й. № 1767) умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилади.

21. “Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (бериш),

лойихалаш, куриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида”ги низом (23.12.2005 й. 1532-сон) Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (бериш), лойихалаш, куриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини белгилайди.

22. Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2007 йил 4 июлдаги 2007-44, 17-8/1985-сон қарори билан тасдиқланган Молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини электрон шаклда тақдим этишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари учун йўриқнома (13.08.2007 й. 1702-сон) молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини электрон шаклда алоқанинг телекоммуникация каналлари ёрдамида тақдим этилганда ахборот хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш тартибини белгилайди.

23. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2007 йил 18 ноябрдаги 176-сон буйруғи билан тасдиқланган “Юқори частотали қурилмаларнинг рухсат берувчи ҳужжатларини расмийлаштириш, қурилмаларни рўйхатга олиш ва уларнинг техник параметрларини ўлчашни ўтказиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома (26.12.2007 й. 1751-сон) юқори частотали қурилмалар (кейинги ўринларда ЮЧҚ деб юритилади) учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш, уларни рўйхатга олиш, ўрнатиш ҳамда ишлатиш жараёнида уларнинг техник параметрларини ўлчаш бўйича ишларни бажариш тартибини белгилайди.

24. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2009 йил 4 январдаги 2-сон буйруғи билан тасдиқланган Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш қоидалари (06.02.2009 й. № 1900) мобиль алоқа хизматларидан фойдаланиш ҳамда уни кўрсатиш тартиби ва шартларини, мобиль алоқа тармоқлари операторлари ва абонентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек уларнинг жавобгарлигини белгилайди.

25. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2010 йил 3 августдаги 290-сон буйруғи билан тасдиқланган Таксофон орқали телефон алоқа хизматларини кўрсатиш қоидалари (06.09.2010 й. № 2140) таксофонлардан телефон алоқаси хизматларини тақдим этиш ва улардан фойдаланишнинг тартиб ва шартларини белгилайди.

26. Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари (18.04.2011 й. № 2219) почта алоқаси хизматларини кўрсатувчи почта алоқаси операторлари, провайдерлари ва ушбу хизматлардан фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади ва почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тартибини, почта алоқаси операторлари, провайдерлари ҳамда фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

27. “Ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказувчи органлар фаолияти устидан ва аттестациядан ўтказилган ахборотлаштириш объектларида ахборот хавфсизлиги талаблари бажарилишининг назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низом (21.05.2014 й. № 2588) ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказувчи органлар фаолияти устидан, шунингдек аттестациядан ўтказилган ахборотлаштириш объектларида ахборот хавфсизлиги талаблари бажарилишининг назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди.

28. “Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом (08.05.2018 й. № 3007) давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

29. “Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисида”ги низом (21.05.2018 й. № 3015) Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ махсус ахборот портали операторига нисбатан умумий талабларни ва махсус ахборот

порталида давлат харидларини ташкил этиш бўйича унинг фаолияти тартибини белгилайди.

30. Маълумотлар узатиш тармоғи, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш қоидалари (10.07.2018 й. № 3038) маълумотлар узатиш тармоғи, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш қоидаларини белгилайди. Мазкур қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

GSM-шлюз — мобил алоқа тармоқлари ва телекоммуникацияларнинг бошқа тармоқлари ўртасида трафикни ўтказиш учун мўлжалланган аппарат-дастурий восита;

IP-шлюз — IP тармоқлар ва телекоммуникацияларнинг бошқа тармоқлари ўртасида трафикни ўтказиш учун мўлжалланган аппарат-дастурий восита;

IP-адрес — TCP/IP технологиялари билан бошқариладиган маълумотлар узатиш тармоғида компьютерлар ёки узелларни идентификациялайдиган ноёб адрес;

IP-телевидение (IPTV) — телевидение, видео, аудио, матн, графика ва шу каби, бошқа маълумотлар, IP протоколи асосидаги тармоқлар таъминладиган, сифат, хавфсизлик, интерактивлик ва ишончлилигининг талаб қилинадиган даражасини таъминлаш мақсадида бошқариладиган мультимедиа хизматлари;

IP-телефония — IP технологияси асосида пакетлар коммутацияладиган маълумотлар узатиш тармоқлари орқали нутқли ахборот, жумладан маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро алоқани айирбошлаш хизмати;

SMS-шлюз — мобил телефондан фойдаланмасдан SMS хабарлар жўнатиш ва олиш имконини берадиган аппарат-дастурий восита;

Wi-Fi хизмати ташкилотчиси — маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан фойдаланиш учун Wi-Fi технологияси бўйича ўзларининг четки ускуналаридан, мижозлар ёки ташриф буюрувчилар ҳисобладиган тор доирадаги фойдаланувчиларга ускунадан фойдаланишни тақдим этадиган маълумотлар узатиш тармоғи оператори ёки маълумотлар узатиш тармоғи хизматлари провайдери ёхуд абонент — юридик шахс;

Wi-Fi хизматлари — маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан фойдаланиш учун Wi-Fi технологияси бўйича четки

ускуналарга фойдаланувчиларнинг чекланган доирасига ускунадан фойдаланишни тақдим этиш;

абонент — маълумотлар узатиш тармоғи оператори ёки маълумотлар узатиш тармоғи хизматлари провайдери билан шартнома тузган, маълумотлар узатиш тармоғи хизматларининг истеъмолчиси ҳисобланган юридик ёки жисмоний шахс;

аутентификация — маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан фойдаланувчи томонидан кўрсатилган идентификациялаш маълумотларининг ҳақиқийлигини аниқлаш;

домен номи — ахборот ресурсига ёки ахборот тизимига берилган, уларни Интернет тармоғида идентификациялаш учун хизмат қиладиган ноёб ном;

домен номлари тизими — Интернет тармоғида домен номларини бериш, рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби;

идентификациялаш — мавжуд маълумотлар асосида маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан фойдаланувчи шахсини аниқлаш;

Интернет тармоғи — ягона адрес ва номлар маконидан фойдаланиладиган, шлюзлар ёрдамида бирлаштирилган, ягона TCP/IP протоколига мувофиқ ишлайдиган кўплаб тармоқлардан иборат глобал халқаро тармоқ (бошқариладиган тармоқлар бирлашмаси);

Интернетдан жамоат бўлиб фойдаланиш пункти — фойдаланувчиларга Интернетдан фойдаланиш юзасидан ҳақ эвазига ёки бепул хизматлар кўрсатиш жойи;

маълумотлар узатиш — маълумотларни (рақамли шаклда тақдим этилган, электрон воситалар билан қайта ишлаш учун яроқли бўлган, нутқни, матн, факсимил хабарлар, динамик тасвирларни (видеони) ва бошқаларни ўз ичига оладиган ахборотларни) иккилик сигналлар кўринишида, кейинчалик ҳисоблаш техникаси воситалари билан қайта ишлаш учун, телекоммуникациялар воситалари орқали бир пунктдан бошқа бир пунктга кўчириш;

маълумотлар узатиш тармоғи — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона хизмат кўрсатиш, тақдим этиш ва тўлов принциплари асосида барча жисмоний ва юридик шахсларга маълумотлар узатиш хизматларини кўрсатиш учун мўлжалланган телекоммуникациялар тармоғи;

маълумотлар узатиш тармоғи оператори — мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида маълумотлар узатиш тармоғига эга бўлган, унинг ишлашини, ривожланишини таъминловчи ва маълумотлар узатиш тармоғи хизматлари кўрсатувчи юридик шахс;

маълумотлар узатиш тармоғи хизматлари — оператор ва провайдернинг маълумотлар узатиш тармоғи орқали сигналлар ва ахборотнинг бошқа турларини қабул қилиш, узатиш ва қайта ишлаш бўйича фаолияти маҳсули;

маълумотлар узатиш тармоғи хизматлари провайдери — фойдаланувчиларга операторлар тармоғи орқали тижорат асосида маълумотлар узатиш тармоғи хизматларини кўрсатувчи юридик шахс;

маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан фойдаланувчи — маълумотлар узатиш тармоғи хизматларининг истеъмолчиси ҳисобланган юридик ёки жисмоний шахс;

хостинг хизматлари — Интернет тармоғида доимий бўладиган серверда ахборотни жойлаштириш учун техник ресурсларни тақдим этиш хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” 2002 йил 30 майдаги ПФ–3080-сон Фармонининг қисқача мазмуни

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг замонавий тизимларини жорий этишнинг биринчи гадаги энг муҳим вазифалари

Сифатли маҳаллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишни рағбатлантиришнинг самарали механизмини яратиш;

Реал иқтисодиёт тармоқларида, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларида компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг баҳраманд бўлишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

Миллий ва халқаро ахборот тармоқларига ғоят тезкорлик билан кириб боришни жорий этиш, аҳоли пунктлари, шу жумладан қишлоқ аҳоли пунктларининг уларга кириб боришینی таъминлаш;

Замонавий ишончли ва хавфсиз миллий маълумотлар ахборот базаларини яратиш, ахборот ресурслари ва хизматларининг бозорини ривожлантириш, ахборот алмашувнинг электрон шаклларида изчиллик билан босқичма-босқич ўтиш;

Мақтаблар, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртрларининг таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларини эгаллашга ҳамда уларни фаол қўлланашига асосланган илғор таълим тизимларини киритиш;

Маҳаллий компьютер техникаси ва унга бутловчи буюмлар ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишга қўмаклашиш.


Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, биринчи навбадга дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини ишлаб чиқиш, тармоқ республика, тармоқ ва маҳаллий ахборот-коммуникация тармоқларини шакллантириш, компьютер ва телекоммуникация техникасини ишлаб чиқиш соҳаларида ишлаш учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

Ахборот-коммуникация тармоқлари ва хизматлари конвергенциясини назарда тутган ҳолда мамлакатнинг барча ҳудудида ахборот-коммуникация технологияларининг техникавий инфратузилмасини, шу жумладан қўчма алоқа, IP технологиялари, бошқа замонавий телекоммуникация ва маълумот узатиш воситаларини жадал ривожлантириш;

Компьютерлаштириш
ва ахборот-
коммуникация
технологияларини
ривожлантириш
бўйича
Мувофиқлаштирувчи
Кенгаш тузилди



Компьютерлаштириш
ва ахборот-
коммуникация
технологияларини
ривожлантириш
соҳасида юқори
мувофиқлаштирувчи
орган



Мувофиқлаштирувчи Кенгаш вазифалари

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, ахборот-коммуникация технологияларининг инфратузилмасини ривожлантириш учун хоризжий инвестициялар, хомийлик маблағлари ва грантларни жалб этишга, таълим муассасаларининг ахборот тармоқларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга кўмаклашиш.


компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг замонавий халқаро тенденцияларга ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мос келувчи устувор йўналишларини белгилаш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида рақобат муҳитини шакллантиришга кўмаклашиш, инновация бизнесини, шу жумладан маҳаллий дастурий воситалар ва компьютер техникасини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини компьютерлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар ҳамда иқтисодий омилларни вужудга келтириш юзасидан Хукуматга таклифлар киритиш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида маҳакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, жумладан мутахассисларни чет элларда ўқитиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасига оид дастурлар, лойиҳалар, мевърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш;



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вазифалари

Маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон-телеграф ва почта алоқаси, мабуот тарқатиш, маълумот узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет, радиоалоқа, радио эшиттириш ва телевидение тармоқларини барпо этиш, фаолиятини йўлга қўйиш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги стратегик устувор йўналишларни рўёбга чиқариш;

Почта алоқаси тизими фаолиятини бошқариш, телекоммуникациялар ва ахборот узатиш тармоқларини ривожлантиришни давлат томонидан бошқариш, ушбу соҳаларда рақобат муҳитини вужудга келтириш, тегишли фаолият турларини лицензиялаш;

Ахборот тизимлари, телекоммуникациялар ва маълумот узатиш тармоқларини ривожлантириш ҳамда тақомиллаштиришга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яратиш;

Замонавий халқаро стандартларни жорий этиш, телекоммуникация ва ахборот технологияларига оид маҳаллий стандартларни, техник шартлар ва талабларни ишлаб чиқиб, уларни тасдиқлаш;

Ахборот ресурслари бозорини ривожлантириш, давлаг бошқаруви, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим соҳаларида, шунингдек жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ахборот алмашувининг электрон шаклларига ўтиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида” 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ–191-сон қарорининг қисқача мазмуни

Республикадаги турли тузилмалар томонидан маълумотлар узатиш тармоқларида ташкил этилаётган таълим ва ёшларга мўлжалланган ахборот ресурслари вазифалари қуйидагилар бўлган ягона «ZiyoNET» ахборот тармоғига бирлаштирилди ва тизимлаштирилди

Ёшлар учун: уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самардорлигини оширишга; ўсиб келаётган ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат туйғусини, Ўзбекистоннинг бой тарихи, халқнинг миллий анъаналари ва маънавий қадриятларини билишга асосланган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини мустаҳкамлашга; фаол ҳаётий маккага эга бўлган баркамол шахсий вояга етказишга қаратилган миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш;

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ҳар хил спорт турларини оммалаштириш;

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ёшларнинг маънавий, ақлий жиҳатдан камол топишига кўмаклашадиган ижтимоий-сийсий, ижтимоий-иқтисодий, таҳлилий, маънавий-маърифий, илмий-таълим ҳамда бошқа ахборотдан кенг кўламда фойдаланишни таъминлаш;

Республика ўқувчилари ва ёшлари учун масофавий таълим усулларини, бошқа ахборот-коммуникация хизматларининг кенг комплексини таълим тизимига жорий этишда кўмаклашиш.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-боб. Кибержиноят: тушунчаси, моҳияти, ҳуқуқий тавсифи ва унинг зарарли оқибатларини бартараф этиш усуллари.....	5
1.1-§. Кибержиноят тушунчаси ва унинг моҳияти.....	5
1.2-§. Кибержиноятларни квалификация қилишнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи ва криминологик жиҳати	18
1.3-§. Кибержиноят учун жавобгарлик масалалари: миллий, хорижий ва халқаро тажриба	30
1.4-§. Кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича ваколатли органни белгилаш бўйича долзарб муаммолар	61
1.5-§. Коррупциянинг кибержиноятчилик билан ўзаро нисбати ва мамлакатда хавфсиз кибермакон яратиш йўллари	73
1.6-§. Кибержиноятларнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий секторига нисбатан хавф-хатарини бартараф этиш усуллари	87
2-боб. Айрим кибержиноятларнинг кўринишлари ва уларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи.....	98
2.1-§. Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноятини квалификация қилиш тартиби	98
2.2-§. Ўзгалар мол-мулкани киберҳужум орқали талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилишнинг жиноий-ҳуқуқий таҳлили	119
2.3-§. Телекоммуникация ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаш жиноятини квалификация қилишнинг ҳуқуқий ечимлари.....	134
2.4-§. Кибертерроризмга қарши курашиш: миллий, хорижий ва халқаро тажриба	156
2.5-§. Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи киберхавфнинг олдини олишнинг замонавий тенденциялари	182
Хулоса	202
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	206
Илова	244

**А.У.Анорбоев
Р.Х.Хурсанов**

**КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК
ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИК БЎЙИЧА
ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ:
МИЛЛИЙ, ХОРИЖИЙ
ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА**

(Монография)

Тошкент – «Алоқачи» – 2020

Мухаррир: Қ. Матқурбонов
Тех. муҳаррир: А. Тоғаев
Мусаввир: Б. Эсанов
Мусахҳиҳа: Г. Тагаева
Компьютерда
саҳифаловчи: Б. Бердимуродов

Нашр. лиц. ii № 176, 11.06. 2010.
Босишга рухсат этилди .
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси.
Шартли босма табағи 22,75. Нашр босма табағи 22,5.
Адади 60. Буюртма № . 160

«Nihol print» ОК да чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий кўчаси, 99./101.